

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

*“Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг
янгиланиши тамойиллари” мавзуидаги
Республика илмий-назарий анжумани
материаллари*

Тошкент 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ ўЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

«Замонавий ўзбек
адабиётшунослигининг янгиланиш
тамойиллари» мавзуидаги
Республика илмий-назарий
анжумани материаллари

33829



ТОШКЕНТ
2016 йил, 27– 28 апрель

УУК 812.311(076.7)

КБК 817

A-58

Масъул мұҳаррирлар:

*Шүхрат Сирожиддинов – филология ғаллари доктори, профессор
Баҳодир Каримов – филология ғаллари доктори*

Тақризчилар:

*Нурбай Жабборов – филология ғаллари доктори, профессор
Узек Жұрақұлов – филология ғаллари номзоди*

Нашрға тайёрловчилар:

*M. Исмоилова – филология ғаллар номзоди,
С. Расурова – ўқитувчи*

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
25 йиллигига багишланади*

ЯНГИЛАНИШ ЭҲТИЁЖИ

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби адабиёт-шунослик илмида ҳам янгиланиш жараёнлари кечди. Натижада дунё адабиётшунослигида мавжуд тадқиқот методлариги, илмий-назарий қарашларни таҳлилий ўрганиши, илғор тажрибалардан танқидий фойдаланиш имконияти ошди. Жаҳоннинг йирик фан ва таълим марказлари билан ўзаро илмий-адабий алоқалар кучайди. Ўзаро ҳамкорликда халқаро илмий анжуманлар ўтказиши, олий ўқув юртларида йирик олимлар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви тобора фаоллашиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, илмга янгича тадқиқот усуллари, бадиий асар таҳлилида янгича ёндашув мезонлари кириб келишига йўл очди. Адабиётшуносликнинг барча соҳаларида дунё илм-фани билан бўйлашиши, адабий ҳодисаларга юксак умумбашарий ўлчовлар билан ёндашиш олимлардан жиддий изланишлар талаб қиласди.

Адабиётшунослик ва адабий танқидчилик бугунги адабий жараён таҳлилида сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда. Адабий жараённинг етакчи тенденцияларини, ривожланиш тамойилларини аниқлаш, шоири адибларимиз томонидан яратилган назмий, насрый, драматик асарларни баҳолаш, уларга хос энг муҳим хусусиятларни кўрсатишида адабиётшунос олимлар, мунаққидлар фаолияти эътиборга молик эканини таъкидлаш керак. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Адабиётта эътибор – маънавиятта, келажакка эътибор» асарида: «Албатта, адабиёт, ижод аҳли фаолиятига баҳо беришда, аввало, уларнинг меҳнати, маҳорати ва истеъодди меваси бўлган асарларидан баҳраманд бўладиган кенг китобхонлар оммаси, жамоатчилик фикрига суюниш энг ҳаққоний, демократик ёндашув эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз»¹ деган фикрлар бор. Шунга кўра, адабий жараённи баҳолапида кенг китобхонлар оммасининг фик-

¹ И. Каримов. Адабиётта эътибор – маънавиятта, келажакка эътибор. – Ташкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 10.

рини ўрганиш, жамоатчиликнинг мулоҳазаларини эътиборга олиш адабиётшунослик зиммасидаги муҳим вазифаларданdir.

Ёт мафкуралар босимидан қутулган, жаҳон илмий-адабий тафаккури майдонига ўзининг мустақил концепциялари билан чиқиш имкониятига эга бугунги ўзбек адабиётшунослиги олдида, бизнингча, яна қуидаги муаммолар кўндаланг турибди. Биринчидан, ўзбек мумтоз адабиёти тарихини бугунги замон талаблари асосида қайта ёзиш, нодир қўлёзма манбаларни тадқиқ қилиш, илмий изоҳлар, шарҳлар билан зиё аҳлига тақдим этиш, нодир манбалардаги дурдона фикрларни оммалаштириш. Матншунослик ва адабий манбашуносликнинг назарий асосларига доир тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти бўйича илфор тажрибаларни илмга олиб кириш.

Иккинчидан, ўтмиш адабий меросимизни тизимли равишда қайта кўриб чиқиши: манбаларни эстетик концепциялар моҳиятига кўра таснифлаш; диний, фалсафий, ижтимоий, индивидуал сатҳдаги адабий-эстетик идеалларни, аниқлаш ва умумлаштириш; адабий тур ва жанрлар, композиция ва сюжет тизими, бадиий образ, услугуб канонларини белгилаш; ўзбек мумтоз адабиётшунослиги манбаларини шарқ-ислом ва жаҳон поэтик тафаккури контекстида типологик ўрганиш; шулар асосида мумтоз адабий меросимизни тадқиқ этишининг янги тамойилларини ишлаб чиқиши.

Учинчидан, ҳозирги адабий жараёнга доир асарларни баҳолаш принципларини шакллантириш; миллый адабиётимизда замонавий поэтик тафаккурнинг намоён бўлиш қонуниятларини кўрсатиш; мальнавий, маърифий, ижтимоий тафаккурдаги анъанавийлик ва синтез муаммоларига лиққат қаратиш.

Тўртингчидан, Шарқ ва Farb тарихий поэтикаси тамойилларини уйғунлаштирувчи шаклан янги, моҳиятнан миллый назарий поэтика асосларини белгилаш; миллый адабиёт назарияси илмiga асос солиш, уни ривожлантиришнинг истиқбол режасини тузиш, бу соҳадаги илмий ишларга салоҳиятли мутахассисларни жалб этиш.

Тўртингчидан, адабиётшунослик методологиясининг миллый эстетика мезонларига хос тамойилларини белгилаш.

Бешингчидан, фольклор матншунослиги, фольклор манбалари таҳлили; фольклор асарларига хос жанр, сюжет, композиция, образ ва услугуб муаммоларини тадқиқ этиш.

Олтингчидан, таржима назариясига хос илмий мезонларни ишлаб чиқиши; адабий-илмий ва бадиий таржима амалиётини ривожлангига.

риш; Шарқ ва Farb халқлари адабиёти ва адабиётшунослиги материалларини комплекс таржима қилиш.

Албатта, муайян фан соҳасига оид долзарб муаммоларни кўтариш, муаммо атрофидаги вазифаларни белгилаш у қадар қийин иш эмас. Буни бир оз тажриба, кузатув ва солиштириш лаёқати бор ҳар қандай мутахассис уддалаши мумкин. Қийини, шу вазифаларни юксак илмий савияда амалга ошириши. Биз санаб ўтган муаммолар кўлами ва масъулияти шу қадар каттаки, уни бир мутахассис ёки маълум тадқиқотчилар гуруҳи нари турсин, бутун бошли илмий муассаса ҳам амалга ошириши мушкул. Шу нуқтаи назардан адабиётшунослигимиз олдида турган мазкур муаммолар умуммиллий, қолаверса, давлат миқёсидаги муаммолардан ҳисобланади.

Том маънода миллий, айни пайтда янги ўзбек адабиётшунослигини шакллантириш учун биринчи навбатда уч босқичли (урга, уртамхусус, олий) ўкув жараёнларига мақсадли ёндашувни йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун, аввало, мактаб босқичидан бошлаб бадиий адабиёт ва адабиёт илмига лаёқати, муҳаббати бор ўқувчиларни танлаб олиш; аниқ мугахассисликлар (тил ва адабиёт) бўйича маҳсус кучайтирилган гуруҳларда таълим бериш; таълим жараёнларига соҳанинг энг кучли мутахассисларини жалб этиш; иккинчидан, уларни «Нофис санъат» ва ЎзМУ қошидаги ижтимоий фанлар лицейларига ўхшаш маҳсус таълим мутасасаларига жалб этиш; учинчидан, керакли малакалини эгаллаган, адабиёт ишига лаёқати ва истеъоди бор ўқувчиларнинг соҳага мос олий ўкув юргларига ҳужжат топшириши ва ўқишини таъминлаш; олий таълим жараённида илмий тадқиқот олиб боришига лаёқати бор ҳар бир талабани олий тоифали фан мутахассисига бириткириш лозим. Бу жараёнларнинг ҳар бир босқичи маҳсус назорат тизими асосида йўналтириб турилса, натижа аниқ ва самарали бўлишига шубҳа йўқ.

Адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларига багишлиланган Республика илмий-назарий анжуманларининг мунтазам ўтказиб турилиши мана шу улкан илмий ва ўкув жараёнининг узвий бир қисмидир. Чунки бундай анжуманлар адабиётшуносликка хос энг муҳим масалалар хусусида бир тўхтамга келиш, адабиётшунослик илмийнинг уйғун ривожланиши учун алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилаётган «Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгиланиш тамойиллари» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани юқорида саналган илмий-назарий муаммоларни ҳал этиш йўлидаги муҳим қадам бўлишига шубҳа йўқ. Анжуман ўз ишини:

-
- ҳозирги адабий жараён;
 - ўзбек адабиёти тарихи ва назарияси;
 - адабиётшунослик методологияси ва тарихи;
 - фольклоршунослик, таржимашунослик ва адабиёт ўқитиши методикаси каби шўъба-бўлимлар буйича олиб боради.

Илмий анжуман учун тақдим этилган мақолалар адабиётшуносликдаги янгиланиш тамойилларига дикқат қаратилгани билан эътиборга молик. Ушбу анжуман иштирокчиларининг кўпчилиги ёш тадқиқотчилар экани ҳам қувонарли ҳол. Чунки адабиётшуносларнинг буунги навқирон авлоди хорижий тилларни мукаммал билади; ўз тадқиқот йўналишида миллӣй ва жаҳон тажрибасида қандай ўзгариш ва янгиликлар бўлаёттанидан етарли даражада хабардор. Уларда ўзбек адабиёти дурдоналарини, ўзбекона миллӣй тафаккур тарзи ҳосилаларини дунёга олиб чиқиш, адабий манбаларни бошқа халқлар адабиёти билан қиёсий ўрганиш имконияти ҳам, салоҳияти ҳам бор. Бу эса, ўзбек адабиётшуносларининг келажаги ишончли қўлларда эканини, унинг эрганги кунига катта ишонч билан қараш мумкинлигини кўрсатади.

*Шуҳрат Сироҷиддинов,
Ўзбекистон Миллӣй университети ректори,
филология фанлари доктори, профессор*

БИРИНЧИ БЎЛИМ ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН

АДИБЛАР ТАЛҚИНИДА АДАБИЙ ЖАРАЁН

У. Норматов, филол.ф.д., проф. (ЎзМУ)

Ҳар бир миллий адабиёт тарихини, жумладан, замонавий адабий жараённи ўрганиш, тадқиқ этиш, баҳолашда соғлом адабий танқиднинг ўрни, хизмати бекёс. Айни пайтда шу улкан, ўта масъулиятли миссияни адо этицда бевосита ижодкор адиларнинг ҳиссаси катта. Бу борада бир асрлик бой тажрибаларимиз бор. Камина адабий танқид майдонига қадам қўйганимдан бўён замондош адаб-ижодкорларнинг адабий жараёндаги ҳодисалар хусусидаги қарашларини мунтазам кузатиб келаман, уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билишга қизиқаман, айни шу кўнгил майллари ҳосиласи ӯлароқ бир туркум «ёзувчи-мунаққид баҳси» деб аталган адабий сұхбатларим майдонга келган, улар бир қатор китобларимга кирган, алоҳида тўпламлар ҳолида нашр этилган. Кейинги чорак аср давомида бу анъана адабий ҳаётда кенг тус олди. Бугина эмас, адиларимизнинг ҳозирги адабий жараённинг долзарб муаммоларига оид баҳс-мунозаралардаги иштироки анча жонланди. Хусусан, «Шарқ юлдузи» журналининг 2013–2014 йиллардаги саҳифаларида давом этган, 2015 йили «Истиқдол. Адабиёт. Танқид...» номи остида китоб ҳолида чоп этилган қизғин баҳс-мунозарада таниқли мунаққидлар қатори Назар Эшонқул, Абдуқаюм Йўлдош, Баҳром Рўзимуҳаммад, Исажон Султон, Рисолат Ҳайдарова каби ижодкорларнинг фаол иштирок этгани кувонарли ҳодисадир. Бугина эмас, янги асрнинг ўзида газета ва журналлар саҳифаларида чиққан ижод аҳли қаламига мансуб бу соҳага оид мақола, эссе-бадиа, хотира, адабий сұхбатларнинг сонсаноғига этиш қийин. Чунончи, камина «Ижодкор нигоҳида адабий жараён» сарлавҳали мақола устида ишлаш чоги биргина 2012 йилнинг ўзида адабий газета ва журналларимиз саҳифаларидағи ижодкорларимиз қаламига мансуб 30га яқин мақола устида фикр-мулоҳаза юритиб эдим. Улар жамланса, ҳар йилгиси алоҳида салмоқдор бир китоб бўлади. Бизда анъана тусини олган йил якунига багишланган адабий танқидга оид ҳисобот анжуманларида ижодкорлари-

мизнинг шу мўътабар ишлари кўп ҳолларда эътибордан четда қолаёттир. Аминманки, ҳозирги адабий-танқидий жараённи ижодкор адилар нитоҳи, талқинисиз, уларнинг ўй-мулоҳадаларисиз тўла тасаввур этиш мумкин эмас.

Яна бир қувончли ҳол. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Faфур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Сайд Аҳмад, Асқад Мухтор анъаналарини давом эттириб, адабиётимизнинг кейинги авлоди намояндалари ҳам ҳаёт ва адабий жараёнга оид кузатиш, ўй-мулоҳаза, талқинларини жамлаб алоҳида китоб ҳолида чиқаришга киришувлари тасҳинга сазовордир. Назар Эшонқулнинг «Мендан «мен»гача», Эркин Аъзамнинг «Эрталабки хаёллар» деган ноодатий номлар билан атаглан салмоқдор китоблари ҳар жиҳатдан ардоққа сазовордир. Ҳар икки китобда жамланган адабий ўйлар, портрет, эссе-бадиа, хотира, суҳбат, ҳасби ҳол тарзида битилган асарларнинг кўлами кенг, улар маҳсус таҳлил ва талқинлар учун бой озиқ беради. Мазкур мақолада ҳар икки адабининг айни шу китобларидаги бевосита мавзуга оид ҳозирги адабий жараёнга даҳлдор айрим қарашлари, ўй-мулоҳазалари устида тұхталиб ўтсам.

Назар Эшонқул – ўтган аср поёнида адабиётимизга кириб келган, илк ҳикоя, қиссалари билан янгиланаётган миллий ўзбек насрода ўз овози ила барадла ажралиб турган навқирон авлоднинг истеъдодли бир вакили. Назар миллий университетдаги талабалик йиллариданоқ адабиётимиз тарихи, фольклор анъаналарини пухта ўзлаптириш, айни пайтда замонавий жаҳон адабиёти оламини астойдил забт этиш йўлини тутган ижодкор сифатида шакллана бошлади. Назарни мен талабалик йиллари, илк ижод намуналаридан кузатаман; у эл оғзига тушган «Маймун етаклаган одам», «Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикояларидан тортиб сўнгги «Бепоён осмон»га қадар етук асарларининг барчасида миллий адабий қадриятлар билан замонавий жаҳон адабиёти тажрибаларини туташтириб, ижодида ҳар икки бадиий оламнинг ажойиб бир синтези, симфонияси уйғунлиги йўлини танлади ва бу борада муайян натижаларга эришиди.

Сир эмас, кейинги 20-30 йил давомида жаҳон модерн адабиёти тажриблари бизга шиддат билан кириб кела бошлади, бу ҳодиса теварагида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўғди. Табиийки, ҳар қандай янги жараён ҳам мусбат, ҳам ожиз томонлари ила намоён бўлади; айрим адаб, мунаққидларимиз айни ўша ожиз жиҳатларни рўкач қилиб жаҳон модернизм ҳодисаси бизга ёт деб чиқдилар, бугина эмас, модерн йўналишдаги энг машхур асарлар, айниқса, халқаро

сўровда XX асрнинг энг яхши романи деб эътироф этилган «Улисс»га нисбатан маломатлар ёғдирди. Ана шундай тифиз вазиятда миллий адабларимиз орасида Назар Эшонқул модерн адабиётнинг зуко билимдони, оташин ҳимоячиси сифатида майдонга чиқди. Жойс, Кафка, Пруст, Камю, Сартр, Кавабата, Музил, Бодлер — жами 20га яқин алломаларнинг адабий портретларини яратди. Китобдан ўрин олган эссе-мақолаларда муаллиф ҳеч қанақа баҳс-тортишувларсиз, лағдагаларсиз модерн адабиётта дахлдор қатор муаммоларнинг асл моҳиятини фоят билимдонлик, юксак маданият билан лўнда, барчага бирдек тушунарли тарзда очиб берди. Биргина мисол. Бизда чорак асрдан бўён жиддий мунозара, эътиrozларга асос бўлиб келаётган Жойс ва унинг «Улисс» романи асл моҳияти хусусидаги Назар Эшонқул талқинини эслаб кўринг-а. Эссе муаллифи фикрича, «Улисс» «Одиссей» достони билан тузилиши ва йўналишига кўра ўхшаш. Жойс XX аср Farb маънавий дунёсини тадқиқ қилиш учун атайлаб ана шу қадим қолитини танлайди. Бунда иккита ургу бор: антик одамнинг орзу-умиди ва яшаш тарзи, ҳаётдан мақсади Жойс замондошлари ҳаёти, маънавий дунёси ва орзулари билан солиширилади. Асарни ўқиганингиз сайин бунга гувоҳ бўла борасиз ва Гомер қаҳрамонлари нимани улуғлаб яшаган, бугунги дунё одамлари нимани улуғляяпти, нимага эътиқод қиляяпти, инсоният ўтган минг йилликларда нимани топди, нимани бой берди, муҳаббат, ёъгиқод, садоқат, ватанпарварлик қандай тушуниляяпти, умуман, мифлар давридан бўён инсоннинг онгу шуури ўсдими, мифлар даврида одамзодни қийнаган муаммолар XX асрда ҳал бўлдими каби саволларнинг барчасига деярли тўлиқ жавоб оласиз... Жойс романнида замондошлари шууридаги жараёнылар — онг оқимини бор ҳолича айни кинотасмадаги каби қофозга туширади, уларни баралла кўриб турамиз.

Ана сизга асарнинг асл моҳияти! Эссе муаллифи шу ўринда Набоковнинг «Мазкур асарни қалб ва ҳиссиёт билан эмас, мия билан ўқиш керак» сўзларини келтиради. Дарҳақиқат, «Улисс»ни тушуниш, у ҳақида фикр юритиши, қолаверса, ёзиш учун Набоков, Назарлар даражасига кўтарилиш даркор деб ўйлайман.

Фақат Жойс, унинг маҳобагли романи «Улисс» эмас, XX асрнинг бошка қатор улуғ модернистлари ижодий мероси, машхур асарлари асл моҳияти Назар талқинида ўзбек ўқувчиси учун тушунарли, қалбига яқин, ҳаётий бўлиб туюлади, уларнинг адабий тажрибалари айланакачон янги давр миллий адабиётимизда буй курсатадиганлигига амин бўлади. Назар мақолалари асосида Республика телевидениеси-

нинг «Маданият ва маърифат» канали орқали бериб борилаётган «Дунё адабиёти» туркум кўрсатувлари аллақачон муҳлислар эътиборини қозонди.

Фарб ва Шарқ маданияти, адабиётига хос фарқли жиҳатлар билан баробар муштарак ҳолатлар устувор эканига китоб муаллифи алоҳида ургу беради. Шўро тузуми сиёсати ҳосиласи саналмиш бизни Фарбдан ажратиб турган темир деворлар қулаганига чорак аср бўуди. Жаҳон модерн адабиётининг қатор нодир намуналари, жумладан, «Улисс» ўзбек тилига моҳирона ўтирилди. Фарбнинг, қолаверса, жаҳоннинг жамики илғор тажрибаларини ўрганиш учун кенг йўл очилди. Китоб муаллифи «Оlamлар бирлашган макон» сарлавҳали бадиасида таъкидлаганидек, бу олам яхлит башарият тафаккури атрофида айланиш палласига кириб бормоқда, **оламлар бирлашадиган макон** сари интилмоқда. Ҳар икки тур ижодкорларни ҳам инсон руҳияти ва тафаккурини янгилаш, уни юксакликка қўтариш истаги бирлаштириб туради; инсон тафаккури тинимсиз янгиланишга маҳкум. У янгиланишдан тўхтаган куни жамиятнинг барча соҳасида турғунлик, инсоннинг туб моҳияти ва илоҳий вазифасига нисбатан жиноят бошланади. Шу сабабли санъат даврлар, асрлар ҳамда ўзгараётган қарааш, тушунчалар олдига инсон муаммосини, унинг руҳияти ва тафаккурини ваҳдат ул-вужуд номидан тўхтовсиз янгилаб туриш зарурлигини кўндалант қўяди... Бадиа муаллифи қатъий қилиб дейди: «Инсон руҳияти, унинг туб қаъри кўз олдимиздаги коинотдан ҳам кенгроқдир. Шу пайтгача бу «коинот»нинг қанча қисми санъатта айланди экан? «Барча улуф шеърлар ёзиб бўлинган», – деди шоир ўқинч билан. Бироқ кўз олдимиздаги инсонга қараб беихтиёр ҳали улуф асарлар ёзиб бўлинмаган» дейсиз. Эҳтимол, бугунги санъатдаги янгиланиш айнан шу хуносадан – оламлар бирлашадиган макондан бошланса ажаб эмас...»¹

Назарнинг эссе охиридаги шу сўзларидан илҳомланган ҳолда, илова тарзида бу мулоҳаза миллий адабиётимизнинг тубдан янги **умумбашарий миқёсларга кўтарилиш палласига** бир ишора, дегим келади.

Эркин Аъзамнинг кейинги чорак аср давомида матбуотда чоп этилган публицистик, адабий-танқидий мақола, хотира ва сухбатларидан ташкил топган «Эргалабки хаёллар» номи остидаги салмоқдор китоби (580 саҳифа, 30 б.т.) ёзувчининг ҳам олтмиш йиллик ҳаёт, ҳам 40 йиллик ижод йўли, журналистика, адабиёт, санъат, аникроғи,

¹ Эшонкул Н. Мендан «мен»гача. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – Б.105.

наср ва кино оламидаги бой тажрибалари, замонавий адабий-бадиий жараёнга оид ўзига хос қарашлари хусусида бой маълумот беради. Эркин Аъзам Назар Эшонқулдан ўн йил бурун Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Даврон, Хайриддин Султоновлар сафида адабиёт майдонига кириб келган. Адибнинг сафдошлари бисотидан барадла ажralиб турадиган, ўзига хос ним табассум, ҳам ардоқ, ҳам киноя-кесатиқлар билан йўғрилган роман, қисса, ҳикоялари, айниқса, унинг киноқиссалари асосида яратилган «Паризод», «Эркак», «Дилхирож», «Забаржад», «Чантриморэ» каби фильмлари фақат ўзимизда эмас, хорижда ҳам шуҳрат қозонди. «Алвидо, эртаклар» деб номланган салмоқдор тўплами бирваракайига икки тилда – инглиз ва француз тилларида босилиб чиқди, Вашингтонда ва Парижда тақдимотлари ўтказилди. Бу ҳол ҳозирги ўзбек адабиёти намуналари-пинг жаҳон маданияти марказларидағи эътирофи демакдир. Мен аминманки, фақат Эркин Аъзам эмас, унинг сафдошлари, издошлири, жумладан, Назар Эшонқулнинг етук ҳикоя, қиссалари жаҳон тилларига моҳирона таржима қилинса, улар ҳам хорижда албатта муносиб эътибор топажак.

Хўш, Эркинжоннинг жаҳон адабий жараёнидаги етакчи тамойиллар, уларнинг миллий адабиётимиздаги кўринишлари хусусидағи қарашлари, позицияси нималардан иборат?

Гарчи Эркин Аъзам Назар Эшонқул каби ҳозирги жаҳон адабий жараёни ҳақида маҳсус эссе – трактат, машҳур намояндалари ижоди-ҳаётига оид адабий портретлар битмаган бўлса-да, улардан чуқур хабардор; 1994 йилдан чиқа бошлаган ўзи бош муҳаррирлик қилган ижтимоий-фалсафий, маданий-маърифий журнал – «Тафаккур»да, жумладан, жаҳон адабий-бадиий тафаккуридаги етакчи тамойиллар мунтазам тарзда юксак савияда ёритиб келинди, уларга ҳамоҳанг ўзимиздаги ҳаётбахш жараёnlар эътироф этилди, қўллабкуvvatланди; истиқлол туфайли ижодда, хусусан, адабий танқидлари эврилишлар мардона тарзда ёритилди, ёритилаётir... Жумладан, устоз Озод Шарафиддинов қаламига мансуб «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?», каминанинг «Ўтилган йўлнинг баъзи сабоқлари» сарлавҳали ҳасби ҳолларимиз шулар сирасидандир. Ҳаётда, адабий ижодда рўй берастган эврилишлар, ижобий ўзгаришлар билан баробар янгиланиш йўлидаги оқсоқликлар, тўсиқлар журналда кескин танқид остига олинди. Чунончи, 2000–2010 йиллар оралиғида «Тафаккур»га пешлавҳа тарзида ёзилган фикралар бунинг исботи. Чунончи, «Адабиёт – «ўз-ўзига хизмат»ми?» сарлавҳали фикрода адабий жараёндаги эврилишлар эътироф этилгани ҳолда китоб чи-

қариш билан боғлиқ «бозор иқтисодиёти»га ўтиш жараёнинга хос кулгили ва аянчли ҳодиса кескин танқид остига олинади; фикрадаги мана бу лавҳани ўқиб кўринг-а: «... китоб чиқариш чинакам профессионал ижодкорларга эмас, асосан айрим олғир ҳавасмандларга ўнгай бўлиб қолди. Бу иш гоҳо «ўз-ўзига хизмат» тусини олгани ҳам маълум: муҳаррир ҳам ўзи, мусаххих ҳам, «истеъододлию таникли» дега сўзбоши ё таърифномани ҳам ўзига ўзи ёзди, кейин ношир ҳам ўзи, китобга тақризни ҳам ўзи уюштиради. Китоб чиққа, бирдан-бир ўқувчи ҳам ўзи бўлса керак...»¹

Аччиқ ва мардона ҳақиқат!.. Муҳими, бизда айни шу хилдаги жаҳолатга қарши маърифат, юксак маънавият орқали кураш етакчи тамойилга айланиб боряпти. Бу борада «Тафаккур» журналининг ўрни бекёёс. 1994 йилдан чиқа бошлаган мазкур журналнинг ҳар бир сонида бош муҳаррир Эркин Аъзамнинг нигоҳи, ҳаёт ва ижод тамойиллари баралла сезилиб туради. Шоир Сирожидди Сайид сўзлари билан айтганда, «Тафаккур»нинг дид ва ҳафсала билан тайёрланган ҳар бир сони бир асар. Мехнат, маҳорат ва фаросат уйғунлашган адабиёт ва санъат асари. Ҳар бир саҳифа, сўз ё жумла, руҳи ёки сарлавҳа остидан зукко муҳаррирнинг синчков нигоҳи «қалай бўлти» деб кузатиб тургандек, мутолаа давомида ўзингиз ҳам тириқ ноширга айланганингизни сезмай қоласиз... Унинг фикрий одимлари бағоят қамровли, таҳрирлари эл-улус ҳаётини турмушини бутунлай ўзгаргириб юбормоққа қодир»². Ҳаққоний баҳо! Бундан ошириб бирор нарса дейиш қийин...

Устоз Озод Шарафиддинов умирининг охирига қадар «Тафаккур»да бош муҳаррир Эркинжон билан бирга хизмат қилган кунларини мароқ билан эслаб юрарди. «Қани энди ҳар бир бош муҳаррир Эркиндеқ куюнчак, мустақил, ҳур фикрли ижодкор, шижаоткор бўлса... Оз муддат у билан бирга ишлаб ундан кўп нарса олдим», деган эди бир гал. Маънавий ҳаётимизнинг хилма-хил жабҳалари, истиқлол даври миллий адабий жараён, адабий-танқидий тафаккур ривожида ҳозирга қадар мазкур журналинг бош муҳаррири Эркин Аъзам нигоҳи, таҳрири остида чоп этилган 86 китобининг ўрни, аҳамияти бекёёсdir. Истиқлол даври адабий-бадиий жараёнини «Тафаккур»сиз, Эркин Аъзамнинг «Эрталабки хаёллар»исиз тўла тасаввур этиш мумкин эмас.

¹ Аъзам Э. Эрталабки хаёллар. – Тошкент, 2015 – Б. 202.

²¹ Эркин Аъзам. Бадиий олами. – Тошкент, 2014. – Б. 193.

Мұхими, «Эрталабки хаёллар» китобидан ўрин олган ранг-бранг асарлар руҳан «Тафаккур» журнали фоя-мотивларига ҳар жиҳатдан уйғун. Айни пайтда, «Эрталабки хаёллар» мұаллифи илгари сурган эзгуғоялар эса «Мендан «мен»гача» китобидаги етакчи мотив — оламлар бирлашадиган макон сари интилиш орзусига ҳамоҳангидир. Ҳар икки адіб қарашидаги бу ноёб муштарап концепция кенг миқёсда атрофлича ўрганишга, теран тадқиқ этишіга арзитулиқдир.

ШЕРЬИЯТДА ДАРЁ ОБРАЗИ

Л.Ф. Шарипова, филол.ф.и., КИХИ (БұхДУ)

Ўзбек адабиётшунослигіда фольклор ва ёзма адабиёт мұносабатлари доирасыда қатор тадқиқотларамалға оширилған. Х. Дониёров, С. Мирзаевнинг «Ҳ. Олимжон асарларида фольклор традициялари»¹, Н. Маллаевнинг «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти»², С. Мамажоновнинг «Фольклордан ўрганайлик»³, О. Собировнинг «Сарчашма адіб ижодида»⁴, М. Аминованинг «Ўзбек совет адабиётіда фольклор анъаналари»⁵ каби асарларида фольклор образларининг ёзма адабиётта таъсири ҳақида фикр юритилған. Аммо ўсіб бораёттан адабий жарағын тадқиқотчилар олдига янги-янги манбалар ва янги-янги муаммоларни қўймоқда.

Фольклорга хос образларнинг стилизация қилиниши жараённанда мифологизмларнинг образлашуви ҳодисасини ўрганиш ҳам шеърият поэтикасида фольклор туттган ўринни тадқиқ қилиш имконини кенгайтиради. Биз сув атрибутларидан бири сифатида оғзаки шеъриятимизда қўлланган дарё образининг баъзи жиҳатларига тўхтамоқчи эдик.

Замонавий ўзбек шеъриятида дарё сўзи бир қанча поэтик шакларда ўз ифодасини топған.

1. Табиятнинг гўзал ва қудратли бир узви шаклида. Миртемирнинг «Аму қирғоқлари» шеъри бунга бир мисол:

¹ Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Т.: Ўздавнашр, 1962. – Б. 258-274.

² Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Б. 301.

³ Мамажонов С. Faфур Fулом прозаси. – Т.: Фан, 1966. – Б. 210-225.

⁴ Собиров О. Сарчашма адіб ижодида. – Т.: Фан, 1975. – Б. 60.

⁵ Амилов М. Ўзбек совет адабиётіда фольклор анъаналари. – Т.: Фан, 1990. – Б. 100.

*Оқ ёлли асов тултор,
Бебош ва тентак оқин.
Күмлюқ сахро эркаси,
Ва дарёлар серкаси¹*

2. Поэтик восита сифатида құлланилған. Бунда муайян предметни тасвирлашда дарё ё истиора, ё ташбек, ё сифатлаш воситасида иштирок этган. Масалан: *дарё одам, меҳри дарё, илҳоми дарё, қалби дарё* ва ҳ.:

*Шоирлар, муҳаббат яловчилари,
Майли, дарё бұлсın меҳр ила шафқат².*

3. Бадиий образ даражасига күтарилиған. Биз қуидә үзбек халқ құшиқлари ва замонавий шеъриятимиз намуналарыда дарё образи маъно құрралари ва бадиий төвланишлари устида тұхталишты лозим топбик.

Үзбек халқ құшиқлари жамланған «Шода-шода марварид» китобидаги «Дарё – тошқин», «Ўзганча», «Ҳай, ёр, ёр, ёраммо», «Жамбилхон», «Омон, омон, омон-ей», «Дарёдан оқиб келар», «Найлай» каби халқ құшиқларыда дарё образи айрилиқни ифодалаб келган. Шу китобда «Ёр-ёрлар» сифатида берилған 2-6-12-18-23-24-25-құшиқларда ҳам дарё билан боғлиқ анъанавий мотив бор. Халқ дарёнинг асовлігі, оқиб кетавериши, ерни иккига ажратыб икки қырғоқ ҳосил құлиб оқиши каби хусусиятларини назарда тутиб, унға шундай поэтик маъно юклаган. Шу сабаб ошиқ маъшуқасининг уйига тескари соҳилдалигидан қайтаруды:

*Сени – унда, мени – бунда яратди, ёр-а,
Орамизда оқар дарё яратди.
Оқар дарё экан – оқди-ю кетди,
Бевафо ёр экан – ташлади-кетди³.*

Фольклоршунос А.Мусакулов фикрича, «Ариқ бўйи...», «Сой бўйи...», «Дарёларнинг бўйларида» каби анъанавий поэтик мисралар анъанавий поэтик формулаларга айланыб кетган. «Архаик тасаввурларга кўра сув доимо дунёлар ўртасида чегара бўлиб келган...

¹ Миртемир. Сайланма. – Тошкент: Маънавият, 2012. – Б. 94.

² Жамол Камол. Аср билан видолашув. Сайланма. Биринчи жылд. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 171.

³ Шода-шода марварид. Ўзбек халқ құшиқлари. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 32.

Сув (дарё, денгиз, ариқ)дан ўтиш ҳалқ ижодида никоҳ рамзи эканлигини А.А. Потебня айтган эди¹. Бизнингча ҳам дунёмизни туғиб турған, вуждимизда мавжуд чор унсур ичида сув ҳам обод, ҳам барбод қиласиган қудратдир. Айни дамда түрт унсур бир-бирига узвий боғлиқ бўлса-да, сув оловга бас кела оладиган куч, унинг бағрида тупроқ ва ҳаво бор. Түрт унсурдан фақат сувда эврилиш имкони кучли: сув – буғ – ёмғир – қор – муз – дўл – сел ва ҳ. Бу имконият шеъриятда юз кўрсата олган. Қор, ёмғир, қўз ёши каби поэтик образлар орасида дарё ҳам бор:

*Дарёларнинг ул юзида шафтолизор-ей,
Шафтолизор тагларида қизлар бозор-ей.
Оталари сотар бўлса – биз харидор-ей,
Оналари сотмас бўлса – бизлар безор-ей.²*

Дарёларнинг ул юзи – ишқнинг пайдо бўлиш жойи. Нега айнан шафтолизор? Голосзор, ўрикзор ёки анорзор эмас. Фақат вазн сабаб шу мевазор танланмагандир?! Шафтолининг айрича хуснига эмас, жин-париларга айнан шафтоли, жийда, ёнроқ, анжир, гулбуға ости макон бўлиши ҳам сабабмикан, деб ўйладик. Демак, шафтолизор – парирухсор қизларга бозор. Кўринадики, ҳалқ қўшиқларида дарё – висол, муҳаббат, никоҳ, айрилиқ, бевафолик юз беринини англатувчи поэтик образ. Замонавий шеъриятимизда дарё қандай поэтик маъно ташишини кузатиш, икки адабиётда бу борада қандай ўхшаш ва фарқли жиҳатлар борлигини аниқлаш ўзига хос илмий аҳамиятта эга.

Усмон Азим «Ўрдадаги кўпприк устида» деб бошланувчи шеърида сув эврилишларидан ўта маҳорат билан фойдаланиб, ўз умрига боғлиқ армонларини гўзал тарзда ифодалай олган. Шоир – лирик қаҳрамон «Ўрда кўпприги устида кузак билан рӯпара келаркан», «тош соҳилилар аро сирғаниб оқаётган анҳорга қараб онасини» эслайди. Лирик қаҳрамон «олис фалак тоқида ётган парча бежон булутни кўриб туриб» онаси ҳақида хаёл суради. Эслайди: «бир навбаҳор шоирни жалалар олиб кетди. У «Мен – қўшиқнинг қудратини сезган, Ўзини даҳо билган болакай» «ҳижрон чақмоғи эзган онамни ташлаб кетдим», – дея ўқинади. Лирик қаҳрамоннинг қўзларидан шеър учун эмас, волидаси учун ёшлилар қуйилади. Унга сув ёқалаб тугун кўтариб

¹ Мусақулов А. Ўзбек ҳалқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 194.

² Шода-шода марварид. Ўзбек ҳалқ қўшиқлари. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 98.

онаси келаётгандай туюлади. Усмон Азим ҳаёт манзараларини чизиш учун таносиб санъати ёрдамида сув атрибуларини қуидаги тартибда тизиб чиқади: кўприк – анҳор – булут – жала – кўз ёши – сув ёқаси. Бу эврилишлар шоирни онаси билан дийдорлаштиради гўё. Бир қараганда кўприк деталининг алоқаси йўқдай. Аслида «Тарихий асосига кўра, халқ, қўшиқларида сувнинг икки қирғонини боғловчи кўприк сувнинг аникловчиси, висол, кўприкдан ўтиш никоҳ ва оналик дунёси сари бориш маъноларини ташыйди»¹. «Кейинги шеър «Ўрдадаги кўприк устида» шеърининг мантиқий давомига ўхшайди. Унда шоир куз арафасида онасининг ёнида ўн кун яшайди. Кетишига чоғланган шоир шундай ёзади:

*Соҳиллар тақдиди – она-болалик,
Ўртамиизда дарё оққани-оққан.
Она, кетаримда губорсиз кун ҳам
Юзимизга ёмғир ёққани-ёққан...*

Қўринадики, ёзма шеъриятда ҳам дарё айрилиқни ифодалаб келмоқда, аммо бу айрилиқ оғзаки лирикадаги каби севишганларнинг эмас, она ва фарзанднинг ўзаро айрилиб кетишидир.

*Дарёлар адашиди юрар йўлидан,
Ёмғирлар адашиди, қорлар адашиди.
Ўрдак билан гози учди кўлидан,
Тақдиди чалкашиб ёрлар адашиди².*

1989 йилда битилган бу сатрлар элизиз тақдиридаги эрксизлик ҳақида битилган шеърдан олинган. О. Ҳожиеванинг маҳорати шундаки, сувнинг атрибулари саналган дарё, ёмғир, қор поэтик образини кетма-кетликда тасвирлаб, сатрларни ўзаро боғлай олган. Ўрдак ва гоз ҳам сув жониворлари сифатида сув культига алоқадор бўлиб, уларнинг йўқлиги ёмонлик аломатидир. Адашини айриликقا олиб келиши эса ҳаммага кундай равшан. Банддаги тўрг сатр ўзаро мантиқан боғланган, айни дамда, ҳам мазмунан, ҳам композицион жиҳатдан бир бугунлик ҳосил қилган. Шоиранинг «Илтижо» шеъри ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Замонавий шеърият дарё образини халқ қўшиқларидан айрилиқ, номурод севги, баҳтиёрлик маъноларида ўзлаштирган бўлса-да, унга яна ўнлаб янги маъноларни юклаган ҳолда талқин қилди:

¹ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 194.

² Ҳожиева О. Паноҳим: шеърлар ва ҳикоялар. – Тошкент. – Б. 11.

Умринг узоқ бұлсин,
эй, дарёжоним,
хүснингга ҳирс билан назар солмадим.
Зинжирлар товшига түлганда ёдим
үзингдан ўзга бир дилдор қолмади.
Қолмади бир илинж,
ишонч қолмади,
ваҳший даҳоларнинг макри билинди.
Ит базми қизиган ойсиз шомлардан
қизғониб обқочдим дарё дилимни¹.

Юқоридаги сатрлар Шавкат Раҳмоннинг «Ёрилган ҳаракат баёни» шеъридан олинган. Шеърдаги дарё образи шундай яратилганки, күнмаънолилик юзага келган. Оқибат дарё образини ҳар бир шеърхон үзича талқын қиласы. Кимдир халқ образи деб ҳисобласа, кимдир эрк тимсоли дея фикрлайди. «Дарё дилимни» бирикмаси эса шоир ўз дилини назарда тутган, деб ўйлашга ундаиди. Күйидаги сатрлар шеърхонни янада ҳайратлантиради, чукурроқ мушоҳада қилишінде қақиради:

*Дарёдил самога дилимни бердим.
Умринг узоқ бұлсин,
Эй дарёжоним.*

Охирги сатрлардан бу шеър эрк ҳақида, эл ҳақида, шеър ҳақида деб ўйлаш мумкин. Эҳтимол тоғлардан эриб оққан сувлар барпо қилиган дарё — адолат ҳақицадир:

*Айтгил, эй дарёжон,
Бормиди зулм?
Тоғлар силсиласин бузворди нола:
«Гулларнинг баргини емаган, гулим,
Булбуллар қонини ичмаган, болам».*

Шавкат Раҳмон маҳоратли шоир эди, элини, унинг улуф ижодиди чукур билган шоир эди, «гулларнинг баргини емаган»и, «булбуллар қонини ичмаган»и сабаб чин шоир эди. Дарё образи шоирга фикрларини ифодалаш йулида бекіюс имконни яратди.

Сирожиддин Сайид «Тұполондарә билан хайрлашув» достонида дарё образи орқали күнглидеги бепоён туйғуларини, идрокидеги күнгілаб мушоҳадаларини ифодалай олды. Замонавий шеъриятимизде

¹ Шавкат Раҳмон. Сайланма. — Тошкент: Шарқ, 1997. — Б. 5.

нинг аксарият қисмидаги учрамайдиган жиҳати шуки, шоир инсонларни дарё бўлишига чорлади. Бунда дарёдаги шиддат, доимий ҳаракатда бўлиши, оқиб туриб покланиб бориши, кир нарсаларни тозартириши, ташна заминга ҳаёт бериши, улуғлиги каби хусусиятлари бирлаштирилган. Инсон дарё бўлиши мумкинми, дея савол берадиган шеърхонга шоир олдиндан шундай жавоб бериб кўйган:

Ўзбекистон, ташна юртим,
Тупроқларинг нурга тўлиб
Тошганини кўрганман мен
Дарё бўлиб, дарё бўлиб.
Фақат Аму, Сирдарёмас,
Соҳилидан айроларинг –
Усмон Носир, Қодирийлар
Сенинг улуг дарёларинг!“

Қарангки, дарё поэтик образи халқ тимсоли бўлиб ҳам келиши мумкин экан. Куйидаги сатрлар Чўлпоннинг «Халқ» шеъридан сўнг халққа, унинг эврилишларига образли таъриф бера олган:

Дарё-дарё эмас, у халқ-ку, ахир,
Заминга шимилиб, буг бўлиб кўкка –
Тагин қайтаётган ул юксакликка.
Тагин ёғаётган ёмгир, қор бўлиб,
Эриб, қирғоқларга сизмасдан қолган
Дарёмас, халқ-ку бу...
Келмоқда тўлиб².

Шоирнинг ютуғи шундаки, ўтган асрнинг 70-80-йилларида халқ сабри тўлиб келганига, энди тошиши аниқлигига дарё образи кўмагида ишора қилган. Бу Эрк йўлидаги курашга образли ишора эди. Бундай мисолларни, ундан келиб чиқадиган фикрларни ҳали узоқ давом эттириш мумкин. Дарё образи оғзаки шеъриятда айрилиқни ёки висол жойини англатган бўлса, ёзма шеъриятда, жумладан, XX асрнинг 2-ярми ўзбек шеъриятида бунёдкорликни, эзгуликни, улугликни, баркамолликни, тошса, ҳар қандай тўсиқни емиручи қудратли кучга айланишини ифода қилиб келди. Хулоса шуки, замона-

¹ Сироҷиддин Саййид. Сўз йўли. Икки жилдлик танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 202.

² Усмон Қўчкор. Оғир карвон. Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва сатъат, 1991. – Б.28.

шын шеъриятимиз Дарё поэтик образини яратар экан, унинг халқ тирикасидаги жиҳатларини үзлаштирган ҳолда янги-янги қирраларини кашф қилди. Оқибат дарё образининг поэтик имкониятлар күлами кенгайди.

БАДИЙ ТИЛ ЖОЗИБАСИ

A. Ҳамдамов, ф.ф.и. (ҚарДУ)

Бадиий асар тили поэтик тафаккурнинг энг муҳим мезонларидан бири саналади. Аслида назарий жиҳатдан қараганда тил бадиияти негизида сўзларни кўчма маънода қўлланиш, лугат бойлигимизда машжуд сўзларни ўз ўрнида ишлатиш, халқона фразеологик бирликлардан унумли фойдаланиш жуда катта аҳамият касб этади.

Миллатнинг ўзига хос фазилатларини ифодаловчи халқона оҳангарида яратилган асарлардан бири Абдулла Ориповнинг «Самовий меҳмон, беш донишмад ва фаррош кампир қиссаси» шеъридир. Шеърда ифодаланишига қўра, қилни қирқ ёрадиган донишмандлар дунё тилиарини *беш бармоқдай билишса-да, аммо самовий меҳмон олдида улар ожиз*. Аникроғи, Абдулла Орипов шеърда халқ тилида машхур бўлган «Яхши гап билан илон инидан чиқади, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқади» мақолига ишора қиласиди. Бу ботиний воситадан усталик билан бадиий фойдаланган. Шеърнинг сарлавҳасидан кўришиб турибдики, бадиий мақсад бир-бирига мутлақо ўхшамаган асар қаҳрамонлари: 1) **самовий меҳмон;** 2) **беш донишманд;** 3) **фаррош кампир** ва уларнинг хатти-ҳаракатлари орқали ҳал этилиши лозим. Шеър «Хабар келди Фан шахрига олис Жунгли томондан. Ўтган кечга алланарса Ёниб тушмиш осмондан» деган фантастик хабар билан бошланади. Ундан кейин беш донишманднинг изчил таърифи берилади. Охирида эса, истар-истамас «Ҳатто фаррош кампирни ҳам бирга олиб келдилар» деб қўшиб қўйилади. Аслида, ёзувчининг бадиий мақсади ана шу фаррош кампир фаолияти орқали очиб берилиши лозим эди. Бу «сир»ни шоир асарнинг охиригача ўқувчидан яшириб келади. Шеърни шундай тутгатади: «Олимларнинг хизматлари Йўқ, бекорга кетмабди. Шунча ишни қилишибди,Faқат меҳр стмабди».

Асарни ўқиб бўлгач, юксак маҳорат билан тасвирланган самовий меҳмон ҳақидаги фантастик маълумотлар ҳам, беш донишманднинг ҳар қандай кипини лол қолдирадиган иш – фаолияти ҳам, бирдан,

арзимас бир нарсага айланиб қолгандек туюла бошлайди... Асарда фаррош кампир пайдо бўлиши билан ифода тили ҳам тубдан ўзгарида. Тасвирда жонли халқ тили, халқ оғзаки ижодига хос ифодалар етакчиллик қила бошлайди: «Ўша пайт, денг фаррош кампир кириб келди тентирааб. Фаррош-да у, уни-буни йигиштирмоқ унга тан. Ўриндиқда ётган зотни кўрди кампир дафъатан!» Ана шу қисқача экспозициядан сўнг фаррош кампирнинг фавқулодда нутқи – ўзбек кампирларига хос табиий меҳрибонликни ифодаловчи сўзларида миллый ўзига хос меҳр туйфуси намоён бўлади:

— *Вой бечора болагинам,
Дард забтига опти-ку!
Холдан тойиб, бошқа кўзи
Юмилиб ҳам қопди — ку!*

Шоир наздида сўзда меҳр, шафқат, инсонийлик туйгулари-кечинмалари ифодалансагина тил тўлақонли ва том маънода мулоқот ва муомалиа эҳтиёжини қондира олади. Бу ўринда шоир тилдан кўра руҳга устувор мавқе беради. Бу оддийгина фаррош кампир нутқида мужассамлашган. Демак, фаррош кампир образида шоир тил ва дил муносабатида руҳнинг устуворлигига эътиборни қаратади. Шеърнинг яна бир фазилати руҳан халқ оғзаки анъаналарига боғланишидир. Шоирнинг шу каби халқона поэтик тафаккур негизида яратилган шеърларида руҳ ва тил, инсон нутқи ва руҳияти тушунчалари ўзаро уйгулашиб кетади.

— *Рангини кўр, сомон дейсан,
Сувданмикан ё ўтдан!*

Бу нутқда барча ўзбек аёлларига хос ўзбекона миллый меҳр-муҳаббатнинг мумтоз намунаси ўз ифодасини топган. Ушбу нутқий характеристика орқали шоир фаррош кампирнинг миллый фазилатлари сирасига кирувчи қиёфасини юксак бадиий маҳорат билан чизиб беради. Бу нутқий парчада жонли халқ тилига хос қўплаб бадиий воситалар («Дард забтига опти-ку!», «Рангини кўр сомон дейсан», «Сувданмикан ё ўтдан!») қўлланилади. Бу шоирнинг халқ поэтик тили хазинасини жуда яхши билиши, ундан санъаткорона фойдалана олишидан дарак беради. Нутқий характеристикадан кейин фаррош кампирнинг хатти-харакатларини, услуб йўналишини ўзгартирмаган ҳолда, шоирнинг ўзи тасвирлашни давом эттиради: «Азбаройи меҳр билан Бошгинасин силади. Тикандайин тикка ўстан сочиғинасин силади. Кампир билмас, ким бу маҳлуқ, Ё билса ҳам

унугди. Ича қолгин, жон болам, деб Ҳатто унга сув тутди» (I жилд, 305 –бет).

Фаррош кампирнинг меҳр билан тўлиб-тошган бу ҳаракатлари ишта-секин ўз самарасини бера бошлиайди: «Ўшанда денг, ҳалигининг қоп чопди-я юзига. Дувва-дувва ёш ҳам келди Биттагина кўзига... Айлантириб битта кўзин Боқди у ёқ-бу ёққа. Бир маҳал денг, дабдурустдан Меҳмон турди оёққа» (I жилд, 305-бет). Фақат фаррош кампир қиссаси, нутқи ва ҳаракатларигина эмас, «...Фаррош кампир қиссаси»нинг матни тўлалигича ҳалқ тилида, миллий оҳангиди яратилган. Беш қитъадан йигиб келинган бешта тенгсиз олимнинг бадиий тасвирида биронта ҳам илмий-техникавий термин ёки ибора ишлатилмаган. Аксинча, беш бармоқдай билади, қушлар тинни билади, хандон сұхбат қиласиди каби ҳалқ тилида сайқал топган на давр синовларидан ўтиб келаётган асл миллий иборалар қўллашилган.

Ҳалқ тилининг асосий белгиларидан бири -- унинг юморга бойлиги. Ўзбек ҳалқи қувончли дамларида ҳам, оддий кунларида ҳам, ҳатто ғамгин пайтларида ҳам ҳазил-мутойибасиз яшай олмайди. Бу фазилат «...Фаррош кампир қиссаси»да ҳам ёрқин намоён бўлади. Асарнинг бошидаёқ беш қитъадан йигиб келинган нуфузни делегация таркибиға фаррош кампирнинг киригилишидан («Ҳатто фаррош кампирни ҳам Бирга олиб келдилар») енгил кулги уйгонади. Асарнинг охирида ҳам ўша фаррош кампир кулгига сабабчи бўлади:

*Фаррошларнинг ўлдузидан
Тушдимикан ё меҳмон* (I жилд, 305-бет).

Бу кулги энди «енгил кулги» эмас, қудратли кулги эди, бунинг устига, беш донишманд маънавиятидаги «кемтик» устидан қулиш оли:

*Олимларнинг хизматлари
Йўқ, бекорга кетмапти,
Шунча шини қилишишти,
Фақат Мехр етмапти* (I жилд, 306-бет).

Меҳр туйғусини йўқотиши – инсон учун мудҳиши ҳолат. Бу эса бир вақтнинг ўзида тилда ҳам ўз аксини топади. Ҳусусан, ижодкор тил ва руҳнинг диалектик яхлитилигини таъкидлайди. Тилдан ажralган руҳ ёки руҳдан ажralган тилнинг ҳолати меҳр туйғусини ҳис этмаган беш донишмандга қиёсланади. Ҳалқчиллик-

нинг бадиий ифодасига айланган «Фаррош кампир» шеъри адабиётимиз хазинасини бойитувчи юксак миллий асар намунаси сифатида қолажак.

БАДИЙ ҲАҚИҚАТ ВА ЭЪТИҚОД МАСАЛАСИ

А.Ш. Ҳамроқулов, ф.ф.н. (АДУ)

Реалистик асарда ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш асарнинг чинакам бадиият ҳодисасига айланиши учун асосий омиллардан саналади. Бироқ бунга амал қилиши ҳар қандай ижодкорга ҳам бирдек насиб этавермайди. Ҳақиқатни ўз асарида қарор топтириш учун муаллифдан яна азму-шижоат, мард кишиларга хос жасорат ва юксак эътиқод талаб қилинади. Романда тарихий ҳодисаларнинг Абдулла Қодирийга хос бадиий талқини билан танишар эканмиз, аввало, адибнинг журъатига, фавқулодда мардлигига, муҳими, адолатсизликка тоқатсиз эканига амин бўламиз.

Маълумки, бадиий асарни ўқиши жараёнида ўқувчи ва муаллиф онги ўргасидаги алоқа қайта тикланади. Бадиий асарнинг мавзу кўлами, кўтарилаётган муаммони ўқувчига англатиш масаласи бир томон бўлса, ижодкорнинг ҳақ сўзга қанчалик қодир ва содик эканлиги бир томон булиб асар тақдирини белгилайди. Бу ҳол тарихий мавзудаги асарларда бошқа мавзудаги асарларга нисбатан янада ёрқинроқ, яққолроқ намоён бўлади.

Сермаҳсуллиги билан ажralиб турадиган XX аср ўзбек адабиётида тарихий мавзу алоҳида ўрин тутади. Кисқа давр ичida ўтмишимизни ёритувчи мингга яқин ҳикоя, юздан ортиқ қисса, ўнлаб романлар, ҳатто эпопея датвосидаги асарлар ҳам яратилганлиги барчамизга яхши маълум. Афсуски, уларнинг аксарига янги асримизнинг иккинчи ўн йиллиги остонасини ҳам кўриш насиб этмади. Ва, аксинча, «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Кутлуг қон», «Навоий» каби романлар халқимизнинг олтин меросига айланиб, мангуликка дохил бўлди. Хусусан, «Ўткан кунлар» романини мутолаа қилиш асносида адибнинг ҳақ сўзни айтишга бўлган толмас иштиёқини, ҳақиқат излаш йўлидаги изтиробларининг гувоҳи бўламизки, бу ҳол роман агадиятини таъминлаган омиллардан биридир.

Ижодкор «Ўткан кунлар» романининг дебочасидаёқ халқимизнинг «мозийға қайтиб иш кўриш хайрлик» деган ўтигини асосий

планга чиқарыб, шу йўл билан асарнинг тарихий мавзуда эканлигини аниқ белгилаб олган бўлса-да, асарда тасвирланаётган воқеавар қўлдёзма манбаларда ёритилгани каби узоқ тарих ҳодисаси эмас, балки ҳали кенг омма хотирасидан ўчиб ултурмаган, мутолаа жараённида қайта жонланиши ва қиёсланиши мумкин бўлган, ёзувчи таъбири билан айтилганда, яқин «*қора кунлари... хон замонлари...*»-га доир эди. Романга материал берган воқелик билан аксар замонлош китобхонларнинг бевосита хабардорлиги асар мавзусининг янада актуаллашувига хизмат қилди. Асар истибоддан қутулиш йўлида-ти курашлар авжга чиқкан, ҳар жабҳада таназзулга учраган юрганинг бундай мудхиш кўргуликлари сабабини излаган ва буни ўзининг дунёқараши доирасида турлича талқин қилиб юрган кўплаб киптишларнинг маънавий эҳтиёжи учун ўзига хос компенсация бўлди. Бир сўз билан айтилганда, адаб ўтмиш воқеаларини ёритишда тарих ҳақиқати билан бадиий ҳақиқат ўртасидаги мутаносибликни саклай олди.

Маълумки, XX аср охирига келиб Тошкент беклиги Бухоро ва Кўқон ўртасида кўп бора қўлдан-қўлга ўтиб турди. Тошкентликларнинг бу талотўпларда қанчалик азият чекканига тарих гувоҳ. Адаб ҳим бир тошкентлик сифатида Кўқон ва Бухоро хонлари томонидан иҳолига етказилган адолатсизликлар туфайли тугилган халқ нафратини яхши ҳис қилган. Шубҳасиз, асарга материал тўпланиш жараёнида хон ёки амир маъмурларининг хунрезликлари ҳақидаги оғзаки ҳикоялар билан ҳам танишган. Ёзувчи воқеалар тасвирида ҳақиқатни англаш ва англатини йўлидан борди. Романда Тошкентнинг Кўқон хотилигидан ажralиб чиқиши билан боғлиқ навбатдаги можаролар тасвирланади. Халқ хоин Азизхоннинг найранги қурбони бўлади. Кўқон билан Тошкент ўртасидаги ришталар яна узилиб, ўргада адоптинг кучаяди. Худди шу дамда Азизхонга мушовир мақомида турган Юсуфбек ҳожининг ўғли Марғilonда эканлиги бизга ижодкорнинг асл мақсадини рўйи-рост кўрсатади. Отабек Марғilonда ўзини хотиржам сезди ва шунга яраша мұхитда эканлигини билди. Хонга рўбарў қилишлари мумкинлигидан ортиқча хавотирга берилмади. Тўғри, Ҳомиддининг чақуви билан Отабек хон ўрдасига чақирилди ҳим. Лекин бу чақувнинг сабаби ва моҳияти бошқа эди. Масаланинг янга бир жиҳати шундаки, Отабек чин дўст деб билган уста Алимни ҳим Марғilonда учратди. Икки дўст кейинчалик Тошкент остононди турган босқинчиларга биргаликда кураш олиб бордиларки, бу миҳалдийчилик кайфиятига барҳам бера олмаётган ўша давр кишиларига масаланинг туб илдизини очиб берди. Қипчоқ қирғинидан

кейин ота ва ўғилнинг ўзаро баҳсида ҳам Тошкент ёки Қўқон эмас, балки бутун ўлка Туркистон қайғуси кўтарилади.

Туркистоннинг чор империяси томонидан истило қилиниши воқеаларини шўро ҳукумати дастлабки йилларданоқ ҳаспушлашга зўр бериб уринди. Бунда гўё Туркистоннинг ўз ихтиёри билан империяга қўшилганлигига оид бир қанча соҳта тарихий ҳужжатлар рўкач қилинди. Шу хил гарфибот ишлари авж палласида экан, Қодирий романидан асл ҳақиқатдан хабардор қилувчи саҳифалар ўрин олди. Ўғли билан суҳбатдаги Юсуфбек ҳожининг қуилаги сўзларидан аждодларимизнинг авлодлар олдициаги аянчли ўқинчини, аламли дарларини ҳис қиласиз.

«Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биrimizning тегимизга сув куядирган бўлсақ, яқиндирки, ўrus истибоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булгатар ва биз бўлсақ, ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўrus бўйиндиригини кийдирган бўлармиз»¹.

Киргингарот жангларда бевосита иштирок этган, мағлубият ала-мини унугмаган кекса авюд олдида ўтмиш воқеалари сурбетларча сохталаштирилиб, миллатнинг фурур-ифтихори оёқ ости қилинди. Расмий тарифибот сохталаштираётган ўтмиш ҳодисалари Қодирий романида тарихий ҳақиқатга мувофиқ акс эттирилди. Романинг халқимиз маънавий эҳтиёжи учун кўзланган ижтимоий функцияси ўз натижасини берди. Диққат қилинса, адид бу адолатни қарор тоғтириш учун бутун асар давомида тайёргарлик кўриб борганилиги ойдинлашади. Дастреб Отабек ҳар қандай ўқувчи учун суюкли замона қаҳрамони даражасига олиб чиқилган бўлса, асарнинг сўнгги қисмларида истиқлол қайғусида ёнган, ижтимоий курашлардаги фаол шахсга айланди. У дўсти уста Алим билан рус истиносига қарши жангларда курашиб ҳалок бўлади. Асарнинг бош қаҳрамони Отабек хаёти истиқлол учун курашга тикилади.

Ўтмиш воқеаларининг тарихий ҳақиқатга мос бадиий идрок қилиниши ва талқин этилишида А. Қодирий шахсида чинакам фидойлик намоён бўлади. Алоҳида қайд этиш керакки, ҳақиқат деганимиз Ҳаққа бўлган эътиқод даражасига тенглантирилган экан, уни англаш ва англатиш барчага ҳам бирдек насиб этавермайди. Бунинг учун ижодкордан илоҳий истеъдод ҳам масъулият талаб қилинади.

«Ўткан кунлар»нинг хотимасида Отабекнинг икки набираси тақдидири берилаади. Уларнинг «...биттаси бу кунда Марғиённинг масъул

¹ Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент, 2014. – Б. 303.

инчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарона босмачилари орасида ёкан...»лиги айтилади. Маълумки, «босмачилик» ҳаракатининг мөҳияти истиқлол йилларидағина тўла англаб етилди. Қодирий замонасида ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам илғор зиёлиларининг аксарияти бу ҳаракатга маслакдош бўлолмади, истиқлол учун курашининг бу усули аксарият жадидлар томонидан ёқланмади. Асарда бобоси йўлини тутган набиранинг тақдиридан ўқувчини боҳабар қилувчи хотима қисм адібнинг бу масаладаги қарашларини бир қадар ойдинлаштиради. Отабек набираларидан бирининг «масъул ишчилардан», иккинчиси «босмачилар орасида» ёкани романда тасвирланган, истибоддага йўл очган «қипчоқ қораҷопон» зиддиятининг давомидек идрок этилади. Хотиманинг бу талқинига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ёзувчини «босмачилик» деб аталган ҳодисанинг чинакам мөҳияти қизиқтиради, адібнинг Номоз ботир ҳақида асар яратиш режаси бўлганлиги фикримизнинг далилидир.

Хулюса қилиб айтганда, Абдулла Қодирий шахсида тажассум топган ҳақ сўзни айтишига иштиёқ, адолат учун курашдаги шижаат, ҳақиқатни аниглаш ва англатиш зарурати «Ўткан кунлар»дек буюк тарихий роман яратилишига сабаб бўлди.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТНИНГ ГЎЗАЛ ТАЖАССУМИ

О. Усмонов, филол.ф.н. (ЎзМУ)

Ҳар бир халқ ва унинг миллий ўзига хослиги узоқ асрлар мобайнида шаклланади. Халқ ўз қадриятларини асрлардан асрларга опичиаб ўтиб, сайқаллаб, бойитиб боради. Бой тарихга, бекиёс маънавий ҳизниага эга бўлган халқимиз қадриятлари ҳам минглаб йиллар давомида мисқоллаб тўплланган тажриба ҳосиласидир. Бу қадриятларининг хазинабонлари, тарғиботчилари зиёлилар, энг аввало, адibu шоирларимиздир. Албатта, ўз халқининг тафаккур тарзи, миллий қиёфасини ҳаққоний акс эттириш учун ижодкордан юксак салоҳият билан биргаликда, ўз халқига нисбатан чексиз муҳаббат ва катта жисорат ҳам талаб қилинади. Ўтган асрда, мустабид тузум ҳукм сурған бир даврда миллий қадриятларни куйлаш, тарғиб этишига ҳамма ҳим журъат этавермасди. Чунки асарларида миллат дарди, миллий қадриятлар акс этган ижодкорларнинг аксарияти қатафон қилинган

эди. Натижада маълум муддат маънавиятда, адабиётда карахтлик, тургунлик хукм сурганди.

ХХ асрнинг 60-йилларида адабиётимизга бир гуруҳ истеъоддли шоирлар кириб келди-ки, уларнинг ижоди ўзбек шеъриятини янги бир босқичга олиб чиқди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи ва шу каби бир қатор ижодкорларнинг асарлари машъум қирғинлар ва ўша давр адабиётида хукм сурган конфликтсизлик назарияси туфайли караҳтлашиб қолган адабий фикрга жон баҳш этди. Ўзбек шеъриятида рўй берган бундай ўзгаришлар тасодифий бўлмай, балки умуммиллий ижтимоий уйғонишнинг эстетик инъикиси эди. Бир неча ўн йиллар давомида халқ онгига тикиштирилган соҳта ғоялардан воз кечиши, мафкуравийлашган адабиётдан миллӣ руҳдаги чинакам адабиёт томон қайтиш дастлаб мазкур шоирлар ижодида кўзга ташланди. Халқнинг дарди, орзу-умидлари, шонли кечмиши, азалий қадриятлари акс этган чинакам миллӣ шеърлар ярагила бошлади. Жумладан, Абдулла Ориповнинг 60-йиллар аввалида ёзилган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Куз хаёллари», «Одамлар», «Онамга хат» сингари миллӣ руҳ уфуриб турган фалсафий мушоҳадага бой шеърларида поэтик тафаккурнинг тобора халқчилашиб, янгиланиб бораётганлиги кўзга ташланади. Куйида шоирнинг «Одамлар» шеъри мисолида фикримизни давом эттирамиз...

... Узоқ йўл юриб, ҳориган йўловчи кечга яқин бир овулга етиб келди. Овулдаги уйлардан бирининг ёнида турган кишидан йўл сўради. Уй соҳиби унга манзига олиб боруечи йўлни тушунтириди. Шундан сўнг, йўловчи ўз йўлига равона бўлди, уй соҳиби ҳам ўз ишларида давом этди...

Воқеа шу тарзда кечиши ҳам мумкин эди. Лекин асрлардан асрларга энг юксак инсоний фазилатларни, улуғ маънавиятни опичлаб ўтаётган халқ вакили бундай йўл тутмайди. Чунки бу халқ ўзининг самимий меҳмондўстлиги билан азалдан ном қозонган. Ҳатто чойнинг шамаси пиёлада тик турса, мусича дон ташласа, буни меҳмон келишига йўяди. «Меҳмон – атойи Худо», «Қўноқ келса, кут келар», «Одам бор жойга одам келади» каби ўнлаб мақоллар, хикматли сўзлар яратган бу халқ, Меҳмон келса, уйининг тўрига ўтқазиб, дастурхонга энг тансиқ таомларини қўядиган, борини баҳам кўрадиган халқ вакили қош қорайган маҳали адашиб, йўл сўраб турган кишига нима дейди:

— Эй, йўловчи, бўла қол қўноқ,
Уйда борин кўрамиз баҳам.

*Тагин ўзинг биласан, бироқ
Қош қорайди, ишроқдир йўл ҳам.*

Англайтисизми, уй соҳибининг таклифида илтимос, ҳатто бироз шинни оҳангси сезилади. Чунки у билади, меҳмон келган уйга кутбарика ёғилади. Чунки у азалий қадриятлар устувор бўлган мухитда тарбия топган. У меҳмоннинг бойлиги, сийловидан умидвор эмас. Умидвор бўлса, фақат савобдан, бирозгина ширин сұхбатдан умидвор. Ахир, бу дунёда одам одамга ғанимат, дийдор ғанимат.

Йўловчи ҳам шу халқ вакили. У ҳам билади — меҳридарё халқи борлигини, меҳмондўстлик қоидаларини, «бир кун туз ичган жойнингта қирқ кун салом бер» нақлини.

*Йўлчи қолар овулда, мезбон
Келтиради топган-тутганни.
Отамлашар сўнгра икковлон,
Ёдга олиб ўтган-кетганни.
Хоргин йўлчи мудрар ичиб чой,
Чўзилади мезбон ҳам аста.
Тонгда йўлчи товуши қилас: — Ҳой,
Мен кетдим. — Кол! — Раҳмат.
Шу бас-да!*

Бу дунёда йўл сўрасанг, пул сўрайдиганлар бор, жой сўрасанг ҳимёенингта қарайдиганлар бор. Аммо бизнинг халқимиз, ота-бобошримиз жой сўраганга жонини поёндоз қилиб келган, уйи тор бўлса ҳим кўнглини кенг қилган. Меҳмон хайрлашар чори меҳмондорчиликдан кўнгли тўлиб, «Раҳмат!» деса, шунинг ўзи етарли:

*Ажралишар, улар ҳаттоки,
Исларин сўрашимаслар ҳам.
Улар қайта учрашар балки,
Балки қайта учрашимаслар ҳам.*

Бор-йўғи 16 мисрадан иборат бу шеър аслида одамгарчилик, инсоннаварварлик ҳақида, ўзбекка хос энг гўзал хислат — меҳмондўстлик, савобталаблик тўғрисида. Заррада офтоб акс этганидек, халқ қиёстининг мўъжаз бу лавҳасида халқимизга хос энг улуф қадриятлардан бири ўз тажассумини топган. Абдулла Орилов ижодининг инг ёрқин намуналаридан бири бўлган бу шеърда фикр ёмбидек куйма, шу қадар тифиз ифодаланганки, «орага қил ҳам сирмайди». Бунда муаллиф воқеага изоҳ ҳам бермаган, зеро, бунда ҳеч қандай

изоҳга ҳожат ҳам йўқ. Гўё мусаввир азалий қадриятлар билан тўйинган халқ ҳаётининг бир лавҳасини матога чизгану қўйган. Ижодкор шу биргина воқеа мисолида ўзбек халқининг ўзак фазилатларини – руҳий гўзаллиги, маънавий бойлиги, азалий қадриятларга, жумладан, меҳмондўстлик анъаналарига қатъий риоя қилишини, бундай қадриятлар халқнинг қон-қонига сингиб кетганини ўзига хос тарзда кўрсатиб бера олган.

ЗАМОНАВИЙ ҚИССАЛАРДА ШАХС ФОЖЕАСИ ТАЛҚИНИ

У. Расулова, филол.ф.н., доцент (ЎзМУ)

Қисса жанри инсоннинг сурати-ю сийратини тўликроқ тасвирлашга, унинг ҳаётдаги ўрнини кўрсатишга аҳамият беради. Қаҳрамон тадрижини ёритиши, уни синовларда тобланишини асослаш адигба масъулият юклайди. Шу маънода китобхон эътиборига ҳавола этилаётган қиссалар мавзу мундарижаси турлича. Қиссаларда ижтимоий турмушни тасвирлаш, инсон қисматидаги мураккабликни ёритиши, тафаккурдаги ўзгаришларни теран таҳлил этишга эътибор ортмоқда. Истиқлол шарофати билан ҳақиқатни халқقا етказиш, мустабид тузум сиёсатини англатишга имкон яратилди. Насрда пуч гоялар асирига айланган шахслар ҳаёти бадиий гавдалантирила бошланди. Шойим Бўтаевнинг «Шўродан қолган одамлар» қиссаси ўзига хос ҳодиса сифатида мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Сарлавҳадан маълумки, собиқ тузумда шаклланиб, унга эътиқод қилган кимса қисмати таҳлил этилади. Тузум тугатилса ҳам, унинг асорати инсон тақдирида бўй кўрсатади. Мазкур даврнинг манзарасини тасвирлашда қисмлар бириниб яхлитликни юзага келтиради. Илк жумлада ўғилнинг отага нолиз қўриқчисига ўҳшаб таёқ ушлаб ўтаётганини писандада қилиши вазиятни таранглантиради. Кенг худудда (щуро жамиятида) жонсиз қўриқчининг ҳеч нарса экани, ўйинчоқлиги метафорик аҳамият касб этади. Таёқ детали орқали инсонларга етказилган дилозорликка ургу берилади. Қиссада давр иллатлари бирма-бир фош этилади. Кичик оила парокандалигидан жамият талотумигача қамраб олинар экан, лавҳалар жамланиб, сабаб-натижага асосидаги тартиботни ҳосил қиласиди. Жигарлар ўртасидаги қўринмас низолар аста-секин меҳр-оқибат ришталари ни узиб ташлайди. Муҳитдаги носозлик ёшлиар тарбиясига салбий

тасир этгани ўғрилик воқеасида кўринади. Ака-ука адоватининг курбони Тошмурод (умид, муроднинг сўниб, тошга айланиши) умри ишолга юз тутади. Амакининг милицияяга арз қилиши, ишнинг сўнга оширилиши жараёнидан боҳабар қишлоқ аҳли оёққа туради. Шу ўринда муаллифнинг яхши топилмаси сезилади. Миллат, ватан, дин каби олий туйғудан мосуво тиланчи лўлилар қавму қаринчонини танимаган бераҳм амакини жиноятчи санаб тош отадилар. Назоратчи – МЭЛС (доҳийлар исмининг қисқартма шакли) мағкуригининг содиқ хизматчиси эътиқод қулига айланганини тан олмайди. Хусусан, собиқ маҳбус билан диалогда инсоний тубанлик шуммоси кўтарилади. Қизиги халқ ўғридан қўрқмайди, нафратинмайди, бироқ Назоратчидан ҳайиқади. Асарда Назоратчининг грамвайга ўҳшатилиши битта изга тушиб умрни мазмунисиз ўтказаштапи ишонарли далилланади. Қўриқчининг устози Чўянбой Кулмонов исмида муаллиф пичинги оргади. Яъни чўяндай қаттиқ, мустаҳкам, бой такаббурнинг асли қулиги истеҳзо қилинади. Унинг турмани мадраса фиштидан қургани, темир интизом ўрнатгани мағкурага содикдигидан дарак беради. Қаҳрамон умрининг охирида уйидан ҳайдалиб, хору зорлиқдан тўйиб ўзини осгани бежиз эслатилмайди. Бундай шум қисмат МЭЛСнинг пешонасига ҳам битишпига шაъма қилинади. Муаллиф: «Назоратчининг хотини қирқ бени – ёллик ёшлардаги аёл, соchlари оппоқ оқариб кетган, юзини қалин ажинлар кавлаб ташлаган, қўллари косовдек, кўринишидан оғмиш саксонларни қоралаган кампирга мензагулик эди»¹ – дея портретни тақдим этаркан, тасаввуримизда жонланган аёлнинг зодири-ю ботинини тиниқ чизиб беради. Бу образ бошқа қаҳрамонлардан соддалиги, хокисорлиги, эрига мутелиги билан ажралиб туриши. Унда қайнонадай айёрлик, овсинидай эркалик сифати бўлмади, совуқ муносабатга мослашиб, итоатга кўниккан. Қамоқхонада оға учун ўғил оддий маҳбус, жиноятчи, ҳатто бошлиқ ҳиссиз Назоратчи ҳаракатидан ҳайрон. Боиси у хотинини тўқсон олтинчининг опаси, ўғлини эса маҳбус дейди. Азада ҳам тўн кийиб, белбоғ бофлини ўрнига шинелу камарда бўлишликни лойиқ кўрган кимсанинг аниана, удумни тан олмаслиги, халқ қадриятига лоқайдилиги асосланади. Қўшни кампирнинг ништардай гаплари шўрпешона хотин, ноқайл эр, баҳтиқаро ўғил ҳақидаги қарашларни тўлдиради. Зоро, ҳиқиқат аччиқ бўлади. Қиссада инсонийликдан маҳрум кимсанинг ижтимоий-тарихий шароитта тўлиқ мослашиб, ўзлигидан бегона-

¹ Бўтаев Ш. Ҳаёт. Қиссалар. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 327.

лашув жараёни реал тасвирланади. Кўринадики, шахс қонига сингиб кетган ақидалар манкуртга айлантириб, ёлғизликка, хорликка мубтало этган.

Абдунаби Ҳамронинг «Ертўладаги умр» қиссасида Куръони каримдаги «Аллоҳнинг изнисиз ҳеч бир жон мўмин бўла олмас» ояти эпиграф қилиб танланади. «Бу бедаво дард унга қаердан ёпиша қолди» дей бошланган илк жумладаги дард сўзи беихтиёр ўйга толдиради. Бош қаҳрамон Вилор ҳуш ва ҳушсизлик ҳолатида ўтган умрини таҳлил қиласиди. Муаллиф Вилор ички дунёсини тарихий, фалсафий, психологик жиҳатдан мукаммал тасвирлашга интилади. Кўповозлилик усулида ташкиллаштириш, турли ракурсдан ёритиш инсон сийратини теранроқ тафтиш этиш имконини орттирган. Қаҳрамон исми тақдирига таъсир этади. У оиласидаги тарбия боис бобоси, отасидай эътиқодсиз бўлиб улғаяди. Мансаб пиллапоясидан кўтарилиш мақсадида яна руслапланган генерал пинжига кириб, қизи Галинага уйланади. Ретроспектив сюжет воқеанинг ўтмиш-ҳозир тарзida берилишини талаб этади. Вилор ҳар сафар ўтмишга бокқандаги тақдиридаги эътиборга молик лавҳа, ҳолат жонланиб, онги призмасидан таҳлил қилиб ўтказилади. Ҳатони англаш, ундан қайтишга куч, интилиш зарур, шу ўринда И мом, Сайд калон мададига муҳтоҷлик сезади. Қиссада макон ўзгариб, давр алмашади, унга мослашаётган турли табақалар ҳолати ёритиб борилади. Ертўла (ерости) ҳамда ерусти ҳаётга бирма-бир назар ташланади. Давр тақозоси билан қиёфа ўзгариши, тусланиши Вилор, генерал, Галина орқали очиб берилади. Қаҳрамон атрофидағи инсонлар олдидағи вазифа, бурчни эслаганда касбий масъулиятни биринчи ўринга қўйгани англашилади. Эътиқодсизлиги боис ҳаёти саробга айланганини тушуниб боради. Унинг умр фалсафаси ўтмиш (бобо, ота ўгити), ҳозир (генерал, қизи ақидаси), келажак (она имони) тарзida намоён бўлади. Йўлсизликдан қутулиш учун тавба қилиш, тозариш лозимлигини уққан Вилор асар охирида Муслим исмини танлайди, волидаси хузурига ошиқиб, ҳаловат ахтаради. Қиссада инсоннинг ўз-ўзини тафтиш қилиш жараёни бадиий гавдалантирилган. Юқоридаги асарларда ижтимоий муҳит, жамият ишлатлари, онгдаги кемтиклик, шахс фожеаси ёрқин акс эттирилган. Инсонийликни бой бериш, миллий ва умуминсоний қадриятга лоқайдлик одамийлик шарафига доғ тушириши мантиқан асосланган.

ЛУҚМОН БҮРИХОН ИЖОДИГА БИР НАЗАР

П.У. Кенжәева, филол.ф.и (ТДШИ)

М.Б. Шамсиматова,
академик лицей ўқувчиси (ТДШИ)

Габиатнинг баҳор фаслига қилган гўзал либоси куз совуғи бошонини билан тўзиб-увада бўлиб кетганидек, давр шамолларин жамият ва кишилар ҳаётини безаб турган нарсаларни ҳам соўриб-тўздириб юбориши мумкин. Адабиёт-ёзувчи-бадиий асар инсон туйғуларига, инсон қалбига таъсир кўрсатади. Таънат манзараларининг рангин тасвири китобхоннинг парижонини билдириб, унинг ҳиссийт оламига сокинлик, тиниқлик, гўзаллик бағишлади. Ҳар бир сатридан, ҳар бир сунъеҳидан байрамона, тантанавор садолар жаранглаб турган асарлар китобхон қалбида тантанавор кайфиятни ҳосил қиласди. Шоирни ёзувчи дилидан оқиб тушган мусибат оҳанглари эса китобхоннинг руҳий оламига ҳазин ва ўксик туйғулар бўлиб қўйилали¹. Бу борада, ўзбек адабиётига мустақиллик нафасининг уғуруни, ёндиликда яратилаётган янгича талқиндаги ҳикояларни тилга олмай илож йўқ.

Бугунги адиллар орасида ўзига хос тасвир, юмор, ифоданинг социалиги, сюжетнинг ранг-баранглиги билан ажralиб турадиган ўзичи Луқмон Бўрихон ижодини алоҳида таъкидлаш жоиз. «Шуҳрат» медали совриндори (2007), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маъннинг ходими (2012) ёзувчи Луқмон Бўрихон 1965 йил 15 февралда Ўзбекистоннинг азим вилоятларидан бири саналмиш Қашқадарё вилоятининг Фузор туманидаги Янгибод қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат Университетининг (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факултетига ўқишта кирган Луқмон Бўрихон узоқ вақт давомида ўзининг дастларидек асари ҳисобланмиш – «Бегимқул катта» ҳикояси устида ишлайди. Устозлар сабогини, адабиётни чукур ўрганганди носир 1987 йил таълабалик чоғида «Бегимқул катта» ҳикоясини яратади. Бу асар кўп утмай «Ёшлиқ» журналида эълон қилинади ва ижодкор ёзувчи сифтиди адабиёт оламига кириб келади. Шу кундан бошлаб, бутун умрини бадиий адабиётга, ўзбек насрининг ривожига салмоқли ҳисса

¹ Каримов Н. Нажот адабиётдадир//Ёшлиқ, 2014, 6-сон. – Б.8.

қўшишга багишилаган фидойи ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг «Ялангойёқ» (1991), «Сирли муаллим» (2006), «Хизр кўрган йигит» (2007) сингари ҳикоя ва қиссалар тўпламлари бирин-кетин адабиёт майдонига кириб кела бошлайди. Луқмон Бўрихон 2000 йилдан расман Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлади.

Ҳикоя жанрида қалам тебратиб ижодини бошлаган адаб яна қизғин ижодга шўнгигиб кетади ва орадан кўп ўтмай илк романни ҳисобланмиш «Жазирамадаги одамлар» (2005) асарини яратади. Роман дунё юзини кўрар экан, ёзувчининг ўзи у ҳақида шундай дейди:

«Ижодкор вақт ўтган сари очилади, сайқалланади, ўзини намоён қилиб боради. Гоҳида яхши ёзилган асар хусусида «энди бир ёзиб қўйдим-да», деганга ўхшиш гаплар қулоқча чалинади. Аслида, ўша асар ўзидан-ӯзи ёзилиб қолмайди. Асар борки, у ёзувчининг ўз «мен»идан туғилади. «Жазирамадаги одамлар»нинг туғилиши ҳам иллар давомида шаклланган қараш, ўз «мен»имдан туғилган ғоянинг илк босқичини босиб ўтиш орқали вужудга келган. Шундай экан, ҳали ичимдаги «мен»нинг босиб ўтиш керак бўлган босқичлари жуда кўп»¹.

«Жазирамадаги одамлар» романни яратилиши биланоқ кўпчилик адабиёт ихлосмандлари, ёзувчи, танқидчилар эътиборини бирдай ўзига тортди. У О. Мухторнинг «Минг бир қиёфа», «Кўзгу оллидаги одам», «Тепаликдаги ҳароба», «Фуу», «Аёллар салтанати ва мамлакати», «Майдон» романлари, Н. Эшонкулнинг «Қора китоб» қиссаси, Х. Дўстмуҳаммаднинг «Бозор», С. Вафонинг «Тилсим салтанати», А. Нурмуродовнинг «Қон ҳиди» романлари сингари инсонга ёндашувнинг янгичалиги, тасвирининг қуюқлиги, инсон руҳияти қатламларини акс эттириш миқёсининг кенглиги ва ифода тарзининг фавқулоддалигига кўра миллий адабиётимиз учун янги бадиий ҳодиса бўлди.

Таниқли ўзбек ёзувчиси Эркин Аъзам ҳам асар хусусида шундай фикрларни билдиради: «Аввало табиийлиги, тиниқ, самимийлиги; бирон-бир жойда зўриқиши, чираниш сезилмайди. Каҳрамонлар тасвирида, тақдирада биз одатланиб қолган бирёқламаликлар, схематик ёндашув ийӯқ. Қаламга олинган воқелик қандоқ ҳаётий бўлса, тасвир-у баён ҳам ўшандай табиий бир маромда. Бир сўз билан айтганда, асар воқеликдан — илдиз-у томиридан узилмай ёзилган»².

¹ Бўрихон Л. Яхши асар ўз-ӯзидан ёзилиб қолмайди (Г. Солиева билан сухбат)//Оила даврасида, 2014, 23-январь. — Б. 12.

² Аъзам Э. Бари — борича//Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2005, 15-апрель.

Адабиёт санъат ҳодисаси, инсоннинг руҳий-психологик фалониятининг асосий соҳаси сифатида оламнинг образли инъико-си ўлароқ яшашда давом этади. Фақат у энди даврнинг энг шити ва илғор foялари, миллий foялар билан бойиган, энг муҳими эса, бадиий жиҳатдан жуда юксак даражада турадиган адабиёт бўлиши лозим. Озод халқнинг мустақил адабиёти ҳар жиҳатдан баркамол адабиёт бўлмоғи керак. Бу адабиётда сийқа, олди-қочди, ўртамиёна асарларга мутлақо ўрин бўлмаслиги лоҳим¹. Ёзувчининг навбатдаги «Темир йўл» романи ҳам ана шундай янгича қараашларни ўзида сингдирган бўлиб, кенг кўламли муҳиммоларни кичик тақдирлар орқали кўрсатди. Қаҳрамон тилини сингдирилган пичинг, минфирилаб бўлса ҳам ҳақиқатни айтишига уриниш, маъноли табассум билан адаб ўз қиёфасини чизгандай бўлди.

Орадан кўп вақт ўтмай адаб ижодидаги яна бир ўзига хос асар «Сирли муаллим» (2006) қиссаси дунёга келди. «Уни кўрдиму юратим орқага тортиб кетди. У тобутдек тебраниб бораётган вагон тамбuriшининг бир бурчидаги чўнқайиб ўтирап, ҳар бир ўтиб қайтувчини он нуқси урган кўзлари билан қизиқсиниб-қизиқсиниб, бош оёқ кутишиб қоларди...» дей ёзади Луқмон Бўрихон «Кўноқ» ҳикоясида. Бонланишиданоқ китобхонни беихтиёр ўзига торгувчи ушбу кўмлалар ҳикоя сўнтига қадар ёзувчи тилидан айтилади. Бир қараашла одиий одамларнинг кичик ҳаётини ёритиш айнан асарнинг бош мигусидай туйилади. Яна бир муҳим жиҳати, адабнинг соғ янгина юмор талқини ҳам айнан мана шу ҳикояда кўзга кўринганлиги-дир. «Бу нусханинг ёши, нари борса, йигирма иккиларда эди. Унинг кўпдан бери сув кўрмай ҳурпайиб кетган соchlарига, кирчирик қўллари-ю уст-бошига қараб, дарҳол, лўли бўлса керак, деган менинга бордим².

Луқмон Бўрихон ижодининг яна бир ўзига хослиги, у яратган шир бир, хоҳ у катта бўлсин, хоҳ у кичик, уларда бирдай кичкина, олий оламларнинг ҳаётини турли хил рамзлар, уларнинг ҳис-туйгулини йирик деталлар орқали кўрсатишидадир. Руҳият олами билан бевосита тасвири бир қараашда соғ юморга, бир қараашда ҳаётининг аччиқ синовларини кенг қамровда баён қилишдаги бадиий

¹ Шарафиддинов О. Истиқтол адабиёти энг илғор адабиётдир. Ижодни англати бахти. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 192.

² Bo'rixon L. Qo'noq / Karimov B., Abdiyev H. XX asr o'zbek hikoyasi antologiyasi. T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2011. – В. 556.

³ Кўрсатилган асар. – Б. 557.

тилга ёндашишида кўринади, тасвирлашда мос ўхнатишлардан фойдаланганлигида ажралиб туради.

Адабиёт ва санъат аввало инсон ҳиссиётини тарбиялайди. Шундай экан, қандай қилиб, қайси юз, қайси қўл билан ёлғонни ёзib бўлади? Лекин ростини ёзаман деб, дуч келган нарсани ҳам қаламга олиб бўлмайди, албатта. Ёзганларингиз ўзгалар қалбига акс-садо бермоғи учун уларда фақат ростлик эмас, озгина айтиладиган гап, «юқ» ҳам бўлиши керак, деб ўйлайман. Инсонни дард, ўз қалби ва атрофида юз бераётган ҳодисаларга бефарқ бўла олмаслик туйфуси ҳамиша ижодкорни рост ёзишга ундейди», – дейди ёзувчи Зулфия Куролбой қизи¹. Луқмон Бўрихоннинг «Кутилган кун» ҳикоясига нисбатан мана шундай таърифни бериш мумкин. Асардаги бош қаҳрамон Бойхоннинг ички олами, аслида касби бетайин бу персанаж образида бепарво, нафси домига илинса, ҳатто қалбига, туйгуларига ҳам бўйсингандиган салбий характер эгаси ҳикояга бош қаҳрамон қилинган бўлса-да, адид ана шу персонаж орқали яна бир дунё кишиси, яъни ҳақиқий инсон қиёфасини яратишга уринганини кўриш мумкин бўлади. Буни Бойхоннинг хаёлот оламининг бир четида изғиб юрган қуидаги ўйлардан билб олиш қийин эмас: «Йўқ, бундай яшаб бўлмайди. Одамсифат бўлишним керак, одам...»² Лекин унинг бу каби соф хаёлларини баъзида мана бундай баднафс ўйлар ҳам эгаллаб қолади: «Озрок ичсам ўлмасман... хотинни табриклиш қочмас...»³ Бу асарни ўқир экансиз, адид бевосита конфликт усулидан фойданалганлигини ҳам сезасиз.

Дарҳақиқат, қаҳрамон характери, унинг ички дунёсини очиб бериш ҳар бир ёзувчига хос бадиий талқинни, уни ҳис қилиб китобхонга етказиш катта бир маҳоратни талаб қиласди. Адид Луқмон Бўрихон ижодига назар ташлар эканмиз, бундай маҳоратни унинг қатор ҳикоялари руҳиятига сингдирилганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, ёзувчининг «Тун қаъридаги шуъла»дан (қисса ва ҳикоялар тўплами) ўрин олган «Темир сандиқ», «Қўноқ», «Кутилган кун», «Тун қаъридаги шуъла», «Чўлдан келган ташвиш», «Алдоқчи тунлар» каби ҳикоялари воқеалар ранг-баранглиги, образлар орқали ҳаётни кенг қамровда кўрсатиш ҳамда бир-бирини такрорламас қаҳрамонлар, уларнинг характеридаги салбий ҳамда

¹ Куролбой қизи З. Англашнинг олис йўллари//Ёшлиқ. 2014, 3-сон. – Б. 33.

² Бўрихон Л. Тун қаъридаги шуъла. – Т.: Шарқ. 2012. – Б. 149.

³ Кўрсатилган асар. – Б. 153.

шебий томонларини кўрсатишдаги конфликт усулидан фойдаланишида фарқланади. Адиб «Кутилган кун» асарида хотинининг туғилини кунига деб йигаётган пулларини нафси йўлдан уриб ичиб юборган Бойхоннинг ички дунёси турли ўй-хаёллари орқали очиб борилган бўлса, «Темир сандик» ҳикояси орқали ёзувчи ҳеч бир шига бенарволик билан ёндашмаслик, «Қўноқ» асарида эса инсоннинг бу дунёдаги роли, атрофлагиларнинг унга муносабатидан сохталик, иккюзламачилик каби ярамас иллатларни қоралашадай туйилади. «Алдоқчи тунлар», «Чўлдан келган ташвиш», «Тун қаъридаги шуъла» ҳикоялари эса марказда турадиган образчарнинг умр йўлларидағи тўқнашувлари ҳақида бўлиб, у қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятларнинг йирик фонга олиб чиқилиши билди ўтиборни торгади.

Луқмон Бўрихон ўзбек адабиётида ўз ўрнига, ўз имзосига эга ижодкорлар қаторида саналиб келинади. Унинг ҳикоя, қисса, романнинг ёндашиш маҳорати, уларнинг якунида кўзга ташланади. Кумладан, адабнинг «Қўноқ» ҳикояси якуни шундай жумлалар билди пиҳояланади: «Поезд ўкириб шиддат билан елиб борар эди...» Яна бошқа «Тун қаъридаги шуъла» ҳикоясида эса шундай тугайни: «Зобит йигит маъсум жилмайиб кўйди. Назаримда, унинг қорачиқларида алланечук шуъла порлаб тургандай бўлди...», ё бўлмаса «Чўлдан келган ташвиш» ҳикоясини адаб мана бундай якунлайти: «Самад томоқ қирганча тараалдуланиб қолди...» Бу эса ҳикоянинг таъсир кучини янада оширади. Демак, адаб Луқмон Бўрихон асарларига жиддий ёндашиб, ўз ижоди билан ўзбек адабиётини китобхонлари қалбидан муносиб ўрин эгаллади. Бу жиҳатдан Луқмон Бўрихон асарлари ҳозирги ёш ижодкорлар учун маҳорат мактабини ўтамоқда...

МАЊНАВИЙ БЕДОРЛИК ТАЛҚИНИ

С.А. Мўминова, филол.ф.н. (ҚарДУ)

XX аср ўзбек фалсафий лирикаси эзгулик ва қабоҳат, гўзаллик ва хунуклик, ҳаёт ва ўлим, хуррият ва зулм мавзу-масалаларини ширхе такдири, миллат тараққиёти ва жамият психологияси билан беносита бадиий тадқиқ этиш сари юз тутди. Мазкур тамойиллар шир ва ижтимоий-сиёсий воқелик билан, шоирнинг онги-дунёқарашини, ҳаётта қараши, ўрганиши ва эстетик баҳолаши билан узвий боғ-

лиқликда зухур топди. Зеро, «истеъдодга омукта интеллектуаллик ноёб руҳий-маънавий бойлик¹ «сифатида Асқад Мұхтор лирикаси-нинг үзига хос бадий-эстетик хусусиятини белгилайди.

Инсоннинг үзи ўткинчи, аммо инсонийлик бөкүйдір. У маъна-вий-ахлоқиң тұқисликнинг таркибий қисми сифатида Асқад Мұхтор лирикасида алоқида саҳифаны ташкил этади. Аслида инсонийлик, әзгулик, адолат, гұзалик ҳаёт ҳақиқатларини бөкүйлаштирув-чи маънавий-ахлоқий, интеллектуал қадриятлардир. Шеърият Асқад Мұхтор талқинида инсонни янада ғұзал ва олийжаноб этиш бароба-рида жамият асосларини мустаҳкамловчы құдраттаға етады. «99 мини-атюра», «Сизга айттар сұзим», «Сирли нид» мажмуалари мұңдарижасини белгилаган «Мен дунёға келиб дунё орттирудим», «Күнгіл» «Умр нега шириң», «Тонглар изсиз үтди», «Сизга айттар сұзим», «Олий бугунлик», «Билса әди шуни», «Кийналиш» сингари шеърлари шо-ирнинг эстетик принциплерини тажассум этады.

*Тегірмөн тошининг үқида ором,
Ором гирдібоднинг қоқ үртасида.
Жозиба теграси – саъи бадавом,
Шұндаі бир ҳолат бор ишқ үлкасида.
Ишқ – ором излаш, мушкул ва шириң,
Чархи гирдон, хұлласи қалом.
Сенинг күзларингда ором яширип,
Атрофиндагилар шундан беором².*

Шеърият шоир талқинига күра, виждон туғёни ва бүгриқан тупроқ («Энди үтдан чиққан үзимизнинг ер»). Ижод теранлықдан бошланар экан, поэзия ҳаёт билан инсон маънавий оламини үзаро бөглиқликда нозик, турфа қирраларинің бадий тадқиқ этади. Зеро, зангори рұмолдаги Ер она мисоли бизни кипригіда авайлар экан, у әзгулик, ёруғлықнинг доясидір. Асқад Мұхтор лирикасида инсон ҳаёти, умр фалсафаси алоқида бир саҳифаны ташкил қылади. Хусу-сан, инсон умрининг тиниқлиги ва равшанлиғи, яшашнинң асл мө-хияти – бевосита ҳаёт рангларига мазмун ато эта олиш билан үйғун-ликда намоён бұлади. Инсоннинг ҳаёт йўли, умри, меңнат, гұзалик, инсонийлик ҳақидағы теран мушоқадалар мөхият әътибори билан шоирнинг ҳаёт ва баҳт ҳақидағы, инсон тириклиги ва тақдирі хусу-

¹ Асқад Мұхтор замондошлари хотирасида. – Т.: Маънавият, 2003. – Б. 177.

² Мұхтор А. Сизга айттар сұзим. Шеърлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1978. – Б. 40.

сюзиги ўй-мушоҳадаларининг фалсафий асосига айланади. Бу борада ташват образлари (тупроқ, нур, дараҳт, олов, шамол, гиёҳ ва ҳ.к.) Аксид Мухтор фикрларининг рамзли, ҳикматли моҳиятини ёритиш-си хизмат қиласиди. Она замин ҳикмати, она юрг тупроғидан унган шоирнинг гўзаллик, боқийлик хусусидаги ишонч туйгуларини ёриттийлаштиради. Момо Қуёш ҳаётнинг боқийлигини таъминлаштириш экан, ер ҳаётнинг яшноқлигини, кўркамлигини белгиловчи асослар. Зоро, инсон покдомон ҳаёти, бунёдкор, салоҳиятли меҳнати билан асрий зулматларда бир ёруғ нуқта.

*Сен кашифiet ёлқини, оташ,
Асрий зулматларда бир ёруғ нуқта.
Барча мавжудотлар қалбинга туташи,
Бир оддий гиёҳнинг олдига тўхта.
Ариқ шилдираши, барглар шивири,
Сенга жон озуги, руҳингга дардкаши.
Гуллар билан сўраши, ҳидлаб ҳар бирин,
Капалаклар билан сужбатлаши.
Жавоб бермасалар гапингга, майли
Совуқ юлдузларга тикилганда гоҳ,
Билгинки, қалб қўри жониллар туфайли,
Жониллар жонлига доим хайрихоҳ¹.*

Шоир оддий турмуш реаликлари, майший ҳаёт кўринишлари биринчи оламнинг боқий манзаралари ўргасида муштараклик кўради. Шоир оламни куриши, тушуниши ва акс эттиришида ана шу гармоничи мазмундор поэтик образлар орқали ярқ этиб кўзга ташланади. Шу – шоирнинг ижодий индивидуаллигини тайин этишда етакчи омиллардан биридир. Юқоридаги сатрлар шоирнинг «Инсон» шеъридан. Фурсат, лаҳзалар ўтиб боради. Шу жараёнда инсон умри ҳам тонгидан ўтиб, ўз шоми сари оғиб бораверади. Мазкур ҳолатдан олам тарзига тушмайди. Лирик қаҳрамоннинг ҳам қалби фарёд чекмайди. Ҳалижонга берилмайди. Гўё ҳеч нарса рўй бермаётгандек, ҳамма нарса ўз маромидда давом этаётгандек, ўз мақомида кечәётгандек. Инсон шоҳсидаги юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар инсонийликнинг табигатини ташкил этувчи муҳим омиллардир. Ва улар, ўз навбатида, ахлоқий гўзаллик, интеллектуал тўқислил сингари башарий қадрийлар моҳиятини белгилайди. Профессор А.Расулов таъкидлагани-

¹ Мухтор А. Сизга айтар сўзим. Шеърлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1978. – Б. 37.

дек: «Асқад Мұхтор интеллектуал санъаткор сифатида үзбек адабиёттегі яңгиликка ингилиш, модерн адабиёттің мұккаммаллаштырышынан қам муносиб ҳисса құшды. Асқад Мұхтор шахсіні унинг ижодидан, интеллектуал асарлардан айри қолда тасаввур этиш мүмкін емес. Уннинг юриш-туриши, гап-сұzlари, ижтимоий фаолияти интеллектуал мөхияттіні намоён қылыш турарди»¹. «Сен кашфиёт ёлқинни...» шеърида күзатылған идея, қалб құры жонлилар, юрагида ёлқи ні борлар туфайли жонли, оловли. У тирикликтің куніга ярай ли. Тирик жонлар умрига чүр құшлади. Шу таҳлит табиат ранглары, деталлары лирик қаҳрамонни олам ва одам ҳаёти, тақдирі ҳақида фикрлашға үндайды. Зоро, оламни тушуниш ҳамда тушунтиришіда Асқад Мұхтор лирикасыда инсон ва табиат үйғуныңда намоён бұлади. Бу ҳолни изохлашда шоирнің лирик қаҳрамони бизга күмак беради. Қызғалдоқ билан безантан адирлар, чимзорнің күк барқут гилами, минг хил қүшларнің минг хил нағмаси, яйловни тұлдырган құй сурувлари, пахтакор ва чорвадор әлнің мәхнатдаги нашғыу-намоси ёш қалбда ажойиб ҳыслар, маҳвкор тұлқинлар үйғотиши шубҳасиз. Бу түйғуларни, тансық ва оҳори тұқылмаган ҳыслар-кечинмаларни ким биландыр үртоқлашиш иштиёқи баён этиши завқи лирик қаҳрамон шуурини тобора банд эта боради. Шу маңнода лирик қаҳрамон учун олам дардлы хүшбүйликдан иборат («Тонгда бир дард билан...») бұлғып күринади. У табиатни бастакор-машишоқ деб, күшлар сайрашысиз бу олам нақадар қашшок бұлади, деб билади.

«Шундай ўтган умр-армонсиз» шеърининг лирик қаҳрамони да лаларга ошиққан дарә тұлқынларини саволга тутады:

У зилол, ҳаётбахи наволаринг қани,
Жұшқин ёшилғынғиң қайға ташладын?
Биламан, барини кумуш толаларга,
Юртнің бояларига бергансан.
Гузар оқшомлари,
Деңқон қалбларига
Ёрудлик, файз бұлғып киргансан.
Нақш олма юзида ёниб,
Қандыға тұлдыргансан
Нағис, тарам-тарам томирларини,
Узоқ ійларингда

¹ Асқад Мұхтор замондошлари хотирасыда. – Т.: Маңнавият, 2003. – Б. 178.

*Сахайлик билан
Барини бергансан, барини.
Мана энди
Сұнгги қадамында
Жилдираға оқасан дармонасиз.
Шундай ўтсан экан мен ҳам
Йұлларимни!
Шундай ўтган умр — Армонасиз¹.*

Бағор оғушида яшнаган күм-күк адирлар, сою қирларнинг уз-луксиз зумрад түлқини, беҳад яйловнинг сокин ва улуғвор манзара-ни, чарақлаған даала қүёши, боғлар ва майсазорлар ўзининг манзара-ни, ҳиссиётлари билан биргаликда меҳнатсевар, камтарин, аҳил-чилиқ кишилари ҳаётининг гүзалигини тайин этади. Мазкур гүзал-лик мұаилиәт өткізу абстракт әмас. У инсон билан, одамларнинг ҳаёти ва мөхити билан боқийлик касб этади.

Асқаң Мұхтор фикрий шеърларининг фалсафий асосини ташкил-шып мазмун — бу табиат, инсон, меҳнат ва гүзалик тушунчаларыннан ягона бирлигидан вужудға келади. Ана шу омиллар гүзалик-шының мукаммал қиёғасини белгилаб бераркан, бевосита ҳаётининг ғалийлигини, унинг боқийлигини ҳам асослайди. Шу маънода, шоирнинг «Умр йұлы», «Тонглар гүзалиги», «Истак», «Үзак», «Бой-чылғылар» сингари үнлаб бадий барқамол шеърлари қарастырылады. Қүёш шоқын самодан келинчак мисол чиқиб келаркан, уни биринчи бұлғып үшін, янроқ, ниҳол қарши олади. Булбул дилбар, дилнавоз чаҳ-чаҳаркап, феруза нақорнинг сафосини ҳам чанқоқ симиради. Ҳаёт — шоқынлар қайнаған ёттан кон экан, уни меҳнат олиб чиқар рүебга. Пірик қаҳрамон дарёға, боғларга, тогу офтобға гүзаликнинг яшноқ-шоқынлардың симасынан болады. У мазкур ҳаёт дарсини чанқоқ үқийди. Нега-ни, уларнинг бағрида инсон құлпининг, бунёдкор меҳнатининг изла-ри бор. Инсон тафаккури, чақындең зеҳни, яратувчи меҳнати ту-ғайылған шоввалар шовқыни ёмғир қатрасида, камалаклар рангию-шының дақаларда, мактабидан қайттан күвноқ болаларда ҳаёт гүзалик-шының улуғвор жиілваларини құрады.

«Хар бир чинакам асарнинг ўзига яраша фалсафаси бұлади. Бош фалсафий фикр асарни ёза башлашдан олдин ҳам, ёзаёттанды ҳам, шиб бұлғандан кейин ҳам сизни безовта қилиб, қийнаб, ўртаб тури-ши керак. Шусиз ёзилған асар дарров эътибордан қолади. Асарда

¹ Мұхтор А. 99 миннагюра. Шеърлар. — Т.: Үздөвнеш, 1962. — Б.22

бош фикр, ҳаёт фалсафаси, чүг бўлмагандан кейин китобхон ҳамёнмайди¹. Асқад Мухтор фалсафий-интеллектуал лирикасининг ўзбек шеъриятидаги ўрни ва аҳамияти, аввало, юқорида кузатилганидек фалсафий маънодорликни гуманистик ғоялар билан, ҳаёт ҳикматла-рини шеърий нафосат билан уйғунлантира билганлигига намоён бўлади:

*Умр иўли – оёқ изи эмас,
Уни на қор, на чанг боса олади.
Уқора чизиқдай,
Ё нурдай муқаддас бўлиб,
Эл кўнглида мангу қолади².*

Ёки «Тонглар гўзаллиги» шеърини кўздан кечирайлик. Тонг жуда катта гулдастадай, сахий қучоғида нур кўтариб балқимоқда. Унини ҳар бир заррасини, томчи-томчи шуълаларини булат, киприк, байроқ, япроқ, уйларнинг тошлари талашган каби ташналиқда ютоқиб симиради. Шу боисдан ҳам тонглар қўшиқдай дилрабо; лирик қаҳрамоннинг қўшиқлари эса тонг каби сулув. Ушбу ҳиссиётнинг ҳаётий асосларини, юзага келтирган заминини излайди. Ва алал охири тунлар мижжа қоқмай меҳнат қилганлигига кўради:

*Қор тагидан дадил бош сузар.
Умри қисқалигин яхши билади.
Аммо кўзи тиниқ, чунки дил сезар:
Баҳорга сўқмоқлар очиб ўлади.*

Ушбу сатрлар шоирнинг «Бойчечак» тўрглигини ташкил этади. Умларни эзгулик учун, гўзаликлар бунёд этиш учун сафарбар қилишилик шоир шеъриятининг фалсафий магзига айланган. Ҳар бир шеър ана шу бош ижтимоий-фалсафий концепциянинг турфа қирраларини жилвалантириш учун сафарбар этилган. «Ўзак» шеъри «Бойчечак» шеъридаги маънони кекса қайрағоч образи мисолида давом эттиради. Хусусан, бадиий ғоянинг ўзга қиррасини ёритишга қаратилган. Гузардаги кекса қайрағоч дам сарғиш, дам пушти товлана-нэр эди. Кўм-кўк барглари қолмагач, уни кесиб кетишади. «Кечак ҳаёт эди, бугун – йўқ. Қизиқ...» деба хәёлларга толади лирик қаҳрамон. Ундан ёдгор бўлиб катта тўнкаси қолган.

¹ Мухтор А. Ёш дўстларимга. Адабий сұхбатлар. – Т.: Ёш гвардия, 1971. – Б. 15.

² Мухтор А. 99 миниатюра. Шеърлар. – Т.: Ўздавнашр, 1962. – Б. 42.

*Үнда түлқин-түлқин тұғарак чизиқ
Ёшин күрсатарди, сүзларди умрин.
Бир замон тебраниб ўсган навниҳол
Бир азим қоматга бўлибди ўзак.
Болаликда гап кўп. Бир гражданга
Зувала бўлади, ахир ҳар гўдак¹.*

Асқад Мухтор шеърларида она юрт қиёфаси сайрон кечалардан тир-тир шамоли, бедазорда кишинаган тўйин йилқилар, сабий жизирама чўл қуёши, мағур тоғлар образидан таркиб топади тоғлиглилар касб этади. Шоир шеърларидан офтобда қорайиб кетган чўпонлар, фидокор дэҳқонлар, пахтакорлар қиёфаси намоён бўвали. Булар, албатта, она ўлкамиз образини асословчи асосий омилилар эмас, ташқи белгилар, холос. Асқад Мухторнинг «Умр тули», «Ишончсиз қадамлар», «Бобомнинг бобоси...», «Туғилдию, ғалийлик топди», «Ухламай...» сингари шеърларини алоҳида таъсиллаб кўрсатиш мумкин. Уларда шоир лирикасидаги она юрт образини чизган ёрқин ва тантанавор бўёқларнинг юзага келишими конкрет ифодасини топган. Шу маънода «Ёзувчи ижодига кут на барака берадиган ҳақиқий зиё, энг аввало, унинг ўз қалбига на халиқ ҳаётига отган илдизларидан келиб чиқади»², – деганини алиб П. Қодиров минг карра ҳақ.

Гўяйлиллик лирик қаҳрамон қалбига ҳаёт заррасидан оқиб киради, сабаби, у ҳаётнинг тақорорланмас лаҳзаларини тия олганлиги билан турурланади, «Бахтлиман дунёга ҳурмат ва эъзоз билан Инсон бўлиб кетпим учун» дейа турурланади. Шу боисдан ҳам шоир лирикасида гўяйлилларни роят ёрқин бўёқлари, маъюс ва маҳзунликка чўмган турур тўла оҳанглари билан намоён бўлади. Асқад Мухтор лирикасида бадий идрокнинг сермаъно образлар рангдорлиги, бўёқларга муддиги алоҳида бир хусусият касб этади. Бу нарса бевосита ҳаётини ўйилдан андоза олганлиги, шоир шахсияти ва эстетик қарашлашыниширида шаклланганлиги, она юрт манзараларидан оро топганни билан характерланади.

Асқад Мухтор инсоннинг ҳаёт йули – бу ҳалол покдомон яшашинида, маълавий бедорликда деб билади. Одамларга наф келтириш, юрт корига яраш, хизматини ўтай билишда деб тушунади. Шах-

¹ Мұхтор А. 99 миниатюра. Шеърлар. – Т.: Ўздавнашр, 1962. – Б. 56.

² Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. – Т.: Маънавият, 2003. – Б. 178.

сий баҳт ҳалқ манфаатларига йұналтирилсағина мұккаммалликка әга бүләди. Мазкур ғоявий-бадиий концепция шоирнинг фалсафий-интеллектуал лирикаси мундарижасини белгилайди.

ШЕРІЯТДА «РАМЗ ТИЛИ»

Ш.Л. Карамова, филол.ф.н. (ҚарДУ)

XX аср ўзбек шеъриятіда бадиий сұзнинг турли товланишларини, лирик образ құламининг кенглигини, юксак эстетик идеалга әга шоирлар поэтик тафаккури бетакрорлыгини кузатыш мүмкін. Зотан, шеъриятда шоирнинг сұзи мұхым; сұз шоир қиёфаси ва «мен»лиги, сұз-шоир бадиий ғоясини ифода этадиган мұжизавий восита. Ижод ахли ўз индивидуал поэтик олами, санъаткорона сұзи, оригинал ифода усуллари билан ҳалқининг қалbidан ўрин олади.

Мана шундай шоирларимиздан бири Шавкат Раҳмондир. Шоир шеъриятининг ғоявий бадиий хусусиятини англаш учун даставвал унинг эстетик қарашларини тушуна билиш лозим. Бу дегани адабиётнинг, демак, ижодкорнинг жамият, ҳалқ, инсон олдидаги бурчы масаласидир. Шоир ижодида фидойилик, юрг тақдирига масъуллік, әрк ва озодлик анча дадил овозда куйланғанлыгини күрамиз. Гарчанды шоир 70–80 йиллар Коммунистик мағқура ғоялары айни күтказған тұлған даврларда ҳам ҳаёт ҳақиқатини қажқоний тасвирлаган, инсонни теран аңғлаган, орзу армонарарни ростғүйлик билан куйлаган әди.

*Құзингизни очинг, құрқманг,
Зиёдан қамаисин отрисин майли,
Майлига яшамоқ бұлсın қийинрок
Очиқлиги туғайли¹.*

Үшбұ мисралар ішінде Құлпон аср бошларыда, аниқроғи 20–30 йилларда ҳалқни озодлікка, хурлыққа чақириб, мутелік ботқоғидан күтилишінде дағыват эттін:

*Кишиан кийма, буйин әгма
Ки сен хам хур туғулғонсен² каби мисраларни әслатгандек.*

¹ Шавкат Раҳмон. Абадият оралаб. Шеърлар. – Тошкент, 2012. – Б. 21

² Ұша асар. – Б. 444.

Чүлпон аср бошида озодлик ва эркинликни шеърларида куйлаган бұлса, аср сұнгигида 70-80 йиллар авлодида Шавкат Раҳмон инсонларни, аввало, үзини англашта, ҳәётта очиқ күз билан қараشتа, гарчи қақиқат аччиқ бұлсада, үз юртими озод ва эркин куришга әхтийәж сезган эди. Чүлпон билан Шавкат Раҳмон шеъриятидаги ҳамоқандық айнан мана шу ижодкор эстетик идеалида намоён болади.

Чүлпон ва Шавкат Раҳмон шеъриятидаги яна бир уйғунлик шеърларида рамзлар тилига катта эътибор берисида, улардаги «қарға» мажозий образини образ даражасыда күтаришида күрамиз. Ҳар икки шоирда ҳам бу салбий хусусият касб этади.

Чүлпон «Хазон» шеърида:

*Қарғалар боғларда қағлашиб қолдилар
Билмадим кимларнинг қисматы узулур
Ёнгоққа ёпишиб бир чангал солдилар
Билмадим кимларнинг умиди йүқ булур¹.*

Еки:

*Яна қии. Қор каған ёпилди яна
Қарғага түйүйин топилди яна.*

Шоир ҳар иккала шеърида ҳам «қарға» сұзига алоқида ургу беради. Чүлпон айтганидек: «Күклам ойим йүлга чиққан, күклам ойим келади» деган келажакдаги ёруғ күнлардаги умидини баҳор фаслиға менгзайди. Лекин «қарға» рамзий образини келтирған шеърлар айнан «куз», «қиши» фаслларда күринади. Сабаби Чүлпон табиат манзрасини чизиш билан бирга ундан моҳият излайди. Нега айнан қишиға? «Қор», «оппоқ қор» рамзлари поклик ва софлик тушунчаларини бериши мумкин эди. Лекин Чүлпон «қиши»нинг совуқлигини хукм сураёттан мустамлакачилик сиёсатига, ер іюзига ёйилған қорни эса кағанға, янын әрки йүқ халқининг ұлымға маңқумлигига, ҳокимият тепасида туриб, үз хукмини ўтказаёттан салтанат әгаларини «қарға»-та менгзайди.

Шавкт Раҳмон шеъриятидаги ҳам «қарға» рамзларига күп мурожаат этади. Шоирнинг «Шимол куни» шеърида «қовжираган куз тепасида айланади қора қарғалар» каби мисраларида ҳам шундай ҳолатни күришимиз мумкин.

¹ Үша асар. – Б. 482.

Бу йил ҳам минорда ҳайрият.
Шарқона безаклар сұнмабди.
Минорнинг бошига бу йил ҳам
Ҳайрият, қаргалар құнмабди.

Шеърдаги «шарқона безаклар» ўзлигини йүқтотмаган миллат қиёфаси, «ҳайрият қаргалар құнмабди» мисраларида ёвуз ниятли кимсалар турмаганлыгидан шоирнинг келажакка бұлған умидининг рамзидир.

Бизга маълумки, эрк ва озодлик, истиқтол учун кураш 20–30 йилларда бошланған эди. Лекин 50-йиллар «сокинлик даври» деб аталған адабиётта бундай сұзларни барада айтишга имкон бұлмаған. 37-йиллар қатарон даври азобларининг охори түкилмаган, адабиёт ҳукмрон мағкура учун хизмат қилишга мажбур этилған даврларда бу ҳақда айтиш ниҳоятда мушкул эди. XX аср 60-йилларининг иккинчи ярмида бошланған ўзбек шеъриятидаги янгилиниң жараёнлари йиллар үтиб, ўзининг юксак поғонасига күтарилди. Ижодкорнинг дард түғёнлари, истиқдолға бұлған әхтиёжи 70–80 йиллар шеъриятида рамзлар тилига кирди. Бу даврда А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Парфи ижодида бундай ҳолатларни күришимиз мумкин.

Ўзбек шоирлари ўз шеърлари мазмун-моҳиятига милиций ўзликни англаш, буок аждодлар билан фахрланиш, Ватанни озод күриш каби бир қатор эзгу туйғуларни қуюқ рамзий образлар орқали сингдирдилар. Истиқтол туйғуси ижод аҳлининг ботинида етилди, шеърий мисралар илдизи асосини ташкил этди. Табиийки, бу адабий-эстетик ҳодиса Шавкат Раҳмон ижодида ўз поэтик ифодасини тоғди.

Шавкат Раҳмон ҳам шу авлоднинг құзға күринган истеъдодли вакилларидан бўлиб, ватанини озод ва обод күриш орзусида ёниб яшаган шоир. Дарҳақиқат, шоирнинг ўз ҳәёти йўқ; унинг ҳәёти элнинг, Ватаннинг ҳәётига қушилиб сингиб кетган. Бу ҳақда шоир Э.Воҳидов шундай деган эди: «Шоир, аввало, ўзининг шахсий ҳәёти йўқ эканлигига тан бериши керак. Шоирнинг дарди халқнинг дарди. Томчида күёш акс этганидек, шоир – истеъодод гавҳаридә күринган халқнинг юраги! У ўзининг пинҳоний умрида шу гавҳарни әхтиёт қилиши керак. Агар ҳар бир сўзи халқнинг, даврнинг нидоси бўлса у шоир баҳтли»¹.

¹ Воҳидов. Э. Шоиру шеъру шуур. – Тошкент, 1986. – Б. 159.

Шавкат Раҳмон ўзининг илк изланишларидаёқ, ана шу нарсаниenglai олди. У айтиётган ҳар бир сўз халқ дарди, эҳтиёжи, юраги билан ҳамоҳанг айтилади. У муросасиз шоир келишувчанликни, эзмалик ва мужмалликни ёқтирмайди. Унинг шеъриятида ишқ, муҳаббат, ёр, ҳижрон, висол мавзуларидан эркпарварлик, ватанпарварлик, ватан ўтмиши, бугуни, келажаги учун кайфуриш ҳақидаги шеърлари устунлик қиласи. Унинг шеърларини тафтиш қилинг жараёнида шунга амин бўламизки ўз тақдирини ватан тақдиридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Шоир ижод майдонида «Ўшкент лаҳзаси» шеъри билан кириб келган ва ўз юрг манзараларини, ватанга муҳаббатини куйлаган бўлса, умрининг сўнгида ёзилган шеърида ҳам ўз туғилиб ўсган юртига учмас меҳр-муҳаббатини изҳор этади.

*Айт, эй хаста булбулим
Ўшга қачон етамиз?
Абадият оралаб
Ўшга қачон етамиз?*¹

Ватан, юрг ҳақида кўп ва хўп айтиш мумкин. Бу мавзууни қаламга олмаган ижодкор бўлмаса керак. Ўзбек шеъриятида Чўлпон, Фиграт, Ойбек, Х.Олимжон, А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Парфи ва бошқа ижодкорлар маромига етказиб куйлаган, юрг тақдирни, юрг манзараси ҳақида шоирларимиз бетакрор ташбехлар битишган. Шавкат Раҳмон ҳам Ватан ҳақида ёзганида ҳамду сано қилиш, ўзга миллатга кўз-кўз қилиш учун чиройли қофиялар яратишни мақсад қилмайди. Шоир учун олий баҳт юртнинг эрку озодлиги, фами, ҳасратининг камайиши бирлиги, дину диёнатидадир.

*Шоир «Баҳт сўзи» шеърида:
Аввало, бу сўзни ўзгалар айтсин,
Айтсинлар кўзлари севинчга тўлиб,
Эллининг баҳти учун ўлимни тиккан
Шоирлар айтмасин биринчи бўлиб².*

Шоир қачон чин маънода баҳтли бўлади? Ватан озод, юрг баҳти ёр бўлса. Шоир учун баҳт ўз баҳтини бошқаларнинг баҳти ичida кўришида. Юргининг фаровон ва тинчлигидадир. Шундай экан, шоир юртига баҳтни орзу қилиб ёзишни эмас, чин маънодаги баҳти ёр халқини куйлашни истайди.

¹ Шавкат Раҳмон. Абадият оралаб. Шеърлар. – Тошкент, 2012. – Б. 396.

² Шавкат Раҳмон. Абадият оралаб. Шеърлар. – Тошкент, 2012. – Б. 214.

Исёнкор куйчилардан бўлмиш Шавкат Раҳмон чин сўзни расм этди. У рост туйгулар куйчиси, тўғрисўз шоир сифатида танилди. Сохта гояларни симиравериш жонига теккан халқ аҳволини бешафқат ва тўғри баҳолади. Демак, юқоридаги мушоҳадалар шуни кўрсатадики, Шавкат Раҳмон ўзбек шеъриятига дастлабки қадамларида ноқ кенг қамровли, айни пайтда, ижтимоий жиҳатдан салмоқдор шеърлари билан кириб келди. Шундай экан, шоирнинг гўзал шеърий асарлари юксак адабий, ижтимоий, маънавий муҳитни юзага келтиради.

ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР ТАЛҚИННИ

Д. Ходоров, катта ўқитувчи (ЎзМУ)

Қадимдан ижтимоий муаммоларни тасвирлаш бадиий адабиёттинг етакчи мавзуларидан бири бўлиб келган. Ҳозирги адабий жарайёnda кўзга ташланадиган юксак техника ва технологиялар, дунё глобаллашуви жараёни ва талай экологик муаммоларнинг бадиий тасвири мавзунинг ҳамон долзарб эканлигини билдиради. Ижод аҳли ҳамиша табиат, ҳайвонот ва набототни келгуси авлодларга соғ ҳолда сақлаб қолини учун қайғуриб келганилиги бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам теварак-атрофга очиқ кўз билан сергакроқ назар ташланса, бу ҳодисалар ер юзида истиқомат қиливчиларнинг миллати, дини, ирқи-ю қайси тилда сўзланишидан қатъи назар, барча учун бирдек таалуқли эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Турли-туман халқаро ташкилотларнинг лойихалар таклиф қилиши, қизгин баҳс-мунозараларга бой анжуманлар ўтказиши ҳам пировард-оқибатда. Она Сайёрамизни саломат сақлаб қолиш мақсадига қаратилган. Барча нарсадан бойлик ортгириш йўригини қидирган ишбайлармон ва корчалонлар шундай пайтларда ҳам фойдаланиб қолмоқчи бўлишади, лекин, тўқайга ўт кетса ҳўлу қуруқ баробар ёниши вақти етиб уларга ҳам аён бўлиши аниқ.

Муқаддас каломларда айтилишича инсониятга бало — қазолар осмондан эмас, балки қилган хатти-ҳаракатларига яраша бўлади, дейилади. Ва бу инкор қилиб бўлмас ҳақиқат инсоният тарихида неча бор исботланган ҳам.

Шу ўринда ўзининг қатор қисса ва романлари, эссе ва ҳикоялари билан Мустақиллик даври ўзбек насрининг шаклланишига салмоқли улуш қўшиб келаётган таникли ёзувчи Шойим Бўтаевнинг

«Шамол ўйини» қиссасидаги бир манзара ёдга келади. Тоғлиқ Ой-булоқ қишлоғида катта түғон қурилади. Маҳаллий халқ бу қурилишга беэтибор қарашади. Арз қилиб чиққан қарияларни ҳам маҳаллий амалдорлар қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб жўнатиб юборади. Түғон қурилади, атрофи обод булади. Санаторийлар барпо этилиб, турли тоифадаги одамлар оқиб кела бошлади. Бироқ вақт ўтиши билан табиат инжикликлари бошланади. Осмонда қора булулар тўпланиб, қаттиқ довул бошланади. Натижада түғон бузилиб, бугун бир қишлоқдан ном-нишон ҳам қолмайди. Қиссадаги мана бу тасвирга эътибор беринг: «Итлар лойқа босган катаклари атрофида фингитганча айланишар, кўкка қараб улишар – яратгандан мадад-имдод кутаётгандек эдилар. Ҳаммадан ажабланарлиси шундаки, бу чоёда бир-биридан ҳадиксираб, қочиб юрадиган жонзодлар ҳам айқаш-уйқаш бўлиб кетди – уларнинг мултарак жиҳати аён бўлиб қолди, қайгуни, аламни, фуссани парранда-ю даррандаларнинг, одам боласининг кўзлари бир хил тарзда аён этаркан.

Одамлар... Улар ҳеч нарсага қарашмасди, зеро ҳамма нарсанинг кули кўкка соврилиб бўлганди. Улар ҳеч нарсага эътибор беришмасли, эътибор берадиган нарсанинг ўзи қолмаганди».

Ҳар қандай калифиёт инсон тасаввури билан бошланади. Бадиий адабиёт тасаввурларга асосланишини эътиборга олсак, бадиий асарлардаги жуда кўп воқеалар, ҳодисалар реаллашганини кузатиш мумкин. Қадим афсоналардаги учар гиламлар, сеҳрли ойналар ва бошқа кўплаб ҳодисалар ҳақиқатга айланганига гувоҳ бўламиз. Ёки дунётан олган ёзувчи Эдгар По қаламига мансуб бир ҳикояда довулга учраган кема аъзолари оч қолганларидан бир экипаж аъзосини ебтирик қоладилар. Аслида бу бир бадиий асар. Лекин 1884 йилда ҳуёди шунга ўхшаш воқеа ҳаётда ҳам содир бўлади. «Кружева» кемаси аъзолари ҳам очлик сабаб бир матросни ейишади ва ҳикоя қаҳрамони билан экипаж аъзосининг исм шарифлари ҳам айнан бирбирига ўхшаш: Ригард Паркер бўлган экан. Эдгар По асари бу воқеадан анча аввал ёзилган эди.

Шойим Бўгаевнинг «Шамол ўйини» қиссаси 1988 йилда ёзилган. Бу вақтда, ҳозирги Марказий Осиё экологик мұхитига таҳдид солиши хавфи бўлган Роғун ва Қамбарота электрстанциялари, сув омборлари қурилиши ҳақида ҳеч қандай гап бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Негаки, собиқ шуро замонида минтақа аҳолисишининг барчаси пахтакор, бир сўз билан айтганда, халқ хўжалигига пахта монокультураси хукмрон эди. Шунинг оқибатида дарё сувларидан фойдаланишининг ҳам энергетик, ҳам ирригация тизимлари

издан чиқиб, йигирманчи асрнинг улкан экологик фожиаси – бус-бутун Орол денгизининг ўз соҳиларидан ўнлаб чақирим йироқлашиб кетиши содир бўлган эди.

Ижод аҳли азал-азалдан илоҳий тасаввурларга сунади. Чунки уларга иқтидор Аллоҳ томонидан инъом қилинган. Биз бу гаплар билан ижодкорларни башоратгўй дейищдан йироқмиз. Бироқ қиссадаги воқеалар ҳақиқий ҳаётда ҳам рўй бермаслигига ҳеч ким кафолот беролмайди. Бугун дунё жамоатчилиги тараққий қилган мамлакатлар саноати чиқараётган газлар туфайли иқлим исиши, дарёлар тошиши, тўфон ва сунамилардан ташвишга тушиб, бундай оғатлардан холос бўлишининг чора-тадбирларини баҳамжиҳат излашмоқда, бу албатта, таҳсинга лойик, башарият тақдирига масъулликдир. Минг-минг йиллар мобайнида барча халқларнинг бадиий адабиётида табиат билан инсон уйғунлигининг абадийлиги тасвирланиши ҳам шундан.

Шойим Бўтаевнинг «Шамол ўйини» асарида табиатнинг ўз табиий маромига халақит бериш ноҳуш оқибатларга олиб келиши ҳам мумкинлиги тасвирланган. Марказий Осиё ҳудуди бўйлаб ўтадиган трансчегаравий дарёлар бўйида курилаётган электростанциялар, тўлонлар ҳақида бугун матбуотда кўп гапирилмоқда, бу масалага дунё жамоатчилигининг ҳам эътибори қаратилмоқда. Минтақамиз халқлари ўртасидаги азалий кўни-кўшничилик, маданий борди-келдилар, урф-удумлар ҳам муштаракдир. Шундай экан, аввало мана шу тупроқда суюк сурисиб яшаб келган барча онгли инсонлар бундай фожиаларни олдини олишга баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари зарурлигини дилга солувчи туйғулар ҳам «Шамол ўйини» қиссасини мутоллаа қилиш жараёнida яна бот-бот уйронади.

КИНОЯ ВА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК МАСАЛАСИ

М. Шералиева, ўқитувчи (АДУ)

Рус эстет олими Ю.Боревнинг фикрича, «ёпиқ жамиятда мишиш – ахборотнинг асосий шакли. Мишишлар жанги -- ижтимоий ҳаётнинг муҳим кўринишидир»¹. Совет жамияти ўз моҳиятига кўра,

¹ Дмитриев А.В. Ю. Борев и интеллигентский фольклор. Сопиологические исследования. – М., 1995. №7. – С. 138-141.

әпік жамият, биқік мұхит әди. Рус олыми В.М.Пивоев үз тадқиқотида инглиз естег олими Шефтсберининг айни масалага бевосита алоқадор қарашларини келтиради: «Шефтсбери үз ишларида мұлоқтнинг хусусияти ижтимоий әркисизлик даражасига боғлиқлиги ҳақидағи үз даври учун мұхым бұлған фикрни айтади. Әркисизлик даражаси қанчалик ортиқ бұлса, қадриятларга мувофиқ нұқтаи на зарни ифодалаш имконини сақлаш учун мұлоқот шакшлары ҳам шунчалик нозиклашади. Шефтсбери кинояда ана шундай мұлоқот шаклинин күради»¹.

Шундан келиб чиққан ҳолда В. Пивоев кинояның «муайян ижтимоий гурух қадриятларига мувофиқ қарашларни ифодалашига күра субъектив, жамият тараққиётининг реал зиддиятларини бақолаши билан эса объектив» хусусиятта эга эканини айтади². Шунингдек, В.М. Пивоев кулгининг демократик ва анти totalitar хусусиятини таъкидлайды. Бу жиҳатдан киноя ва латифа (анекдот)нинг умумий-лигини күриш мүмкін: шұро даври латифаларидан totalitar тузум ва унинг расмий мағкурасига, дақоларига киноявий муносабат ифодаланған.

Ю. Борев шұро даврида расмий мифология билан ёнма-ён но-расмий мифология – «интеллигент фольклори» (Ю. Борев атамаси) ҳам мавжуд бұлғанини айтади. Асосан роман, шеър, мактуб ва кундаликлар ёзиш билан банд бұлған интеллигенцияга нисбатан бундай атамани құллаш «қовурилған муз» жумласи сингари эриш туолғани учун олим шундай изоқ беради: диктатура шароитида үз фикрини қофозда ифода этиш хавфли бұлиб, оғзаки ҳикоя ахборот алмашишнинг цензурадан ҳоли ягона шаклиға айланған әди. Яъни «тарихий латифа құжжатларда сақданиб қолмаган ҳаёғни қайта тиклаш имконини бериши» билан қимматли. Л.Н. Столович ёзганидек, «калтаклаб, лекин йиғлашға имкон берилмаган» маҳалда үтә саводхон интеллигенция фикр ва түйгүларини оғзаки тарзда ўртоқлашишға интилади. Халқ оғзаки ижодига құшилиши билан интеллигенция халқнинг ажралмас бир қисми эканини күрсатади³.

Таъкидлап керакки, Ю. Борев «интеллигент фольклори» деганда фақат тарихий латифаны әмас, балқи оғзаки айтилған хотиралар,

¹ Пивоев В.М. Ирония как феномен культуры. – Петрозаводск: издательство Петрозаводского университета, 2000. – С.16.

² Ұша жойда. – Б. 32.

³ Столович Л. Н. Философия. Эстетика. Смех. СПб. – М.: Гарту, 1999. – С. 280.

норасмий афсоналар ва мишишларни ҳам назарда тутади. Латифа эса интеллигент фольклорида марказий ўрин тутади.

«Лолазор» романи қаҳрамонлари расмий мифлар ва норасмий мифлар – интеллигенция томонидан яратилган афсоналар, латифа ва мишишлар оламида яшайди. Бу ҳол романнинг асар яратилган давр маданий контексти билан интертекстуал алоқасини белгилаганки, ёзувчи ўз романни орқали нафақат расмий матнлар (бадиий асарлар, газста-журнал материаллари ва б.) билан, балки оғзаки тарзда яратилган, даврадан даврага кучиб юрувчи «матн»лар (асосан, интеллигенция орасидаги латифалар) билан ҳам интертекстуал муносабатга, диалогга киришади.

«Лолазор» романида тоталитар тузум ва унинг мафкураси томонидан яратилган мифлар киноявий инкор этилгани очик-ошкор кўришиб туради. Расмий мафкура илгари сурган ғоялар ва реаллик ўргасидаги номувофиқлик муаллифда ҳамиша киноявий муносабат туғдиради.

Биринчи навбатда, асар марказига қўйилаётган образлар ва уларнинг талқинида ёзувчининг давр контекстида шаклланган стереотипларга киноявий муносабати, жавоби мужассамлашади. Романда давр маданий мухитида актуал бўлган юзлаб матнларга – бадиий асарлар, газета-журнал мақолалари, расмий хабарлар, телерадиодаги чиқишлар, норасмий оғзаки ҳикоя ва латифаларга ишоралар бор. Бу масала, назаримизда, алоҳида тадқиқ этишга арзийди. Биз эса масалани Назир Сафаровнинг «Узоқни кўзлаган қиз» қиссаси билан алоқадорликдагина кўриб чиқамиз.

«Лолазор» романининг «Узоқни кўзлаган қиз» қиссаси билан интертекстуал алоқаси адолатли шўро тузуми ҳақидаги «миф»ни парчалашга хизмат қиласди. Романда мазкур қисса ва унинг муаллифига тўғридан тўғри мос тушадиган интертекстуал ишоралар бор. Шунга кўра, айтиш мумкинки, Қурбоной – илфор теримчи аёл образи ҳаётий прототипга эга бўлибгина қолмай, балки адабий манба таъсирида яратилган образ ҳамдир. Шўро даври ўзбек адабиётининг отахон ёзувчиси Назир Сафаровнинг машхур пахтакор аёл Турсуной Охунова ҳақида ёзган «Узоқни кўзлаган қиз» қиссаси М.Муҳаммад Дўст учун интертекстуал манба бўлиб хизмат қиласган. Романнинг Қурбоной ҳақидаги саҳифаларида ана шу қиссага интертекстуал ишораларга кўп бора дуч келамиз. Бу ўринда фақат Қурбонойгина эмас, у ҳақда очерк ёзган Назар Яхшибоев ҳам интертекстуал алоқанинг натижаси ўлароқ яратилган образ сифатида кўринади – совет даврининг отахон ёзувчиси Назир

Сафаров қисман Яхшибоев образининг прототипи экани англапшилади (*Назар ва Назир* исмларининг уйқашлиги ҳам тасодиф эмас). «Қисман» деб таъкидлашимизнинг сабаби шуки, «отахон ёзувчи» мақоми муаллиф учун аввало ташқи қобиқ сифатида муҳим. Романда муаллифнинг шахс концепциясини акс эттиришда асосий роль ўйнаётган Яхшибоев образининг моҳияти прототипни кидан кенгроқ. Яъни «отахон ёзувчи»нинг мақоми — йўриқдаги ижодкор вазияти роман проблематикасини акс эттиришга оптималь имкон яратиш учун зарур эди.

Романда Яхшибоев Курбоной ҳақида ёзган очеркнинг номи («Юлдузни кўзлаган қиз») Назир Сафаровнинг қиссаси («Узоқни кўзлаган қиз») номини эслатади. Персонаж исми бир вақтнинг ўзида оҳангдошлиги билан прототипга ишора қилгани ҳолда (Турсуной — Курбоной), интертекстуал манба — Н.Сафаров қиссасидаги талқинни ҳам инкор қилади: илғор пахтакор аёл Курбоной шўро даврининг тақдиридан мамнун, баҳти тўқис аёл эмас, шўро сиёсатининг қурбони, шираси сўриб олинганидан кейин ҳеч кимга кераги бўлмай қолган баҳтиқаро аёл қиёфасида кўринади.

Курбоной образининг моҳияти фақат Яхшибоевнинг унга нисбатан киноялари орқалигина эмас, унинг ўз-ўзига бўлган аччиқ киноялари билан ҳам очилади. Н.Сафаров қиссасидаги Турсуной Охунова — тақдиридан мамнун, баҳтиёр аёл. «Лолазор»даги Курбоной эса ўзининг фоже ҳолатини англаб турган, сиёсий гарифбот йўлидаги шунчаки бир қўғирчоқ бўлгани, бунинг эвазига аёллик, оналик баҳтидан айрилгани учун жуда кечикиб надомат чекаётган аёл: «Курбоной кўзларини очди, ночор илжайди. «Нодон эканман-да, — деди. — Нимагаям бунча бурним кўтарилиб кетувди, Назар ота? Ургочилигимни унутиб, емга туйган ҳангидай ҳайқиришини менга ким қўювди?» Ҳар қандай шароитда ҳам ичи ва таши ўргасидаги фарқни сақлаб қолаётган Назар Яхшибоевдан фарқли, Курбонойда гурурини сақлаб, тақдиридан норозиликни бирорвга сездирмаслик истаги йўқ, шунинг учун у Яхшибоевнинг олдида ҳам аччиқ алам билан ўзининг устидан киноя қиласаверади.

Давр маданий мұхитида актуал бўлган матнлар билан диалогик алоқаси «Лолазор» романида воқеликка киноявий муносабатни ифодалашнинг асосий воситалардан бирига айланган. Киноя бунда структура белгиловчи принцип вазифасини бажаради. Муаллиф романга ўзга матнлардан цитата олиб кириш, бошқа матнларга ишора қилиш (образ, мотив ва б.) орқали ўз даври маданий мұхитидаги турли нұқтаи назарлар билан диалогга киришади, бироқ қарши томоннинг

диалогта қодир эмаслиги, тоталитарликдан ҳоли бўлолмаслиги муаллифни уларга, асосан, киноявий позициядан баҳо беришига олиб келади.

ЖАСТИН МАРОЦЦИНинг «ТЕМУР: ИСЛОМ ШАМШИРИ, ДУНЁ ФОТИХИ» ТАРИХИЙ РОМАНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

М. Яқубов, ўқитувчи (УрДУ)

Жастин Мароцци инглиз журналисти, тарихчи ва саёҳатнома ёзувчisi. Мароццининг тўрт китоби нашрдан чиқсан. Улардан бири бу – Темур: ислом шамшири, дунё фотиҳи (таржима бизники – М.Я., аслиятда: Tamerlane: Sword of Islam, Conqueror of the World) Соҳибқиронга багишланган. Тарихий роман деб эътироф этилган, Жастин Мароццининг 449 бетлик, 2006 йил Де Капо нашриёти томонидан босиб чиқарилган бу китоб қуйидаги тақриз билан бошланади:

«Тамерлан Чингизхоннинг татар давомчиси, у буюк Александр каби энг буюк дунё фотиҳлари қаторида туради. Унинг қўшинлари аёвсиз бўлиб бугун Осиё, Африка ва Европа узра қўркув солган. Оловли бўрон каби бу қўшинлар бутун Осиёни босиб, шаҳарларни ер билан яксон қилиб, асиirlарни азоб-уқубатга солиб, душманларга хунрезлик қилганлар. Тамерланга қулоқ солмасликка журъат этган ҳар қандай кимса, шубҳасиз, бошидан (калла) жудо бўлган... Ҳаётининг охиригача Тамерлан қаттиққўл қоидаларини амалга ошириш билан бирга, Суриядан Ҳиндистогача ва Сибирдан то Ўрта дengизга-ча бўлган ҳудудларда маданиятни ҳам юксак чўққиларга олиб чиқсан. Бу доно ва қудратли жангчи ҳақида сўзлаб бериш учун Жастин Мароцци ушбу қаттиққўллик билан ном чиқарган Самарқанд императори ватанига (ҳозирги Ўзбекистон) саёҳат қиласди¹.

Ушбу асар (рус тилига) 2009 йил Александр Больных² томонидан «Темур – дунё фотиҳи» деб таржима қилинади. Бу версияда ҳам нашриёт кириш сўзи мавжуд, жумладан, унда шундай дейилган:

Тамерлан – Амир Темур, замондонлари уни шундай аталиган.

¹ Justin Marozzi Tamerlane: Sword of Islam, Conqueror of the World. Da Capo. February 2006. – P. 449.

² Тамерлан. Завоеватель мира. Мароцци Джастин. Серия: Исторический роман. Издательство: ACT, ACT Москва (2009). ISBN: 978-5-17-058919-7, 978-5-403-01069-6. Объём: – С. 464.

Буюк дунё забткорлари силсиласида охиргиси. Ўрта асрнинг афсонавий саркардаси, айтишларича, (афсонага биноан) кафтида қотиб қолган қон билан туғилган. Буюк империя соҳиби. Биронта ҳам жангда мағлуб бўлмаган саркарда ва стратег. Аёвсиз ва қаттиққўл, аммо унинг хукмронлиги даврида Марказий Осиёда илму фан ва санъат ривож топган... Ислим тарих саҳифаларида абадий жой олган мураккаб, сирли шахс. Тамерлан қандай шахс бўлган? Бу саволга олим ва журналист Жастин Мароцци жавоб беришга ҳаракат қилган.

Маълумки, Амир Темур ўз даврида ҳукмфармоликка интилгандар ичидаги ягона шахс эмас эди. Шунни унутмаслик жоизки, у ҳам барча буюк тарихий шахслар қатори ўз даври фарзанди. Уни ўз даври ижтимоий муҳити вояга етказган ва унинг қарашлари, мақсад ва интилишларини ҳам ўз даври мағқураси шакллантирган. У тарихий зарурат тақозасига кўра, жаҳонгириликни даъво қилиб Марказий Осиёнинг бутунги тақдирни пойдеворига тамал тошини қўйган. У ҳам барча қатори ўзи яшаган давр, замон, муҳит таомилига яраша иш туттган. Бироқ ўз қобилияти ва салоҳиятига кўра, бошқалардан устунроқ бўлгани унинг кейинги фаолиятидан маълум. Эҳтимол, бу қобилият ва салоҳият бутун умри жангу жадалда ўтган бу жаҳонгиригининг мутлақо мағлубиятсиз жанглар олиб боришини таъмин этгандир. Балки марказлашгандан давлат тузишнинг ўша даврдаги фсодал тарқоқлиқдан кўра афзалроқ эканини тушинмай, унинг тартиботларига қарши исен кўттаргандарни тор-мор этиши, бошқа подшоҳларга қараганда бир мунча шафқатсизроқ бўлгани унинг тарқоқлиқни мумкин қадар тезроқ бартараф қилиш мақсади билан тарихан боғлиқдир.

Хуллас, Амир Темурни ўз даври, ўз замони, Ўрта асрлар (XIV аср) Мовароуннаҳр муҳити тарбиялаб вояга етказган ва жаҳонгирилкка йўллаган. Воқеан, Соҳибқирон ҳақида бадиий асар ёзиши ният қилган адаб асло буни унутмаслиги лозим. Мадомики шундай экан, Жастин Мароццининг романида бу тарихий омиллар тарих ва ижтимоий тараққиёт тақозасидан мустасно ҳолда талқин қилиниши Соҳибқирон давридаги тарихий вазиятга монанд эмас.

Бизнинг фикримизча, Мароццининг тарихий роман деб эътироф ўтган бу асари, буюк Соҳибқиронимиз ҳаёти, кучган зафарлари ва ёришган ютуқлари ҳақида маълумот олишга интилаётган ўкувчининг талаб ва истакларига жавоб бермайди, чунки муаллиф Амир Темурнинг биз юқорида эслатиб ўтган хусусиятлари, яъни шахс си-

фатида шаклланиши, қандай қилиб улкан зафарлар қозонгани ва бемисл ютуқларга эришгани хусусида сүз юритиш ўрнига, балки китобининг деярли ярмини Ватанимиз бўйлаб қылган сайёҳатига бағишлайди. Тасвирлар қанчалик бой ва мұльжаз бўлмасин, муаллиф Соҳибқирон тимсолига аниқроқ ёндашмайди, Амир Темур ютуқларини ҳурмат билан узоқдан кузатади, бинобарин, ҳар қандай муаллиф, биограф ӯз қаҳрамонини ҳаққоний баҳолаш учун масалага аниқ далил ва таҳлиллар асосида реал ёндашишлари керак. Китобнинг тузилиши қуйидагича: жуда оз ва тор миқёсли Амир Темур ҳаётига оид маълумотлар, ҳар бирида тент равиша катта ҳисобли журналистика бор. Ўқувчи на тўлиқ билимга эга бўлади, на Амир Темурнинг мувафақиятлари ҳақида аниқ тушунчага эга бўлади, на Темур шахсияти ҳақида. Биография ёзиши қоидалари – китоб қаҳрамони қандай шахс бўлганлигини аниқлаш ва унинг ютуқларини баҳолашдан иборат. Мазкур вазиятда эса Соҳибқирон қандай қилиб қудратли салтанат барпо этиши ва унинг адолатпарвар соҳиби даражасига етганлиги ҳақида аниқ ва тўғри маълумот ўқувчига етказиб берилмаган.

ҚИССАДА УСЛУБИЙ СИНКРЕТИЗМ

Ф. Ражабова, ўқитувчи (УрДУ)

Ўзбек қиссачилигига тасвир ва ифода анъаналари имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Бу ҳол, хусусан, ижодий индивидуаллик ва услублар синтезида яққол кўринади. Реалистик тасвирнинг ижодий имкониятлари силсиласида санъаткор индивидуаллиги ва услублар ранг-баранглиги алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир асарда муайян услугубий йўналишнинг устуворлиги унда бошқа услубларнинг айрим компонентлари бўлишини инкор этмайди.

Зеро, асарда турфа бадиий услуг элеменларининг мавжудлиги ўзбек адабиётида янги ҳодиса эмас, унинг намуналари, айниқса, саргузашт адабиёт бағридаги фантастик ва детектив асарларда кўпроқ ва ёрқинроқ намоён булади. Бу жиҳатдан ўтган асрнинг иккинчи ярмида яратилган Ўлмас Умарбековнинг «Ёз ёмғири», «Жура қишлоқ», Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девнинг ўлими» ҳамда Тоҳир Малик ва Ҳожиакбар Шайхов асарлари алоҳида ажralиб туради. Адабиётшунос У.Норматов ҳақли равиша эътироф этганидек, булардан «Сариқ девнинг ўлими» шу жиҳатдан характерлики, унда

ҳам саргузашт, ҳам детектив, ҳам фантастик, ҳам сатирик асарларга хос хусусиятлар қоришиб кетган»¹.

Услубий синкремтизм анъанаси бугунги қиссачиликда ҳам давом этмоқда. Услубий синкремтизмнинг ҳозирги қиссалардаги характерли жиҳатлари тажрибали носир Эркин Усмоновнинг «Тақдири азал» асарида ёрқин акс этган². Қисса сюжети асосида ҳаётий воқеа ётади. Унинг сабаб ва оқибатларидаги фантастик ва детектив талқинлар асардаги реалистик мазмунга сингиб кетади, унга романтик руҳ, фавқулодда таъсирчанлик бағишилади. Илгари ҳалок бўлган инсоннинг тирик руҳи қисса воқеаларида бош қаҳрамоннинг қиёфа доши сифатида гавдаланиб, унинг қисмати, саргузаштларини башпорат қиласди ва тақрорлади. Натижада сюжетда ёндошлик (параллелизм) вужудга келади ва воқеалар илгари юз берган ҳодисаларнинг бадиий талқинига айланади. Бунда инсон вафотидан сўнг ҳам руҳ сифатида яшашда давом этиши, унинг жисми билан руҳи ўртасида муайян муносабат мавжудлиги хусусидаги қарашлар акс этади.

Қисса воқеалари реал, хаёлий ва детектив мотивлар синтезидан таъкил топиб, яхлит сюжетни шакллантиради ва унинг марказида якка қаҳрамон саргузаштлари туради. Асар қаҳрамони Акобирни потаници йигит университетга ўқишига кирмасликка, сўнгра ишлаётган корхонадан кетишга, Ойтул исмли қизга уйланмасликка даъват этиб, бу ишлар унинг бошига бало бўлишини башпорат қиласди. Акобир эса аросатда қолиб, ўнгиди ҳам, тушида ҳам унга рўпара бўлади, айтгандарининг тескарисини қиласди. Натижада башпорат тўғри чиқали: у ишлаётган корхонасида молиявий чатоқлик туфайли Акобир уч йилга қамалади, хотинини хиёнат устида ушлайди ва яна ҳибсга олинади. Аммо кўпгина текширувлардан кейин унинг қотил эмаслиги аниқданади.

Қиссада изқувар, лейтенант Қурбонов олиб борган тергов талқинига кенг ўрин берилгани муаллиф бадиий нияти ва мавзуу тақозоси билан асосланади. Чунончи, терговга оид ҳар бир лавҳа ва деталь, биринчидан, асар бошидан давом этаётган тоҳ реал, тоҳ хаёлий-гаройиб воқеалардаги жумбокни ечиш ва иккинчидан, ғойибона башпоратчи шахсини аниқлашга қаратилган эди.

Воқеалар тизимиға сурат деталининг киритилиши, биринчидан, руҳиятда фавқулоддаликтини (терговчи ҳолати) вужудга келтирди,

¹ Норматов У. Тааланг тарбияси. –Тошкент: Ёш гвардия, 1980. Б. 165.

² Эркин Усмонов. Тақдири азал//Шарқ юлдузи. 2007 йил. №2. Б. 83-99.

иккинчидан, башоратчи шахсини аниқлашда очқич-восита вазифасини бажарди. Сурат тафсилоти янада куттимаган, ажабтовур бўлиб чиқди: суратда акс эттирилган О.О. исмли кимсанинг ҳәёти Акобир ҳәётига жуда ўхшаш, фожиали ўлими эса машина тагига тушиши билан изоҳланган.

Бу гаройиб ўхшашлик сабабларини билиш, сўнгра унинг Акобирга бевосита алоқадорлигини ва огоҳлантиришдан мақсадини аниқлаш зарурати туғилади. Психолог Жанинанинг муаммонинг назарий жиҳатларига оид изоҳлари билан фантастик талқинга илмийлик қўшилди. Бу назарий қараашлар жумбоқнинг тўла ечими учун етарли бўлмай, улар Акобир ҳәётининг амалдаги айнан ифодаси эканини исботлаш зарурияти воқеаларда янги лавҳани келтириб чиқаради. Бу лавҳа асар охирида Акобир қамоқдан чиқиб уйига қайтгандан кейинги ҳәётининг интиҳосини акс эттиради. Характерли жиҳати шундаки, асар сюжети бошидаги Акобир билан нотаниш йигитнинг учрашуви ва мулоқоти сюжет охирида яна такрорланади, аммо бутунлай бошқа вазият ва талқинда. Бу учрашув мотиви воқеалар оқими ва персонажлар характеридаги зиддиятли ҳамда ўзига хос жиҳатларнинг барча қирраларини ойдинлаштиради ва асосий тугун жумбоқ ечимини ниҳоялайди. Қамоқда ҳам жисман, ҳам руҳан эзилган Акобир энди ичишга ружу қила бошлади, кўзлари ёшланиб, оғзидан кўпик чиқиб кетгунча йўталди. Кейин ўрнидан турмоқчи бўлганда қаҳвахонада рўпарасида жулдор ёмғир-пўшли кимсани кўриб тикилиб қолди. Бир-бирини таниган қиёфа-допилар суҳбати қисқа, фикрлар лўнда ва хулоса йўналишида бўлиб, барча тафсилотлар моҳияти башоратчи нутқида ифодаланди: — Акобир, энди сенинг вақтинг тугади. Афсуски, айтганларимга кулоқ солмадинг, балки бошқачароқ одам бўлармидинг, нимаям қилардик, тақдирин азал бу! Мен қилган хатоларни такрорлашингни истамагандим, имкони бўлмади.

Киссадаги реалистик ва романтик-фантастик тасвир шаклларининг бир жанр таркибида муваффақиятли ўйғунашуви бадиий синтез натижасидир. Зоро, «ҳозирги адабий синтез ҳодисаси мавжуд жанрларнинг имкониятларини бойитувчи гибрild асарларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда»¹.

Асарда бадиий синтез икки сатҳда — воқеалар талқини ва образлар тасвирида намоён бўлади. Биринчисида турли даврларга мансуб

¹ Иломова Г. Ўзбек хикоячилигида бадиий синтез. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006 йил. № 6. Б. 42.

ҳодисалар, иккинчисида эса турфа характердаги персонажлар муносабати синтезлашуви акс этади. Жумладан, Акобир ва унинг ўзига қиёфадош О.О. исмли ўтмишдоши оралиғидаги ўттиз йиллик давр воқеалари, табиийки, айнан бир хил бўлмаган. Бироқ муаллиф бадиий мақсади ўтмишга айланган ўша давр билан Акобир яшаётган ҳозирги замон воқеаларини ўзаро пайвандлаш бўлган. Тақдирдошларга хос ташқи уйқашлик, ҳаётларидаги муштараклик, гарчи ҳар хил даврларга алоқадор бўлса ҳам, синтез усули туфайли эпик давр тасвирида мантиқий яхлитлик вужудга келган.

Образлар сатҳидаги синтезлашув Акобир билан нотаниш йигит муносабатида ёрқин куринади. Асар воқеалари нотаниш йигитнинг илоҳий башорати билан тайинланса ҳам, улар асосида реаллик ётади. Бу реаллик вакили Акобир қанчалик хокисор, ишонувчан, жафокаш бўлмасин, инсонийлик, олийжаноблик, орзумандлиқдан мосуво эмас. Унинг инсонга Аллоҳ берадиган бу фазилатлари уни гафлат ва кўргуликдан қутқармоқчи бўлган башоратчи ҳаракатлари билан уйғунлашади. Китобхонда Акобирга нисбатан ачиниш ҳиссининг, башоратчига нисбатан хайриҳоҳлик туйғусининг уйғониши тасвирдаги ҳаққонийлик билан романтика синтезининг намунасиdir. Бинобарин, қаҳрамон бошига тушган мусибатлар, бир томондан, тақдирнинг ҳоҳишига кўра содир бўлган оқибатлар бўлса, иккинчи томондан, Акобирнинг шахсий қусурлари натижасида рўй берган фалокатлар ҳам эканлиги шундан далолат беради. Шунингдек, руҳшунос Жаннанинг фоторобот суратни таъсифловчи нутқининг мазмуни ҳам ҳозирги замон фани ва илоҳият муносабатлари синтезлашувининг кўринишидир.

Табиийки, Акобирнинг қисматида қора ранг бўёқлари куюқ, аянчли мотивлар қамровли. Лекин унинг ҳаётидаги оз бўлса-да, баъзи нурли жиҳатларини кўрмаслик бир томонламалик бўларди. Хусусан, Акобирнинг университетни битказгани, корхонада масъул ишлдаги фаолияти, мебель фабрикасида ўзини кўрсата олгани, уйланишнинг дастлаб давридаги қувончли воқеалар унинг руҳиятида муайян кўтарникилик, умидбахшлик туйғуларини уйғотган эдики, булар қаҳрамон характеристи тадрижида воқеа ва кечинма жараёнидаги узвийликни ифодалаш жиҳатидан муҳимдир.

Умуман, қисса бадиий тасвир, ифода ва ижодий индивидуаллик имкониятлари кенглиги, реал истак, фантастик ва детектив талқинлар уйғунлиги ҳамда турли услублар синкетизми, воқеа ва руҳий-психологик кечинма мутаносиблиги ёрқин акс этган асар сифатида характеристицидир.

ТОХИР МАЛИК ҚИССАЛАРИДА «СИЁСИЙ МАҲБУСЛАР» ҚИСМАТИНИНИГ ЁРИТИЛИШИ

C. Расурова, ўқитувчи (ЎзМУ)

Тоҳир Малик ижоди ўзбек адабиётига детектив, фантастика ва маърифий асарлари билан янги йўналишларни олиб кирди. У адабиётда ўзига хос мақомга эга ижодкорлардан. Унинг ўз мамлакати ва ўша мамлакатнинг ўз фуқаролари бор. Адабнинг ижодини ва у яратган характерларни ўрганиш ҳозирги замон адабиётининг муҳим масалаларини ойдиглаштириш имкониги яратади. Ёзувчи қайси жанрда қалам тебратмасин, асарларида ўттизинчи, эллигинчи йилларнинг «сиёсий маҳбус»лари қисматини моҳирона ёритиб беришга интилади.

Ёзувчи Тоҳир Малик асарларини мутолаа қилас эканмиз, аксариятида қатағон қилинган инсонлар тақдири билан юзлашамиз. Жумладан, «Сўнгти ўқ»да Жаҳонгир иккинчи марта ҳибса олинганида «сиёсий маҳбус» сифатида қамалади, мазкур асардаги мулла Низомиддин, Амир Темур даври тарихи билан шугулланган рус олими Сергей Комлев, Берлинда ўқиган талаба Толибжон, ёш шоир Исломхон, «Шайтанат» қисссасида Асадбекнинг отаси, «Девона»да ёш врач Дилмурод ва унинг қайнотаси профессор Рассоқов каби образлар орқали алиб қатағон курбонларининг машъум тақдирлари ни ёритиб берган.

Қатағон даврида советлар «халқ душман»ларининг оилаларига, болаларига ҳам омонлик бермадилар. Бегона юрглардаги қамоқхоналарда жон берган, азоб чеккан, аёллар оз бўлмаган. «Сўнгти ўқ» қисссасида ана шундай мазлумаларнинг аянчли қисматидан бир лавҳа баён этилганки, «устиларига калта пахтали қора түн, оёқларига қўпол ботинка кийган, соchlари олиб ташланган, қора рўмол ўраб олган, киргайтган кўзлари маъюс бокувчи турли ёшдаги аёллар»¹нинг совуқ ўлқадаги лагерда таҳқирланишларининг даҳнатли тасвири ўқувчини сергаклантиради.

Ўттизинчи, эллигинчи йиллардаги машъум қатағон сиёсати халқимиз бағрида шундай чуқур чандиқ қолдирдики, бу чандиқнинг оғриқлари ҳанузгача азоблаб келади. Тоҳир Маликнинг машҳур «Шайтанат» асарининг ўқ илдизи ана шу дардли оғриқларга бориб тақалади. Дадаси чана, онаси ука олиб келишини кутиб ўтирган

¹ Тоҳир Малик. Таилантган асарларлар. 3-жилд. – Тошкент, 2005. – Б. 405.

Асадбекнинг отасини «халқ душмани» сифатида олиб кетишгач, хўрлик, алам тўлган мурғак юрагига шайтон уя қурди ва ўч олиш истагида ёнган бола келажакда шайтонсарой бунёдкорларидан бирига айланади. Асадбек кейинчалик отасини ҳибсга олган кишиларни топиб аёвсиз жазолайди, аммо бу унинг аламли юрагига малҳам бўла олмайди, қалби кемтиклигигча қолаверади.

Тұхмат ва ноҳаклик курбонларининг аянчли қисмати Ватан хурлиги учун жон берган, аммо Ватан тупроғида ётиш насиб этмаган шахидлар руҳини шод этмоқ мақсадида ёзилган «Ов» қиссасида ва чимилдиқ кўрмай туриб Сталин замонининг қонсираган аёвсиз қиличидан ўлим топган жабрдийдалар хотирасига бағишиланган «Эркин» ҳикоясида яна-да батафсил ёритилган. Қатагон йиллари суронидан фойдаланиб, амалини сустеъмол қилган терговчи Жавлон Жабборов шахсий адовати сабаб Эркиннинг отасини «халқ душмани» деб айблайди. Отанинг бевақт вафоти манфур терговчи Жавлоннинг юрагидаги адovатни сўндира олмагач, у 17 ёшли Эркинни ҳибсга олиб, маънавий ва жисмоний қийноқларга солиш орқали ҳузурланади. Зиёли инсоннинг фарзанди бўлган Эркин терговчининг саволларига дош беролмай, руҳий ва жисмоний азоблардан қийналиб, ўз томирини тишлаб узиб ташлайди. У жонидан кечиб бўлса-да, отасининг хотирасини пок сақлайди, руҳини эъзозлайди. Бегуноҳ Эркин ҳам қатагон даврининг курбонларидан бирига айланади.

Маълумки, жамият иллатлари ташқаридан туриб холисона кузатилганда ёрқинроқ намоён бўлади. Тоҳир Маликнинг «Ов» қиссаси фантастик асар. Адид фантастика орқали она еримизни ўзга сайёралик фазогирлар кўзи билан кузатиб, қатагон курбонларининг аянчли тақдирини қаламга олади. Адабий жараёнда ўз ўрни ва услубига эга бўлган Тоҳир Малик дикқатини миллий фантастика яратишга қаратди. «Фалак» қиссасида адид фантастикани тарихга боғлаган эди. «Ов»да ҳам тарихга мурожаат килди, бироқ бу қиссада етук адиднинг тажриба ва маҳорати яққол акс этиб турибди. Қиссада ноҳақ ҳибсга олиниб, битта баракка қамалган тўрт инсон учрашади. Уларнинг барчаси сиёсий маҳбус, яъни «халқ душмани», аммо дунёқараши, фикрлари, эътиқоди бир-бирига асло ўхшамайди, ҳаттоқи, бир-бирини рад этади. Булар Раҳматуллоҳ – Маккада туғилиб, улғайтан, ота юртини кўришга келиб, аҳди мўъминга вазъ айтиб юрганида ҳибсга олинган чин мусулмон; Мирҳосил – ўз юртини хуррият нафасидан баҳраманд бўлишини истаган шоир йигит; қизил командир – Мадраса кўрган, Николай подшонинг

номини хутбага қўшиб ўқиш дуруст эмас, дегани учун мадрасадан қувилган, аччиқ устида бир умрга дахрийга айланган, ҳақ сўзни айтиб қўйиб қамалган киши; шунингдек, Комиссар – большевикларни кўролмайдиган, аммо кўнчилликнинг ёстигини қутиб, қарғишига қолишида улардан сира қолишмайдиган собиқ амалдор, қамоқхона бошлигининг айғоқчиси ва сотқин. Қиссада зериккан пайтлари «халқ душманлари»ни айғоқчилар ёрдамида қамоқхонадан қочишига ундан, қалбидан умид учқуни билан ўрмон бўйлаб қочаётган маҳбусларни кўнгилхушлик учун овлашдек жирканч ўйинни ўйлаб топган қамоқхона Бошлиғи образи ҳам мавжудки, уни мавжуд сиёсий тузум оддий деҳқондан ашаддий каллакесарга айлантирган. Асарда Раҳматулоҳ ва Мирҳосилнинг исмлари тилга олинган холос. Ёзувчи қаттиқ адашган, риёкорлик қилган, иймонини сотган, инсонийликдан йироқлашган қаҳрамонларга исм беришни лозим топмаган. У бундай иллатли кишилар образларини умумлаштириб, уларни исмсиз, яъни Бошлиқ, Ёрдамчи, Комиссар, Қизил Командир, Вакил деб атаган. Ва шу йўл билан ўзига хос, бир-бирини тақрорламайдиган характерлар яратган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Тоҳир Малик тоғаси ҳамда устози Мирзакалон Исмоилийнинг икки ўтити – «Ўзинг яхши билмаган нарсани ёзма», «Бошқалар юрган йўлдан юрма, ўз йўлингни топ»га ҳамиша амал қиласди. Дарҳақиқат, Тоҳир Малик ўз йўли ва услугига эга ёзувчи. У ушбу асарлари орқали ижтимоий-адабий ҳаётда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ижодкорлар ҳаётини бироз бўлса-да очиб беришга ҳаракат қиласди. Тоҳир Маликка хос услуг – асарни Яратганга ҳамд айтиб, дуо билан бошлиш, Куръони Каримдан оятлар келтириш яна-да самимийликка сабаб бўлиб, ўқувчининг қалбан покланишига, воқеаларни юракдан ҳис қилишига ёрдам беради.

ҲИКОЯ ЖАНРИДА БАДИЙ ПАРАЛЛЕЛИЗМ

K. Ҳамраев, КИХИ (ЎзМУ)

XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек ҳикоячилиги чин маънода янгиланиш томон силжиди. Негаки, «Насрий жанрлардаги янгиланиш учқунларининг ҳикоядан бошланаётгани тасодиф эмас, чунки бу бадиий ижод психологиясидаги ўзгаришлар ва жанр табиати би-

лан боғлиқ» ҳодисадир¹. Бундай ўзгаришлар, аввало, ҳикоя жанрининг жанрига хос поэтик услуг, поэтик нутқ, сюжет ва композиция шаклларнинг янгиланишида яққол намоён бўлади.

Хусусан, Ш.Холмирзаев ҳикояларида маҳаллий тоф фонидаги овчи ва мустақил одам образини яратишга мойиллик кучли бўлса, Н.Эшонқул ҳикояларида халқ поэтик ижоди, тасвирий санъат, жаҳон адабиёти тажрибаларидан фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, бадиий синтетизмнинг бўртиб туришини эътироф этиш мумкин. Мурод Мұхаммад Дўст ҳикояларида «Галатепа», Назар Эшонқулда «Терсота», ёш ҳикоянавис Анвар Суонда «Ғўбдинтоғ» каби хронотоп шакллари янгиланиш омилларидан бири бўлиб, ҳикоя жанри имкониятларининг кенгайишига сезиларли таъсири кўрсатади.

Ўтган асрнинг иккинчи чорагига келиб ўзбек ҳикояларида кўзга ташланаётган бадиий параллелизм усули ҳам янгиланишлардан. Параллелизм юононча «параллелос» — ёнма-ён турувчи ёки борувчи деганидир. У халқ оғзаки ижодида жуда кенг қўлланган, кейинчалик ёзма адабиёт томонидан ўзлаштирилган тасвир усули ҳисобланади. Бадиий параллелизм муайян ўхшашликка эга нарса-ҳодисаларни параллел (ёнма-ён) тасвирлаш демакдир. Параллелизм тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар орасидаги ўхшашлик ёки зидлик воситасида бадиий образни жонлантириш, ҳис-туйгуни ёрқин ифодалаш имконини беради². Рус адабиётшунослари икки аъзоли, кўп аъзоли, инкор ва образли параллелизм турларини фарқлашади. Улар фольклор ва қадим ёзма адабиётга тегишли асарларда қўлланган параллелизм ҳодисасини назарий асос сифатида кўрсатишади. Албатта, ўзбек фольклорида ҳам параллелизм воситасида курилган асарлар талайгина. Дейлик:

*Оқ милтиқ, қора милтиқ,
Отган отам, ёр-ёр.
Ўз қизини ёт кўриб,
Сотган отам ёр-ёр.*

«Кизнинг тақдирига бегоналарча муносабатда бўлган отанинг золимларча қиёфаси юқоридаги тўртликда тематик, психологик параллелизм воситасида очилган», деб ёзади бу ҳақда фольклоршунос

¹ Журақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Г.: Фафур Ғулом, 2015. – Б. 218.

² Қурунов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик лугати. – Т.: Академнашр, 2010. – Б. 214.

Р. Носиров¹. Кўринадики, бадиий параллелизмнинг пайдо бўлиш илдизлари қадим бадиий тафаккурининг муҳим ифода воситаларидан бири бўлиб келган. Бу эса ҳозирги ўзбек адабиётидаги асл асарларнинг моҳиятини очишга, англашга хизмат қилади.

Демак, ўзбек ҳикояларида параллелизм ҳодисаси ҳам тасодиф эмас.

Ш. Холмизаевнинг «Ёввойи гул», «Бодом қишида гуллади», «Қўёш-ку фалакда кезиб юрибди», «Озодлик», «Кузда баҳор ҳавоси» каби ҳикояларида бадиий параллелизмнинг бир нечта намуналари учрайди.

Параллелизм бадиий асар композициясининг воситаларидан бўлиб, ёзувчининг бадиий мақсади билан боғлиқ ҳолда ҳикоя симетриясидан ўрин олади. Ш. Холмирзаев ҳикояларида эса психологияк, кўп аъзоли, образли, инкор каби параллелизм шакллари учрайди:

1. Психологияк параллелизм — бадиий образнинг руҳий ҳолатини ифодалаш ниятида табиат ҳодисалари билан таққослаб кўрсатилидаган композицион шакл. Бунда қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришга қараб, параллел қўйилган табиат унсури ҳам бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туриши мумкин. Масалан, Ш.Холмирзаевнинг «Бодом қишида гуллади» ҳикоясидағи ёш йигит қисматига параллел қўйилган бодом дараҳтини олишимиз мумкин. Бунда Хуббижамол исмли ҳамиширани севиб қолган йигит ҳолати қишида гуллаган бодом ҳолатига параллел қўйилади. Ўзи учун нобоп муҳитда гуллаган бодом табиат қонунига кўра ҳалокатта маҳкум. Аммо бундай бевақт гуллаша боғомнинг ихтиёри бўлмаганидек, асар қаҳрамони Носиржоннинг файриихтиёрий муҳаббати ҳам на табиат, на жамият, на маъшуқа томонидан ўринли топилади. Ёки ёзувчининг «Озодлик» ҳикоясида кўп аъзоли психологияк параллелизмнинг ёрқин намунасини кўришимиз мумкин. Камоқдан озодликка чиққан Мансур образи, мустақилликка эришган жамият тасвири, қафасдан озод бўлган каклик (Қорақош) образининг параллел тарзда тасвирланиши фикримизнинг далилидир.

2. Образли параллелизм ҳикоя сюжет чизиги бўйлаб жойлашиб, бадиий матннинг бир қисмida ётади. Ҳикоя сюжет чизигига монанд ҳаракат қилувчи образ портретига мувофиқ келувчи параллел ҳодиса орқали композицион бутунлик яратилади. «Ёввойи гул» ҳикоясининг сюжетини эсга олайлик: қишлоқдан шаҳарга ўқиши

¹ Носиров Р. Ҳалқ қўшиқлари композицияси. — Т.: Фан, 2006. — Б. 121.

үчүн келган Восиг шу ерда ишлаб қолишиңи мақсад қиласади. Аммо омади чопмаган ёш қаҳрамон дастлаб касалликка чалинади. Кейин инидан ҳам ҳайдалади. Охир-оқибат қишлоқдан олиб келиниб, шаҳарға экилган ёввойи кийик гулининг шаҳар ҳавосига мослаша олмасдан, қуриб қолганлигини қуриб, үрни қишлоқдалигини тушунади.

3. Инкор параллелизм воситасида асар воқеаларини ҳаракатта көлтиришда ҳамда акс таъсир тасвирида ягона поэтик бутунлук яратылади. Құп ҳолларда образнинг руҳий ҳолатига табиат ҳодисалари параллел қўйилади: «Бир маҳал денг, бир-бирини кувлаб, иккита оқ капалак келди. Шундоқ оёғим остида энишда, қўйғос гуллаган зиралар устида пилдирауб учаш боллади. Вой, шундай чиройли, шундай чиройли!.. Ана шунда калламга ғалати фикр келди: «Атрофга қара, — дедим ўзимга-ўзим, ҳамма жонли жониворлар жуфт-жуфт! Сен эса, ёғизсан! Сенинг ҳаётинг нотабиий ҳаёт...»¹ Мазкур ҳикоя қаҳрамони Кудратжон бир жуфт капалакнинг шўх-шодон ҳаракатини қўриб, ўзининг ёлғизлигини англағ етади.

Ёш ёзувчи Анвар Суюннинг «Ота ва ўғил» ҳикоясида ҳам инкор параллелизм намунасини кўришимиз мумкин: «Кучук муллатўрғай уяси ёнидан ўтаётіб, нохосдан полагонларига яқинлашиб бораверди. Соялаб ётган она қуш ўқдай учиб, кучук олдига яраланган каби «шап» этиб тушди. Қора кучук унга отилди. Қуш бир зарб билан сал илгарироққа калта учди. Кучук ортидан тушди. Бу ҳол яна, яна на яна тақрорланди...

Лаққи кучук муллатўрғай инидан олислаб кетди.

Муғомбир қүш «пир» этиб дараҳт шохига чиқиб олди². Бу эпизод отанинг ўғлига бўлган муносабатига зид ӯлароқ, параллел тасвиrlанади. Ушбу парчалар оддий табиат тасвиридек тувласада, ёш ёзувчининг бадиий гояси билан поэтик алоқага киришади. Яъни она муллатўрғай жасорати отанинг руҳиятидаги эврилишларга сабаб бўлади. Бундаги параллелизм ҳикоя семантикасининг ички мувоза-наттини ҳосил қилиб, ёзувчининг бадиий ниятини ифодалашда поэтик таянч вазифасини бажаради. Тўғри, «Биз ўқиган ва мукаммал кўринган асарларда муаллиф уларни қай йўсинганда ясаган-ясамаганидан, курган-курмаганидан — оқилона пишиқ-пухга режа тузган-тузмаганию, индивидуал-ижодий кайфиятни бошидан кечирган-кечир-

¹ Холмирзаев Ш. Куёшку фалакда кезиб юрибди. Сайланма. 2-жилд. — Т.: Шарқ, 2005. — Б. 223-250.

² Анвар Суюн. Ота ва ўғил. Фўбдинтоғ ҳикоялари. — Т.: Академнашр, 2016. — Б. 9.

маганидан қатъий назар, ботиний бир мувозанат, воқелик тасвирида симметрия, муаллиф баёни ва сюжет динамикасида параллеллик кўзга ташланади»¹.

Демак, ҳикоя жанри таркибидаги бадиий параллелизмнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагиларда намоён бўлади:

— параллелизм ҳикоя семантикасида ўхшашилик, қиёслаш, зидлик каби маъновий параллелликка таянади;

— параллелизм ҳикоя қаҳрамонининг руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлиб, унга мувофиқ равишда ўзгариб туради;

— параллелизмнинг бир қисми ҳикоя сюжети чизигига монанд қарама-қарши қўйилади;

— параллелизм ҳикоя жанридаги инсон образи ва табиат ҳодисалари ўргасидаги ўхшашилик, зидлик, қиёслаш фонида бадиий асар гоясига ишора қиласди;

— параллелизм ҳикоя воқеасининг баёнида ўзига хос қолиплаш, тасвир тарзини яратади.

Хуллас, параллелизм асар композициясининг унсури бўлиб, ёзувчи бадиий гояси мувозанатини таъмин этувчи қанотдир. Бу «қанот» — бадиий асар тўқимасининг пойдевори. Унда инсоннинг маънавий олами бадиий пафос шаклида ифода топади. Параллелизм ижодкорнинг бадиий нияти, ҳикоя сюжети, образ ва детал, бадиий услуб кабиларни маълум бир шаклга солувчи поэтик тармоқ ҳисобланади. Албатта, бундай типдаги шаклий изланишларнинг ҳикоя жанирида учраши инсон билан табиат ўргасидаги айният ва зидликларни тасвирлашда муҳим композицион аҳамият касб этади.

И. ЮСУПОВ ШЕРЬИЯТИДА ЛИРИК ҚАҲРАМОН ВА КОНФЛИКТ

П.А. Дабилов, КИХИ (Нукус ДПИ)

«Конфликт бошқа адабий турлар учун қанчалик муҳим бўлса, лирика учун ҳам шу даражада муҳим. Аксинча, конфликтсизлик бошқа адабий турлар учун қанчалик хавфли бўлса, лирика учун ҳам шу даражада хавфли»². Шу сабабли лирик асарларда конфликтнинг бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Эпик ва драматик асарлар-

¹ Каримов Б. Уч ҳикоя – уч гоя//Тафаккур, 2016. №1. – Б. 64.

² Жамал Камал. Лирикада характер//Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. №6. – Б. 8.

да конфликт бир неча характерларнинг бевосита зиддиятли курашлари орқали берилса, лирикада эса ҳайёт ҳақиқатини кенг миқиёсда олиб акс эттириш имкониятлари бўлмагани учун, конфликт лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари ва туйғуларининг қанақадир ҳайётий ҳодиса билан тўқнашуви орқали содир бўлади. Шеъриятдаги конфликтнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида адабиётчи К. Худайберганов: «Лирикада конфликт лирик қаҳрамоннинг ички оламидаги драматизм, эмоционал босим, ички коллизия шаклларида намоён бўлади, бу конфликт персонажларнинг бевосита кураши эмас, балки қаҳрамонларнинг ички оламидаги гояларнинг, қараашларнинг, фикрларнинг тўқнашувининг инъикоси ҳисобланади»¹ – деб таъкидлайди.

Лирик қаҳрамоннинг драматизми, яъни умидсизликка, хиёппатта, ёмонликка, ёвузликка қарши курашchan позицияда туришни биринчи галда шоирнинг маънавий оламига боғлиқ ҳисобланади. Чунки шоир ҳеч қачон ҳайётда бўлаётган ҳодисаларга лоқайд қараб тура олмайди, балки ҳамиша уларга шеърларидағи кечинмалари ва туйғулари орқали ўз муносабатларини изҳор этиб ўтиради ва муаллиф ушбу ҳайётий фактларни тасдиқлаш ёки бекорлаш тамойилларини лирик қаҳрамоннинг ички туйғулари орқали очиб беради.

Шоир И. Юсупов ўз лирик асарларида ҳайёт зиддиятларини адабий конфликтларга айлантириш орқали ёрқин лирик қаҳрамон обрагуларини яратди.

Фикримизни шоирнинг «Чин севишган кўнгил асло ўзгармас» деб бошланадиган шеърини таҳдил қилиш орқали исботлашимизнинг ўзи ҳам етарли.

*Чин севишган кўнгил асло ўзгармас,
Сен ўзингни нега бекор қийнадинг?
Биздан кўра чиройлироқ ҳамда ёш
Ёр топсан деб ёт фикрни ўйладинг.*

*Сотқин тилинг «севаман» деб уялмай,
Шивирлади, бир бегона қулоққа.
Илк севгисин шундаям тарк этолмай,
Шаффофф кўнглинг кўз ёш тўқди фироқда.*

¹Худайберганов К. Дэўир ҳем парыз. – Некис: Каракалпакстан, 1987. – Б. 37.

*Менга сұнгги хатни ёзіб, довдираб,
Күрқоқ құлнің почтага откеб ташлади.
Мени деган поқ юрагинг, жовдираб,
Мендең күриб сева олмади бошқаны¹.*

Ушбу шеърдаги конфликт лирик қаҳрамоннинг юрагидаги чин севги билан лирик персонажнинг күнглида үзға ёр топиш ҳақидағи хаёли натижасыда туғилған «бегона фикр» ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқади. Конграстта қўйилиб тасвирланган поэтик образлар — «пешонадаги жуфт кўз», «юракдаги кўз», «сотқин тил», «қўрқоқ қўл» шаклида берилиб, улар китобхонда үзгача ҳаяжон, эмоционал таъсир қолдиради. Лирик қаҳрамоннинг ўй-фикридаги драматизм ёлғон севигига унинг кучли нафрати шаклида ривожланади. У (лирик қаҳрамон) севигида хиёнатнинг бор эканлигидан беҳаловат бўлади. Лирик персонаж ҳам ўз хатти-ҳаракатларининг нотуғри эканлигига қаттиқ афсус-надоматлар чекади, виждони қийналади, унинг ҳам ички оламида ўй-фикрлар үзаро курашга тушади. Шоирнинг ушбу шеърни битишида қўлга кирилган катта ютуқларидан бири — эпикага хос сюжетни лирикага сингдириб юборишида. Шеърнинг финалида лирик қаҳрамон томонидан маъқулланган кенг омманинг ўй-фикрига мос келадиган ижтимоий эстетик идеал тасдиқланади.

...Одатда, момоқалдироқ бўлиб, чақмоқ чақса, осмон бағри чараклаб кетади. Конфликт эса шеърнинг куч-кудрати. Лирикадаги ушбу хусусият ҳақида ӯзбек адабиётчиси Б.Акрамов шундай деб ёзади: «Поэзия осмони қандай пайтда ярқираб кўриниши мумкин? Фақатгина момоқалдироқдан сўнг, кескин конфликтдан кейин»². Демак, лирикада конфликтнинг қўлланилиши уни яланғоч, стандарт фикрлардан қутқаради. Лекин у наср билан драмадаги конфликтта қараганда ӯзига хос хусусиятлари билан фарқ қиласди, яъни шеърий асарлардаги зиддиятлар лирик қаҳрамоннинг фикр ва ички кечинмаларининг тўқнашуви орқали кўринади. Ушбу белги И.Юсуповнинг бундан бошқа лирик асарларида даврга хос фикрларни контрастта қўйиб акс эттириши натижасыда юзага чиқади. У шундай бир-бири билан чирмашиб кетган ҳаётий ҳодисаларнинг бирини қораласа, аксинча, иккинчисини, яъни — кўпчилик маъқуллайдиган давр идеалини тасдиқлайди. Холоса қилиб айтганда, И.Юсуповнинг лирик

¹ Юсупов И. Күнишығыс жолаўпсызына. Қарақалпақ мәмлекәт баспасы. — Нөкис, 1959. — Б. 61.

² Акрамов Б. Шеърият гавҳари: Лирикада образ муаммоси. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. — Б. 110.

құхрамон образини конфликтлар орқали яратиш усули шоир шеъриятiga хос бүлган характерли белгилардан бири ҳисобланади.

Шоир шеъриятындағы ҳаёт зиддиятларини адабий конфликтта айлантириш тамойиллари ушбу даврдаги қорақалпоқ шеърияти учун ҳам хос бүлган асосий факторлардан бири бүлди. Шулар қаторида шоир Т.Сейтжановнинг «Юрак сири» шеърида қанча қийинчиликтер бұлса ҳам, үз ватанини ташлаб үзге юргларға кета олмайдиган лирик қаҳрамоннинг туғилған ерга содиқлиги қыш тушгандан жанубға учеб бораёттанған фоз образига контраст қўйилиши орқали, Б.Қайипназаровнинг «Бухоро-Газли-Урал дафтаридан» туркимига киравучи бир қатор шеърларида чўл ва инсон ўртасидаги шиддатли курашларда одамнинг куч-кудратини, чидамлилигини, үз мақсадига эришиш йўлида ортга чекинмай ўчакишиб олға боришини, чўл ўртасида нони, суви, машинасининг ёқилғиси тугаб қолган пайтдаги лирик қаҳрамоннинг ички оламида юзага келган драматизм, кучли эмоция тариқасида акс эттирилганини, бу тенденция бошқа шоирларнинг шеърларига ҳам хос бүлган энг негиз белгиларнинг бирига айланғанини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз ўринли бўлса керак.

«БЕГОНАЛАШУВ» МУАММОСИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНІ

Д.З. Мұхиддинова, КИХИ (ТошДШИ)

Адабиёттинг бош вазифаси ҳаёт, борлық ва угдаги инсон ҳилқатининг мураккаб табиати, руҳий ҳолатлари, ўй-қарашлари, изтиробу құрсандачилликтерини тадқиқ қилиш ва уни сўз орқали бадиий информашцидир. Адабиёт тарихида ҳар бир даврда үз замонасининг доларб мұаммолари, ўша давр кишисининг муносабати ва қарашлари үз даврига ҳамоҳанг тарзда ифодаланади. Шиддатли равишда риңожланаётган, илм, фан-техника жадал суръатлар билан илдамлаётган, мураккаб замонда инсоннинг онги, унинг субъектив олами, ички «мен»и, унинг руҳий ҳолати, ўй-кечинмалари ва муносабатини рамзли, сирли, мажозий тарзда ифода этиш XX аср адабиёттинг ўнига хос томонидир. Жаҳон адабиётидаги адабий жараёнлар алмашинуви, бадиий услуг ва усуздаги янгиланиш тамойиллари барча миллний адабиётларга үз таъсирини күрсатди ва миллний адабиётларда мослаштириши жараёни кечди. Шарқ давлатлари, хусусан, замонавий

араб адабиётида XX асрнинг 60-йилларидан, ўзбек адабиётида эса XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб жаҳон адабиёти билан интеграциялашуви, XX аср жаҳон адабиётидаги символизм, модернизм ва унинг доирасидаги сюрреализм, экзистенциализм каби турли замонавий йўналиш ва оқимларнинг таъсири замонавий насрда хилма хил бадиий ва услубий изланишларга олиб келди. Инсоннинг ички «мен»ини тасвирлаш, унинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришлар, ҳаёт ва жамиятга бўлган ички яширин муносабати бор мураккаблиги, зиддиятлари, бойлиги, қисқа ва лўндалиги билан кенг қўламда акс эттириш тамоили кузатилади. Шу жумладан, инсоннинг ҳаётдан ва ижтимоий муҳитдан «бегоналашув», «ёлғизланиш» ҳолатини бадиий ифода этиш замонавий ўзбек ва араб ёзувчиларининг қаламида ўзига хос тарзда ифодаланмоқда. Матъумки, инсоннинг «бегоналашув» ҳолати, ёлғизланиши, жамиятдан узилиш каби масалаларни рамзли тасвирлаш XX аср бошлари ва ўрталарида иход қилган машҳур ёзувчилар Ф. Кафка, А. Камю ижодида моҳирона акс эттирилган.

Замонавий араб ёзувчиларидан Жўрж Салим, Эдвар Харрат, Закария Тамер, Валид Ихлосий ва бошқалар, замонавий ўзбек ёзувчиларидан Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Улуғбек Ҳамдам, Исаён Султон ва бошқалар ижодида инсоннинг «бегоналашув», «ёлғизланиш» ҳолатлари рамзли, сирли ва мажозий, фалсафий қарашлар билан йўғрилган ҳолда бадиий тасвирланмоқда. Мазкур ёзувчи қаламида бу мавзу ўзига хос бетакрор бадиий кўринишда намоён бўлмоқда. Масалан, замонавий араб ёзувчиси Жўрж Салимнинг XX асрнинг 1976 йилида нашр қилинган «Чиганоқ» ва замонавий ўзбек ёзувчиси Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг 2009 йилда ёзилган «Чилла» ҳикояларида инсоннинг «бегоналашиш», «ёлғизланиш» ҳолати баён этилиб, бадиий ифодалашуда ҳам ўхшашлик ва ўз навбатида фарқли томонлари ҳам мавжуд. Н.М. Рауфхоннинг «Чилла» ҳикоясида ҳам, Ж. Салимнинг «Чиганоқ» ҳикоясида ҳам бош қаҳрамон ҳаётдан, ижтимоий муҳитдан, ўз яқинларидан узоқлашиш учун ҳеч ким халақит бермайдиган макон излапда кўринади. Ҳар икки ёзувчи ўз асарларида турмуш ташвишларидан мудом чарчаган, ўз яқинларидан, инсонлардан руҳан бегоналашган, ёлғизлашган инсоннинг руҳий ҳолатини, руҳий кечинмаларини мажозий, рамзий ифодалар асосида баён этган. Ҳар икки ҳикоянинг номиданоқ рамзий маъно касб этади. «Чилла» маъносига кўра бирон бир сабабга кўра инсоннинг ташки мухитдан, одамлардан узоқлашган ҳолда бир муддат улар билан алоқа қилмаслиkdir. Н.М. Рауфхон «чилла» сўзининг

маъносини ҳикоя сюжетига сингдириб, ҳаётдан, ўз яқинларидан бегоналашган инсоннинг руҳий ҳолати билан уйғулаштиради. Ж.Салимнинг ҳикоясининг номи, яъни «Чиганоқ» эса сув тагида бўладиган малюсканинг устки қисми бўлиб, малюска эса ташқи муҳитдан узилган ҳолда унинг ичида ташқарига чиқмай яшайди. Ҳикоянинг номи «Чиганоқ» ҳам рамзий маъно касб этиб, ҳикояда тапқи муҳитдан чарчаган, одамлардан бегоналашган инсоннинг ўз қобиғига ўралиб олиши ҳолати кўрсатилган. Н.М.Рауфхоннинг «Чилла» ҳикоясининг бош қаҳрамони одамлардан, ўз яқинларидан узоқлашиб ёзувчи ўхшатишдек «юмонқозиқ» каби ер тагига кириб олса, Ж.Салимнинг «Чиганоқ» ҳикоясининг қаҳрамони эса, малюска каби катта чиганоқнинг ичига жойлашиб олади. Ж.Салим ҳикояда бу ўринда магик реализмга хос бўлган реал воқелик таркибида гаройиб, сирли, фантастик воқеликни, яъни одам сифадиган чиганоқ тасвирини беради. Ҳар икки ёзувчи ҳам ҳаётда яшашга қизиқишилари қолмаган, атроф-муҳитдан бегоналашган, ўз қобиғига ўралиб олган инсон ҳиссиётларини тасвиirlар экан, кучли муболага ва фантастик унсурлардан фойдаланади. Н.М.Рауфхон ҳам, Ж.Салим ҳам одамлар билан алоқасини узган, кўнглига таскинлик излаб бири ер тагига, бири чиганоқ ичига жойлашиб олган қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини тасвиirlар экан, улардаги бир муддат руҳий озодлик, мамнунлик ҳиссини акс эттирадилар: «Чилла» ҳикоясида: «Ёлғизлик яхши экан, мен бу ерда ўзимни анча мустақил ҳис отяпман деди Убир куни ўзига-ўзи». «Ҳеч нарса демасдан, ҳеч нарса қиласдан ҳам бинойидай яшаса бўларкан-ку деди ўзига-ўзи бир куни, чилиахона шитига боши тегиб керишаркан». «Чиганоқ» ҳикоясида: «Уни қўрқув чулғаб олди, чиганоқ ичкариси гўдак бадани каби майин ва юмшиқ эди. У чиганоқни худди ўзиникидек ҳис этди, уни худди кичкина боланинг беланчаги каби қабул қилди ва кейин кўзини юмб унга чўзилди. Майин шамол унинг соchlарини оҳиста силади ва юзларини пайнаслади. Шунда у, ҳаётда биринчи бор ўзини роҳатбахши тинчликда, хотиржамликда ва ҳаловатда ҳис этди». Мазкур икки ҳикоянинг француз ёзувчиси А.Камюнинг «Бегона» асаридан фарқи ҳикоя бош қаҳрамонларининг руҳий озодликка чиқишидаги патижа билан фарқланади. А.Камюнинг «Бегона» асарида ҳаётнинг бемаънилиги ва унинг қаҳрамони Мерсонинг ижтимоий муҳитдан бегоналашиб, жамият билан ички алоқаларини узиб, унинг онгига ҳеч қандай туйғу ва қадрият қолмаслиги, фақатгина инстинктларга инососланиб яшапши ва уни бу йўлдан қайтмаслиги тасвиirlаниб абсурд даражасига кўтарила, ўзбек ва араб ёзувчиларининг «Чилла»

ва «Чиганоқ» ҳикояларида шарқона мінталитет, шарқона қадрият ва маңнавият сақланиб қолади, яны ҳикоя қаҳрамонларининг ҳаёти абсурд даражасига күтариlmайди. Буни Н.М.Рауфхон, Ж.Салим мазкур ҳикояларида ҳаётдан, одамлардан, яқын кишиларидан бегөналашиб, узоклашган бош қаҳрамонларининг афсусланишида акс эттиради, чунки улар жамият билан алоқаларини узишган бўлса-да, буткул ҳам жисмоний, ҳам руҳий озодликка чиқа олмайди. «Чилла» ҳикоясининг бош қаҳрамони ер тагига кириб кетган бўлса-да, ер устидаги воқеалар, оиласи, фарзандларини ўйлашдан бир зум тұхтамаса, «Чиганоқ» ҳикоясининг бош қаҳрамони эса қулай, юмшоқ, беланчекдек бўлган чиганоқча кириб олиб, ҳаракатсиз ётаверганидан қўл-оёқлари ишлами қолади ва натижада у чиганоқнинг ҳақиқатда эгасига айланаб, ундан чиқиб кета олмайди, бу эса уни азобга кўяди. Ўзбек ва араб ёзувчиси мазкур ҳикояларда инсон ҳилқатининг мураккаб табиатини, руҳияти ва онгидаги кескин бурилишларни ҳикоя қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатини онг оқими орқали акс эттирган. Ҳикояда ҳикоя қаҳрамонларининг ҳарактеридаги туб бурилишларни Н.М.Рауфхон ҳам, Ж.Салим ҳам сирли, мажозий образлар воситасида гавдалантиради.

Н.М.Рауфхоннинг «Чилла» ҳикоясида Ҳурматли Кишининг бош қаҳрамон ҳақиқати унинг рафиқасига айтган фикрлари ҳикоя қаҳрамонининг қарорини тубдан ўзгартириб юборади, уни ўз қилмишлари ҳақида ўйлантиради, ўз қилмишларини таҳлил қилишга мажбур қиласи. Ж.Салимнинг «Чиганоқ» ҳикоясида қўл-оёқлари ишлами колиб ўзи кириб олган чиганоқдан чиқа олмай азоб чекаётган бош қаҳрамоннинг олдига сирли кишининг келиши уни йўл кўйган хатосини англашга мажбур қиласи. Ж.Салим ҳикояда инсонни жамиятдан, ижтимоий муҳитдан алоқасини узиш ҳолати инсон учун инқиroz, йўқликка айланиш эканлиги мана шу сирли, рамзий образ орқали ифодалайди. «Чиганоқ» ҳикоясидаги мазкур образ назаримизда — донишманчлик, Яратган зотнинг элчиси, яны фаришта тимсолидир. Ж.Салим инсоннинг жамият билан алоқасини узиш ҳолатини илдизини таъминлаш олмайдиган қуриб қолган дараҳтга ўхшатиб инсон — инсон билан, жамият билан тириклигини, инсонлар ҳамиша бир-бирига ёрдам бериши, қўллаб-қувватлаши кераклиги, самимий муносабатлар ўрнатиши лозимлителигини таъкидлайди. Худди шунингдек, ўзбек ёзувчиси Н.М.Рауфхон ҳам «Чилла» ҳикоясида бош қаҳрамоннинг ички монологи орқали ўз қилмишидан афсусла наётган инсоннинг ҳис-кечинмаларини ифодалаган. Н.М.Рауфхоннинг «Чилла» ҳикоясида миллий колорит ва сўфиёна дунёқараш

кучли равища берилган. Ҳикоя бош қаҳрамони ўзининг ернинг тагига кириб кетиш ҳолатини Ислом дунёсида ўзининг муҳим ўрнига ёга кучли эътиқод эгаси, сўфий Аҳмад Яссавийнинг ҳаёт тарзи билан изоҳлайди: «... *Ичкаридан чарчаса кимдир ташқари чиқиб кетади, менинг улардан фарқим – ташқари чиқмадим, томирларимда яссилик Кул Ҳожа Аҳмаднинг қони гупургандай бўлди – ичкарида қолдим ва ертагига кирдим...*»¹, ёзувчи бунинг замирида инсонларни покликка, комиллика, маънавий етукликка унлайди. Шу билан бирга ҳикояда ўзбек оиласининг туриш-турмуши, урф-одатлари, дунёқараши ёрқин акс этиб, оиласавий муносабатларда эр ва хотининг бир-бирини қадрлаши, бир-бирини тушуниши, меҳр-оқибат каби ҳислатларни улуфлайди.

Гувоҳи бўлганимиздек, замонавий ўзбек (XX асрнинг 90-йиллари) ва араб (XX асрнинг 60-йиллари) ҳикоянавислигига янгилашиш тамойиллари ҳам мазмунан, ҳам услугуб жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Замонавий асарларда мазмун ўзгариши ўз ўрнида баъдий усулда ҳам ўзгаришларни, янгиланишларни юзага келтирди ва натижада замонавий ўзбек ва араб ҳикоянавислиги ўзининг турли мазмунни, услугублар хилма-хиллиги ва бойлиги билан ўз даврига ҳамоҳанг тарзда жаҳон адабий жараённада муносиб ўринни эгаллаб келмоқда.

БАДИЙ МАТНДА АЛЛОЗИВ НОМЛАРНИНГ ЎРНИ

*Д.Р. Аиданиязова, илмий ходим
(ЎзФА Тил ва адабиёт институти)*

Аллюзив номлар яширин мазмун ифодалаш воситаларидан бири бўлиб, улар бадиий матнда бирор филологик ёки ижтимоий-тариҳий фактларга ишора қилиб келади². Маълумки, аллюзия кўпчиликка маълум бўлган машҳур номларнинг, асарлардан олинган ибораларнинг муайян мақсад билан қўлланишидир. Аллюзия иштирок шуган матнда эксплицит матндан ташқари яна бир бошқа – имплицит матн ҳам мавжуд бўлади ҳамда унинг мазмуни матн ўқувчиларининг захиравий билимлари воситасида қайта тикланади. Аллюзив

¹ Ўша китоб. – Б.128-137.

² Ахманова О.С., Люббенет И.В. «Вертикальный контекст» как филологическая проблема // Вопросы языкоznания. – Москва, 1977. №3. – С. 47-54.

матндан ана шу яширин мазмун О.С. Ахманова ҳамда И.В. Гюббенетларнинг фикрига кўра, вертикал контекстни юзага келтиради. Аллюзия орқали ифодаланган ахборот горизантал, яъни асосий матндан ташқарида бўлган қўшимча ахборотдир. Горизантал матн одатдаги матн бўлиб, вербал кўринишда бўлади. Матндан турли воситалар орқали англашилувчи яширин ахборот эса вертикал матн ҳисобланади¹. Маълумки, вертикал матн икки хил кўришишга эга бўлади: 1) филологик; 2) ижтимоий-тарихий. Филологик матнда турли бадиий асарлардаги матнларга ишора қилинса, ижтимоий-тарихий матнда ижтимоий-тарихий воқеалар ифодаланган матнга ишора қилинади.

Айтиш жоизки, аллюзив ном прецедент, яъни тил эгаларининг лисоний хотирасида сақланувчи машҳур номдан иборат бўлади. Дарҳақиқат, аллюзия иштирокидаги матн ўзида эксплицит (горизантал) матн мазмунини англатиш билан бирга яна бир ўзга матн мазмунига ишора қиласди. Демак, аллюзив ном горизантал матнда ифодаланган тарихий-маданий ахборотга яна бир шундай қўшимча ахборотни қўшиди. Натижада бадиий матннинг мазмуни янада бойийди, таъсирчанлик даражаси ва лингвопоэтик қиммати ошади.

Тилшуносликда бу ҳодисага турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, тилшунос М.А. Соловьёва аллюзив жараён юзага келишининг маҳсус шартлари мавжудлигини таъкидлаб, бу шартлар сирасига куйидагиларни киритади: 1) прецедент ва горизонтал матн иштироки; 2) аллюзия манбасининг машҳурлиги; 3) аллюзив антропонимнинг иштироки; 4) прецедент матнда тарихий-маданий ахборотнинг мавжудлиги². Олима томонидан келтирилган ушбу шартлар, дарҳақиқат, жуда асосли бўлиб, ўзида аллюзияга хос ҳусусиятларни акс этиради.

Т.С. Сиренко эса аллюзияларнинг бадиий матндан вазифаларига қуйидагиларни киритади: баҳолаш, тавсифлаш, ўхшатиш – қиёслаш, киноя, ўқувчига таъсир ўтказиш, матнни шаклантириш. Бу вазифалар алоҳида, шунингдек, ўзаро муносабатта киришган ҳолатда ҳам намоён бўлиши мумкин³. Тилшунос аллюзияни идрок қилиш жараёни қуйидаги гартибда бўлишини қайд этади: контекстнинг тўғри

¹ Ахманова О.С., Гюббенет И.В. Кўрсатилган макола. – Б. 49.

² Соловьёва М.А. Роль аллюзивного антропонима в создании вертикального контекста на материале романов А.Мердюк и их русских переведов. АКД. – Екатеринбург, 2004. С. – 23.

³ Сиренко Т.С. Функции аллюзии в пространстве художественного текста // Евразийский Союз ученых. Филологические науки. 2014. №4. – С. 107.

мазмунини тушуниш — прецедент матнга қилинган ишорани англаш — горизантал матн билан вертикал матн мувофиқлиги — муаллиф мақсади ва қўшимча мазмунни тушуниш — номатний билимлар билан горизантал матннинг эмоционал-интеллектуал жиҳатини англашнинг ўзаро мослиги¹.

Таъкидлаш жоизки, аллюзив номлар матн семантикаси, тузилиши, интертекстуаллик, тил ва маданият ҳамкорлиги каби ҳодисалар билан алоқадордир. Шу билан бирга аллюзив номлар бадиий матнда муҳим лингвопоэтик қиммат қасб этувчи воситалардан бири ҳисобланади. Улар матнда семантик-структур вазифадан ташқари коннотатив вазифани ҳам бажаради. Бадиий матн ижодкори аллюзив ном воситасида эмоционал-экспрессивликнинг хилма-хил кўринишларини яратади. Шуни таъкидлаш лозимки, бу борада рус тилдинослигига анчагина ишлар амалга оширилган. Уларни кўздан кечиралигидан бўлсак, бу тадқиқотларнинг аксариятида аллюзив номлар интертекстуаллик билан узвийликда таҳлил қилинганини кўришимиз мумкин. Масалан, М.У.Худойбердина И.А.Бродский шеърий тўпламидаги аллюзив номларни таҳлил қиласр экан, ўз эътиборини дастлаб, шоир шеърларида қўлланган аллюзив номларни мавзуйи гуруҳларга ажратиб тасниф қилишга қаратади. Унинг фикрига кўра, тўпламга кирган шеърларнинг ономастик қўлами марказида мифоним, антропоним, фитоним ва тононимлар туради; санъат асарлари номи, ҳарбий бўлинмалар номи оса бу марказнинг чекка қисмида жойлашган². Тадқиқотчи Бродский шеърларидаги аллюзив номлар куйидаги вазифаларни бажарган, деб хулоса қиласди: 1) икки персонаж ёки маконнинг қиёси; 2) муайян персонаж ёки маконни тавсифлаш; 3) мифологик; 4) деконструктив вазифа³. Романтик йўналишдаги асарларда қўлланган поэтонимларни таҳлил қиласган М.В.Калинкин фикрига кўра, мукаммал бадиий асарда ҳеч бир ном тасодифий қўлланмайди, у, албатта, ижодкорнинг муайян бадиий нияти учун хизмат қиласди. Бадиий асардаги номлар, хусусан, антропонимлар ўша асарнинг машҳурлик даражасига қараб халқ ўргасида кенг тарқалади ва рамз даражасига кўтарилади⁴.

¹ Сиренко Т.С. Кўрсатилган асар. 108-бет.

² Худойбердина М.У. Прецедентные имена в ономастическом пространстве лирике И. Бродского. АКД. — Пермь. 2012. — С. 24.

³ Худойбердина М.У.Кўрсатилган мақола. 28-бет.

⁴ Калинкин В.М. К метаязкы поэтонимологии. Новое введение: azbuka in/ua/wp-content/uploads/ 2013/10/kalinkin. Pdf

Бадиий матнининг аллозивлик хусусияти унинг ғоявий-эстетик мазмунини тўлиқ англаб етишда муҳим аҳамиятта эга. Шу боис аллозив номлар иштирок этган матнлар лингвопоэтик тадқиқот объекти сифатида ўрганишга лойикдир¹. Чунки бадиий матнда қўлланилган аллозив номлар асар таркибидаги муҳим поэтик унсурлардан бири ҳисобланади. Аллозив номларнинг муҳим хусусияти улар ижодкорга катта ҳажмдаги фикрни кичик шаклда ифодалаш имкониятини берувчи поэтик воситадир. Ижодкорлар бундай номлардан матн мазмунини ва эмоционалликнинг турли кўринишларини ҳосил қилиш учун унумли фойдаланадилар.

Ўзбек адабиётини кузатиш шундан далолат берадики, аллозив номлар, айниқса, шеъриятда муҳим ўринни эгаллади. Шеърий матнда қўлланган аллозив номлар таҳлили муайян ижодкор асарларининг ономастик кўлами ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Масалан, Э. Воҳидов шеърларида шоирлар номи ҳамда бадиий асар персонажлари номларидан турли бадиий мақсадларда маҳорат билан фойдаланганини куриш мумкин. Куйидаги мисолда *Лайли ва Мажнун* аллозив номларига ишора қилиш орқали лирик қаҳрамон ўзининг ошиқлик ҳолатини бўрттириб ифодалашга эришган:

*Жаҳонда икки дилбарнинг Бирি сенсан, бири Лайло.
Жаҳонда икки ошиқнинг Бири менман бири Мажнун*
(«Рубобим тори иккилур»).

Бундан ташқари шоирнинг биргина «Ўзбекистон» фахриясида ўзида қўшимча бошқа матнларга, яъни **ижтимоий-тарихий факт** мазмунига ишора қилувчи *Тўмарис*, *Кайхисрав*, *Спитамен*, *Мароқанд*, *Широқ*, *Искандар*, *Беруний*, *Фарғоний*, *Ал-қонун*, *Сайдона*, *Ҳўқанд*, *Кампанелла*, *Масков*, *Осмёнон* каби; **филологик факт** мазмунига ишора қилувчи *Алишер*, *Алтомииш*, *Гўрўғли*, *Барчин*, *Зебунисо*, *Нодирабегим*, *Дилиоди Барно*, *Анбар Отин*, *Пушкин*, *Ҳапалак* каби жами 25га яқин номлар ушбу бадиий матннинг ғоявий мазмунини ниҳоятда бойитган. Асарни ўқир экансиз, бевосита, унда қўлланган ҳар бир ном билан боғлиқ аҳборотлар онгингизда гавдаланаవеради.

Таъкидлаш керакки, ижодкорнинг муаяйн аллозив номга мурожаат қилиши унинг дунёқараши, номлар ҳақидаги билими билан

¹ Селеменова Л. В. Аллозивный аспект художественного текста как объект прагматолингвистического и лингвопоэтического исследования: на материале английской литературы. АКД. – Москва.

боғлиқ бўлади. Масалан, Р.Парфи шеъриятида ўзбек халқи учун машҳур бўлган номлар билан бир қаторда гарбга хос аллюзив номларни кўп кузатиш мумкин. Мисол:

*Мен кимнидир кутаман маҳзун, Мен кимгадир ийегламогим шарт.
Танҳолик-ла турибман ўзим, Менинг билан биргина зулмат.
Йироқларда ингранар Лист¹ ҳам, Қулогимга бўзлайди Фурқат.
Ҳузуримга чиқмас бир одам, Мен, барибир, кутгайман фақат.
(Мен кимнидир кутаман маҳзун)*

Ушбу парчадаги ингранар сўзи антропонимнинг кодини топишга ишора қилияпти. *Лист* бастакор, мусиқашунос бўлгани учун унинг мусиқалари лирик қаҳрамоннинг кайфиятига уйғун ҳолда маҳзун ёритилиши назарда тутилган.

Хозирги ўзбек шеъриятида аллюзив ном сифатида *Гўрўғли, Атномиши, Барчин, Бойчибор, Тоҳир, Зухра, Тўмарис, Широқ, Хотам, Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Чулпон ва Қодирий, Отабек, Кумуш, Отелло, Дездемона* каби машҳур номлар фаол қўлланмоқда.

Хуроса қилиб айтиш мумкинки, муайян ижодкор асарларида қўлланган аллюзив номлар, энг аввало, ўша ижодкор дунёқараси-пинг бойлиги, ном қўллаш салоҳияти, дунёвий ва миллий маданиятдан нечоғли хабардор эканлиги ҳақида маълумот беради. Шу билан бирга, айрим аллюзив номлар ўзида илм-фан, адабиёт, санъат, тарих, дин, маданият ҳақидаги билимларни сақловчи аккумлятив номлар ҳисобланади. Бундай номлар қатнашган матнларда катта ҳажмли ахборотни ихчам шаклда ифодалаш имконияти мавжуд бўлади. Шу боис бадиий матнда турли фактларга ишора қилувчи аллюзив номларни ўрганиш ономастик бирликлар лингвопоэтикаси тадқиқи учун муҳим хуросалар бера олади.

ТАРИХИЙ ҲИКОЯДА ОБРАЗ ТАЛҚИНИ

М.М. Акбарова, (АДУ)

Сўнгти йиллар мобайнида Бобур шахси ва фаолияти ҳар жиҳатдан алоҳида эътибор билан ўрганила бошлади, чунки бу ҳаққоний тарихимизни тиклаш ва миллий ўзликни англаш жараённида жуда муҳимдир. Шу боисдан адабиётимизда ҳам улуф бобомизнинг фоят

¹ Венгриялик бастакор, чапдаст пиониначи.

машаққатли, зиддиятларга тұла ҳәёт йүлини, мураккаб тақдирини акс эттирган қатор бадий асарлар яратылды ва яратылмоқда. Улар-пинг ҳар бири үқувчини у ёки бу даражада Бобур шахсиятiga яқин-лаштыришга, уни теранроқ англашпа хизмат қиласы.

Андижонлик шоира ва ёзувчи Омина Тожибоева қаламига мансуб «Туш», «Булутлар ортидаги қүйіш», «Қиёмат тақдир», «Васи-ят», «Бобур армони» каби ҳикояларда шоҳ ва шоир Бобур сиймо-си үзиге хос тарзда бадий идрок этилган. Муаллиф қаламга ол-ған ҳар бир воқеа-ҳодиса тасаввуримиздаги Мирзо Бобур сийратига бир чизги бўлиб чизилади гүё. Хусусан, «Булутлар ортидаги қүйіш» ҳикоясида Бобур ҳаётининг энг суронли, оғир дамлари ёритиля-ди. Яъни Данти Қыпчоқ ҳукмдори Шайбонийхон қўшиналари мам-лакатни қамал қилиб турган, Мирзо Бобур имкони борича душ-манга қарши курашиб, улуғ аждоди Амир Темур не-не машаққат-лар билан барғо қилган марказлашган давлатни пароканда бўлиб, минг бир бўлакка бўлинниб кетмаслиги, энг асосийси, ўзи туғилиб ўсган шу муқаддас ватан душман оёқлари остида ҳор бўлмаслиги учун бор кучи билан ҳаракат қилиб турган пайт. Табиийки, бун-дай вазиятда ҳар қандай инсон яқинларига суюнгиси келади, меҳр кутади. Бобур ҳам атрофдаги яқинларидан шундай муносабатга илҳақ бўлиб турган бир пайтда ишонган беклари у ёқда турсин, ўз қариндошлари-да унга хиёнат қилиш пайида. Хуросонга сафа-ри олдидан Бобур Мұхаммад Ҳусайн Мирзо Дуғлатга ҳокимиятни топшириб, унга кўмаклашиб туришни эса яқин беклари Низо-миддин Халифа, Мулло бобо Погошарий, Мир Аҳмад Қосимлар зиммасига юклаб кетса, пайтдан фойдаланиб улар исён кўтариб, шаҳарни ўз қўлларига оладилар. Бу ҳам етмагандек, Бобурнинг бувиси Шоҳ Бегим суюкли невараси Ҳон Мирзони унинг ўрнига шоҳ қилиб кўтармоқчи бўлади. Бекларнинг хиёнатлари боисини-ку манфаатпарастлик, бойлик орттириш билан изоҳлаш мумкин-дир, аммо ўз қариндошларининг қўймешларини қандай атап, нима деб тушуниш мумкин?! Бундай ҳол Бобурни қаттиқ руҳий изти-робга солади, жавобсиз саволлар унинг юрагини кемириб, маънан азоб беради: «Наҳот? Ҳон Мирзо Шоҳ Бегим бувимға невара бўлса, мен ким? Ҳон Мирзони бу қадар суймогининг боиси не? Лоақал мен, мен-ку ҳали асир тушғонимча йўқ, тушғон чоғимда ҳам кут-қариш йўлини қидирмаса? Ё Ҳон Мирзони шоҳ қилиб кўтарғоч, шу хил тадбир қўлламоқчимудилар?»

Ич-ичидан хиёнатни англаб турган ҳолида ҳам яхшилиқдан умид қилиши, эзгулик қидириши асардаги Бобур сиймосига улуғворлик

бахш этади, унинг мустаҳкам иродаги эгаси бўлганини яна бир карра исботлайди.

Ижодкор юз берган воқеаликни қанчалик ҳаққоний акс эттирса, унинг натижаси ўлароқ қаҳрамон руҳиятида юзага келган кайфиятни ҳам шунчалик холис ифодалашга ҳаракат қилиши лозим. Шундагина асаддаги ҳеч бир сўз ўқувчига ортиқчадек туюлмайди. Мазкур ҳикояда эса худди шу мезондан салгина чекинилган ўринлар бордек назаримизда. Тўғри, муаллиф асадар Бобур Мирзони ўзининг орзуси (идеали)даги шоҳ сифатида гавдалантиришга ҳаракат қиласиди, яъни унинг сиймосида одил давлат ҳукмдорига хос барча сифатларни кўради ва шу нигоҳ орқали унинг бадиий образини яратади. Ўзи ишонган қариндошлиарининг хиёнатини тўла англаб турган Бобур ўзини билмасликка олади. Бувиси Шоҳ Бегимнинг қилимишига ўзининг оташин меҳри, юксак ҳурмати билан жавоб бериши асносида уни виждан азобига солади ва бу ақлли тадбир эканини инкор этиб бўлмайди. Лекин Хон Мирзога нисбатан ҳеч қандай чора кўрмайди, ҳатто илгариги муносабатини заррача ўзгартирумайди. Айни шу ҳолат ўқувчига бироз малол келади. Негаки, бир томондан, Амир Темурдек ҳамиша адолатни, тенгликни ҳар недан устун билган саркарданинг муносаби авлоди сифатида Бобурнинг бу таҳлит йўл тутиши ҳаёт ҳақиқатига зиддек туюлса, иккинчи томондан, асар бошидан мақсад қилинган идеал шоҳ образини кўз олдимизда салгина хиралаштириб қўяётгандек бўлади. Гўёки тенглик, адолат эмас, қон-қариндошлик барчасидан устун келади. Аммо масаланинг бошқа томонини ҳам назардан қочирмаслик зарур, яъни ижодкор айни шу нарса орқали Бобур Мирзо ҳам Аллоҳнинг бир бандаси сифатида камчиликлардан ҳоли бўлмаганини ва бу камчиликлар унинг тақдираидан ўз изини қолдирганлигини айтмоқчи бўлгандир, эҳтимол.

Эътиборли томонларидан бири муаллиф ҳикояда Бобур билан бир вақтда унинг онаси Кутглуғ Нигор хоним сиймосини ҳам чизиб боради. Фарқли жиҳати шундаки, ҳикоядаги она образи воқеалар ривожи асосида очиб берилмайди ва ёки муаллиф томонидан тавсифланмайди, яъни у ҳақда узундан-узоқ таърифлар келтирилмайди, балки Бобур Мирзонинг хотиравари, ўй-хаёллари, тушлари во-ситасида гавдалантирилади.

Ёзувчи ҳикоя давомида юз берган воқеанинг Бобур руҳиятига тапсирини тўла ифодалаш мақсадида ўша кайфиятга мос бўлган байтини келтиради. Бу нарса китобхонга ўша онларда Бобурнинг қалбидан кечиргандарини, кувонч-у шодликларини, изтироб-у аламла-

рини янада яқин масофадан англашыга бир имкон кабидир. Тугиб келтирилган Хон Мирзо билан сұхбатлашиб, кейин уни Хурсонга кетказиб юборган Бобур қабулхонада ёлғиз үтирганча қоғозға мана бу байтни ёзади:

*Боз гардад ба асли худ ҳама чиз,
Зари софию нұқрау арзіз.*

Хаёлан байтни мушоҳада этади: «... — ҳамма нарса: хоҳ соф олтин, хоҳ кумуш ва хоҳ күрғошин бұлсın, барибир аслига қайтади. Аллоҳ ҳар бир нарсаны қандай яратған бұлса, шундайлигича қолади. Ҳеч ким Аллоҳ берган тақдир измидан чиқиб кетолмайды...» Шу үринде юзага келған вазият, қайғият ва келтирилған байт бир-бираға номузофикақ құрнади. Үқувчи Бобурнинг англағанларини туңуна олмай қолади.

«Қиёмат тақдир» ҳикоясида Бобурнинг опаси Хонзодабегимнинг Шайбонийхонға узатилиши, унинг хон ҳарамида үтган аяңчылар изтиробға тұла ҳәсти, тақдир тақозоси билан иниси ҳузурига қайтиши воқеалари бадий акслантирилған. Муаллиф ҳикояда бадий вақтни үйнатади: сұзни Хонзодабегимнинг Шоҳ Исмоил томонидан она юртига қайтарилишидан бошлаб, сұнgra Шайбонийхон амри билан Зиё Ходига узатилиши-ю, қандай сабаб билан хоннинг бу қадар қаҳрига учраши билан давом эттиради. Ҳикоя сұнгтида уни Бобур Мирзо билан учраштиради ва аввалги воқеаларға қайтадан муфассалроқ тұхталади. Бу хил усул билан асарнинг үқицилигини оширади, үқувчини зериктиirmайди.

Ҳикоядаги Зиё Ходи образи асарнинг туб мөхиятини очища мухим роль үйнайды. Асар аввалида ёши улуг бұла туриб қизи тенғи Хонзодабегимни ўз никоҳига олған бу кишига нисбатан үқувчидан салбий фикр үйғонади. Бироқ Бегим билан илк сұхбати вақтіда Зиё Ходининг хаёлидан үтаётган нарсаларни билгандан сұнг эса янглиш мұлоҳаза юритганини англаиди. Аслида ҳар иккисининг тақдирида үйғун нұқта бор: Хонзодабегим ибодат маҳали хон саройыда Бобур Мирзонинг исмини тилга олғанлиги туфайли шу ҳолға түшгандар болса, Зиё Ходи Бобурнинг «Жонимдин ўзға ёри вафодор топмадим, Күнглимдин ўзға маҳрами асфор топмадим» матлағыни хиргойи қылғани учун саройдан ҳайдалған эди. Зиё Ходи Хонзодабегимнинг Шайбонийхон ҳарамига қандай келиб қолғанини билишни истайды, бу ҳолатда бир сир яшириңган леб үйлайди. Назаримизда, Зиё Ходи қалbidаги саволлар аслан ижодкорнинг ўзига тегишлики, муаллиф шу йүсінде уларға жавоб излейді. Ҳикоя мөхияттан тұла-

лигича пайдо бўлган шу каби саволлар уларнинг жавоби тариқасида яратилишадек.

Асарда Хонзодабегим образи фоят сабрли, матонатли, теран фикр эгаси бўлган аёл сифатида гавалантирилади. Ёзувчи аёл қалбининг ҳар зарбини, унинг ҳаётбахш меҳрини, фидокорлигини чинакам самимият билан ифодалай олади. Унинг тимсоли замирада китобхон оқида темурий аёлларининг сиймосини яна бир бор кўз олдига келтиради. Ҳа, шу ўринда ҳикоядаги аёл қалбининг тасвири ҳақида: Хонзодабегим етти йилдан зиёд вақт Шайбонийхон билан бир ёстиққа бош қўйиб, ундан ўғил фарзанд кўрса-да, юрагида хонга нисбатан ҳеч қандай илиқлик уйғонмаган. Тўгри, иниси Бобурга нисбатан душманлик туйғуси, нафрат билан яшаётган хонга меҳр бера омаслиги мумкин, аммо аёл зоти ўз жуфтига нисбатан ҳеч бир вазиятда бу даражада кўнгилсиз қолиши бироз сингишмайдиган ҳолат. Чунки Тангри таолонинг ўзи яратилмишиданоқ аслга бафоят кенг қалб, туганмас меҳр ато этган. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Хонзодабегим ҳам Шайбонийхонга ҳеч бўлмаганда фарзандининг отаси сифатида ҳурмат билан қарashi тайин. Бизнингча, Хонзодабегим билан боғлиқ ана шу ўринларда муаллиф табиат, янайм аниқроғи, аёл табиати қонуниятларидан бироз узоқлашиб қолади. Аммо шу нарсани ишонч билан айтишимиз мумкинки, ҳикояни ўқиган киши Бобур билан бир пайтда Хонзодабегим шахсиятига хос бўлган қатор жиҳатларни ўзи учун янгитдан кашф этади.

«Васият» ҳикоясида Бобур Мирзонинг Ҳиндистон заминини обод қилиш, шу ўлкада кучли салтанат барпо этиш учун қилган ҳаракатлари тасвиrlанади. Муаллиф унда руҳий изтироблар ис-капижасида қолган, қалбини ватан соғинчи кемириб бораётган бир пайтда ўзини қўлга олиб, адолатсиз ҳукмдорларнинг беспарволиги-ю зулми натижасида буткул ҳароб бўлаёзган мамлакат ва издан чиққан халқ ҳаётини яхшилашга киришиб, бу йўлда кўп қийинчиликларни сабр билан енгиб ўтган буюк саркарда сиймосини яратади. У бир неча ой давомида бутун мамлакатни айланиб, аҳолининг яшаш шароитлари билан яқиндан танишиб, Ҳинд юртими маъмур қилиш учун нималар қилиш кераклигини ўрганади. Бобур ҳинд халқини, унинг маданияти, анъаналарини жуда ҳурмат қиласи. Баъзи жойларга борганида халқ уларга душман кўзилга қараса, айрим жойларда «Йўқолсин фотихлар» деганлар ҳам учради. Ана шундай вазиятларда ҳам у ўзини йўқотмай, чинакам Гесмур авлодидек тута билди.

Бундан тапқары ҳикояда ота ва ўғил – Бобур ва Ҳумоюн мирзо муносабатларига алоҳида ургу берилган. Бобур ўғлиниң келажакда адолатли ҳукмдор бўлишига умид қиласди, унга ўзиникидан яхшироқ тақдир илинади. Ўз навбатида Ҳумоюн ҳам отасининг изтиробларини ҳис қилиб туради, унга тиргак бўлишига интилади.

Таъкидлаш жоизки, адига Бобур ҳақидаги ҳикояларни яратишида, асосан, «Бобурнома»га таянгани яққол сезилади. Аммо бу шунчаки «Бобурнома»нинг қайта баёни бўлиб қолмайди, балки ижодий тасаввур учун турткни вазифасини ўтайди. Худди шу турткидан ҳаракатга келган ижодий тасаввур эса бир-биридан мазмунли тарихий ҳикоялар яратишга асос булади. Ҳикояларда барқ уриб турган улуг бобомизга хурматни ўзига юқтирган ўқувчи Бобур мирзо шахсиятини англаш йўлида бир одим илгарилайди, уни бир саркарда ё шоир сифатидагина эмас, бир инсон ўлароқ ҳам таний бошлайди.

ЛИРИК МУШОҲАДА ОБЪЕКТИНИНГ ВОҚЕЛИККА КЎЧИШИ ВИЗУАЛЛАШУВНИНГ БОШ ОМИЛИ СИФАТИДА

С. Куронов, КИХИ (АДУ)

XX аср бошларига келиб анъанавий мумтоз шеърият заминида замонавий ўзбек шеърияти шакиллана бошлади. Янги шеърият интонацион қурилиши, поэтик ифода тарзи ҳамда субъектив ташкилланиши каби мұхим омилларда эскисидан кескин фарқ қила бошлади. Профессор Д. Куронов ўтган аср аввалида шеъриятда кечган янгиланишларни шундай изоҳлайди: «Ҳамма гап XX аср бошлари Туркистон жамиятида шахс мақомининг ўзгаргани, инсоннинг ижтимоийлашганида. Содда қилиб айтсак, Туркистон кишиси жамиятнинг аҳволи, бутуни ва эртаси, мавжуд ҳолнинг сабаби – хуллас, сиёсат ҳақида бош қотирадиган бўлди»¹. Ҳақиқатан ҳам XX аср бошларида ўзбек шеъриятини бадиий-ғоявий, шаклий жиҳатдан тубдан ўзгариб, ўзининг янги умрини бошлашга чоғлангани сабабларини, аввало, ижтимоий омиллардан қидириш керак бўлади. Зоро, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган кескин ўзгаришлар шу ижтимоийликнинг бир бўлаги –

¹ Куронов Д. Мутолаа ва идрок машқтари. – Т.: Академиашр, 2013. – Б. 191.

шоир шахсни четлаб ўтмайди. Энди унинг фаолияти ҳам уму-
мижтимоий эҳтиёжларга мос тарзда кечиши, давр ўқувчининг
талабларини қондириши шарт эди: «Янги инсоннинг қалб тебра-
нишларини акс эттириш талаби шеъриятдан шунга мос ўзгариш-
ларни – янгиланишини тақозо этди»¹.

Замонавий шеъриятнинг янгилик аломатларидан бири унинг
оммалашганида кўринади. Энди ижодкор муайян доира вакил-
лари учунгина эмас, кенг омма учун асар ёзаётганини ҳис қилиб
турарди. Бу эса поэтик тил ва вазннинг соддлашишига олиб
келади. Коммуникатив восита сифатида ҳам бадиий адабиёт аср-
лар давомида яшаб келган foяларни, умумэстетик канон сифати-
да шаклланган кўнгил кечинмаларини эмас, балки мавжуд иж-
тимоий вазият ҳақидаги информацияни ташишга йўналтирила-
ди. Лирик мушоҳада объективнинг санъаткор кўнглидан чиқиб,
поэзеликка қаратилиши бадиий образнинг бир қадар жонли, реа-
листик унсурлар билан тўйинишига, унинг визуаллашувига олиб
келади. Албатта, бу жараён бошқа санъатларнинг ифодавий им-
кониятлари кўмагида, хусусан, шеърият ва тасвирий санъатнинг
ўзаро бадиий синтези натижасида юзага кела бошлиганди.

Кенг ижтимоий-маданий ислоҳотлар замирида Туркистон аҳли
учун ҳали таниш бўлмаган санъат турлари (театр, фотография ва
ҳ.к.)нинг кириб келиши илгаридан мавжуд санъат турларининг ифо-
лавий-шаклий хусусиятларига таъсир этмай кўймади. Бундан ташқ-
ари, адабиётда янги турларнинг пайдо бўлиши, мавжудларининг ри-
пожланиб, оммалашиши шеъриятнинг наср ҳам драматургия билан
ракъобатлашишига олиб келади. Демак, ўша давр шеърияти олдида
ифодавий-шаклий жиҳатдан янгиланиб улгурган тасвирий санъат,
буидан ташқари, фотография, оммалашиб бораётган театр санъати,
ички омил сифатида наср ҳамда драматургияга хос ифода шакллари-
ни ўзлаштириш, замонавий ўқувчининг эстетик эҳтиёжларини қон-
дириш масаласи турарди:

*Дейманки: «Бошқалар билмай қоладир –
Шундай гўзалликни! Аттанг, агар мен
Рассом бўлсан эди, чизиб берардим,
Ўхшаш нусха билан, ёзib берардим,
Шу ожиз ҳолимда, шоирманни мен?..»²*

¹ Ҳамдам У. Янги ўзбек шеърияти. – Т.: Адиб, 2012. – Ҷ. 9.

² Чўлонон. Асарлар. I жилд. – Т.: Академнашр, 2013. – Ҷ. 253.

Албатта, Чұлпон ұзининг биз парча олган «Мен шоирми?» шеърида шеъриятнинг рангасвир билан синтези масаласига ишора этмаган бұлиши мүмкін, лекин чин шоир сифатида бадий синтез ҳодисасини интуитив тарзда ҳис қылғани аник. Зоро, юқорида таъкидлаб ұтганимиздай, янғы шеърият әнди үз ички омыллари билан шаклланишга ожизлик қылар, шеърхон күнгли янгилик истарди. Чұлпон сұздың тасвирий имконияттуда рангасвир санъатига хос ифода унсурлардан фойдаланиш мүмкінligини ҳис қылади. Бу үз-үзидан, табиий кечәйтган жараён бұлиб, санъатнинг ижтимоийлашуви ижодкордан реалистик образ яратишни талаб қылаётганди. Чунки идеалнинг «осмондан ерга тушиши», ижодкорни бир мунча абстракт, шартлы образлардан возкечишга үндайды:

*Кезар әдім Туркестоннинг төгларини,
Түрли мева билан тұлған болларини,
Кенг сахросин, чұлестонин, сағрон әдуб
Тинглар әдім түрк халқининг охларини.*

Мазкур парча Чұлпоннинг илк машқларидан бири – «Умид» шеъридан олинған бұлиб, унинг 1914 йилда битилгани аҳамиятта молик. Шеърда Туркестоннинг оловқалб, ватанпәрвар үглони күнгидан кечгап изтироблар мұхрланған. Үіца көзларда «Мактаб үрніга очилди ҳар маҳаллада майхона, Нафрат эттак нари турсин, шоду хандон бизни халқ»¹ қабилидаги жүнгина мисраларни битиб юрган ёш шоирнинг ижтимоий дардни муайян тасвирий элементлар асосида ифодалашға уринишини, фақаттана, тажриба билан боғлаш нотүгри. Умуман, давр шеърияты учун лирик кечинманинг реалистик тасвири воситасида ифодаланиши янгилик эканини ҳисобға олсак, Чұлпон назми тажрибадан эмас, балки янгиликка интилиш важидан құвват олаётганиға амин бұламиз. Албатта, юқоридеги парчада ёрқын тасвирийлиқдан күра тавсифнинг устуворлиги сезилади. Яъни шоир манзарани мусавиirlарлай деталлаштириб тасвирилашға уринмайды. Бу үринде Чұлпон учун воқеликнинг конкрет замон ва маконда кечәйтганига урғу берішгина мұхым бўлған. Шу маънода, шоир юрттинг төглари, мевалари, сахросиу чұлларини санаб үтиш билан чегараланади. *Лекин ўқуучи хаёлида үз кечинмалари билан «сарсон» юрган абстракт макондаги лирик қаҳрамон эмас, балки муайян замон ва маконда турган реал қиёфа гавдаланади.* Айни дамда, ижод-

¹ Ұша асар. – Б. 253.

корнинг ифодавий-бадиий мақсади ҳам шу «реал қиёфа»дан ўзга парса эмасди. Зеро, аниқ замон ва маконга мансуб шахс образини яратиш замонавий ўзбек шеъриятини мумтоз адабиёт намуналаридан фарқлаб турувчи асосий омилдир.

Шарқ мумтоз адабиёти ва китоб графикаси бўйича изланишлар олиб борган санъатшунослар Е. Полякова ҳамда З. Раҳимовалар Шарқнинг чукур фалсафий, юксак бадиий асарлари ортидаги муаллиф шахсиятини аниқлаш жудаям мушкул эканини таъкидлаб, «Бу давр ижодкорлари ўз шахсий кечинмаларини, давр кишилари ва ижтимоийликни ифодалашга уринмаган»¹, деб ёзадилар. Ҳақиқатан ҳам мумтоз адабиёт намуналарида давр колоритини ифодаловчи омиллар: исемлар, рақамлар, географик номлар деярли учрамайди. Баъзан муаллиф ёзган асарига ўз имзосини қўйишни ҳам «унутади». Чунки бу давр эстетик қараашларининг бирламчи ҳақиқати сифатида дунёнинг фоний эканлигию санъаткор учун чинакам, ягона гўзаллик олам ва одамнинг ботини ҳисобланган. Айни шу омил мумтоз санъатлардаги шартлиликини юзага келтиради. Яъни ижодкор ўз асарида оламни унинг ташки кўринишлари билан ифодалашга уринмаган. Дейлик, давр эстетик категориялари асосида қабул қилинган шартли унсурлардан фойдаланилган.

XX аср бошларида замонавий шеъриятда яратилган лирик қаҳрамон туйфулари умумэстетик мезонлардагина яшамай, балки муайян давр ва маконга хос индивид шахсиятига сингдирилади. Шоир ўз қалибида ниш урган ижтимоий дардни ўқувчига юқтируш учун ифодила реалистик тасвирга суннади:

*Кўм кўк экан, саргайдилар япроқлар
Оғриқ, мағлуб, тутқун Шарқнинг юзидек:
Бўронларнинг кўзлариким, ўйноқлар
Голиб гарбнинг қонга тўлган кўзидек².*

Чўлпоннинг «Куз» номли шеъридан олинган парчага эътибор қаратинг. Шоир ижтимоий-сиёсий дардни шунчаки айтмоқчи эмас, шексинча, у воқеликни бадиий гавдалантиришга ҳаракат қилмоқда. Мазкур жараёнда муайян воқелик табиат ҳодисалари билан тенглигириладики, ўқувчи кўз олдида яхлит ижтимоий вазият жонла-

¹ Полякова Е., Раҳимова З. Миниатюра и литература Востока. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 23.

² Чўлпон. Асарлар. I жилд. – Т.: Академиашр. 2013. – 86 б.

на бошлайди. Аҳамиятлиси, давр қиёфаси визуал образлар воситасида яратилиб, шеърхон туюши мумкин бўлган ҳислар ҳам маънавий, ҳам бадиий жиҳатдан таъсирлироқ ифодаланади.

ЧОРРАҲАДАГИ ИККИ АДИБ

Б. Саидова, магистрант (ЎзМУ)

Озод Шарафиддинов домла «Дўстлик қонуни» мақоласида: «Жаҳон адабиётининг тараққиёт йўлларида турли миллий адабиётлар бир-бирига дуч келадиган, бир-бири билан учрашадиган чорраҳалар кўп»¹, деган эди. Мана, ана шундай чорраҳалардан бирида атоқли грузин ёзувчisi Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» асари ҳамла А.П. Чеховнинг «Олгинчи палата» ҳикояси рўбару туришибди.

Иккала асарнинг ёзилиш саналари орасидаги вақт масофаси қарийб бир аср бўлса-да, адиларнинг юрагидаги лард, қаҳрамонларининг тақдирни, энг асосийси – мавзу – фикрлайдиган инсонларни қабул қила олмайдиган жамиятнинг қиёфаси бир хиллиги ҳайратга солади.

«Абадият қонуни»да ҳам, «Олгинчи палата»да ҳам воқеалар касалхона палатасида кечади. Ҳар қандай шароитда виждонини сақлаб қолишга,adolat, ҳақиқат тарафида туришга уринган, маънан тубан кетган жамиятнинг иллатларига қарши курашиб юрагини хаста қилган журналист Бачана Рамишвили – бир палатада.

Ўзи яшаётган жамиятда юксак мақсад йўқлигига, ҳаётни жабрзулм, олчоқлик бошқараётганига, муттаҳамларнинг эгни бут, қорни тўқлиги ва виждонли одамларнинг очин-тўқин яшаётганига исён қилиб гапиришдан бошқа чораси йўқлигидан ақли ваҳима касалига йўлиққан Иван Димитрич Громов – бир палатада.

Бачана Рамишвилининг хонадошлари – поп Иорам, этикдўз Булика. Иван Димитричининг ҳамхоналари – жуҳуд Моисей, йиғлоқи мўйловдор ва почтанинг собиқ хат сараловчиси. Кейинроқ уларнинг сафига ўз бемори билан ҳамфир бўлгани учун касалхона бош врачи, профессор Андрей Ефимович Рагинни ҳам келтириб қўшишади. Бу иккала палатани ўша жамиятнинг мўжжаз бир шакли, аниқроғи,

¹ Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 67.

лунгунинг, одамзод ҳаёт тарзининг, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абаидий курашнинг акси-ойнаси дейиш мумкин.

Аслида ўзи бемор бўлмиш жамият тафаккури соғлом бўлган инсонларни бемор деб атайди, уларни улоқтириб ташлайди. Бачана Рамишвили баъзи инсонларнинг яширин ётган асл чиркин қиёфаларини аёвсиз фони этган ҳолда одамзоднинг ҳақиқатан ҳам ҳайвондан, яъни маймундан тарқалганлигига ишона бошлайди, аникрофи, жамиятнинг ўзи бунга ишонтира бошлайди.

Касалхонада ётган Бачана Рамишвили бошидан ўтказган умр йўуларини эсларкан, қуйидаги воқеа ҳам ёдига тушади. У газетада бори муҳаррир сифатида ишлаб юрган вақтида олдига кичкинагина бир маймун қўлидаги ҳикматли сўз, қочириқлар ёзилган бир даста қозозни унинг столи устига қўяди. Бачана «Дарвиннинг таълимотига асосан бу маймун ҳам қачонлардир одамга айланса ажабмас»¹ дея, баъзиларини нашр эттиради. Аммо орадан кунлар ўтиб маймун инсонга ўхшаб кийинган ҳолда маза-матрасиз ҳикояларини келтириб беради. Шунда Бачана «Одамга айланган маймундан кўра, маймунга айланган одамни таниш осонроқ» эканлигига ишончи комил бўлади. Аммо у бундай ҳикояларни газетасида эълон қилишдан бош тортади. Бундан жаҳли чиққан маймун, қасдма-қасдига Ёзувчилар улошимасига аъзо бўлиб, ҳатто Бачана билан «Отам! Устозим!» лейдиган даражада дўстлашиб кетади. Аммо кейинчалик Бачананинг номзоди депутатликка қўйилганида ўша маймун райком секретари олдига бориб, Бачананинг ота-онаси сургун қилингани-ю унинг бир вақтлар қамоқхонада ўтириб чиққанлиги, газетасида сиёсатга гўёки қарши бўлган хатоларни ўтказиб юбораётгани ҳақида бўргтириб маълумот беради. Маймун одамлар сафига қўшилишига ёрдам берган Бачананинг қилган яхшиликларига шу тариқа жавоб беради.

Ана шу жойда бизнинг адабий чорраҳамиздан машҳур рус ёзувчиси Михаил Булгаков ҳам ўзининг «Итюрак»² романи билан ўтиб кетаётганини кўргандай бўлдим. Профессор Филипп Филипповичнинг уй-шифохонасидаги лаборатория хонаси Н.Думбадзе ва А.Чехов палаталарини эслатди. Ҳайвондан одамга айлантирилган итюрак Шариков профессорнинг бошита маҳсус хизмат ходимларини бошлаб келиши ва ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳисоблаши

¹ Думбадзе Н. Абадият қонуни. Мен, бувим, Илико ва Илларион. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983.

² Булгаков М.А. Собрание сочинений. Т.2. Собачье сердце. Азбука-классика. СПб. – М., 2002.

Бачанани сиёсатга қарни одам сифатида сотган маймуннинг айнан ўзидай туйилди. Жамиятни мукаммал қилиш, итдай тубан инсон ахлоқини юксалтириш мумкин деб ўйлаган профессор ва унинг шоғирдини ҳам Н. Думбадзе ва А. Чехов палаталаридағи «бемор»лардан эканлигига шубҳа қилмайсан киши.

Дарвоқе, «Олтинчи палата»даги Иван Дмитрич ҳам «инсон разиллиги ва ҳақиқатни бўғувчи жабр-зулм, яна вакти келиб ер юзида бўладиган гўзал ҳаёт ва ҳар дақиқа золимларнинг аҳмоқлиги ва бераҳмлигини унинг ёдига солиб турган деразалардаги темир панжаралар ҳақида сўзлайди». У моҳиятан дунёда ҳеч нарса ўзгармаслиги, тақдирга тан бериб ётавериш кераклиги ҳақида насиҳат қилган профессор билан баҳслашаркан, шундай деб жавоб беради: «Шуни биламанки, Худо мени иссиқ қон ва асабдан яратган, шундай! Оғриқча — додлаш ва йифлаш билан, разилликка — нафрат, қабиҳликка — газабланиш билан жавоб қиласман. Менимча, ҳаёт деб асли ўзи мана шуларни айтилса керак»¹. Худди шу мазмундаги суҳбатларга биз Бачана ва поп Иорам ўртасидаги баҳсларда ҳам гувоҳ бўламиз. А.Чехов қаҳрамони — bemor Иван Дмитрич доктор Андрей Ефимичга мурожаат қиласкан, ўзи ва атрофдаги одамларга қатъий ташхис қўяди: «Ҳа, касалман. Лекин ўнлаб, юзлаб жиннилар озодликда юришибди-ку ахир, чунки жаноблари нодонликлари орасида уларни соғлардан айиролмайдилар. Нега энди мен ва мана бу шўрликларгина ҳамма учун бу ерда ўтиришимиш керак?» дейди. Энди худди шу ўринда «Абадият қонуни»даги лавҳага эътибор қиласмиз. Ҳайвонот боғидан қочган маймунларни қидирастган милиционер йигилишда шундай мурожаат қиласди: «Ўргоқ подполковник, мажлисни тезроқ тугата қолайлик, маймунлар одамларга аралашиб кетса, топишимиш қийин бўлади!» Адилларнинг ўз жамиятларига, «соғлар ва носоғлар»га берган нақадар ҳамоҳанг баҳолари!

Адабиёт чорраҳасида мен ҳаёлан учраштирган бу икки адилнинг нафақат ўй-мақсадлари, балки тақдирлари ҳам ўз қаҳрамонларини кига бениҳоя ўхшаш. Журналист Бачана — романда у шўро мафкурасига мосланиб касалхонадан тузалиб чиқса-да — аслида 56 ёшида юрак хасталигидан вафот эттан Нодар Думбадзенинг ўзи. Адолатсизлик ва ноҳақликни кўтара олмай палатасида жон таслим қилган доктор Андрей Ефимович эса — сургундагиларнинг юқумли касал-

¹ Чехов А.П. Таңланган ҳикоялар. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Даъват илмий нашриёти. — Т.: Ф.Фулом, 2012.

лигини даволаш учун Сибирга бориб ўзини ихтиёрий курбон қилган Антон Чеховнинг ўзи.

Бу икки адид инсон юрагидаги илохий мукаррамлик ва ҳайвоний тубанликларни тадқиқ қиласр экан, одамзоднинг бир-бирига меҳршавқатли, маънан бой бўлишини, юксак, гўзал ғоялар билан яшашини, ўз аъмоллари, бир-бирларига муносабатлари билан ҳайвондан устун туришини орзу қиласдилар.

«ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР»: РОМАН ВА КИНОТАЛҚИН

З.Н. Суванов, магистрант (ЎзМУ)

Ўтган аср ўзбек адабиёти учун жуда сермаҳсул давр бўлди. Бу нақт мобайнида насримиз энг сара асарлар ҳисобига бойиди. Бадиий асарлар асосида киносценарийлар майдонга келди. Малъумки, Мишель де Сервантес, Даниел Дефо, Рашод Нури Гунтекин, Чингиз Айтматов, Жонатан Свифт сингари ёзувчиларнинг жаҳон адабиёти турдоналари сафидан жой олган асарлари ва уларнинг киноталқини томошабинлар орасида ўз ўрнини топди. Шунга монанд, ўзбек адабиётида ҳам А. Қодирий, М.Т. Ойбек, Ў. Ҳошимов, Ф. Фулом, Ҳ. Тўхтабоеев, Т. Мурод, М.М. Дўст каби адилларнинг асарлари ҳам фанага чиқди ва томошабинлар кўнглидан жой олди.

Биз шу ўринда прозада ўзига хос мактаб яратган ёзувчи Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романни ва унинг киноталқини хусусида тўхталишни лозим деб топдик. Ушбу бадиий асар ва киносины қиёслаш фикри туғилишига сабаб, сценарий муаллифи Шуҳрат Аббосовнинг куйидаги изоҳига муносаб жавоб топиш эди: «Отамдан қолган далалар» романни фильмни тўрт соатни ташкил этиши. Шундай қилиб, кино кўйилди. Томошабин шунақаям яхши қабул қилидик... қарсаклар, олқишлилар зални тутди. Биз шу орада Тоғай Муродни йўқотиб кўйдик. Ахир, одатта кўра, премьерадан кейин иёфат берилиши керак эди-да. Биз, фильм ижодкорлари бирга ўтиришиб, бир-биримизни табрикламоқчи эдик. Шу қидирамиз, Тоғай Мурод йўқ, бирдан ғойиб бўлиб қолибди.

Қизиқ одам эди-да, Тоғай Мурод! «Отамдан қолган далалар» романининг фильм варианти ёқдими, йўқми, билолмадим¹. Мана

¹ Мен қайтиб ксламан. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. — Т.: Янги йер авлоди, 2007.

шу саволга қўйида қайсиdir маънода жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Биз бадиий асар ва унинг киноталқини ҳақида фикр юритар эканмиз, кино билан театр санъати бир-бирига яқин бўлгани учун бу ҳақда адабиётшунос У.Жўрақулов фикрини келтиришни лозим деб билдиқ: «Драматик асар (пьеса) саҳна босқичига ўтишидан олдин конкрет қайта ишланиш жараёнларини бошдан кечиради. Сценарий шаклига солинади, бунга режиссёр, сценарийчи, актёр сингари уч ижодкорнинг дунёқараши, саҳнага хос маҳорати, илми ва истеъоди синглирилади, томошабин талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинади. Бир сўз билан айтганда, муайян сарлавҳа, мавзу, сюжет, композиция, образлар тизими, услугга эга бўлган асар, асосий компонентларини сақлаган тақдирда ҳам бир сифат кўринишидан бошқа сифат кўринишига, бир санъат тури (адабиёт)дан бошқа санъат тури (театр санъати намунаси)га айланади. Мана шундай мулоҳазалар театршунослик ва адабиёт назариясининг объектлари бир хил була олмаслигини кўрсатади»¹. Халқимиз китобни, бадиий асарларни севиб ўқийди. Айниқса, «Отамдан қолган далалар» романини ўқиган барча одамларнинг руҳиятида кескин ўзгариш юз берди. Бу асарда халқимизнинг аянчли тақдирни тасвирланганлиги мустабид тузумга бўлган нафратни янада кучайтирганди. Бу асарни ўқиган омманинг кўзида ёш қалқиди, керак бўлса таъсирланиб йиглади. Бизнигча, бу асарнинг киноталқини қандай тасвирланиши керак? Унинг юки жуда оғир. Хўш, киноталқин нега керак? Бизда кино бадиий санъат сифатида шаклланиб улгурди. Назаримда, халқимиз орасида бадиий асарни севиб ўқийдиганлар кўпчиликни ташкил этади. Лекин бадиий фильмнинг қамрови кенг, уни бутун халқ томоша қиласди. Шунинг учун бу икки санъат тури «кино ва сўз санъати» муштаракликда шаклланяпти. Муаллиф «Отамдан қолган далалар» романида ўз юртида елкаси күёш кўрмай ўтган уч авлод (киноталқинда тўрт авлод) вакиллари мисолида бадиий талқин этади. Нега деганда, бу асарнинг хронотоп қамрови мустамлакачилик даври саналари билан чегараланганилиги асарнинг бадиий қимматини оширган. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, уч авлод вакиллари: Жамолиддин кетмон, Сурхони Ақраб, Дехқонкул, (Нодир, Қулмат, Қодир)ларнинг аянчли қисматини ёзувчи ўз бадиий маҳорати билан яратади. Мустақил-

¹ Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Т.: Faafur Fulyom, 2016.

лик давридаги Жамолиддин кетмон, Сурхони Ақраб, Дехқонкул, Болхин момо сингари образлар йирик, ўзига хос, бошқа адабий қаҳрамонлар орасида йўқолиб кетмайдиган ўлмас образлар ҳисобланади. Бу асарда миллатимиз вакилларининг фоят ўзига хос ҳамда жонли бадиий тимсоллари яратилган.

Асарда генерал Скобилевнинг Умархон эшонга айтган: «Улуг Үрусиya Молия вазири Вишегородский жаноблари нуктадонлик ила башпорат этганиларидаи, Туркистон – Үрусиya тожидаги олий қиммат-баҳо дур бўлади»¹, деган сўзлари заминида бизнинг миллий бойлигимиз – пахтага, моддий ва маънавий бойликларимизга бўлган ишора етади. Аслида, бадиий асар билан киноталқин орасида ўхшаш ва фарқли жиҳатлар бўлиши табиий. Ушбу асар ва киноталқини ўртасида баъзи маъно ўзгаришига сабаб бўлган жиддий фарқларни кузатиш мумкин.

Тўғри, Тоғай Мурод тили ва сценарий муаллифлари Шуҳрат Аббосов ҳамда Маҳмуд Тўйчиевларнинг қарашлари бир сюжет асосида кечади. Бадиий фильmdа иштирок этган Машраб Кимсанов, Ҳоним Арслонов, Моҳира Нурматова, Шаҳноза Собирова, Эркин Ҳушивақтов, Жамшид Арслонов, Ботир Арслонов, Равшан Солиҳов, Гўти Юсупова, Омон Абдураззоқов, Назира Абдулвоҳидова, Юллуз Ҳамидова каби санъаткорлар ўз маҳоратларини ишга солиб, ролларни яхши ижро этишга ҳаракат қилишган. Асарда воқеалар Дехқонкул тилидан баён қилинади: «Мен фарғоначи Жамолиддин кетмон набираси бўламан» (асар бошланиши), киноталқинда эса ўзли Нодир тилидан сўзланади: «Бу бизнинг оила. Мен Жамолиддинов Нодир!» (кино бошланиши). Ҳар иккаласида Дехқонкул ҳикоя қилиса-чи? Чунки асарда Жамолиддин кетмон, Сурхони Ақрабларни Дехқонкул яхши билар эди-ку! Нодир эса кичкина бола эди. Киноталқинда Дехқонкул ўрнига Нодир бош қаҳрамон тимсолида ташдаланади. Янаям, романда Жамолиддин кетмон, Сурхони Ақраб, Дехқонкул образлари турли характер ва турли кўринишларда тасвирланади. Жамолиддин кетмон тилидан: «Бизнинг кўчамизда файридинлар ...еб юрибдими?.. Бобомиз чапараста-чапараста сўқади: ҳе она...!» Сурхони Ақраб эса «Ай, энагар нўғай-а, ай занигар нўғай-а!» дега иймонидан фуури устунлик қилиб сўқади. Ушбу мисолда бу икки қаҳрамоннинг ўта ориягли, фуурли, бир сўз билан айтганда, мустақил фикрга эга инсонлар эканини инкор этиб бўлмайли. Дехқонкулнинг эса бу образларга на характери ва на мустақил

¹ Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Т.: Шарқ, 1994.

фикрлай олиши ўхшайди. Кинодаги «ўйнаб қўяй» ибораси ҳар учала қаҳрамон, ҳаттоки, Болхин момо тилидан ҳам сўзланади, муаллиф асарда бу иборани фақат Дехқонқул учун маҳсус ўйлаб топгандек гүё! Бу ибора фақат Дехқонқул каби содда (ўша мухит қурбони) инсон учун танлаб олинган, фақат унинг характеристигагина тўғри келади. Жамолиддин кетмон ва Ақраб қўрбошилар анчайин жиддий одамлар. Бу ибора уларнинг характеристига умуман тўғри келмайди. Дехқонқул образи ҳақида Профессор У.Норматов шундай дейди: «Шу тариқа, Дехқонқул ўзига хос манқорт бир кимса бўлиб етишади. Бу одам фақат садоқат билан меҳнат қилишнигина билади. У ўзини ҳам, аёlinи ҳам, болаларини ҳам ўйламай, аямай бетиним тер тўкади; табиат билан тугашиб, табиий оғатлар билан олишиб, ёнгиб йилма-йил мўл ҳосил етиштиради, машъал бригадирга айланади»¹. Инсон ҳаётida исм ҳам кагта аҳамият касб этади. Дехқонқул. Муаллиф уни бекорга бу исм билан атамаган. Қадимда қишлоқ ҳокимига нисбатан бу термин ишлатилган (шундан келиб чиқиб дехқонқул сўзининг мазмуни: раиснинг қули, мавжуд тузимнинг қули). Ҳаётда инсон табиатига ҳам инсон исмининг таъсири сезилади.

Асарда Жамолиддин кетмон билан боғлиқ бошқа воқеалар бадиий фильмдан деярли фарқ қилмайди. Унинг вафоти, турмуш ўртоғи Гулжамолнинг вафоти ҳамда ўғли Ақрабнинг туғилиш жараёни эса бадиий асаддагидан анча фарқ қилади. Асар вариантида отаси вафот этаётганда Ақраб ёш бола бўлади, кинода эса Жамолиддин кетмон вафоти ва Ақрабнинг туғилиши бир вақтда юз беради. Жамолиддин кетмон ўғлига душманларни чаёндай чақсин деб Ақраб исмини қўяди. Ақраб қўрбоши ўзбекларга хос ҳаёт кечирди. Чанишев билан бўлиб ўтган музокарани қўрқмасдан дадил олиб боради ва мардларча ўз юртида жон беради. Ўғли Дехқонқул жуда ёш бўлса-да, шу воқеалар гувоҳи эди. Энди Дехқонқул тарбияси онаси Болхин момо қарамогида қолади. У шундай улғаядики, тўғрироғи, мустабид тузим «қул»ига айланиб ўсади (Оилада ҳам ота, ҳам онанинг ўрни бор). Бу ҳолат бадиий фильмда ҳам ўз аксини топган. Лекин Дехқонқулнинг ўғли Нодирнинг шаҳарга ўқишга кетиш жараёни романда тасвирланмаган. Тўғрироғи, Нодир образи билан боғлиқ воқеалар сценарий муаллифларининг бадиий тўқимаси (ижобий фикр). Қолаверса, ушбу образ билан боғлиқ воқеалар кинонинг таъсир кучини оширган ҳам.

¹ Норматов У. Нафосат турунглари. – Т.: Муҳаррир, 2010.

Асарга Болхин момо образининг киритилиши бадиий асар жозибасини янада кучайтиради. Унинг ўзбек аёлларига хос ҳам содда, ҳам кескин фикр юритиши (Ўзбекойим каби) ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Кинодаги Дехқонқулнинг турмуш ўрготи Қумри ҳаёт қийинчиликларига дош беролмай, 80 ёшли онасини пахтага ишлатиб қўйганидан куюниб Дехқонқулга танбеҳ бериш тасвири ҳамда Үнини ёққандан сўнг Дехқонқулнинг ҳам ўзига керосин қўйиш воқеалари, аёлининг вафотидан сўнг ўғли Нодирнинг ўқищдан (Тошкентдан) келиши, унинг аламли оҳ-воҳлари бадиий асарда тасвирлаптимаса-да, кинода ниҳоятда таъсирили ижро этилган.

Асарда «оппоқ соч одам»нинг келиб «Мен сизларни бола дейиншгаям тилим бормаяпти. Сизлар катталар ҳаётини бошдан кечирияпсиз. Сиз қўраётган кунлар болалик эмас – қарилик» деб ачишиб айтган сўзлари, директорга қизил байроқ топшириши ва бутифос дорини сепадиган самолётга белги бўлиб туришга призабознинг, мерганнинг, обрули теримчининг фарзандини олмасдан «бир қари онаси бор» Зиёдни «ана шу бўлади!» деб олишади ва у заҳарланиб вафот этади (бу фикрларнинг реал асоси бор). Ушбу жараён асарда ниҳоятда таъсирили акс этган. Киноталқинда юса деярли тасвирланмаган.

Дехқонқулнинг ҳибсга олиниши, терговдаги азоблар, унинг жонига етказилган қийноқлар ҳамда шахсиятига тегадиган заҳарханда «қаҳ-қаҳа»лар иложи борича асардагига ўхшаш тасвирланган. Охирги суд ҳукми: «Сайёр суд Денов туманида бўлди... Жамолиддинов Дехқонқул Ақрабович Ўзбекистон Жумҳурияти жиноят тузугининг 153-моддасига биноан ... саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди...» Унинг «жазо муддати»ни ўташга жўнатилиши, ана шундай ҳолатда ҳам унинг руҳиятида фақат пахтаси, фақат пахтаси учун қайтиб келаман деб айтилган «ҳайқириқ»лари асарни ўқиган ҳар бир инсонни бефарқ қолдирмайди, керак бўлса йиглатади (нега оиласи, фирзандлари, онаси учун эмас? Бу ўша муҳитда униб-ўсган бальзи шигандошларимизнинг жонли қиёфаси эди).

«Мен қайтиб келаман. Етти қават ернинг остидан бўлса-да, қайтиб келаман. Мен далаларимни деб, қайтиб келаман. Мени далала-рим қайтариб келади...» Шу алфозда асар ниҳоясига етади. Ушбу жараён бадиий фильмда ўзгача талқин этилади. Дехқонқулнинг муддатидан аввал озодликка чиқиши, Болхин момонинг, фарзандларининг интизор йўлга қараб уни кутиб олиш тасвири ҳамда унинг ғуналари билан кўришиши жараёни томошабин дикқатини тортадиган даражада яхши ишланган, лекин бу ҳолат асарда акс этмаган.

Бизнингча, бу икки санъат тури ҳам бири-бири билан боғлиқ-ликда ривожланади. Умуман санъат ҳақида сўз кетганда Француз ёзувчиси А.Моруанинг қарашлари дикқатимизни тортади: «Санъат, бу – санъаткор томонидан тартибга солинадиган ҳамда ўзида санъаткорнинг жўшқинлигини услубий кетма-кетликда намоён қиладиган ҳақиқатдир»¹. Ушбу бадиий асар ва киноталқинда иккита санъаткор: Тогай Мурод ва Шухрат Аббосовларнинг қарашлари ёнма-ён туради. Аслида бадиий асар саҳналаштирилгандан сўнг сўз санъатидан кино санъати ёки театр санъатига айланади. Бу асарнинг фильм вариантида баъзи ўзгаришлар бўлиши мумкин, лекин кинода кўзга ташланадиган катта хато ҳикоя қўйувчининг, яъни Дехқонкул ўрнига Нодирнинг иштироки деб ўйлаймиз! Ёки Тогай Мурод тасаввуридаги кино умуман бошқача тасвирланиши керакмиди?! Аммо бу ерда иккита санъат тури ҳақида фикр кетар экан, бунда мотиватция (ҳаракатлантирувчи куч) бир хил бўлмаслиги ҳам турган гап. Лекин кинода бадиий асардагидан фарқли беллетристика (соф тавсифчиликка берилиш)дан фойдаланиш ҳам ярамайди.

Умуман олганда, бу романнинг бетакрор ифода тарзи, тили, тасвир оҳангি, образлар тизими ҳали қилинадиган тадқиқотлар учун обьект вазифасини ўтайди деган умиддамиз.

МЕХР ҲАҚИДА КИТОБ

C. Шомуродова, магистрант (СамДУ)

Таниқли адаб Исажон Султон «Боқий дарбадар», «Озод» каби романлари билан ўқувчи аҳлига яхши таниш. 2015 йилда ўзувчининг яна бир китоби – «Боғи Эрам» «Шарқ» нашриёт матбаа уйида босилиб чиқди. Мазкур китобга Исажон Султоннинг «Онаизорим» қиссаси ва бир қанча ҳикоялари жамланган бўлиб, бу ҳикоялар «Ер-у осмон оралигига», «Боғи эрам ҳикоялари», «Қайдасан, жаннат» каби туркumlар остида берилган. Дастлаб ёзувчининг ҳикоялари тўғрисида фикр юритамиз.

«Янги йил кечаси» ҳикоясида ҳаётнинг шафқатсизлиги тасвирланган. Бу дунёда ҳеч нима тасодиф бўлмай, муқаррар белгиланган қоидалар асосида рўй бериши Истеъдод номли образ орқали очиб берилади.

¹ Иностранный литература. – М., 1966. № 12. – С. 218.

«Ота қасидаси» ҳикоясида эркак кишининг онаси, рафиқаси, қизи олдиғаги масъулияти, уларга бұлған меҳр-у муҳаббати тасвирланған. Ҳикоя гарчи «Ота қасидаси» деб номланған бұлса-да, унда она зотининг буюклиги, меҳридарёлиги ҳақида шундай фикрлар борки, буларни үқиб, беихтиёр онанинг чексиз меҳрига иймон келтирамиз: «Бу ёруғ оламда шунча йил яшасам-да, зотингнинг қанчалар улуф эканига ақтим етмаса нима қиласай? Бунчалар меҳрни Худойим қай тарзда дүйнінде солибдикі, ўтгаям, сувгаям қарамай мени дер әдинг?»

Китобга кириллік «Үрмөндеги кулба» ҳикояси бадий серқаттимлиги билан бошқа ҳикоялардан ажралиб туради. Бу ҳикояда үрмөндеги кулба инсон сийратининг рамзи бўлиб келган бўлса, ертўлани қўйту рўй берадиган тушкун ҳолатлар тимсоли дейиш мумкин. Ҳикояда үрмөндеги кулба ва ертўлага уч қаҳрамон: ота, она ва ўғилнинг турли томондан муносабати тасвирланған. Шунингдек, бу ҳикояни үқиб, бу уч қаҳрамоннинг дарду дунёси билан яқиндан танишасиз, отанинг хафсаласизлиги, онанинг баҳтсизлиги, ўғилнинг ота-онасида эмас, балки дўстидан ҳимоя истапи каби руҳий ҳолатларнинг сабабларини илғагандек бўласиз.

Китобдаги «Отамга нимадир бўлди», «Ёқимли ёмғир садоси», «Узук», «Ёғоч ковуш» каби ҳикояларда инсонлар орасидаги меҳру оқибат, айниқса, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муҳаббат, ота-онанинг нақадар фидойи инсонлар бўлишига алоҳида ургу берилган. Умуман олганда, китобдаги қисса-ю ҳикояларнинг орасидан ўтувчи қизил чизиқ бу меҳр туйғусидир.

«Онаизорим» қиссаси она зотининг ақёлга сифаси мөхаббати таърифланған асардир. Қиссада Раъно исмли қизчанинг болаликдан тортиб то вафоти қадар бўлған ҳаёт йўли қаламга олинади. Адид она хилқатининг чексиз меҳри илдизларини қиз боланинг ўйинларидан, гап-сўзларидан қилиради. Асарда болаларнинг характери уларнинг нутқи ёрдамида очилган. Буни ариқча ва қизча суҳбатида ҳам кутишишимиз мумкин:

- Ҳа, ариқча, оқаяпсанми?
- Оқаяпман.
- Оғам ҳаммадан зўр-а?
- Ҳа, сенинг отанг ҳаммадан зўр».

Шу суҳбатда болалар табиатига хос ота билан фаҳрланиш ҳисси, қишининг онигига онаси томонидан отасининг идеал инсон сифатида сиптирилганини кўриш мумкин. Бу ерда қизча билан биргаликда, унинг шундай қаноатта келишига туртки бўлған онанинг ҳам характер-

тери буй кўрсатмоқда. Қиссада онаизор характери турли замон ва турли ёшларда талқин этилган.

Бош қаҳрамон – Раъононинг онаси қаттиққул, меҳнаткаш она тимсоли. Айниқса, унинг ўғли нобуд бўлганда – ўлим ва персонаж орасида конфликт юзага келганда онаизорнинг куйиб-ёниб йиглагани унинг характеридаги ўзига хос жиҳатни кўрсатади: «Онаизор отанинг енгига осилиб боламни олдига бораман деб йиглар, ота гоҳ уни уришар, гоҳ эса қайларгадир – укачани олдига олиб кетар эди. «Қора ерларда ётаверадими болам?» дея йиглар эди боёзиш. Селлар келганида болам кўркмаяптимикин деб, куз ёмғирларида ётган ери намланиб кетмадимикин деб, қишлоарда музлаб совқотмаяптимикин деб йигларди-да, шўрлик». Конфликт характернинг очилишида бир восита бўлиб хизмат қиласди.

Онанинг фарзандига парвона бўлишини ёзувчи табиий ҳолат деб ҳисоблайди. Буни фарзандини дунёга келтираётган она ҳолатини тасвирлаш орқали кўрсатади: «Бутун вужуди ихтиёридан ташқари, ўз-ӯзидан тиришиб, қориндаги чақалокни дунёга келтиришга уринар эди. У кучли оғриқ аро суюкларининг сурилаётганини ҳам билди, етмиш икки томири-ю олтмиш олти сўнгагининг барий тишиёрий ҳаракатга келди, Раъно ўлим нафасини яқиндан сезди.

Ажабки, чақалокни олиб келиб берганларида ҳаммаси эсидан чиқиб кетди. Азоб-ку эсида, аммо азоб ҳиссиёти унутилди». Бу тасвирда фарзандини шунча қийналиб дунёга келтирган она қандай қилиб унга ёмонликни раво кўрсин деган фикр оҳорли тарзда ифодасини топганини кўрамиз. Адабиётшунослар орасида реализм адабиётнинг шоҳкӯчаси¹ деган фикр бор. Ушбу тасвирлардан маълум бўладики, адаб тўлғоқ азобини бу қадар аниқ тасвирлаш билан нафақат характер мантиқини юзага келтирган, балки адабиётнинг шоҳкӯчасидан узоқлашмаган ҳолда воқеликни ифодалай олган.

Ёзувчининг она руҳиятини нозик ҳис этишини унинг она қалбидаги яширин туйгулар – ўглини қизғониш ҳиссини ҳам жуда гўзал ва ҳаётий тарзда ифодалай олганидан кўриш мумкин бўлади: «Ўғлига «Сени уйлантирамиз», дердию ич-ичи бир симиллаб оларди. Ўғилнинг жилмайиб турганини кўриб ғапи ҳам келарди.

¹ Ulug‘bek Hamdam ta’biri. Istiqlol. Adabiyot. Tanqid. – T.: Turon zamin ziyo, 2014. – Б. 312.

— Ҳаҳ, илжаймай қол, нимага куйдирасан дер эди». Ушбу тас-ширда содда, куюнчак, бор-йўғи юзида бўлган Раъононинг характеристи кўз олдимизда гавдаланади. Асарда она тилидан айтилган ўтил-наси-қитлар ҳар бир фарзанд учун оналари томонидан айтилганидек таас-сурот қолдиради. Зеро, ҳеч бир она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Қиссада илгари сурилган бу гоя унинг ўқишили ва юқим-ли бўлишига сабаб бўлган омиллардан биридир. Она ҳақида сўз кет-тапда бу образ меҳр-муҳаббат билан тасвирланган Ўткир Ҳошимов-нинг «Дунёнинг ишлари» асарига тўхталиш лозим бўлади. Бу асарни она ҳақида достон дейиш мумкин. Турли автобиографик характеристи-лати ҳикоялар орқали она тимсолининг турли қирралари очиб берилган бу қисса кишида она тўғрисида туганмас қўшиқдай таассурот қолдиради. Мазкур қиссада биргина она образи турли ракурсларда намойён бўлади. Исажон Султоннинг «Онаизорим» қиссасида эса бир неча образлар: Раъно, унинг онаси ва бувиси образлари орқали она характеристи очиб берилган.

Хулоса шуки, Исажон Султоннинг «Боги эрам» китоби меҳрга қисида тарзида яратилган китобдир. Ундаги ҳар бир ҳикоя, қисса ўқувчи қалбидағи эзгулик туйфусини мудраб қолмасликка чақира-ли. Китобдаги «Онаизорим» қиссасида ҳам, бошқа ҳикояларда ҳам инсон инсонга фақат меҳр кўрсагиши лозимлиги ўзининг бадиий тақдифини топган.

ИГНАБАРГ ШЕЪРНИНГ МАЗМУН ҚАТЛАМИ

Н.Н. Азизов, магистрант (АДУ)

Янги асрнинг ilk йилларида нашр этилган «Танланган шеърлар» китоби Анвар Обиджонни болалар шоиригина эмас, катта ёшдаги китобхонларнинг ҳам каттагина шоири эканлигини кўрсатди. Китобни варақлар эканмиз, лирик жанрлардаги гоҳ шаклий, гоҳ мазмуний ўзгаришларга дуч келамиз. Бу изланишлар самараси – газал шаклидаги шеърлар, уччаноқлар, иғнабарг шеърлардаги интим туйф-улар ифодаси, ижтимоий дард, бетакрор бадиий топилмалар ўкувчи-ти улкан эстетик завқ бағишлийди.

Шоирининг иғнабарг шеърлари адабиётшунослигимизда янги ҳоди-си фатида ўрганишга арзирли. Иғнабарг шеърлар остидаги сана-шарлан маълум бўладики, улар ўтган асрнинг 80 йилларида яратил-

ган. Бадиий ижод намуналарини турли давр китобхони турлича қабул қиласди. Жамиятдаги ижтимоий-тариҳий шароитнинг ўзгариши, бу ўзгаришларнинг инсон дунёқараси, тафаккурига таъсири бадиий асарга муносабатнинг маълум маънода ўзгаришига олиб келади. Игнабарг шеърлар мустабид тузум даврида ёзилган бўлса-да, (ушбу шеърлар мустақилликдан кейин эълон қилинган) уларнинг ўрганилиши, баҳоланини, талқин ва таҳчили истиқлол даврига таллуқли.

«Беҳ, Берия!» деб ҷақирап итин.

Бу бор-йўғи беш сўздан иборат, бир қаторли тугал шеър бўлиб, «Беҳ, Олапар» ёки «Беҳ, Бўйноқ» сингари мурожаатни ифодаловчи синтактик бутунликдан фарқ қиласди. Боиси, юқоридаги («Беҳ, Олапар», «Беҳ, Бўйноқ») мурожаатлардан фарқли равишда бу мурожаатда лирик кечинма бор. Масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш учун Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» китобидаги бир воқеага юзланиш айни мудда бўлади, назаримда.

Адабнинг «Духновиский» номли мўжазгина ҳикоясида айтилишича, рус итшуноси Духновский итлар ҳақидаги китобида мазкур жонзоротларга инсонларнинг исмини қуйиб бўлмаслигини таъкидланган ҳолда, уларни Алишер, Улугбек, Бобур ва яна бир қатор ўзбекча номлар билан аташни тавсия этади. Бу ўзбек халқини очиқдан-очиқ камситиши, хурматсизликнинг олий даражасидир. Ўткир Ҳошимов чекка туманлардан биридаги учрашувда ўзбек кишисининг ўзи итшунос духновскийлар устидан жуда чиройли хукм чиқарганига амин бўлади. Биз юқорида зикр этган игнабарг шеърни айни шу ҳикояга эпиграф сифатида кўлласа ёки хўлоса ўрнида келтирса бўладигандай.

Берия шахси ҳақида билмаган ўқувчи шеърдаги лирик кечинманни, ижодкорнинг кўнглидан ўтган туйгуларни ҳис этиши қийин. Бошқача айтганда, асосий мазмун парда ортида қолади. Бундан хўлоса шуки, шоир ифода этаётган кечинмаларни зукко, билимли ва мулоҳазакор ўқувчиларгина англай олади.

Берия ҳақидаги шеърлар Муҳаммад Юсуф ижодида ҳам учрайди. Чунончи шоирнинг «Гдлян» шеърида шундай сатрлар бор:

*Атномии Ҷамшида, Гўрўғли гўрда
Ҳақиқат бешикда ухларди қотиб,
Бир қон олтин сўраб, қилич ўйнатиб*

Кириб келди қашшоқ ўзбек ерига
Телман Хареонович Берия.
Ёки бошқа бир шеърида:
Мамлакат қизларинг яшир олтинсоч
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда.
каби мисраларни ўқишишимиз мумкин.

Тарих китобларидан маълумки, Т.Х.Берия муҳим ишлар бўйича тарговчи, Россия демократлари ҳаракати иштирокчиси бўлган. Л.П.Берия совет маршали, атом программасига бошчилик қилган, қатагон сиёсати ташкилотчиларидан. Ҳар иккиси ҳам ўтган асрнинг доғули йилларида халқимиз бошида қилич ўйнатган жаллодлардан. Халқ дарлини ўз дарди ўлароқ ҳис қилган ҳар қандай ижодкор асарларида бу номларни жирканиш билан тилга олини шубҳасиз.

Адабиётшунос олим Эркин Худойбердиев лирикага оид изланишларида «Лирик асар қисқа бўлади. У чўзилса, эшитувчини чарчагуци ва зериктиради» деганди¹. Бу фикрга таяниб, ҳажман катта бўлган лирик асарларни инкор этолмаймиз. Зоро, ҳар икки ҳолда ҳим биринчи галда истеъдод муҳимдир. Игнабарг шеърларни кўздан кечирар эканмиз, улар биз кўнишиб қолган лирик шеърларнинг поргловчи мисраларини ёдимизга солади. Улар катта ҳажмли асарларга мавзу бўла оладиган, ижодкор маҳорати туфайли биргина мисрага жо бўлган ҳис-кечинмалар ифодасидир. Яна бир томони, бу шеършар афоризмларни эслатади. Ҳикматли сўзларда айтилаётган фикр ихчам шаклда ифодаланади, игнабарг шеърларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам қисқалик. Бу шаклий ўхшашлик бўлса, кўплаб штиабарг шеърлардаги ижодкор фалсафий мушоҳдалари уларни мазмунан ҳам ўхшаш дейишимиизга асос бўлади. Афоризмлардан фарқли ўлароқ, лирик ҳодиса сифатида шакл жиҳатдан мисра сони ва композицион қурилишига кўра иғнабарг шеърларни янги лирик жанр неб атасак, хато бўлмас.

Яна юқоридаги шеърга қайтсак: «Беҳ, Берия!» деб чақирап итин». Шеърнинг синтактик тузилишига эътибор қаратсак, унда диққат мурказига лирик мушоҳада объекти (итнинг эгаси) чиқарилгати. Бу бир қарашда шундай, аслида итини «Беҳ, Берия» деб чақираётган одамни кузатаётган лирик субъект туфайли ҳам шеърга айни лирик мушоҳада объекти олиб кириляпти. Шунга кўра, шеърда лирик субъектнинг фаол онги, муносабати ҳам бирдек сезилиб турибди.

¹ Xudoyberdiyev E. Adabiyotshunoslikka kirish. – T., 2003 – B. 280.

Лирик субъект ё Берия зулмининг жабрдийдаларидан, ё оқ-қорани таниган миллиатпарвар шахс. Ижодкорнинг айни шу мавзуни қаламга олиши объект (итнинг эгаси) билан руҳан яқинлигини англатади. Шеърни ўқиши жараёнида ҳар иккисининг Берияга муносабати салбий бўёқларда ифодалангани яққол сезилади.

«Беҳ, Берия!» Одатда ундов белгиси хис-ҳаяжонни ифодаловчи гапларда қўлланилади. Инсон ўта қувонганида ёки ғазабланганида ҳаяжонга берилади. Шеърда ундов белгисининг ишлатилиши айтилаётган жумладаги чексиз нафратнинг инъикосидир.

Бир сўз билан айтганда, игнабарг шеърлар Анвар Обиджон ижодида янги босқич, замонавий ўзбек шеъриятида бир погона юксалиш десак, муболага бўлмайди.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ

ЎЗБЕК МАТНШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Н. Жабборов, филол.ф.д., проф. (ЎзМУ)

Ўзбек матншунослиги ўзбек тартифидан қўйлашади. Бу тартифидан Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймон, Фулом Каримов, Азиз Қаюмов, Сулома Фаниева, Шуҳрат Сироҗиддинов сингари олимлар фаолияти мисолида улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва адабий мероси манбаларини, матнини ўрганишда, айниқса, яққолроқ кўзга ташланади¹. «Ҳамса», «Ҳазойину-л-маоний», «Мажолису-н-нафоис» каби беназир асарларнинг илмий-танқидий матнлари яратилгани, буюк шоир ҳиётига оид манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таъкиқи амалга оширилгани навоийшуносликни янги ривожланиш босқичига юксалтириди. Матншуносликда эришилган бу ютуқлар кейинги даврда Бобур, Оғаҳий, Фурқат, Муқимиш ва бошқа мумто з шоирлар, ижодкорлар мероси мисолида давом эттирилмоқда.

Кейинги йилларда амалга оширилган икки тадқиқот матншуносликдаги муҳим ютуқ бўлди. Биринчиси, Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг дунёда ягона қўлэзма нусхаси Санкт-Петербургда саклаштиётган «Шоҳиду-л-иқбол» асари матншунослик аспектида тадқиқилингани², асар матнининг илмий изоҳлар, кўрсаткичлар билан

¹ Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари. Филол. фан. док... дис. – Т., 1969; Ўша муаддиф. Ўзбек матншунослигига оид индикаторлар. – Т.: Фан, 1986; Сулаймон Х. «Ҳазойин ул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1959; Каримов Г. Каримов Г. Исследование по установлению критического текста «Лейли и Меджнун» Навои. – Ташкент, 1944; Қаюмов А. Асарлар. I жилд, 1-2-китоблар. – Т.: Мумтоз сўз, 2008; Фаниева С. Алишер Навоий «Мажолис уннафиоис» асарининг илмий-танқидий матни. – Т.: Фан, 1961; Сироҷиддинов Ш. Алишер Навоий (Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳдиди). – Т.: Академнашр, 2011; Сироҷиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги киррилларни. – Т.: Академнашр, 2015.

² Шодмонов Н. «Шоҳиду-л-иқбол» – адабий маъна. Монография. – Т.: Фан, 2009.

нашр этилгани¹. Иккинчиси, Мутрибийнинг «Тазкирату-ш-шуаро» ҳамда «Нусхай зебойи Жаҳонгир» асарлари тадқиқи асосида монография яратилганидир². Салоҳиятли олимлар Нафас Шодмонов ва Исмоил Бекжоновнинг бу ишлари муайян асарларнинг тегран ўрганилгани билангина эмас, матншуносликнинг бир қатор назарий-методологик масалалари ҳал этилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу тадқиқотларда ягона нусхали матн устида ишлангани сингари муаммоларнинг назарий асосда ишлангани фикримизни тасдиқлади.

Бу муваффакиятлар, шубҳасиз, эътирофга лойик. Бироқ соҳа олдида ечимини кутаётган долзарб муаммолар ҳам талайгина. Хўш, бу муаммолар нималарда кўринади? Биринчидан, дунёда фаннинг бу жабҳаси замон талаблари даражасида ривожланган бутунги кунда биз ҳанузгача матншуносликнинг тизимли яхлит назариясини ишилаб чиқа олганимиз йўқ. Тўғри, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Лекин бу ишлар талаб даражасида эмас. Ваҳоланки, жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари фан ва таълим марказларида матншунослик назариясига оид йирик ҳажмли тадқиқотлар яратилган³. Улар орасида рус матншуноси Д.С.Лихачев тадқиқоти алоҳида ажralиб туради⁴.

Матншуносликнинг барча ижтимоий фанлар, жумладан, адабиётшунослик, археография, диалектология ва тарихий тиљшунослик сингари соҳалар билан муносабати масаласи анча чуқур ўрганилган. Бу фанга оид муаммоларни ҳал этишда дунё олимлари палеография,

¹ Муҳалламад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол (Нацрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Н.Шодмонов). – Т.: Муҳаррир, 2009.

² Бекчанов И. Мутрибий тазкиралари мухим адабий маиба. – Т.: Мумтоз сўз. 2009.

³ Основы текстологии (Под ред. В.С. Нечаевой). – М., 1962; Рейсер С.А. Основы текстологии. – Л.: Просвещение, 1978; Aland, Kurt, Aland, Barbara (1987). The Text of the New Testament. Brill; Bradley, Sculley, Leaves of Grass: A Textual Variorum of the Printed Poems, (1980), NYU Press; Comfort, Philip Wesley (2005). Encountering the Manuscripts: An Introduction to New Testament Paleography & Textual Criticism. B&H Publishing Group; Parker, D.C. (2008). An Introduction to the New Testament Manuscripts and Their Texts. Cambridge: Cambridge University Press.

⁴ Лихачев Д.С. при участии А.А.Алексеева и А.Г.Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – С-Петербург: Алетейя, 2001 (Бундан кейин ушбу асадар олинган иктибослар сахифаси қавс ичида Л ҳарфидан кейин келтирилади).

герменевтика, мұмтоз поэтика ва стилистикада әришилған ютуқлардан самаради фойдаланмоқда. Модомиқи соқаны ривожлантироқчи жаңамиз, бу тажрибаларни танқидий үрганишимиз зарур. Бироқ бу дегани хорижий матншунослик қолипларини күр-күрона амалиётта пітбіқ этаверамиз дегани әмас, зинқор. Үзбек матншунослиги үзига хос хусусияттарға әга. Матншунослик назариясини ишлашда ана шу үзига хослик әထиборга олиниси шарт.

Иккинчидан, матншунослик тараққый этган айрим мамлакаттарда муайян миллий адабиёт тарихида үзига хос мавқега әга ҳар бир ижодкор асарлари юзасидан көнг қамровли текстологияк тадқиқтотлар амалға оширилған. Бизда эса, навоийшшуносликни истисно күлганды (вахделанки бу борада ҳам ҳал қилиниши зарур бўлған муаммолар етарли), аҳвол мақтанарли әмас. Кўпроқ баҳсларимиз мұмтоз адабиёт намуналарининг жорий имлога табдил қилинишидаги ҳаттоларга оид экани, матншуносликнинг фундаментал масалалари әтибордан четда қолаётгани ҳам бунинг исботидир. Ҳанузгача мұмтоз адабий меросимиз намуналарини табдил қилишининг илмий таомийларини ишлаб чиқа олғанимиз йўқ. Турфахилликлар, хатониклар негизи шунга ҳам бориб тақалади. Эски үзбек ёзувини ўзлаштирган баъзи мутахассисларимиз араб, форс тилларидан бехабар. Буларни билғанларда адабий идрок етипмайди. Бунга лаёқатли бўлса, мұмтоз ижодкорларимиз әтиқодининг асоси бўлған ислом арконлари ва тасаввуф бўйича тасаввuri чала. Хуллас, муаммо кўп. Уларни ҳал этиш учун таълим стандартларини, ўқув дастурларини ана шу таблабарга мувофиқлаштириш, матншунос кадрлар тайёрлашга жиддий әтибор қаратиш тақозо этилади.

Учинчидан, адабиётимизнинг ҳар бир йирик назояндаси ижоди мисолида мұхим назарий муаммо саналған *матн тарихи* масаласи жиддий тадқиқ этилиши зарур. Бусиз матншунослик ривожини тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Машҳур матншунос Д.С.Лихачев фикрича: «*Матн тарихи* тушунчаси муайян асарнинг барча масалаларини қамраб олади. Асарга алоқадор ҳамма масалаларни фақат тўлиқ (еки имкон даражасида тўлиқ) үрганишигина бизга асар матни тарихини том маънода кашф этиш имконини беради» (Л, 34). Таассуфлар бўлсинки, биз ҳали ана шу тарздаги кўламли тадқиқотлар яратадиганимизча йўқ.

Матншуносликка оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, *матн тарихи* ушбу соҳанинг энг асосий назарий тушунчаларидан. Бу тушунча матнни комплекс үрганиши заруратини тақозо қиласиди. Бунда матнга оид бевосита ва билвосита маълумотлар тадқиқ қили-

ниши зарур. «Ҳеч бир ёдгорлик танҳоликда мавжуд эмас» (Л, 64)лиги, маълум бир алоқадор омиллар қуршовида юзага келиши, уни ўрганиша ана шу омиллар эътиборга олиниши кераклиги тадқиқотчининг диққат марказида туриши лозим. Яна бир муҳим жиҳати, матн тарихи унинг ташқи, тасодифий ўзгаришлигининг қамраб олмайди. Балки у матн муаллифи режаси ва мўлжалининг амалга ошиши жараёнини тўлақонли акс эттиради. Бу эса, матн тарихини комплекс ўрганмай туриб, муайян асар ҳақида айтилган ҳар қандай хуносанинг нисбий эканини кўрсатади.

Тўртингчидан, матншуносликнинг яна бир эътиборга молик назарий масаласи – матн таҳрири борасида қўламли изланишлар олиб борилиши керак. Рус матншуноси В.М.Истриннинг аниқлашича, таҳрир «англанган ҳолда» («сознательно»), «муайян мақсад билан» («с определенной целью») амалга оширилади¹. Матн таҳрири муайян мақсад билан амалга оширилганда олим айтганидек: 1) ижтимоий воқеълик талаби ҳамда 2) адабий эҳтиёж катта рол ўйнайди. Бу ўринда «адабий эҳтиёж», бизнингча, ижод жараёнидаги таҳрирни ҳам эътиборда тутади. Бу – асарни мукаммаллаштириш билан боғлиқ муаллиф таҳриридир. Матн таҳрирининг бу тури, таъкидланганидек, айни ижод жараёни билан боғлиқ. Қандай мақсад билан амалга оширилган бўлмасин, асарни ўрганиш ниятидаги тадқиқотчи матннинг муаллиф таҳрир қўлган нусхасини таянч манба сифатида олишга мажбур. Матннинг муаллиф иштирокисиз амалга оширилган ҳар қандай таҳрири асар моҳиятига зарап етказиши жиҳатидан мақсадга мувофиқ эмас.

Д. С. Лихачев таҳрирнинг қўйидаги турларини ажратиб кўрсатади: 1) ғоявий таҳрир; 2) услубий таҳрир; 3) асардаги фактларни бойитиш, кенгайтиришга қаратилган таҳрир; 4) бир неча турни ўзида мужассам этган қоришиқ таҳрир (Л, 116-122). Адабиётимизнинг ҳар бир дурдона намунасини матн таҳрири нуқтаи назаридан ана шундай илмий таснифлар асосида тадқиқ этишимиз зарур. Аввалги тадқиқотларимиздан бирида ғоявий таҳрир натижасида Фурқат ва Завқий қарашлари бутунлай тескари томонга буриб юборилгани мисоллар асосида келтирилган эди².

¹ Истрин В.М. Очерк истории древнерусской литературы до московского периода (XI-XIII вв.). – Пгр., 1922. – С. 56.

² Қаранг: Жабборов Н. Бадиий матн таҳрирининг хос хусусиятлари. /Ўзбек адабиётшунослигига талқин ва таҳлил муаммолари (Илмий-назарий анжуман материаллари). – Т., 2014. – Б. 28-32.

Адабиётимиз тарихига оид манбаларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, бизда наинки, муаллиф фикрларини тескари талқин этиш, ҳатто кейинги даврларда бошқа қаламкашлар томонидан тўқилган шеърларни уларга нисбат беришдек ножоиз фактлар ҳам учрайди. Фикримиз исботи учун иккита мисол келтириш билан чекланамиз.

Биринчи мисол. Зокиржон Фурқат «Танланган асарлар»ининг барча нашрларида Россия-Хитой муносабатларига бағишлиланган қўйилаги тўртлик учрайди:

*Муаззам Русу Чин ҳамкору ҳамдаст,
Азалдин ерлари бир-бирга пайваст.
Алаар ижмоидин осойши ўлгай,
Шукуҳи дунёга ороиши ўлгай.*

Ваҳоланки, бу тўртлик матни на юртимиз ва на ундан ташқарилаги Фурқат асарларига оид бирорта ҳам манбада учрамайди. Ижодкор асарлари манбалари устида жилдий илмий изланиши олиб борган икки олим Шариф Юсупов ва Аҳмаджон Мадаминовларнинг гувоҳлик беришича, шўролар давридаги машхур шоирлардан бири бу тўртликни бадиҳатан тўқиган ва Фурқат «Танланган асарлар»ини нашрига тайёрлаётган мутахассисга айтиб туриб ёздирган. Шу тариқа галати машхур тўртлик шоир адабий меросига қўшилиб қолган. Тассуфки, бу тўртлик ҳатто шоирнинг мамлакатимиизда чоп этилган «Танланган асарлар»и асосида тайёрланган Шинжонг нашрига ҳам кириган. Бундан ҳам ёмони, нафақат ўзбек адабиётшунослари, ҳатто Швард Оливорт, Янош Экман сингари чет эллик олимларнинг Фурқат ижодига оид тадқиқотларида ҳам мазкур тўртлик ҳақидаги талқинлар бор.

Иккинчи мисол. Шоир «Танланган асарлар»ининг 1958 йилги нашрида «Туф» радифли шеър учрайди. Фазал жанридаги бу шеър қўйилаги мисралар билан бошланади:

*Эй Кўқон боёнлари, сизлардек инсонларга туф!
Талтайиб файтунда сурган давру давронларга туф!*

Таъкидлаш жоизки, Сайфийнинг Фурқат ҳақидаги достонида шоир ва хукмрон доиралар ўртасидаги синфий зиддиятни ифодалаш миқсадида достон муаллифи томонидан тўқилган ушбу шеърнинг шоир ижодиётига мутлақо алоқаси йўқ. Унинг ижодкор тұпламларига киритилиши, назаримизда, шоирнинг ҳажвий асарлар ҳам ёзганини «исбот этиши»га ножоиз уриниш натижаси бўлган. Шеърнинг

Фурқат «Танланган асарлар»ининг кейинги нисбатан тұлароқ нашрларига киритилмагани ҳам бу фикрни қувватлайды. Қолаверса, бу шеър Фурқат асарларининг бизга маълум бўлган қўлёзма ва тошбосма манбаларидан бирортасида ҳам учрамайди. «Ўзни тұхтатгил ҳижолардин» дега ҳажвий шеърлар ёзиш билан машхур бўлган замондоши Муқимийни ҳажвдан қалам тортишга чақирган, ўзи бирорта ҳам ҳажвий асар ёзмаган Фурқатнинг бундай газал битиши, табиийки, мумкин эмас эди. Таассуфлар бўлсинки, «Танланган асарлар» манба асосида тайёрланганига ишонган хорижлик тадқиқотчилар, жумладан, мажор олими Янош Экман шоир ижодиётiga баҳо беришда бу шеър таҳдилига ҳам мурожаат этади.

Юқорида келтирилган икки мисол шўролар сиёсати миллий адабиётимизни ва адабиётшунослигимизни қай тарзда боши берк кўчага олиб кирганини кўрсатувчи ҳужжатdir, далилdir. Адабий меросимиз саҳифаларидағи бундай губорларни тозалаш, ушбу бебаҳо меросни замондошларимизга аслиятга мувофиқ тарзда тақдим этиш, табиийки, заҳмат чекишни, қўлёзмалар чангини ютишни, ҳаловатдан кечиб муттасил изланиш олиб боришни тақозо этади. Бу ҳали биргина ижодкор меросидан келтирилган жузъий мисоллар. Бошқа адибу шоирлар ижодида ҳам бундай мисоллар кўпілаб учраши табиий. Бу ҳол матншунос олимлар зиммасида қанчалик муҳим ва машаққатли вазифалар турганидан далолат беради.

Бешинчидан, мумтоз шоирларимиз ва замондош ижодкорлар асарларининг илмий-танқидий матнларини яратиш ишини мунтазам давом эттириш зарур. Бобур, Машраб, Огахий, Мунис, Амирий, Ноңира, Нишотий, Фурқат, Муқимий ва бошқа адиблар асарларининг илмий-танқидий матнлари яратилиши улар адабий меросига оид кўлгина мунозаралы масалаларни ойдинлаштириш, асарларининг аслиятта асосланган илмий нацшларини амалга ошириш имконини берган бўлар эди. Замондош ижодкорлар асарлари устида ҳам матншунослик тадқиқотлари олиб борилиши соҳа ривожида муҳим ўрин тутиши шубҳасизdir.

Олтингчидан, бугунги кунда жаҳон олимлари «Матншунослик» фанини үқитишида анча илгарилаб кетди. Ушбу соҳага оид электронларсликлар, ўқув қўлланмалари, энциклопедиялар, онлайн кутубхоналар, медиалойиҳалар, матн тадқиқининг янгича методлари яратилётгани бунинг исботидир. Биз эса бу борада анча орқада қолаётганимизни тан олишимиз керак.

Бу муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда, малакали мутахасислар етишириш билан боғлиқ. Миллий университетимизда матншунослик магистрлар тайёрланаётган эди. Қай сабабдандир бу мутахассисликка қабул квотаси берилмай қолди. Ушбу магистратура мутахассислигини тиклаш, иложи бўлса, бу соҳада оз сонли бўлса ҳам, бикалаврлар тайёрлашни йўлга кўйиш замон талабидир. Зоро, мутафаккир аждодлардан мерос қўлёзма манбалар устида илмий тадқиқот ишлари олиб бора оладиган, юқори малакали мутахассислар тайёрламай туриб, бу соҳада бир қадам ҳам олдинга силжиш имконсизdir. Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашга матншунослик ва адабий манбапунослик бўйича докторлик диссертациялари химоясини ўтказиши қукуқи берилгани, бу соҳада катта илмий ходим-изланувчилик институти мавжудлиги, бир қанча иқтидорли ёш мутахассислар етишиб келаётгани яқин орада муайян самаралар беришидан умид қилиш мумкин.

Матншуносликнинг назарий асосларига оид дарслклар, ўкув цулланмалари яратилиши бугунги кун тақозосидир. Ўкув жараёнини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш самаралорлигини янада ошириш керак.

Бундан ташқари, бизнинчча, бошқа турли соҳаларда бўлгани сингари матншунослар жамиятини ташкил этиш, соҳага оид барча муаммоларни мувофиқлаштириш, ўзаро фикрлашиб ҳал этиш яхшироқ самара берар эди.

«ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР» ВА «ҚУТАДГУ БИЛИГ»

У. Жўрақулов, филол. ф.н., КИХИ (ЎзМУ)

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достони «Ҳамса» бадиий структурасида жанр ташкилловчи поэтик асос, мұхим композицион қолип вазифасини бажариши билан бир қаторда, шарқ мұмтоз адабиятидаги маърифий-бадиий концепцияларни давом эттириши, сингелиш, уларга янги шакл-мазмун бериши билан ҳам маҳсус қиссий-типологик ёндашувларни талаб этади. Ҳамсачилик шарқ адабиёти аньяналари – араб, форс ва туркий фольклор, мұмтоз достончилик контекстидә муайян даражада ўрганилган. Ҳусусан, Ҷ. Броун, И. Пиддзи, Г. Эте, Е.Э. Бертелс, Г. Алиев, Ш. Нұйманий, В. Дастирий сингари хориж олимлари, Б. Валихўжаев, С. Эр-

кинов, М.Фанихонов, Ё.Исҳоқов, С.Ҳасанов каби ўзбек адабиётшуносларининг бу мавзуга доир маҳсус тадқиқотлар олиб боргандари маъдум. Аммо юқорида санаған ёки бошқа машҳур навоийшуносларнинг тадқиқотларида «Кутадгу билиг» ва Навоий «Ҳамса»си аро балий-көпцептуал муносабат тадқиқ этилмаган.

Бу ўринда, истисно ўлароқ, Е.Э. Бертельснинг «Кутадгу билиг» достонида Иброҳим Адҳам ривояти номли тадқиқотини кўрсатиш мумкин.

Олим «Сўфизм ва сўфийлик адабиёти» китобида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадгу билиг» асаридаги: «Ўғил-қизли бўлишни, сендан зурриёд қолишини орзулайсан. Аммо бу орзуйинг аслида қайгуалам келтиришини билмайсан. Кўр, никоҳдан сўнг сен қайикқа ўтириб дengiz узра суза бошлайсан. Қачонки, ўғил ёки қиз туғилганда қайигинг парча-парча бўлади. Қайик парчаланганда тўлқинлар узра ким тирик қолади?» мазмунидаги бир парчани келтириб, унинг моҳиятга кўра ислом ақидаларига зид экани ҳақидаги фикрни илгари суради. Унингча, бундай қарааш буддийлик аскетикаси анъаналаридан тўғридан-тўғри ислом сўфийлик адабиётига ўзлашган. Ўзининг ушбу гипотезасига далил сифатида олим Фридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», «Илоҳийнома» асарларида Иброҳим ибн Адҳам билан боғлиқ ҳудди шу мазмундаги («Дарвеш уйланганда қайикқа ўтири, унинг ўғли туғилганда эса қайик гарқ бўлди») диалогни келтиради. Абу Нуъам ал-Исфаҳонийнинг «Хилят ул-авлиё» асаридан эса Иброҳим Адҳамнинг мелодий 776–783 йиллар орасида Сурияда византияликлар билан бўлган дентиз жангидаги маълумотни ҳавола қиласди. Бу билан сўфийлик манбаларидан келтирилган Иброҳим Адҳам ҳақидаги маълумотлар аслида тарихий Иброҳим ҳаётидан эмас, балки ҳиндистонликларнинг Будда ҳаётига оид афсоналаридан олинган, деган фикрини далилламоқчи бўлали. «Иброҳим Адҳам қиссаси» номли ўзбек ҳалқ китобидаги Иброҳим ва унинг ўлига доир трагик ҳикоят (Дарвеш Иброҳим Адҳамнинг Аллоҳга чексиз муҳаббати боис нораста ўғли муҳаббати ва ҳаётидан воз кечипи)ни ҳам мазмунан буддийликка хос мутлоқ узлат (яъни оила қурмаслик, фарзанд қурмаслик, дунёдан тоқ ўтиш) тояси билан боғлайди¹. Бу каби кузатувлари, тахминларини умумлаштириб ўнгдай хулюсани илгари суради: «Бу йўналишдаги ишни давом эттириб,

¹ Қаранг: Бертельс Е.Э. Изречение Ибрахима ибн Адхама в поэме «Кутадгу билиг» / в кн.: Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С. 183–187.

шакла каттароқ натижаларга эришиш, «Кутадгу билиг»ни босқичмабосқич адабий маҳдудлик ҳолатидан чиқариш ва уни ҳали-ҳамон муҳим нуқталарда хукмронликни давом эттираётган асл мақомига кўтариш мумкин¹.

Таникли мусташриқнинг бу хулюсасига умуман қўшилиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, «Кутадгу билиг» асарини ислом-шарқ адабий шакларни силсиласидаги бош ҳалқалардан бири сифатида кейинги даврлар эпик достонлари билан қиёсий-типологик тадқиқ этиш, уга муҳим назарий хулюсалар берадиган кўламдор муаммолардан. «Кутадгу билиг»даги аксар мавзу ва бадий талқин шакллари Напоийгача ёзилган «Ҳайрат ул-аброр» типидаги достонлар мазмуни, ҳатто ифода йўсинглари билан ҳам кўп жиҳатдан мос келади. «Ҳайрат ул-аброр»да эса бундай мосликларни ўнлаб учратиш мумкин. Аммо бир нечта эпизодик қайдлар билан бу қадар кенг кўламли тарихий-типологик ҳодиса моҳиятига этиш, аниқ илмий хулюсашарни илгари суриш қийин. Фақат типологик пландаги маҳсус тадқиқотлар билангина ушбу муаммонинг холис ва қониқарли ечимида ёришиш мумкин. Афсуски, айни мавзу бугунти кунгача ўзбек на жаҳон адабиётшунослигидаги ўтгай муаммолардан бири бўлиб келяпти.

Энди Е.Э. Бертельс тўхталиб ўтган асосий муаммога келадиган бўлсақ, олимнинг Иброҳим Адҳам қиссаси мазмунан буддийлик қарашларига алоқадор деган назарий гипотезасига мутлақо қўшилиб бўлмайди. Аввало, «Кутадгу билиг»нинг С. Радлов нашр этган варианти 42-бобидан деб келтирилган ушбу парча олим томонидан тарихий даражада тўғри ўқилгани, тушунилгани номаъдум. Иккинчидан, матн парчаси тўғри тушунилгани ва таржима этилган тақдирда ҳам унинг достон, лоақал бобнинг умумий контекстидан узид талқин этилиши Е.Э. Бертельс гипотезаси ҳақидаги тасаввуримизни хирадаштиради. Учинчидан, «Кутадгу билиг» ва ислом-шарқ муҳитида майдонга келган бошқа манбалардаги никоҳ ва фарзандга оид бизга маълум қарашни олим қайси сабабларга кўра тўғридан-тўғри буддийлик таълимотига боғлагани мутлоқ тушунарсиз. Негаки, Е.Э. Бертельс келтирган парчадан том маънода никоҳ ва фарзанд кўришта зид маъно чиқаришга асос берадиган бирор манбавий, тарихий далил, лоақал, поэтик ишора мавжуд эмас. Бадий рамз йўсенида ифодаланган ушбу матн парчасини, илк таассуротга кўра, бир оз соддароқ, дейлик, фарзандлар дунёга келгач, сени дengiz

¹ Кўрсатилган китоб. – Б. 187.

(ҳаёт йўли) узра олиб кетаётган кема (яъни аёл) иккига бўлинади (сенга берадиган меҳрини фарзандларингга улашади) тарзида ҳам туцуниш мумкин. Албатта, бу ҳам бир гипотеза, холос.

Муаммонинг тўғри ечими эса, бизнингча, «Кутадгу билиг»нинг бевосита «Қуръони карим» нақл ва кўрсатмалари билан боғлиқлигида. Е.Э.Бертельс келтирган никоҳ ҳақидаги парчанинг ислом гуллаб-яшнаган даврлар адабиётида, зоҳир ва ботин ҳаёти ислом билан бирикиб кетган авлиё зотлар ёзган асарлардан-асарларга кўчиб юришининг боиси ҳам шу. Илло, бундай қарааш Будда афсоналарига алоқадор бўлганида Юсуф Ҳос Ҳожиб, Фаридуддин Аттор каби авлиёуллоҳлар уни ўз асарларига киритишлари мумкин эмас эди.

Воқеан, «Қуръони карим»да ва Мұхаммад алайхиссаломнинг кўплаб ҳадисларида хотин ва бола-чақа, худди «даҳр аруси» (дунё келинчаги, ўтқинч дунё)нинг ўзиdek бир фитна экани, мұйминни Аллоҳга бўлган муҳаббат ва Унинг зикридан тўсиши қайта-қайта таъкидланади. Мұймин одамни уларга ҳаддан ортиқ муҳаббат кўймасликка чақирилади. «У кунда на молу давлат ва на бола-чақа фойда бермас; Магар Аллоҳ хузурига тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур). (У кунда) жаннат тақвадор бўлган зотларга яқин қилинди. Дўзах йўлдан озган кимсаларга кўрсатиб кўйилди», оятлари бунга тўла далолат қиласиди¹. Бу маърифий-маънавий концепциянинг эса никоҳсиз яшаш, дунёдан тоқ ўтиш, айниқса, буддаийликдаги мутлоқ узлат анъаналарига мутлақо алоқаси йўқ. Демак, «Кутадгу билиг»даги талқин ҳам, Фаридуддин Аттор асарлари, ўзбек халқ қиссаныда акс этган қарааш ҳам мазмунан ислом манбаларга бориб боғланади. Қолаверса, ислом-шарқи адабий муҳитида майдонга келган айни типдаги асарларда, айниқса, «Кутадгу билиг» ва «Ҳамса»нинг биринчи достонларида «Қуръони кишим»даги мазмунни айнан ифодаловчи ҳикоятлар, рамзий-мажозий тасвирлар кўплаб учрайди.

Масалан, «Ҳайрат ул-аброр»нинг иккинчи мақолати ислом талқинига оид. Бундаги тасвир «Қуръони карим»га хос изчил контраст усулига қурилади. Исломнинг беш рукни: тавҳид – Аллоҳнинг бирлиги ва Мұхаммад алайхиссаломгага иймон келтириш, намоз, рўза, закот, ҳаж «Қуръони карим» оятлари асосида бадий сатҳга кўчирилади. Шунингдек, комил ислом амалларига «Насойим ул-муҳаббат»да зикр этилган авлиёуллоҳнинг назарий қараашлари ва амалиёти

¹ Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлтон, 1992. – Б. 26:88-91.

мисол қилиб келтирилади. Масалан, «Насойим ул-муҳаббат»да келади: «Ва дебдурларки (Баҳоуддин Нақшбанд назарда тутиляпти У.Ж.) «ла илаҳа» табиат нафийидур ва «иллаллоҳ» маъбуди ба-рҳақ исботидур...»¹ Бадиий талқинда эса бу шундай шаклда акс түйирлилади:

*Нофия «ло»сидин айтиб «До илоҳ»,
Нафий неким, мумкин эрур мосивоҳ.
«Иллаллоҳ» – айлабон исботини,
Айни вужуд англатибон зотини...²*

Ушбу мақолатга илова этилган ҳикоят ишқнинг икки даражаси – риёзий («арзи намоз») ҳамда ниёзий ишқ («арзи ниёз»)нинг балийи муқоясасига қаратилади. Бунда ҳам «Насойим ул-муҳаббат»да иккя этилган икки буюк авлие – Иброҳим Адҳам ва Робиъа Адания воқеаси асос қилиб олинади. Икки шахс ҳаётида кечган икки сюжет чизиги дастлаб «ҳотиф нидо» воситасида боғланади. Сўнгра Иброҳим ва Робиъа ўртасида кечган диалог орқали масала моҳияти ойдинлашади. Ҳар икки қаҳрамон «сафар» жараённида тасвирланади: тож-тахтдан воз кечиб, Каъбатуллоҳ тавофи учун йўлга чиққан Иброҳим ҳар қадамида икки ракъатдан намоз ўқийди. Ниҳоят, ўн тўргт йил деганда манзилга етиб келади. Келиб кўрсаки, Каъба жойида йўқ. Шунча риёзати бекорга кетганини кўриб фифон устига фифон чекаверади. «Ҳотиф нидо» унга Каъбанинг Робиъа тавофи учун «сафар»га кетганини айтади. Матн қатида яширин иккинчи сюжет линиясига кўра, Робиъанинг Аллоҳга муҳаббат шавқидан ўта заифлашиб қолгани, Каъба зиёратига хоҳиши бор-у, қуввати йўқлиги, бунинг хурматига ҳеч қачон жойидан жилмаган Каъбанинг Аллоҳ амрига биноан Робиъанинг ҳузурига кетгани маълум бўлади.

Демак, икки йўл, икки сюжет чизиги Каъба деталига келиб тугашади. «Ҳайрат ул-аброр»даги аксар ҳикоятлардан фарқли ўлароқ, бу гайритабиий воқеа талқинида диалог контраст вазифасини эмас, счим (синтез) вазифасини бажаради. Яъни икки қаҳрамон ўртасида диалог масала моҳиятини ойдинлаштиради. Ўқувчини аниқ қулюсага олиб келади. Холоса эса шундай: ишқ аҳли борадиган манзил ягона бўлса ҳам, унга ҳар ким ўз тақдир сўқмоги бўйлаб

¹ Алишер Навоий. МАТ. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан, 2001. – Б. 264.

² Алишер Навоий. МАТ. Еттинчи том. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Фан, 2001. – Б. 111.

боради. Риёзат билан (Иброҳим) эришиш қийин бўлган саодатга баъзан ишқ шавқи (Робиъа), Аллоҳга бўлган муҳаббат осонгина етказиши мумкин. Бу ҳикоятдан кўзланган мақсад аслида «сойирлар» йўлиниң ӯзига хослиги ёки қаҳрамонлардан бирининг иккинчисидан устунроқлигини таъкидлаши эмас. Балки Аллоҳнинг фазли, унинг замин (башпари) мезонларига сифмайдиган улуғ қонуниятига ургу беришдир.

Хулоса қилиб айтганда, бирор адабий, тарихий ёки илмий манбада қайд этилмаганидан қатъи назар, турк-ислом маърифий-бадиий тафаккурининг бош ҳалқаси «Кутадгу билиг» ва ҳамсачилик ўртасида мустаҳкам поэтик муносабат мавжуд. Навоий «Ҳамса»си, хусусан, «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги қатор мақолат ва ҳикоятлар айни типологик ҳодисанинг мавжудлигини тасдиқлади. Бу каби мустаҳкам, том маънода типологик ҳодисаларнинг илдизлари эса, аввало, шарқ-ислом адабиётининг таянч манбалари ягоналиги, қолаверса, туркий эпик тафаккурга хос генеологик жараёнлар билан боғлиқдир.

РАУФ ПАРФИНИНГ «ҚИРИМ ХАЁЛЛАРИ» ТУРКУМИ

О. ОЛТИНБЕК, филол.ф.н., КИХИ (ЎзМУ)

Рауф Парфи ижодида туркумлар талайгина. Улар орасида «Қишим хаёллари» алоҳида аҳамиятга эга. Бу унинг мавзуси, ӯзига хос бадиияти, ижтимоий-сиёсий пафоси ва гуманизми билан боғлиқ. Туркумдаги шеърлар марказида ӯз юртидан оммавий сургун қилинган қишимлилар образи туради.

Кувгунга учраган қишимлилар мавзуси ўзбек адабиётида Рауф Парфи ижодидан бошланади. Бунинг ўз сабаблари бор. Биринчидан, шоирнинг ёшлиги юртидан ҳайдалган қишимлилар билан бирга ўтган эди. Р. Парфи бир сұхбатида улардан бири ҳақида шундай хотирлайди: «Дадамнинг дўстлари кўп эди. Бари эски жадидлар. Ўлмай қолган... Ҳаммаси билимдон, саводли одамлар. Дунё миқёсида фикрлайди. Адабиёт билан шугулланади. Аммо барчасининг бошига кулфат тушган: замон уларнинг қўлини кесиб ташлаган... Абдал ака

¹ Қишим сўзининг ӯзаги туркий «қир» бўлгани учун уни «Қишим» эмас, «Қишим» шаклида ёзишни лозим тоғлик.

дегани бўларди. 1944 йил Қиримдан кўчирилган. У тўрт ёшимда менга ўрис ҳарфини ўргатган. Буларнинг бари онгимга кучли таъсир қиласан. Энди билсан, кўнглимда ватан туйгусини шакллантирган нарса шуварнинг қисматлари ва ҳикоялари экан»¹.

Иккинчидан, шоир талабалик йилларида улар билан янада мустаҳкамроқ боғланиб қолди: «Дорилфунунда ўқирдик. Ичимизда биттагина қирим-татар бор. Айдер Осман. Доим жиiddий. Бир жой-марга бориб келади. Тинимиз юради. Кейин билсан, ўша ҳаракат (қиримлиларнинг ўз ватанига қайтиши ҳаракати – О.О.) бошланган экан... 1963 йилдан эътиборан қирим-татарлар намойишга чиқа бошлиши. Мен ҳам уларга қўшилдим. Ватан учун, инсоний ҳақ-хуқуқ учун тинмай курашишини шу халқдан ўргандим. Майлисларга бораман. Гаплашамиз. Катта дафтар бор эди. «Қирим татарлари ўз ватанларига қайтиши керак», деб ҳисоблаганлар имзо чекиб беришарди. Рўйхатнинг бошида Сахаров, кейин Шостакович, Евтушенковлар бор эди. Ўзбек шоир-ёзувчиларидан мен эдим, голос. Бу пайтда мен «Қирим хаёллари» деган туркум ёзган эдим. Йигирмата шеър. Қўлёзма ҳолида тарқалган. Шулардан учтаси «омон қолган»: «Боқчасарой чашмаси»², «Ҳижратда қиримли она алласи»³, «Ҳижрат»⁴. Қолганлари йўқолиб кетган. Ўшанда мени «Қирим-татар шоири» дейишшарди...»⁵

Шоирнинг шахсий архиви материаллари⁶ асосида шу «йўқолиб кетган» шеърлардан баъзиларини тиклашга муваффақ бўлдик. Шахсий архивда Р. Парфи шеърларининг машинка нусхалари ҳам сақлашиб қолган. Улар ичида «Қирим хаёллари» туркумига мансуб шеърлар ҳам бор. 1965 йилда тартиб берилган мазкур туркумнинг бирин-

¹ Радимжон Раҳмат. Шоир Рауф Парфи билан суҳбат//Алабиётдан чиқиши. – 1.: Akademnashr, 2015. – Б. 69.

² Шеърнинг номи аслида «Боғчасарой фонғани».

³ Ушбу шеър шоир хотирилаёттан 1965 йилларда эмас, 1973 йилда ёзилган ёди. Нашрий манбалярдаги унинг номланиши «Ҳижратда она алласи».

⁴ «Ҳижрат» шеъри ушбу суҳбат босилган 1990 йилга қадар бирорта китобда нишр этилмаган. Шоир уни чоп этилган бошқа бир шеъри билан аддагтирган, нақаримизда.

⁵ «Ҳақ йўли, албатта, бир ўтулгуси...» (Шоир Рауф Парфи билан Аъзам Ўқтам суҳбати). «Муштум» журнали, 1990 йил, 22-сон.

⁶ Рауф Парфининг шахсий архивига оид ушбу материаллар бутун шоир Чоршиъм Рўзиевда сақланади. «Қирим хаёллари» туркумидаги шеърларнинг жамониган варианти факатина цароканда машинка нусхалар (ПМН)да мавжуд. Бундан кейин ушбу манбани «Шахсий архив (ЧР), ИМН» шактида мухтасар бериб боримиз.

чи саҳифасида «Рауф Парфи. Қирим хаёллари» ёзувига дуч келамиз. Саҳифа ўртасидаги Сабоҳиддин Алининг «Ничун, гузаль ярим, нечун / Сени бендеи айырдилар?» сатрлари туркумга эпиграф сифатида келган. Тарқоқ ҳолдаги машинка нусхалар орасидан «Оддий касрлар», «Ватан», «Хижрат», «Боқчасарой фонтани», «Қани отлан, қани отлан...», «Қадрдон, сендадир хаёлим...», «Шафиқа, ситамгар раққоса...» каби шеърлар остида «Қирим хаёллари» номли туркумдан» ёзуви бор. Мазкур туркумга далолат қилувчи ушбу сўзлар баъзи шеърлар остида машинкада, баъзисида эса сиёҳли ручкада қайд этилган. Биз пароканда ҳолдаги шеърлар орасидан фақат юқоридаги еттига шеър тагида «Қирим хаёллари» номли туркумдан» ёзувга дуч келдик.

«*Ватан*¹» шеъри «Бутун инсоният ризқи ва ҳаққи...» мисраси билан бошланиб, «Багрига омухта Ватаним» сатри билан тугайди. Сарбастда ёзилган. Алоҳида шеър сифатида бирорта китобга кирмаган. Демак, маълум — шеърни шу ҳолатда босишнинг иложи бўлмаган. Рауф Парфи бунинг йўлини топган: 1967 йили «Вьетнам ҳақида қўшиқ» шеърини ёзиб, «Ватан»ни тұласича шу шеър ичига киритиб юборган. Бу билан шоир шеърнинг дунё юзини қўришига йўл очган ва китобларига бемалол киритган. Совет мағкураси Вьетнамни вайрон қилған ва халқини қонга ботирған давлат сифатида Американи айблаб келарди (Бу масалада шоирнинг фикри бошқача. У мазкур шеърида: «Вьетнам — икки бўлинган бир нон» дейди ва бу билан иккинчи бўлагига советлар эгалик қилаётганига ишора қилмоқда). Энди «Ватан» шеъридаги «*тақдирга таҳлика солувчи ёвузлик*» сўзлари СССРга тегишли эмасдек гўё. Шеърда гўё қиримлилар фожеаси айтилмагандек... Аслида эса шеърдаги қўйидаги мисралар айнан ватанидан қувилган қиримлиларнинг сўзлари ўлароқ дарж этилган эди:

*Ёвузликка тошлар,
харсанглар кўнишсин.
Ҳей, йўқ!..
Киндик қони тўқилган ерга
Юрак қони тўқилсан одамнинг...*

Бу сўзларда айнан қиримлиларнинг дарди ва қатъияти акс этган. Ёвузлик ватанидан жудо қилини мумкин халқни, лекин унинг қалбидан ватанига бўлган муҳаббатини юлиб ташлаёлмайди. Қайтага

¹Шахсий архив (ЧР), ПМН.

үни кучайтиради. Ўзига қарши курашчан куч ҳозирлайди. Ватан деб боли күттарган кучни эса енгис бўлмайди.

Мана, ўша машъум қувилиш билан боғлиқ тарихий далиллар. 1944 йил 18 май кеч соат иккита қыримтатарлар яшайдиган ҳудуд НКВД ходимлари томонидан куршаб олинади ва ҳар битта оиласа кириб, ўн дақиқада белгиланган машинага чиқиши буюрилади. Ярим тунда уйқудан уйғотилган, саросимага тулған ва нима бўлаёттанини шаб-англамаган юпун ҳалқ машиналар орқали темир йўл вакзалига келтирилади. Вакзалдан эса ким Уралга, ким Сибирга ва яна кимдир Ўрта Осиёга...! Рауф Парфи «Ҳижрат»² (1964) шеърида ватандан ҳайдалаётган қыримлilarнинг мана шу аянчли ҳолатларини чизиб беради:

*Жұнат-жұнат,
Кишим вокзали.
Ҳижрат.
Вагонларга ортилди ҳалқ
Гүё тонна-тонна гүшт,
Эшиклар ётилди тақа-тақ,
Пүшт.*

Хўш, бу азият, бу хўрликларниг сабаби нима? Юргидан қувилтап бу ҳалқнинг гуноҳи-чи? Мана, эшитинг: у хоин эмиш, у сотқин ўмиш. Олтмиш минг эркагини Ватан урушига берган ҳалқни шундай деб бўладими? Бу бир баҳона эди, албатта. Буни билган шоир «лоҳий»га шундай савол ташлайди: «Қани, айтаб бер, доҳий! / Бутун бир элатнинг недир гуноҳи?» Бу — жавобсиз савол. Рауф Парфи буни билади. Шунинг учун ҳам жавоб-ҳукмни-да ўзи чиқаради: *Қалқ, доҳий, қалқ! / Ўнта ҳароми, / Юзта сотқин бўлмоғи мумкин. / Лекин сотқин бўлмас / бутун ҳалқ...*

Оломон қызилларниг паровозига уланган қизил вагонларга «гүё тонна-тонна гүшт» каби улоқтирилади, шоир уларниг вагондаги ҳолатини шундай тасвирлайди: «Қалашиб ётибди / Ўтин янглиғ олон-мон, / гүё патирос қолдиги, / тутун янглиғ олонмон». Ёки қуйидаги мисраларга эътибор беринг:

¹ Т. Пулатов. Кырымтатарлар нацидженси сабърсызлығынен беклейлер. «Йылдыз» журнали, 1989 йил, 3-сон, 7-бет (Бу мақола «Московские новости» ҳафтапичининг 1989 йил 9 апрел (№ 15) сонидан кўчириб босилган).

² Шахсий архив (ЧР), ПМН.

*Боласини аллалар жувон,
митти қўллар излайди мамма,
нима қилсан, мунглув аёлнинг
кўкрагида сути йўқ, аммо.*

*Болалар ҳайрон,
Ҳайрон
машъум тақдирга,
ўлаётган гўдакка қарап,
ўлаётган кампирга.*

«Нега бу ҳақорат?» дея савол қўяди шоир. Унга жавоб йўқ... «Хижрат» шеъри «...Ҳитлер... Ялмогиз Ҳитлер, / Шошилинг... Шошилинг...» сатрлари билан бошланади. Бир қарагандা бу сўзлар шеърга ёпишмагандай кўринади. Аслида ундан эмас. Улар қўштирноққа олинган. Қўштирноқ бу ерда муайян поэтик вазифа бажармоқда. Демак, бу сўзлар халқни юртидан ҳайдаётганлар сўзи. Улар ўз қабиҳликларини яшириш учун Ҳитлерни сўқади. Ҳитлерни сўкиб туриб, у ҳам қилмаган ишларни қилишади: эркаклари ватан химояси учун урушга тортилган фуқароларини уруш кетаётган бир пайтда ўз ватанидан итдан-да хорлаб кувиб чиқаради...

«Богчасарой фонтани»¹ (1965). Шеърни бундай номлаш билан Рауф Парфи, биринчидан, Пушкин достони номини бериб, ўзининг поэтик мақсадини яширган бўлса, иккинчидан, Богчасарой фонтани орқали ўз фарзандларидан жудо бўлиб йиглаётган она Ватан тимсолини яратади. Богчасарой фонтани – ўз фарзандларидан маҳрум, мавхум эргасидан дилпора, келгинидилар оёғи остида хор ва чорасиз йиглаётган она юрт рамзи. У замга ботган, ҳасратларда адо бўлмоқда-ю, лекин дардини айта олмай, фақат юм-юм йиглайди: «Кўрганингни айта билмайсан, / Бир гап айта олсайдинг зора...» У кимларнидир йўқлайди, кимлардандир нажот кутади, баҳт истайди. Баҳт берамиз, деб советлар томонидан «қаҳрли, бешафқат гаройлар» йиқитилди тахтидан. Лекин шоир: «Кечди аср, йиллар ва ойлар / Ҳақиқий баҳт келмади бироқ», дейди алам билан шеърнинг қўллэзма вариантларидан бирида. Ва аксинча, 40-йилларга келиб бор севинчидан ҳам маҳрум бўлди: «Қирқинчи йилларнинг бўрони / Севинчиндан айирди, ҳайҳот!» Бу – ўша 44 йилги машъум воқеага ишора. Айнан шу мисралардан бошлаб со-

¹Ўша манба.

всегда наше оторларидан тушириб келинган түрт банд келади¹. Мана унинг қўлъозмадаги тўла шакли:

Қирқинчи йиларниң бўрони
Севинчингдан айирди, ҳайҳом!
Шу азиз, шу гўзал дунёни
Ҳайҳом, ташлаб кетдилар кушод.
Яна йиллар кечди, яна ер
Бошларида навжувон либос.
Ўша жаннат, ўша гул диёр,
Қиримли йўқ Қиримда холос.
Ўша боғлар ва ўша водий,
Ўша бўстон ва мусаффо қўк.
Лекин йўқдир севган авлодинг,
Қирим бор-у, қиримлилар йўқ.
Юраклар ўртанаар беомон,
Кимлар қувгин қилди бу ҳалқни?!
Ҳеч қачон. Ҳеч қачон. Ҳеч қачон!
Она-тупроқ – ҳар кимнинг ҳаққи!

«Қирим бор-у, қиримлилар йўқ» мисраси, бу шеър Қиримда ёзилмаганмиカン, деган андишага олиб келади кишини. Албатта, шундай. Бунга яна бир далил «Қирим хаёллари» туркумининг машинка пусхаси. Чоршаъм Рўзиевда сақланётган мазкур манбада «Боқчасарой фонтани» ва «Шафиқа, ситамгар раққоса...» шеърлари остида битилган «Қирим хаёллари» номли туркумдан» деган ёзуудан кейин сиёҳли ручкада «Қирим» деб ёзиб қўйилган. Бу, ушбу шеърларнинг ёзилган ўрнини англатади. Демак, бу шеърлар Қиримда ёзилган. Шеърларнинг мазмуни ҳам бизни шунга ундейди. Айниқса, иккинчи шеърнинг қуйидаги банди шундай хулоса чиқаришимизга инос бўлади:

¹ Шоир Аззам Ўқтам билан сухбатда Рауф Парфи совет наше оторларида «Боқчасарой фонтани»дан тушириб қолдирилган парча сифатида куйидаги икки бандни тақдим этади:

Қўкка етди согинч дараҳти,
Йигла Қрим, йигла энди қўк.
Не бўлмоқда, одамлар, айтинг –
Қрим бор-у, қримликлар йўқ.
Айтинг менга, қайда адолат,
Қайда, айтинг. инсоний ҳуқуқ.
Бу не ҳолдир. Қандайин ҳолат –
Қрим бор-у, қримликлар йўқ.

*Алвидо, Шафиқа, алвидо,
Бардошлиман гарчи ситамга.
Кутмаса-да гарчи у Лайло,
Мен қайтаман Ўзбекистонга,
Алвидо, Шафиқа, алвидо¹.*

Бу фактлар «қирим-татар шоири»нинг 1965 йилда Қиримда бўлганига далолат қиласди, айни пайтда, манбаларда мансублиги қайд этилмаган яна бир шеърни «Қирим хаёллари»га алоқадор экан-лигига гувоҳлик беради. Бу – «Эгалари ташлаб кетган уй» шеъри. Сиз ҳам эътибор беринг-чи, шундай хуносага келасизми? Мана ўша шеър:

*Ким бор? Бўм-бўш уй, чор атроф қоронгу.
Ястанган самонинг ранги учидир.
Ким бор? Бўм-бўш уй, чор атроф қоронгу.
Кўчмишлар. Юлдузлар қайга учидир?
Коронгу, чор атроф қоронгу. Йўқ, йўқ.
Чеки йўқ саҳродек яхлаган тақир.
Коронгу, чор атроф қоронгу. Йўқ, йўқ.
Бечора бўм-бўш уй, эй сағир...²*

Шеърнинг тўргинчи мисрасига эътибор беринг: «Кўчмишлар. Юлдузлар қайга учидир?» Шоир дастлаб «Кўчмишлар», лейди, кейин бу ҳодисани биргина сўз билан ифодалаш мумкин эмаслигини англаб «Юлдузлар қайга учидир?» лейди. Чунки бу уйнинг эгалари юлдузлардай учиб кетган. Хўш, қаерга, дунёнинг қайси бурчагига, балки бу дунёдан ҳам учиб кетгандир? Буни ҳеч ким билмайди. Шунинг учун ҳам шоир сўроқ билан тугаллайди жумлани. Чунки Қирим халқи сочиб юборилган эди. Айнан шу уйнинг эгаси қаерда? Уни ҳеч ким билмайди. Бундай саволи билан шоир уларнинг мураккаб тақдирига ишора қилган эди. Ёки шоирнинг «Сен ухлаб ётибсан...» номли шеъридаги: «Хув, тош деворли уйингни танидингми, эй шоввоз? Бу ерда сен уч ой яшадинг, уч ой, холос. Шунги ҳам онангнинг қорнида...»³ сатрлари «Эгалари ташла кетган уй»ни эслатмаяптими сизга? Агар жавобингиз изжобий бўлса, демак, биринчидан, бу шеър «Қирим хаёллари» туркумига мансуб, иккинчидан, мазмунидан кўриниб турибдики, мазкур шеър ҳам Қиримда ёзилган. Лекин бирор

¹ Шахсий архив (ЧР), ПМН.

² Рауф Парфи. Қайтиши. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 46.

³ Шахсий архив (ЧР), ПМН.

жойда бу шеърнинг Қиримга алоқадорлиги айтилмаган, шеърдаги поэтик фикр яхшигина ниқобланган, шунинг учун ҳам у шоирнинг совет даврида барча китобларида бемалол чоп этилаверган. Хулиас, юқорида таянилган далиллардан ташқари Рауф Парфининг «Боғчасарой фонтани», «Шафиқа, сигамгар раққоса...», «Эгалари ташлаб кетган уй» шеърлари ҳам уни 1965 йил Қиримда бўлганига гувоҳлик беради.

«Хижратда она алласи»¹ шеъри 1965 йилда тартиб берилган «Қирим хаёллари» таркибида йўқ. Чунки у 1973 йили ёзилган. Бу – Рауф Парфининг ушбу мавзу билан боғлиқ ижодий кечинмалари узоқ давом этганини кўрсатади. Шеър олти мисрали бандда ёзилган бўлиб, «Нидо қилдим, нидолар қилдим, алла, / Сени йўқдан бинолар қилдим, алла» сатрлари таржеве ўлароқ ҳар банднинг 5-6-мисралари сифатида тақорланиб келган. Шеърда қиримли онанинг аянчли тақдири ва парду аламлари баҳдма-банд очилиб боради:

*Шакар қўзим, тушларинг бўлсин ширин,
Сен менинг жонимсан, сен менинг таним.
Онангнинг кўксига қасос яширин,
Юрагида ўқ парчаси – Ватаним.
Нидо қилдим, нидолар қилдим, алла,
Сени йўқдан бинолар қилдим, алла.*

Рауф Парфи бу шеърни ёзишда шундай бир йўлни топганки, ундаги она Ленинграддан эвакуация қилинган халқнинг аъзосими ёки Қиримдан ҳайдалган элнинг вакиласими билиб бўлмайди. Чунки иккаласи ҳам ватанидан ажраган, иккаласининг ҳам юртини «ёвуз йилдирим» босган, иккаласи ҳам эридан «қора хат» олган. Шунинг учун ҳам совет цензураси бу шеърнинг чоп этилишига қаршилик қилмаган, у ўша пайтда чиққан шоирнинг барча китобларига бемалол киритилган. Лекин шеърнинг кимларга бағишланганини кўрсатувчи ишораси бор. Бу – шеър сарлавҳасидан кейин ёзib қўйилган «(1944)» ва «Ҳайдар Усмонга» деган битиклари. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай ёзади: «Бу шеър Қирим тоторларига аталган. «1944 йил» санасини, «Айдер Османга» деган жумлани (...) ҳижрат қилган тотор биродарларимизга ишора маъносига келтирганман»². «Қирим хаёллари» туркумига эътибор берилса, бир бугина эмас, «Ватан» шеъри ҳам Ҳайдар Усмонга бағишланганинг гувоҳи бўламиз. Ман-

¹ Рауф Парфи. Хотирот. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б. 52-53.

² Рауф Парфи. Таржима ҳолим//Ёшлиқ, 1993 йил. №1. – Б. 13.

баларда шоирнинг мақсадига кўра, бу ном баъзан «Х.У.», баъзан «Айдер Осман ўғлига», баъзида эса «А.О.» шаклларда ифода этилган. Хўш, Ҳайдар Усмон ким? Унинг Рауф Парфи билан қандай алоқаси бор? Бу ҳақда адабиётшунос Н.Раҳимжонов «Сакина»нинг изоҳдарида шундай матлумот беради: «Биз, тенгқур талабалар, ўзимиздан бир неча ёш катта (...) Ҳайдар оғани «Осмон ўғи» деб йўқлардик. Таниқли адаб Ҳайдар Осмон ўғи Крим вилоятининг Бешқурт-Воқиф қишилогида туғилган. 1952–1956 йилларда Марғилон педагогика техникумидаги ўқиди. Олтиариқ туман мактабларида муаллимлик қилди. 1960–1965 йиллари ТошДунинг журналистика бўлимида таҳсил олди...».

1960 йил бошларида ТошДунинг филология факультети биноси Ҳадрада жойлашганди. Ўқишига қатнаш қулаилиги боисидан бўлса керак, Р.Парфи курсдош биродари Ҳайдар Осмон билан бирга Эски шаҳарнинг Коратут, Себзор маҳаллаларида ижарада ҳам яшашган¹.

Рауф Парфи ва Ҳайдар Усмон ораларицаги мана бундай яқинликдан хабар топгач, шоирнинг қуийидаги сатрлари бевосита шу шахсга қарата ёзилганига амин бўлади киши:

*Ватандош, юртингдан айрисан,
Айрисан юртингдан, ватандош.
Мен ватандан бир он айрилсан
Ўша замон бўлурман адо.
Сен хаёлан қошимга келиб,
Остонамда ўлтирасан жисм,
Ўлтирасан қовогинг солиқ,
Дард ёзиглиқ юзингда ажсин².*

Баъзи манбаларда «Хижрон» деб номланган бу шеърнинг бир нечта вариантлари бор. Уларнинг баъзиси саккиз, баъзиси ўн олти мисра. Ўн олти мисралик вариантлар учун илк сўз «Ватандош» бўлса, саккиз мисралик вариантлар «Ватандош», «Қадрдон», «Эй, меҳмон» сўзлари билан бошланган. Лекин шеърнинг бирор бир варианти нашр этилмаган. «Қадрдон» деб бошланувчи бир варианти «Кирим хаёллари» туркумидан ўрин олган. Вариантлари қай бир сўз билан бошлинишидан қатъи назар, бизнингча, бу шеър Ҳайдар Усмонга атаб ёзилган.

¹ Рауф Парфи. Сакина. – Т.: Муҳаррик, 2013. – Б. 323–324.

² Шахсий архив (ЧР), 19-дафтар. – Б. 109.

«Қирим хаёллари» туркумидаги шеърлар ўзига хос табиатдаги қаҳрамонларга эга бўлиши билан бир қаторда, уларга мувофиқ тарзда яратилган поэтик образларга ҳам эга. Қуш образи мана шундай виситалардан бири. Рауф Парфи қиримли қаҳрамонларини муайян вазиятдан ва уларнинг шахсиятидан келиб чиқиб турли қушларга қиёслайди. Масалан, элидан ажralиб, юртида сарсонликда юрган Шафиқани оққушга («Оққуш янглиғ қанотинги ёз...») ўхшатса, «Ҳижратда она алласи» шеърида онанинг тилидан: «Боғларда қалилар қора қарғалар, / Боғлар булбулидан айрилди, болам», – дея, булбул ва қора қарға образларидан фойдаланади. Шунингдек, шоирнинг «Уфқ – яраланган алвон...» деб бошланувчи шеърининг ilk вариантиларидан бири «Турналар» деб номланади. Рауф Парфи бу шеърда Ўзбекистондан ўз юртига қайтаётган қиримлиларни турналар карвонига қиёслайди:

*Турналар, алвонга ёздингиз нелар,
Нечун дил қоврилиб кетди ситамдан.
Оҳ уриб сўйлади манга турналар:
– Айрилиб қолдик-ку Ўзбекистондан.*

Мана шу мисралари билан шоир Ўзбекистонни ҳам бу муҳожир халқ ўз ватанларидай севиб қолганини изҳор этади. Лекин ватан, бирибир, Ватан...

Муқовасида «1968» санаси ёзилган бир дафтарида Рауф Парфи «Ватанга қайтиш» сарлавҳаси остида 12 моддадан иборат фикрларини кўчириб қўйган. Бу сўзлар Ватан ҳақида, ватанига қайтаётган қиримлилар ҳақида. Мана, улардан баъзилари: **1. Дунёда энг буюк ва қуидратли туйғу Ватанга муҳаббат туйғусидир. Үлимтик кечада гўё тирик нур, / Дустлар, она Ватан туйғуси эрур. 5. Халқни ўз Ватанидан жудо қилиш бутун инсониятга хиёнат қилишидир. 10. Сени қувгинидилар қувгин қилдилар, / Сотқин деб атади сотқинлар сени. 11. Бу кун Ватанинга қайтиб кетаётурсан, / Соғ бўл, мангу бўлсин она Ватанинг. 12. Лекин ўша гўзал юртингда иккинчи тутинган онангни – Ўзбекистонни ҳам унитиб қўйма¹.** Рауф Парфи ўзининг қиримли биродарларини гарчи мана шундай эзгу тилаклар билан кузатган бўлса-да, биз уларнинг ўша йилларда она юртларида ўрнашиб қолганлиги ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

¹ Шахсий архив (ЧР), 20-дафтар. – Б. 1-3. Шу молдадан кейин Рауф Парфи шундай имзоси қўйилиб, тугалланганлик ишораси берилган бўлса-да, имзо остидан яна иккита жумла қўшимча қилинган: 13. Ленин асирида. 14. Маъюс севинч.

Рауф Парфининг юртидан ҳайдалган қиримлилар мавзусида-ги сўнгги шеъри 1973 йилда ёзилган. Шундан кейин шоир бу мавзуга бошқа қайтмади. Лекин ўзбек адабиётида унинг томонидан бошлаб берилган ушбу мавзу давом эттирилди, анъана пайдо бўлди. Абдулла Шернинг «Боқчасарой балладаси», «Қайси аср, қай йилу ойдан...», «Достондан сўнг», «Қизил шалонлар», «Киримдаги ижод уйида», «Икки ўқ» шеърлари, Хуршид Давроннинг «Қоратоғ дафтари» туркуми ва Усмон Қўчкорнинг «Қувғин» достони шеъриятимизнинг мана шу йўналишидаги ёрқин намуналари ҳисобланади.

«Кирим хаёллари» туркумидаги шеърларни тадқиқ этиш жараёнида Рауф Парфи ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ қуийидаги масалаларга ойдинлик киритилди: 1) шоирнинг шахсий архиви материаллари асосида бутунга қадар алоҳида ва яхлит ҳолда чоп этилмаган «Кирим хаёллари» туркуми тикланди; 2) бирор бир манбада мансублиги қайд этилмаган «Турк аёли ибодати», «Эгалари ташлаб кетган уй», «Турналар», «Сен ухлаб ётибсан...» каби шеърларнинг «Кирим хаёллари» туркумидан эканлиги аниқланди; 3) совет цензураси туфайли қисқартирилган ёки жиддий таҳrirрга учраган шеърларнинг ilk вариантлари биринчи маротаба илмий муомалага тортилди; 4) шоир ижодида Кирим мавзуидаги шеърларнинг яратилиш сабаблари ўрганилди; 5) туркумга мансуб шеърларнинг мазмунидан ҳали талабалигига ёқ шаклланган совет мағкураси ва унинг доҳийларига бўлган шоирнинг муносабатига аниқлик киритилди; 6) шоирнинг илмий биографиясини тиклашда муҳим бўлган бир факт – 1965 йил унинг Киримда бўлгани ҳақидаги маълумотга эга бўлинди; 7) шоир томонидан бошлаб берилган ватанидан қувилган қиримлилар мавзуси ўзбек шеъриятида Рауф Парфийдан кейин ҳам давом эттирилгани кузатилди.

АДАБИЙ-БАДИЙ СИНТЕЗ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Г.М. Имомова, филол.ф.н., доцент (ҚарДУ)

Нарса ва ҳодисалар инсон тафаккурининг маҳсули бўлишиоялар, хулосалар бадиий синтез деб аталувчи жараён маҳсулидир. Шу маънода синтез барча нарсаларнинг, жумладан, моддий бўлмаган мавҳум ҳодисаларнинг бирдан-бир воқе бўлиши шаклидан иборат. Воқе-

ликда инсон онгидан синтездан ташқарыда турувчи яхлит ва тугал нарсанинг ўзи йўқ.

Синтез термини юононча – sunthez – қўшилув, бирикув маъноларини англатувчи сўздан олинган бўлиб, у реал борлиқдаги моддий ҳолда тафаккурга хос барча нарсаларнинг ятона яхлитликда, тугалликда воқе бўлишини билдиради. Шу жиҳатдан қаралса, синтез ҳодисаси ўта мураккаб бўлиб унинг табиатини икки қисмга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчиси – биологик, – кенгроқ маънода табиий синтез. Синтезнинг ушбу турида наботот, ҳайвонот, инсон танаси ва табиатдаги бошқа кўпгина жинслар, минглаб моддалар муайян меъёр ва нисбатда табиий бирикиб, муайян яқинлик ва тугалликка эришади. Маълум бўладики, табиий синтезнинг юз бериши ва амал қилишида табиатнинг ўзи етакчилик қиласи.

Демак, табиий синтез ҳаётнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида юз берувчи мураккаб ҳодиса бўлиб, синтезланган нарсаларнинг таркибидағи қисмларнинг ўзаро узвий бирикиши ва уларнинг миқдорий нисбатини табиатнинг ўзи белгилайди. Бошқача айтганда, табиий синтезда ҳеч қандай ақлий ва ҳиссий бошқарувнинг ўрни йўқ. Мана шу хусусияти билан табиий синтез мудом давом этувчи узлуксиз жараённи ташкил этади.

Иккинчиси – инсон онгидан юзага келадиган синтез. Синтезнинг бу турида инсон ақли, билими ва ҳиссий бойлиги бирикиб, бирор фикр ва гояни яратади. Бундай фикр ва гоялар эса ё бирор санъат асари, ё илмий, бадиий, публицистик асар сифатида яхлитликка, тугалликка эришади. Инсон ақли билан ҳиссининг турлича нисбатларда синтезлашиши оқибатида илмий ёки бадиий гоя, бинобарин, асар яратилади. Агар ақл ва ҳиссиёт нисбатида ақл устунлик қиласа бадиий гоя юзага келади.

Бадиий синтезнинг санъат турлари билан боғлиқ жиҳатлари алоҳида илмий муаммо бўлиб, бу муаммони турли санъат турлари билан шуғулланувчи мутахассислар ўрганадилар. Биз эса қуйида адабий-бадиий синтезнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида баҳс юритамиз.

Адабий-бадиий синтез табиати мураккаб ва кўпқатламли. Биринчи қатлам бадиий синтезнинг дастрлабки яхлитлашув жараёнига тааллуқли. Бунда синтез уч нарсанинг бирикувидан юзага келади. Бўлар: воқелик, ижодкор интеллекти ва ҳиссий бойлиқдан иборат. Кулайлик мақсадида биз қуйида ижодкор интеллекти билан ҳиссий бойликни шартли равишда ижодкор истеъоди деб юритамиз. Ушбу

бирликнинг адабий-бадиий синтезда муҳимлигини инкор этмаган ҳолда ижодкорнинг ақлий, руҳий қуввати етакчилик қилишини алоҳида қайд этишни истар әдик. Чунки табиий синтезда табиат қонуниятлари белгиловчи бўлса, адабий-бадиий синтезда ижодкор фаолияти ақл-заковати, ҳиссий дунёси, дунёқараши муҳимдир.

Адабий-бадиий синтез образни ягона шакл ва мазмун уйғунлигига яратишни назарда тутади. Бу уйғунлик эса ижодкорнинг истеъдоди билан боғлиқликда турли даражада юзага келадики, адабий-бадиий синтезнинг бундай масалалари конкрет ижодкорлар, уларнинг аниқ асарлари таҳлили оракали намоён бўлади. Шу жиҳатдан қаралса, адабий-бадиий синтез моҳият эътибори билан реал воқеликда мавжуд бўлмаган нарса ва ҳодисаларни кашф этишдан иборат эмас, балки реал воқеликдаги нарса ҳамда ҳодисаларнинг оддий нигоҳ ёки мантиқий таҳлиллар билан тўлиқ англаб етиб бўлмайдиган хислат ҳамда сифатларини ҳиссий-ақлий жиҳатдан англаб етишдан иборатдир. Бинобарин, адабий-бадиий синтезнинг тасвир ҳамда ифода имкониятлари жуда кенг, айни пайтда, муайян даражада чегараланганлик жиҳатлари ҳам бор.

Кенглиги шундаки, ижодкор тўйиш ва англаш миқёсига қараб, воқеликдаги ҳодисани истаганча синтезлашиши мумкин. Торлиги шундаки, унинг онгидა юзага келган синтез таркиби ва миқёси реал воқелик доираси билан чегараланган бўлади.

Демак, адабий-бадиий синтез имкониятлари бир вақтнинг ўзида ҳам ижодкор, ҳам китобхон онгидা ақлий-руҳий жиҳатдан кучли қониқиши туйғуларида юксалиш ҳосил қиласди. Улкан рус мусаввири Н.К. Рерих сўзлар и билан айтганда, бадиий синтез, жумладан, адабий-бадиий синтез инсон қалби онгидга вужудга келиши билан гўзалдир¹.

Маълум бўладики, синтез ҳодисаси, у табиий бўладими ёки ижтимоий бўладими, ҳамма вақт бизга тайёр нарса ёхуд хулоса ҳадя этади. Шунинг учун ҳам биз адабий-бадиий синтез маҳсули бўлиш бадиий асардан яхлитлик, тугалик ва концептуаллик талаб қиласмиз.

Яхлит, тугал ва концептуал асарнинг яратилиши, бунда ижодкорнинг маҳоратини баҳолаш мақсадида, адабиётшунослик синтезлашган асарни муайян таркибий қисмларга ажратиш, уларнинг ўзаро

¹ Қаранг: Рерих Н.К. Синтез//Контекст. 1973. Литература-теоретические исследования. – М., Наука, 1974. – С. 411-412.

бирикиш сабабларини аниқлаш учун сингезга қарама-қарши бўлган анализ (қисмларга бўлиш ва таҳлил) деб аталиш иккинчи бир ҳодиса билан иш кўради. Машҳур немис олими Г.В. Лейбниц бир-бирига ид ва айни пайтда бир-бири билан боғлиқ бу икки ҳодисани борлиқни билиш ва ундан ўз манфаати йўлида фойдаланишнинг икки йўли сифатида баҳолайди¹.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, адабиётшунослик, хусусан, адабиёт назарияси адабий ҳодисаларнинг бир томондан синтезлаши, синтез шакллари ва ҳар бир шаклнинг воқе бўлиши сатҳларини, уларнинг ғоявий эстетик жиҳатдан вазифадошлигини ўрганса, иккинчи томондан синтез таркибини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали унинг умумий ҳамда хусусий қонуниятларини очишга ҳардагат қиласди.

Адабий-бадиий синтез асарга кенг бадиий-мантиқий ғоя, кучли рамзийлик багишлайди. Натижада ижодкор ифодаламоқчи бўлган ғоя соғ миллий шаклда умумбашарий моҳият касб этиши баробарида алоҳидалик ва бетакрорлик касб этади. Муҳими шундаки, бадиий синтез асосида яратилган асар моҳият жиҳатидан реал воқеликка факат тенг келадиган эмас, балки унинг ҳали очилмаган қирралари, сир-асорори ўқувчидаги ҳайротомуз тасаввур ҳам тутдиди. Чунки бадиий синтез у образ миқёсида бўладими, асарга қамраб олинган ҳётний мазмун доирасида бўладими — ҳамма вақт фавқулоддалик касб этади. Ана шу фавқулоддалик ўқувчини мафтун этади. Уни руҳий ва ақлий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан бойитади, ҳаётга, инсонга, ҳар бир нарсага чукур қараашга, эҳгиёткорлик билан муносабатда бўлишга ундейди; воқеликни давр талаблари билан баҳолашга фалсафий талқин этишга ўргатади.

Шу ўринда бадиий синтез ва унинг турли жанрларда воқе бўлиш имкониятлари бир хил эмаслигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Ўзбек реалистик адабиёти жанрларига назар ташланса, лирик жанрларда бадиий синтез ниҳоятда сермаҳсул эканлигини кўриш қўйин эмас. Чўлпон, У. Носир, Ҳ. Олимжон, Ф. Гулом, Э. Вожидов, А. Орипов, Р. Парпи, Ҳ. Худойбердиева каби шоирлар ижодида лирик синтезнинг ижодий намуналарини кўрамиз.

Эпик жанрларга келганда, шуни очиқ айтиш керакки, роман ва қисса жанрларда етук бадиий синтез намуналари образ миқёсидагига амалга оширилган. Чунки аксарият адилларимиз мазкур жанр-

¹ Лейбниц Г.В. Об универсальном синтезе и анализе или об искусстве открытия и суждения// Г.В.Лейбниц. Сочинение в 4-х томах. Т.3. — М., 1984.

ларнинг бадий синтез имкониятларини ҳали чуқур эгаллаганлари-ча йўқ.

Ўрта Осиё ҳалқлари, жумладан, қирғиз адабиётида роман ва қисса жанрларида бадий синтезнинг нодир намуналарини фақат Ч.Айтматовнинг «Оқ кема» қиссаси, «Асрга татигулик кун», «Қиёмат» каби романларида кузатиш мумкин. Ўзбек адибларидан Х.Дўстмуҳаммад ўзининг «Бозор» романидা, Ш.Бўтаев «Шамол ўйини» қиссасида бадий синтез имкониятларидан фойдаландилар.

Ўзбек ҳикоячилигига назар ташланса, XX асрнинг 20-йилларидан тортиб, ҳозирги тараққиёт босқичига қадар бадий синтезнинг ранг-бараг қирралари яратилганлигининг гувоҳи бўламиз. А.Фитрат, А.Қодирий, Ф.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ш.Холмирзаев, Н.Эшонкул, Х.Дўстмуҳаммад каби адиблар асарлари фикримизни тўла тадиқлайди. Демак, ўзбек насрининг ҳикоя жанрида бадий синтез қўллаши имкониятининг борлиги билан бошқа жанрлардан алоҳида ажralиб туради.

Биз ўзбек реалистик ҳикоячилигининг ибтиносидан тортиб ҳозирги тараққиёт босқичигача бўлган даврда мазкур жанрнинг синтезлаш имкониятларини бевосита адибларнинг ғоявий-естетик концепцияларини ривожланиш тамойиллари билан боғлиқликда ўрганишга ҳаракат қилимиз.

Таҳдилларимиз жараёнида ўзбек ҳикояларида бадий синтез қўллашнинг бир неча сабабларини аниқладик, улар қуидагилардан иборат.

1. Ижодкорнинг ўз замондошлиари ва келгуси авлодлар маънавий камолоти учун хизмат қиласиган асар-образ яратиш эктиёжи. Чунки ижодкор истеъоди ва идеали чегара билмайди. Инсоният, келажак авлод олдиаги масъулияти уни бор истеъодини ишга солишга ундейди. Ҳудди шу сабаб бошқа йирик ижодкорлар томонидан ҳам алоҳида қайд этилган¹. Дарҳақиқат, бутун вужуди, истеъоди билан ижодий фаолиятини кучайтиришга интилувчи адаб ёки шоир бутун ижодий фаолияти давомида бадий синтезнинг гўзал намунасини ҳеч бўлмаганда бир марта яратишга эришади. Демак, бадий синтез қилишининг муҳим сабабларидан бири ижодкорнинг китобхон олдиаги, давр олдиаги масъуллиги истеъод талабидир.

2. Ижтимоий муҳит, кишилар қалби ва тафаккури бир хилдаги фикрларга, туйғуларга тўлиб тошиб кетади. Истеъодни адаб ўзи

айтмоқчи бўлган гапини бир хиллик оқимида ифодалашни истамайди, аниқроғи, унинг истеъоди бунга йўл кўймайди. У ўз ғоясини бетакор шакл ва мазмун уйғулигига ифодалашга интилади. Кўп ҳолларда мана шу нарса ижодкорни бадий синтезга олиб келади.

3. Ижодкор айтмоқчи бўлган ғоя қўлами умумбашарий миқёста ёга бўлса, унинг фалсафий талқини учун синтез курай имкониятларга эга. Бунинг ёрқин намунасини ўзбек ҳикоячилиги мисолида кўриш мумкин. Бу нарса давр талаби, кишилар бадий-естетик тафаккурининг ривожи, ижодкорнинг инсоният олдиаги масъулият хиссисининг ортиши билан шартланган.

4. Ижодкор кўп ҳолларда ижтимоий сиёсий тузум билан муҳофизатга бориб қолади. Бу нарса собиқ шўролар даври учун ҳам ҳарактерли эди. Ана шундай пайтларда у ифодаламоқчи бўлган ғоясини ниқоблаш ва ўзини муҳофаза қилиш мақсадида бадий синтезга мурожаат қиласи. Чунки бадий синтез кўп қиррали мураккаб ҳодиса бўлиб, уни турли нуқтаи назардан талқин қилиш мумкин. Бундай фактлар ўзбек ҳикоячилигига анчагина. Биз улардан фақат иккита-сингигина эслатиб ўтамиз.

Биринчиси А.Фитратнинг «Қиёмат» (1923) ҳикояси бўлиб, бу асарни аксарият тадқиқчилар фақат диний қарашлар танқиди остида талқин қилишади. Масалан, Шарқ ҳалқлари адабиёти билан шугулланган Л. Климович «Қиёмат»ни ана шуғай руҳда талқин тагади¹. Ҳолбуки, асарнинг зоҳирий қатламида диний қарашлар ётса ҳам, унинг ботиний мазмунида янги сиёсий тузумга хос тартиботларни ҳажв қилиш етакчилик қиласи.

Иккинчиси А.Қаҳҳорнинг «Башорат» (1936) ҳикоясидир. Ушбу ҳикоя айни қатағон йиллари ёзилган. Ҳикоядаги реал воқслик билан диний қарашлар синтези ҳақида кейинроқ батафсил тўхтalamиз. Бу ўринда фақат шуни айтиш мумкинки, ҳикоядаги ғоя кўкнори Саид Жалолхон тилидан эмас, балки ҳушёр киши тилидан айтилганда эди, А.Қаҳҳор давр сиёсатига, тузумига қарши фикрловчи ижодкор сифатида қораланиши шубҳасиз эди. Буни яхши билган адаб кўкнорилар устидан кулиши ниқоби остида янги тузумга сиёсатга хос нуқсонларни ҳажв остига олади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ижодкор ғояси ва сиёсий тузум ўртасидаги ички зиддиятларни яшириш, асар ғоясини ниқоблаш ҳам бадий синтезнинг юзага келишига сабаб бўлади.

¹ Қаранг: Климович Л. День страшного суда Абдурауфа Фитрата//Л.Климович. Наследство и современность. – М.: Советский писатель, 1971. – С. 124-136.

¹ Қаранг: Пришвин М. Записи о творчестве// Контекст. 1974. Литературно-теоритические исследования. – М.: Наука, 1975. – С. 347.

5. Ижодкор давр, сиёсий тузум ва ҳукмрон мафкура талабларига ҳозир жавоб булиши, уларни қўллаб-куватлаш мақсадида бадиий синтез ҳодисасига мурожаат қилиши мумкин. Октябрь тўнтириши, гражданлар уруши, хотин-қизлар озодлиги учун олиб борилган «Хужум» компанияси, қишлоқ хўжалигини колективлаштириш каби улкан тарихий-сиёсий воқеалар тасвирига бағишланган кўплаб ҳикоялардаги бадиий синтезлар худди шундай характеристерга эга.

Дикъат билан қузатилса, ижодкорларни бадиий синтезга муқаррар суратга олиб келадиган ижтимоий-эстетик сабаблар ўзбек адабиётида жуда кўп. Лекин ўзбек реалистик ҳикояларида биз аниқлаган объектив сабаблар юқоридагилардан иборат. Бу сабаблар эса адабий-бадиий синтезнинг даражаси, сифати ҳамма вақт ижодкорларнинг истеъодд даражаси билан шартланганлигини инкор этмайди.

МУҚИМИЙНИНГ ИККИ ҲАЖВИЯСИ МАТНИ ТАРИХИДАН

Қ. Пардаев, филол.ф.н., доц. (ЎзМУ)

Миллий адабиётимиз тарихида XIX аср охири-XX аср бошлари Кўқон адабий мұхитидан етишиб чиққан ижодкорлар адабий мероси алоҳида ўрин тутади. Бу адабий мұхитнинг забардаст намояндаси Мұхаммад Аминхўжа Мұқимий асарлари ҳар доим мугахассислар марказида бўлган. Маълумки, шоир ижод намуналари юза-диққат марказида бўлган. Таассуфки, уларда Мұқимий асарлари шўро даври мафкураси талабига кура бир томонлама талк-ин қилинган. Натижада Мұқимий адабий мероси ўзининг асосий моҳиятидан узоклаштирилди. Яъни асарлари таҳрирга учради, қис-қартирилди, манбаларда қолиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, шоир адабий меросини янгича мезонлар асосида холис ва ҳаққоний ўрганиш заруратини тақозо этади.

Шўро даври мафкурасига кўра, мұқимийшунос олимлар тадқиқотларида шоир ижодининг қўйилдаги жиҳатлари атаялаб бузуб кўрсатилди. Бирингчидан, шоирнинг диний-тасаввуфий руҳдаги аксарият шеърий асарлари нашр этилмай қолди. Иккинчидан, Мұқимийни бой, савдогар, қозиларга қарши қилиб кўрсатиш тадқиқотлар учун устувор вазифа этиб белгиланди. Учинчидан, Мұқимийнинг «Сарой

адабиёти» ва анъанааларига бўлган муносабати ногури талқин қилиниб, улардан синфий кураш аломатлари изланди.

Шоирнинг турли жанрлардаги «Дариго мулкимиз», «Ҳажви Бектурбой», «Дар мардуми Оқжар батариқи мухаммас», «Дар мазаммати замона», «Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи», «Вексиль», «Дар мазаммати қурбақа» каби кўплаб ҳажвий асарларининг таҳрир қилиниб, қисқаришлар билан нашр этилиши бунинг исботидир. Жумладан, мухаммас жанридаги «Дариго мулкимиз» сарлавҳали шеър Мұқимий асарлар тўпламининг энг сўнгги нашрида¹ 6 банд, аслиятда эса 8 банд. Икки банд атаялаб тушириб қолдирилган. Бундан ташқари, мухаммаснинг деярли барча бандларидаги мисералар таҳрирга учраган. Шундан сўнг жорий нашрларга киритилган. Натижада шоирнинг чор мустамлакачилига бўлган танқидий қараши, умуман, шоир руҳий олами яширилди. Худди бундай ҳолни мухаммаснинг биринчи бандидаги мисраларда кўрамиз:

Жорий нашрларда:

*Дариго мулкимизнинг соҳиби аҳли шарор ўлмиши,
Шариат ҳукми қозилар қўлида пур губор ўлмиши,
Ба жойи амри маъруф, кори мункар ошкор ўлмиши,
Ҳакиму, олиму, соҳиб фасоҳат хору зор ўлмиши,
Бу кунда кимки имонин сотар ул эътибор ўлмиши.*

Аслиятда²:

*Дариго, дини ислом ҳокими аҳли куфор ўлмиши,
Шариат кўзгусиким куфр гардидин губор ўлмиши,
Ба жойи амри маъруф наҳий мункар ошкор ўлмиши,
Сайд, содотлар беҳурмат-у, кўп хору зор ўлмиши,
Бу кунда кимки имонин сотибдор, эътибор ўлмиши.*

Кўринадики, шеър бутунлай тескари таҳрир қилинган. Натижада, шоирнинг танқиди мустамлакачиларга эмас, дин пешволарига, қози-ю бойларга қаратилган бўлиб қолган. Аслида шоирнинг мақсади бундай эмаслиги маълум. Бу мисраларда шоир «Шариат кўзгуси-

¹ Каримов F. Мұқимий. Асарлар тўплами. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б. 356.

² Мадаминов А. Янги баёз. – Т., 1997. – Б. 16. Бу шеър матни А. Турдиалиев хизмати билан нашр этилган «Боғ аро» номли тўпламда тузатилган (– Т.: Akademnashr, 2010. – Б. 243).

ким күфр гардидин губор ўлмиш» – дея сайид, содотлар беҳурмат эканлигидан изтироб чекади. Динимиз, шариатимизнинг мустамла-качилар томонидан поймол этилиши, оқибатда халқнинг тобора ша-риатдан узоқлаша бориши, умуман, миллатнинг шундай аянчли аҳволга, мустамлака гирдобига тушиб қолгани унинг ҳақли эътиrozига сабаб бўлади. Мухаммаснинг иккинчи баңдидаги фикрлар бунданда таъсирироқ;

Шўро давридаги нашрларда:

*Замона аҳлининг бир ҳайли бордур ҳайф инсонлик,
Шул инсофи билан ул айлагай даъво мусулмонлик,
Бирорга ҳийлаю макр айлаюр, афъоли шайтонлик,
Бўлур хурсанд ўз қулғон шишига буйла нодонлик,
Беруб қиз кекса бойга фахрила хешу табор ўлмиш.*

Аслиятда:

*Замона аҳлининг бир фирқасиға ҳайф инсонлик,
Қулурлар, бишмагай «Айҳамд», даъвойи мусулмонлик,
Бирорга ҳийлаю макр айламак афъоли шайтонлик,
Бўлур хурсанд бу шаҳрининг бўлғонига коғиристонлик,
Беруб қиз күфр элиға, баъзилар хешу табор ўлмиш.*

Шоир «Замона аҳлининг бир фирқасиға ҳайф инсонлик» дея та-ассуф қўлади. Жамиятда фисқу-фасод ишларнинг кўпайиб кетишини ғайридин кишилар ва коғирлар аралашувида деб билди. Натижада халқнинг маънавий бузилиши, эътиқодсизлик, ахлоқ-сизлик, хиёнат, ичкиликбозлик авж олди. Мухаммаснинг «Ҳазор афсуским, илм аҳлида бир зарра иззат йўқ» – деб бошланучи баңдидаги мисраларда ҳам замоннинг аянчли аҳволга тушиб, нодон кимсалар ҳурмат ва иззата-ю, илм аҳлининг хору зор бўлиши, уларда заррача ҳам иззат йўқлиги куюнчаклик билан тилга олиниади.

Кўқон адабий муҳити ижодкорларининг «Виктор» туркумидаги ҳажвий асарлари ҳам ўша давр манзаралари тасвирига қаратилган. Муқимий ҳам Завқий, Муҳий, Зорий, Мұҳаййир ва Қорий каби бу мавзуда «Ҳажви Виктор бой», «Ҳажви Виктор», «Воқеаи Виктор» ҳажвий шеърларини ёзгани мугахассисларга маълум¹.

¹ Каримов F. Муқимий. Асарлар тўплами. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б. 360-361-362.

Ф.Каримов «Ҳажви Бектурбой» ҳажвиясининг ёзилиш тарихи, Бектурбойнинг фирибгарликлари ҳақида сўз юритиб, Муҳининг ҳам мазкур туркумдаги шеъри ҳақида баҳсталаб фикрлар билдиради: «Муҳийи сатиралари учун феодал-клерикал адабиётнинг гоявий йўналиши, диний мазмун, панисломистик руҳ хосдир... Темани ишлашда, талқин қилишда Муқимий Муҳийига принципиал зид туради»¹. Изланишларимиз натижаси бундай бирёқлама талқинлар асоссиз эканлигини кўрсатмоқда. Ф.Каримов хизмати билан чоп этилган «Муқимий асарлар тўплами»да «Ҳажви Бектурбой» ҳажвияси 4 банд бўлган ҳолда 2 банди тушириб қолдирилган. Натижада асарнинг асосий гояси сояда қолиб кетган. Аслида эса мазкур ҳажвия «Записки Восточного отделения императорского Русского Археологического общества» тўпламининг 1894 йилдаги IX томида 6 банд ҳолда учрайди. Муқимий асарлари нашрларидан тушириб қолдирилган бандлар қуйидагича:

*Шиква қиласам жоиздир, замоналар на бўлди?
Ботил мазҳаб муравваж, мусулмонлар хор бўлди.
Бектур тутган ишига юрак-бағрим қон бўлди,
Кимки санга пул берди, кўп яхши деб қўй қўйди,
Бир умр ани иши армон экан, Бектурбой.*

*Бўлмас дуо ижсобат бетақвоу бетоат,
Кўрмас жаннат юзини ҳар кимда йўқ диёнат,
Мўмин қуллар қулмайдур амонатга хиёнат,
Арзои эмас бешлат, қиммат эмас беҳикмат,
Ноинсофу бетавфиқ, олгон экан, Бектурбой.*

Шоир «Шиква қиласам жоиздир, замоналар на бўлди?» – дея ўша давр ижтимоий муҳити, ундаги тартиб-қоидалар тўғрисида, жамиятдаги чор ҳукумати ўрнатган адолатсизликлар ҳақида бонг уради. Мусулмонларнинг кофирлар зулмидан хор бўлиши-ю, Бектурнинг фирибгарликлари шоирнинг ҳақли эътиrozига сабаб бўлади.

Хуллас, Муқимийнинг «Дариго мулкимиз» ва «Ҳажви Бектурбой» ҳажвий асарлари матни таҳрир қилиниб, жорий нашрлардан тушириб қолдирилган бандлари янгича мулоҳаза юритиш, муҳим умумлашма хulosалар чиқариш имконини беради.

¹ Каримов F. Муқимий ҳаёти ва ижоди (Монография). – Т., 1970. – Б. 200.

ҚАЙТА НАШР ЭҲТИЁЖИ

Ш. АМОНОВ, филол.ф.н. (ЎзМУ)

Ўзбек адабиёти тарихида ижодий мероси ҳақида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, мақолалар эълон қилинган ижодкорлар сирасига Ҳамзани ҳам қўшиш мумкин. Ҳамза ижодий меросига оид бундай тадқиқотларда уни асосан «шуролар тузумининг куйчиси», «ўзбек совет адабиётининг асосчиси» сифатида нохолис баҳолали, ўша кезлардаги ҳукмрон мағкурага мос келувчи айрим асарларини қайта-қайта чоп этиш ҳоллари кузатилди. Шоир лирикасига оид тадқиқотлар кўпчилик ҳолларда илмий ҳақиқатни аниқлашга эмас, сиёсий манфаатларга бўйсундирилди. Бу эса, ўз навбатида, Ҳамза шеъриятини илк манбалар асосида холис ўрганиш, илмий ҳақиқатни юзага чиқариш заруратини келтириб чиқаради.

Ҳамзанинг бой назмий мероси, шоирнинг миллий шеъриятимиз ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисида узоқ йиллар мобайнида кўплаб диссертациялар, монографик асарлар, рисола ва биографик очерклар, мақолалар тўғлиами ҳамда илмий мақолалар яратилди. Бу тадқиқотларда ҳамзашуносликка доир кўплаб ютуқлар кўлга киритилди. Жумладан, Ҳамзанинг лирик асарлари кўчирилган қўлёзма ва тошибосма манбалар ҳамда архив ҳужжатлари тўпланиб, нашр этилди. Айрим қисқартириш ва «таҳrir»лар билан бўлса-да, шоирнинг диний-маърифий мавзудаги шеърлари «Тўла асарлар тўплами»га киритилди. Бу мавзудаги шеърлари таҳчили этила бошлади. Шоирнинг кенг халқ оммасини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни илм олишга ундовчи шеърлари таҳлилга тортилди. Ҳамзанинг халқ оғзаки ижодига бўлган муносабати, халқ қўшиқларини тўплаш ва тадқиқ этиш борасидаги фаолияти ўрганилди.

Бу ишлар эътиборга молик. Бироқ бу мавзуга оид тадқиқотларда ўша давр мағкураси таъсири яққол сезилади, уларнинг деярли барчасида шоир ижодига, хусусан шеъриятига, шуро мағкураси нуқтai назаридан ёндашилган. Қолаверса, тадқиқотчилар шоир меросини ўрганишга ўз мавзулари юзасидангина мурожаат этган. Ҳамза бой табақанинг, дин ва дин пешволарининг душмани сифатида талқин қилинган.

Мустақиллик даври ҳамзашунослигига янгича қарашлар юзага келди. Жумладан, Л. Қаюмов, О. Шарафиддинов, Б. Қосимов, Қ. Йўлдошев, Р. Тожибоев, О. Жўрабосвларнинг айрим мақолаларида масалага холис ёндашилиб, шоир меросини ўрганишнинг

долзарб муаммолари ўртага ташланди. Бу ҳол, аввало, шоир шахси ва ижоди узоқ вақт нотўғри талқин қилинганидан далолат берса, иккинчидан, Ҳамза Ҳакимзода адабий меросининг асл манбалар асосидаги тадқиқини амалга ошириш ҳамда асарларининг аслиятта мос мукаммал нашрларини тайёрлаш масаласини кун тартибига кўяди.

Бундан ташқари, Ҳамза шеъриятининг адабий манбашунослик ва матншуносликка оид қуйидаги муаммолари ҳануз ўз ечимини тўла топган эмас:

1. Ҳамза асарларининг кўлёзмаларини ўрганиш асосида илмий жамоатчиликка шу пайтгача маълум бўлмаган шеърларини аниқлаш.

2. Шоирнинг «Тўла асарлар тўплами»га кирмаган назмий асарларини илмий муомалага олиб кириш, уларни таҳдил ва тадқиқ этиш.

3. Мафкура талабига кўра қисқартирилиб, «ғоявий таҳrir»дан ўқазилиб чоғ этилган шеърларининг аслиятта мувофиқ матнларини тиклаш.

4. Шоир шеърий асарларининг қиёсий-матний тадқиқи.

Ҳамза Ҳакимзода ижодини тадқиқ этишда, унинг девони қўлёзмалари муҳим аҳамиятга эга. «Девони Ниҳоний»нинг Тошкентда Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 8989 инвентар рақами остида; шунингдек, Гафур Гулом номидаги Кўқон Адабиёт музейи қўлёзмалар бўлимидағи (сақланиш рақами: Р-89) икки қўлёзмаларини қиёсий ўрганиш қимматли илмий хulosаларга олиб келади.

Тошкент нусхаси қаҷон китобат қилингани аниқ бўлмаса-да, шоир архивида сақланаётган хужжатларга таянган ҳолда унга 1914 йилда тартиб берилган, дейилади¹. Қўлёзманинг ким томонидан кўчирилгани маълум эмас. Девондан ўрин олган шеърлар рақамланган ва қалам билан чизилган жадвалга олинган бўлиб, айrim саҳифалар бўш қолдирилган. Бу қўлёзмадаги шеърларни Ҳамзанинг ўзи кўчирган бўлиб, баъзи шеърларини қайта ишлаб девонга киритиб боришни режалаштирган, деган таҳминга асос беради.

Ҳамза «Тўла асарлар тўплами» 1-жилдida девондаги шеърлар ҳақида қуйидагича маълумот келтирилади: «Девон» 177 та шеърдан иборат бўлиб, булардан 150 таси газал, қолганлари мураббаъ, мухам-

¹ Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Биринчи том. – Т.: Фан, 1988. – й. 279.

мас ва мусаддаслардан иборат. Булардан 165 та шеър ўзбек тилида, 10 та шеър форс-тожик тилида, икки шеър эса ўзбек ва рус тилларида ширу шақар йўли билан ёзилган¹. Бу маълумотда айрим ноаниқликлар бор. 177 шеърдан аксарияти – 150 таси фазаллар. Бундан ташқари, девондан 2 та маснавий, 3 та мураббаъ, 17 та мухаммас ва 5 та мусаддас ўрин олган. Бироқ форс-тожик тилидаги шеърлар сони 10 та эмас, 12 та. Булар 11 та фазал ва бир мухаммасдир.

Ҳамза «Девони»нинг Fafur Fuлом номли Кўқон адабиёт музейидаги нусхаси 1979 йилда топилган. Бу қўлёзма Ҳамзанинг яқин дўстларидан бири Бўронбой Тожибоев томонидан кўчирилган. Қўлёзманинг 42-бетигача котибининг ўзи ҳар бир саҳифани рақамлаган. 16-бетдан 77-бетгача қора сиёҳда китобат қилинганд. Бундан кейинги саҳифалар охиригача оч бинафша рангда ёзилган. Тўпламнинг умумий ҳажми 60 варақ бўлиб, охирги ўн етти варақ бўш қолган. Шоир таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан тузилган «Тўла асарлар тўплами»да девоннинг ушбу, яъни Кўқон нусхаси ҳақида ноширлар томонидан куйидаги фикрлар айтилади: «Қўлёзмада Ниҳоний тахаллуси билан келган фазал, мухаммас, мусаддаслардан иборат 100 атрофида шеър мавжуд. Бундан ташқари, қўлёзма охирида Фурқат, Мирзои Хўқандий, Зиёвуддин Маҳзун, Сирожиддин Махдум Шавкат каби шоирларнинг шеърлари ҳам қўшиб кўчирилган. Шу сирада котиб Бўронбой Миртожибой ўғлининг Бўроний тахаллуси билан ёзилган шеърлари ҳам учрайди»². Қўлёзма «Басмала»дан сўнг, «Ё илоҳо, сангадур ҳамду сано, Қодиро, ҳайю тавоно зулаъло», – матлаъси билан бошланиб, 81-бетда муаллифи номаълум бўлган фазал билан ниҳояланган. Тўпламда «Ниҳоний» тахаллуси билан келган фазал, маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддаслардан ташқари, бошқа тахаллуслар билан ва тахаллусиз келган бир неча шеър ҳам бор. Жумладан, шу тўплам котиби бўлмиш Мулло Бўронбой Миртожибой ўғлининг «Бўроний» Мирзои Хўқандийнинг «Мирзо» тахаллуслари билан кўчирилган шеърлари учрайди. Тўпламнинг 74–75-бетларида Завқийнинг «Арзирму» радиофли шеъри, 76-бетда муаллифи қўрсатилмаган «Ман, қўлунг, чун хаста зоринг, ушласам» мисраси билан бошланувчи фазал берилган. Демак, «Тўла асарлар тўплами» ноширлари тилга олган Фурқат, Зиёвуддин Маҳ-

¹ Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлиқ. Биринчи том. – Т.: Фан, 1988. – Б. 279.

² Ўши асар. – Б. 282.

зун, Сирожиддин Маҳдум Шавкат сингари шоирларнинг шеърлари «Девони Ниҳоний»нинг Кўқон нусхасида учрамайди.

Ҳамзанинг ўтган аср 70-йиллари охири – 80-йиллари бошларила нашр қилинган тўрт жилдлик «Муқаммал асарлар тўплами»га, орадан қарийб ўн йил ўтгач чоп этилган беш жилдлик «Тўла асарлар тўплами»га кирган шеърларини аслият билан қиёслаш нағижалари улар моҳиятан кескин фарқланадиган даражада «таҳрир» этилганини, қисқартирилганини кўрсатади. Профессор Б.Қосимовнинг «Янги тафаккур: изланишлар, машаққатлар» мақоласида ҳудди шу хусусда фикр юритилган. Олим дастлаб «Муқаммал асарлар тўплами» сифатида тайёрланган 4 жилдлик академик нашрга муносабат билдириб, жумладан, бундай ёзади: «Миллий ашумалар учун миллий шеърлар мажмуаси»дан «Биринчи бўлим»даги «олти дона» шеър бештага келтирилди. Ноширлар ҳеч бир изоҳсиз «Йиғла, йиғла Туркистон, йиғла Туркистон!» шеърини тушириб қолдирдилар. «Дармон истариз» мусаддас эди мухаммасга айлантирилди... Берилган беш шеърнинг утгасида жами 34 сатр ташлаб кетилди. Бу, томликлардан жой олган битта кичкина – атиги олти шеърлик тўпламча мисолида кўринган камчилик. Ва гап ҳозирча фақат «қисқартириш», шу орқали «қалтис» жойини «силлиқлаш» устида. Хўш, шундай ҳолда уни «Муқаммал асарлар тўплами» деб бўлармикин?!¹

Олимнинг бу фикрига «Девони Ниҳоний»даги ҳамд, наът ва бошқа кўплаб ғазалларнинг тушириб қолдирилгани, барча жанрлардаги шеърлардан бутун бошли байтлар, бандлар қисқартирилгани, аксар сўз ва жумлаларнинг «таҳрир» қилингани фактларини қўйсак, шоирнинг «Муқаммал асарлар тўплами» деб номланган нашри талаб даражасида амалга оширилмагани аён бўлади.

Таъкидланганидек, орадан ўн йилча вақт ўтгач, шоирнинг беш жилдлик «Тўла асарлар тўплами» дунё юзини кўрди. Тўғри, бу нашрда тўрт жилдликдаги кўплаб хатолар тузатилди, айрим қисқарган байт ва бандлар тикланди, «Девони Ниҳоний» ҳам нисбатан тўлароқ чоп этилди. Бироқ бу нашрдаги шеърлар матни ҳам аслиятга мувоғиқ эмас. Мазкур мақолада профессор Б.Қосимов бу нашрга қуйидагича баҳо беради: «Мана, шоир асарларининг 5 томлиги чиқди. Бу – иккинчи академик нашр. Мугасаддилардан бири матбуотда у ҳақда «подир нашр» деб кафолат берди: «...бирор сўзи ёки ҳарфи ўзгарти-

¹ Қосимов Б. Ўзбек адабиёти ва адабий алоқалари тарихи. – Т.: Фан ва технология, 2008. – Б. 224.

рилмасдан, грамматик шакли бузилмасдан айнан берилди». Афсус-ки, бундай эмас».

Олим фикрини қуидаги мисоллар орқали асослайди. «Йиғла, Туркистон!..»ни кўрамиз: «Шундай кечса ҳолимиз, нелар бўлфуси?! деб бошланадиган банд тушиб қолган. «Мозоринда тик ётур ихват ўргаттган» дея ёзади Ҳамза. «Фироринда (?) тик ётур...» ўқийдилар ноширлар. ...»Дармон истариз»да «биз» – «бир»га, «арода рўзимиз» – «ирола сўзимиз»га, «биллоҳ олим» – «бошқа олим»га, «хукми Куръон» – «хатми Куръон»га айланган... Шунчадан кейин ҳам уни сўзи, ҳарфи, ҳатто грамматик шакли ўзгартирилмай «айнан берилди» деб бўладими?!»

Б. Қосимовнинг Ҳамза шеърияти нашрларига доир юқорида келтирган мисоллари шоирнинг бор-йуғи 6 шеърига тегицилдирил. Қўшимча равишда шуни таъкидлаш керакки, тўғламда fazал жанридаги шеърлар тўртлик кўринишига келтирилган ҳоллар, баъзи назмий асарлардан бутун бошли байтлар, бандлар тушириб қолдирилган, хотури ўқилиб, хато табдил қилинган ўринилар ҳам мавжуд. Умуман, лирик меросининг тадқиқи, назмий асарларининг аслият ва нашр нусхаларини қиёсий таҳлил этиш натижалари Ҳамза шеърлари нашр қилиниши жараённида жиддий «гоявий таҳрир»дан ўтганини кўрсатади. Масалан, «Дармон истариз» шеъридаги

*Эй мусулмонлар, келинглар, ҳукми Куръон истариз,
Миллатта шавкат, тараққий, шаъну даврон истариз, –*

байтида «хукми Куръон» бирикмаси ноширлар томонидан «хатми куръон» тарзида таҳрirdан ўtkazilgan. Табиийки, бу иккала жумла бир-биридан кескин фарқ қиласи ва «хукми Куръон» бирикмаси мусулмон давлатчилиги мазмунини ифодалаган. Ҳамза яшаган давр ижтимоий-сиёсий мафкураси шуни тақозо қилигани аён. «Хатми Куръон» бирикмаси эса Куръони каримни хатм қилиш, бошидан охиригача ўқиб чиқиши маъносини билдиради. Кўриниб турибдики, ноширлар атайин «гоявий таҳrir» йўлини тутган.

«Дардига дармон истамас» шеърида ҳам худди шунга яқин ҳолни кузатиш мумкин. «Ё ақоид, ё ҳадис, тафсири Куръон истамас» мисрасида «тафсири Куръон» бирикмаси «гасвири куръон» тарзида ўзгартирилган. Ёки «Яхши ҳолин йўқотган оқибатсиз Туркистон» шеърининг охирги бандидаги

*Ватанга молик бўлди яхуд отлиғ тўнгизлар,
Оёғ остида қолди неча сандек дилсўзлар –*

мисраларида «яҳуд отлиғ» жумласи ўрнига матнга унда бўлмаган «нобакор» сўзи қўшилган. Умуман, мазкур шеърнинг бир қапча ўринларида «яҳудий» сўзи «нобакор» тарзида таҳрир қилинган. «Жонларни жонони Ватан» шеърида ҳам худди шундай ҳолни кузатиш мумкин. Бу шеърда ноширлар томонидан «яҳудларга» сўзи ўрнига матнга унда бўлмаган «ёвузларга» сифати қўшилган. Таъкидлаш жоизки, матнга унда бўлмаган фоянинг қўшилиши муаллиф ижодий меросининг нотўри галқин этилишига сабаб бўлган.

Ҳамзанинг кўплаб шеърларидағи муҳим ижтимоий-сиёсий мазмунни ифодалаган мисралар аксар ҳолларда мафкура талаби билан, баъзан нашрга тайёрловчиларнинг масъулиятни тўла ҳис этмагани боис нашрларга кирмай қолган. Бошқача айтганда, шеърий асар матнида мавжуд гоя ноширлар томонидан қисқартирилган. Жумладан, «Миллий ашуалар учун миллий шеърлар» туркумидаги «Йигла, Туркистон» шеърининг 6-банди шоирнинг шу пайттага нашрдан чиққан бирор китобига, ҳатто энг сўнгги «Тўла асарлар тўплами»га ҳам киритилмаган. Мана, ўша байтда шоир қандай фояни ифодалаган:

*Шундай кечса ҳолимиз нелар бўлгуси,
Борми кулфат бўлгуси, бизға келгуси,
Эшикларда сойишлиқ сўнгра қолгуси,
Таъна тоши бошларни онда ёргуси.*

«Фоявий таҳрир»нинг бундай кўринишлари шоирнинг девони нашрида ҳам мавжуд. Ноширлар Ҳамза «Тўла асарлар тўплами»нинг ишк манбалар асосида қайта тайёрлангани, шеърлар матни билан боғлиқ, камчиликлар бартараф қилингани ҳақида ёзадилар¹. Масалан, деяоннинг Тошкент нусхаси 4⁶-саҳифасида «Дариго, бу замон аҳли бузули, бўлди кўп расво, Туман-турлу касофат ҳам шароратлар бўлиб барпю,» — матлаъли ғазалнинг мақтаъсидан олдинги куйидаги бир байт шоирнинг «Тўла асарлар тўплами» нашридан тушиб қолган:

*Жуҳуду арманийлар мўътабар бўлди ҳалойиқга,
Леғ остида қолди илм эли фарёду вовайло.*

Эҳтимол, Ҳамза ёки бошқа ҳар қандай шоир ўз назмий асарида ифодалаган гоя бу асар ўрганилаётган давр қарашларига мувофиқ

¹ Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Биринчи том. — Т.: Фан, 1988. — Б. 283.

келмаслиги мумкин. Адабиётшунослик ёки матншунослик унга изоҳ бериши, асардаги ғоя тарихнинг қайси даврига оид эканини шарҳлаши мумкиндир. Бироқ асардаги банд, байт, мисра, ҳаттоқи сўз ва жумлани ўзгаришишга ҳеч ким ҳақли эмас. Бундан ташқари, Ҳамзанинг Нисорий Намангоний газалига мураббаъ тарзида ёзилган «Ўйласам, жонона, йўқ оламда монандинг сани» мисраси билан бошланувчи шеъри «Девони Ниҳоний»нинг 466-бетидан ўрин олган. Мураббаъ жами 14 банддан иборат бўлиб, нашр нусхада қисқартиришига учраган. Жумладан, мураббаънинг «Холиқим қудрат қўли бирла юзинг нақш айламиш» ва «Қодиро, баҳтинг очуб, давлатни берсун безавол» мисралари билан бошланувчи олтинчى ҳамда ўп учинчи бандлари шоирнинг «Муқаммал асарлар тўплами»дан тушириб қолдирилган. Таассуфки, «Тўла асарлар тўплами»да ҳам бу камчилик тўлиқ барта-раф этилмаган, яъни қуйидаги олтинчى банд бу нашрдан ҳам тушириб қолдирилган:

*Холиқим қудрат қўли бирла юзинг нақш айламиш,
Ҳар малоҳат ҳусни зеболиқни санга замламиш,
Ойу кун абр ичра қилгай бир-бирини сарзаниш,
Насли одам туғмади оламда монандинг сани.*

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Табиийки, бундай қисқартиришлар матннинг мукаммаллигига, шеърдаги ўзига хос оҳангдорликка пугур етказади, муаллиф даврига хос тил хусусиятлари бузилишига сабаб бўлади. Шу боис бу ҳолнинг сабабларини таҳлил қилиш, хulosалар чиқариш матншуносликнинг долзарб вазифаларидандир.

Юқорида таъкидланганидек, девоннинг Қўқон нусхасидаги бир қатор газаллар бошқа манбаларда, ҳатто шоир асарлари нашрлари-нинг бирортасида ҳам мавжуд эмас. Девон матнини ўрганиш шундан далолат берадики, қўлёзмадаги шеърлар нашр этилиши жараённида улардаги айрим сўзлар, мисралар ва байтлар муайян ўзгаришишларга учраган. Ана шундай саҳиҳ бўлмаган матн асосида олиб борилган тадқиқотлар эса нохолис, баъзан эса бутунлай нотўғри, ноилмий хulosаларга олиб келиши мумкин.

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА АНЬНАВИЙЛИК

C. Маткаримова, филол.ф.и. (УрДУ)

Адабиёт анъана ва янгилик ҳамқадамлигига тинмасдан ўсиб, янгилиги foявий мазмун, образлар, бадиий шакллар хисобига бойиб боради. «Адабий анъана – ўтмиш адабиёти тўплаган ижодий тажрибалар қаймоғи, даврлар ўтиши билан ахамияти ва долзарблигини йўқотмаган, боқий қадриятга айланиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган қисми»¹dir¹. Ўзбек мумтоз адабиётида ҳам ўтмиш адабиёти эришган ютуқлар, тўплаган тажрибаларнинг муайян давр ижодкорлари томонидан долзарб деб топилган, боқий қадрият сифатига баҳолангандан ва ижод жараёнида намуна қилиб олинган қисми, адабий ҳодисалар ворислик йўли билан бир бўғиндан иккинчи бўғинга ўтиб келди ва ўз қимматини кейинги даврлар учун сақлаб қолди. Мумтоз адабиётни анъанавийлик аспектида ўрганишда қуйидаги уч жиҳатта эътиборни қаратиш лозим:

1. Анъана.
2. Янгилик.
3. Маҳорат.

Мумтоз адабиётда анъанавийликнинг икки томонини ажратиш мумкин:

1. Мумтоз адабиёт ўзидан олдинги даврлар адабиётида мавжуд ёнг яхши ютуқларни ўзига сингдирган ҳолда ижодий ёндашиб, янгиликлар билан бойитди: мавзулар доираси, образлар системасини кенгайтирди, янги адабий шаклларни истеъмолга киритди.

2. Мумтоз адабиётда айни бир мавзуда қалам тебратиш ёки анъанавий қолипда иш юритиш натижасида якранглик, фикрий, ҳиссий тургунлик, назмбозлик, қофиябозлик, куруқ тақлидчилик кўринишлари ҳам кузатилди.

Адабиётшунос И. Ҳаққулов таъкидлаганларидек, «Анъанавийлик – Шарқ адабиётининг ўзига хос хусусияти ва ҳаракат йўли. Унда умумий ўхшашлик ва такрор ҳам, янгилик ва кащфиёт ҳам бор»². Мумтоз адабиётда янгилик одатда, лирикада илгаридан қўпчиликка маълум бўлган бадиий тафаккур усулининг, образлар системасининг

¹ Қуровов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. -- Тошкент: Академиашр, 2010. -- Б. 12.

² Ҳаққулов И. Тасаввуб ва Оғаҳий шеърияти//Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. №6. -- Б. 6.

ўзгариши орқали майдонга келди. Поэтик фикрнинг ҳаракатини кўрсатувчи ушбу жонли диалектик жараёнда мумтоз адабиёт илғор адабий анъаналарга сайлаб муносабатда бўлди, ўзигача яратилган барча қимматли, ижобий нарсаларни сақлаб қолиш ва ўзлаштириши асосида тараққиётта тўсиқ бўлаётган, эскирган нарсаларни инкор этди, ундаги яшовчан, замонга ҳамовоз бўлган хусусиятларини қабул қилди. Зоро, «Ворисий тараққиёт сақлаб қолиш ва инкор қилиш, эскини қабул қилиш ёки у билан курашда янгининг эскидан ўсиб чиқишининг диалектик бирлигидир. Сақлашсиз бойиш, тўпланиш; инкорсиз ривожланиш, янгиланиш йўқ. Қарама-қаршиликнинг бу ўзаро биргаликдаги ҳаракатида инкор яшаб қолувчи ҳаётий элементларнинг кейинги ривожига ҳалақит берадиган барча нарсадан ҳалос қилувчи қуроли сифатида майдонга чиқади»¹. Айни пайтда «Ворисийлик тараққиётнинг турли этап ва босқичлари орасидаги алоқа бўлиб, ... моҳиятан тизимнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши каби бутуннинг ўзгариши тузилмасида у ёки бу бутун ёки алоҳида томонларнинг элементлари сақланиб қолишидан таркиб топади. Бугунни ўтмиш ва келажак билан боғлаш орқали ворисийлик бутуннинг мустаҳкамлиги (умрбоқийлиги)ни таъминлайди»². Мумтоз адабиётда анъана надаги эскирган тушунчаларни инкор этиш айни пайтда тараққиётнинг юқори фазасига ўтишини таъминлади, замон садоси, санъат материалини кенгайтириш, бадиий идрокнинг юқори чўққиларини з abort этиш учун курашда олға юриш имконини берди. Кўплаб мумтоз шоирларнинг новаторлиги, анъана бағрида камол тоғпан «тарҳи тоза», «майли беандоза» яратмалари чуқур гоявий мазмун билан ёрқин шаклнинг бирлигини ўзида мужассам эттанилиги, юксак маҳоратни соддалик билан уйғунлаштира олганлиги туфайли ҳалқнинг эстетик завқига тўла жавоб берди ва эътироф у эътиборга сазовор бўлди. Мумтоз шоирлар адабиётда гоявий бадиий жиҳатдан янгилик яратиш жараёнида мазмун ва шаклни янги имкониятлар ҳисобига бойитдилар. Бу поэтик фикр, тасвирий восигалардаги оҳорийликда намоён бўлди.

Мумтоз адабиётда адабий анъаналарнинг ривожлантирилиши на-тижасида юзага келган янгилик ўлмас умумбашарий гояларнинг бадиий либоси, ҳалқимизга шодлик ва илҳом манбаи бўлиб хизмат

¹ Буцилин А. Преемственность в развитии литературы. — Ленинград: Художественная литература, 1978. — С. 33.

² Баллер Э.А. Преемственность в развитии культуры. — Москва, 1969. — С. 15-16.

қиласынан идеалларнинг яшаш усули, ифодаланиш тарзи, мазмуннинг тащкил қилиниши, структураси тарзидан намоён бўлди. Шаклбозликтан иборат сохта, маънидан йироқ асарлар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмагани ҳолда, чинакам бадий кашфиётлар ўзгартувчилик ролини Ўнади. Хоразмий «Муҳаббатнома»си, Лутфий ғазаллари, Навоий ижоди, Бобур рубойлари, Оғаҳий лирикаси, Табиий, Муқимий асарлари бунинг ёрқин далилидир.

Таъкидлаш лозимки, мумтоз адабиётда анаъанавийлик натижаси ўлароқ умумий ўхшашлик ва такрорнинг юзага келиши ҳам кузатилади. Бу баъзан айни бир мавзуда қалам тебратишдан туғилган якранглик, фикрий, ҳиссий турғунлик шаклида кўринса, баъзан анъанавий қолипда иш юритишидан юзага келган назмбозлик, қофиябозлик, қуруқ тақлидчилик кўринишларида намоён бўлади. Пировард натижада қалб эврилишларини юзага келтирувчи таъсир ва ахлоқий янгиланишга хизмат қиласиган куч-қувватдан маҳрум, ҳалқ завқи, манфаати ва ҳақиқат руҳидан йироқ бир адабиёт оқими наайдо бўлган¹. Бинобарин, адабий анъаналарни давом эттириш жараснида замонавийликни тўла ҳис қилиш, ўз замондошлири билан ҳамнафас бўлиб яшаш натижасида мавжуд анъаналарга сифат ўзгариши киритиш мумкин. Анъанада янгилик куртаклари бўлганидек, бадий янгилик намуналари анъана заминида ўсиб, камол тонали. Мавжуд анаъаналар қобигини ёриб чиқиб, ўз сўзи, ўз қаламига эга бўлган, ўз услубини яратадиган ижодкорларнинг асарларигина том маънодаги бадий яратмалар сифатида тан олинган ва ўз навбатида кейинги даврлар учун анъана даражасига кўтарила оладиган янгиликлар берган. Тақлидчиликдан нарига ўтолмаган шаклбозлик намуналари эса ҳеч қандай адабий қимматга эга бўлмаган. Ҳусусан, XIX асрда яратилган айрим асарлар бунга мисол бўла олади. Мазкур давр шоирлари асосан анъаналар доирасида ижод қилишиди. Шу билан бирга, анъаналарга ижодий ёндашув, уларни мазмунан бойитишга, шаклни такомиллаштиришга ҳаракат ортди. Аммо бу давр рус шарқшуноси А.Н. Самойлович таъбири билан шйтганда, «Ўрта Осиё адабиётининг узоқ ва мутлақо якранг асрини кечираётган қиёфасига» туб ўзгартиришлар кирита олмади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз берган ўзгаришлар адабиётда, ҳусусан, шеъриягда ҳар томонлама кенг ифодаланмади, янги жаңрлар юзага келмади. «...мумтоз адабиёт воқеликдан анча ортда қолгани, бадий

¹ Ҳаққулов И. Тасаввуф ва Оғаҳий шеърияти/Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. №6. – Б. 7.

ижоддати анъанавийлик йўли ҳаёт йўллари билан деярли кесишмаганлигини ҳам таъкидлаш жоиз»¹.

Хулоса қилиб айтганда, мумтоз адабиётда анъанавийликнинг ўрни эскилик заминида янгиликнинг яралиши, қадимий адабиёт негизида мумтоз адабиётнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминлаганилиги билан белгиланади. Зоро, ҳар қандай янгилик мавжуд эскиликнинг сифат ва микдор жиҳатдан ўзгариши натижасидир. Мумтоз адабиёт ҳам унгача яратилган адабий яратмалардан шакл, мазмун жиҳатдан ўз даври талабларига жавоб бера оладиган унсурларни қабул қилгани ҳолда, маънавий-руҳий эҳтиёжларга мос бўлмаган элементларни истифода доирасига олиб кирмади, унинг ўрнини янгича услуб, ифода ва шакллар билан тўлдириди. Мумтоз адабиётда кўпгина асарлар анъана, янгилик ва маҳоратнинг ҳосиласи сифатида майдонга келган бўлса, айрим ижод намуналари тақлидчиликдан нари ўтолмади.

Ўзбек мумтоз адабиётида анъанавийликнинг ижодий характери шундаки, анъанавийлик бағрида кишилик жамиятининг илк давларидан бери яратилиб келаётган, ижодкор қалби, давр руҳи ва халқнинг маънавий эҳтиёжи призмасидан ўтган адабий ҳодисалар мумтоз сўз санъаткорларининг «тарҳи тоза» яратмаларида янгича кўриниш касб этди, ўзининг иккинчи умрини яшаш имконига эга бўлди.

ХОЛИСЛИК НАМУНАСИ

Б.Б. Раҳимова, (УрДУ)

Академик адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳозиргacha XX аср ўзбек адабиёти намояндалари орасида 20 жилдлик асарлари чоп этилган ягона ижодкордир. Кўламдор ва ноёб бу ижодий меросда муаллифнинг шоир, адиб, олим, таржимон, публицист сифатида яратган турли жанр ва мавзулардаги асарлари жамланган. «Мукаммал асарлар» тўпламининг 13–14-жилдлари Ойбекнинг илмий тадқиқотлар, адабий-танқидий мақола ва адабий тақризларидан иборат бўлиб, уларда ижодкорнинг ўзбек адабиёти тарихи, назарияси, жорий адабий жараён муаммоларининг зукко билимдони экани намо-

¹ Ҳаққуи И. Навоий шеъриятида сўз ва маъно//Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. № 4. – Б. 5.

си бўлади. Бу жиҳатдан олимнинг ўзбек мумтоз адабиёти (Х–XIX асрлар) масалалари хусусидаги қарашлари, айниқса, ибратли бўлиб, ўғмиш меросига холислик асосида ёндашув намунасиdir. Мумтоз миљий адабиётимизга оид тадқиқотлар силсиласида муаллифнинг Алишер Навоий ва Хоразм адабий муҳити намояндалари ижоди ҳақидаги изланишлар салмоқли ўрин тутади.

Олим «Ўзининг ўлмас асарлари билан ўзбек адабиётини муazzам чўққига кўтарган ва дунё адабиёти хазинасини бойитган улуг шоир ва мугафаккир Навоий» ижодини унгача давом этган адабий жараённинг ҳосилиси сифатида таърифлаб ёзди: «Ўзбек адабиётининг ниҳоллари Навоийдан бир неча аср бурун ўсиб чиқиб, аста камол топиб, XV асрда Навоий ижодиётидаги қурратли даражатга айланди». Ана шу ниҳолларнинг бир қисми Хоразм адабий муҳитида етишган ёдик, Ойбек бунга алоҳида эътибор қаратди.

Ойбекнинг Хоразмдаги адабиёт ва унииг намояндалари ижоди билан қизиқиши 30-йиллардан бошланиб, умрининг охиригача давом этади. Зоро, зукко олимга хос адабий меросни қадрлаш, уни холис баҳолашга, туб моҳиятини аниқлашга интилиш ва чуқур илмий нигоҳ хоразмлик ижодкорларга муносабатида ҳам асосий мезон бўлди. Ойбекнинг бу соҳага бевосита алоқадор қарашларини икки туругча ажратиш мумкин:

1) Хоразм адабий муҳитида етишиб, ўзбек адабиёти ривожида сезиларли из қолдирган Носируддин Рабгузий, Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Мухаммад Солиҳ, Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Оғаҳий, Феруз, Комил, Аваз Ўтар каби ижодкорлар ҳақидаги фикрлар;

2) Хоразмдаги адабиёт тарихи ҳақида яратилган илмий асарларга муносабатини ифодаловчи тақризлари.

Ойбек юқорида номлари зикр этилган адиларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида кўламдор тадқиқотлар яратмаган бўлса ҳам уларнинг ўзига хос асосий хусусиятини ижоднинг қиммати ва бадиий салоҳиятини ҳаққоний ва аниқ белгилай олган. Бунга муаллиф мукаммал асарлари тўпламиининг 13-жилдидаги «Адабиётдан текширишлар», «Антологияга тайёргарлик» ва бошқа мақолалардаги фикрлар да лил бўла олади. Табиийки, Ойбекнинг адабий мерос ҳақидаги тадқиқотларида шўро мағкураси ҳокимлиги даврига хос илмий қарашларнинг муайян излари мавжуд. Лекин олим илмий тафаккури моҳиятини булар эмас, балки мумтоз қадриятга холис ёндашиш, ундаги умумбашарий ва юксак foяларни хис қила олиш белгилайди.

Жумладан, олим узоқ вақт диний-фантастик асар сифатида бир гомонлама баҳоланиб келингган Рабгузийнинг «Қиссадул анбиё» аса-

рини ўзбек насришинг дастлабки намуналаридан бири дея таърифлар экан, унинг икки жиҳатига алоҳида урғу беради: биринчиси, асарга афсоналар билан бирга «бутунлай ҳаётий, бадиий содда, самимий лиризм билан тұла шеърий парчалар киритилган» бўлса, иккинчиси, бу шеъриятнинг «эрон поэзиясидан илҳомланмаган, балки халқ лирикаси заминида ғуллаган бутунлай оригинал поэзия» эканлигидир. Шунингдек, Ойбекнинг бу асар ўзбек тилининг шаклланиш ва тараққиёт тарихини ўрганиш учун муҳим обида экани ҳақида далил фикрлари ҳам диққатга сазовор.

Ойбекнинг Хоразмийнинг «Мұхаббатнома» асари устида кузатишлари, айниқса, мароқли бўлиб, уларда асарнинг бошқалардан фарқли жиҳатлари таъкидланади. Олимнинг фикрича, «Мұхаббатнома» Урта Осиёда мұғуллар истилоси даврида яратилган асарлар орасида ўзбек адабиёти учун формал ва рух жиҳатидан янги деб қабул қилиниши мүмкин (274-бет). Табиийки, бу ўринда ойбекона нигоҳ тополган янгилик асарнинг шакл (формал) ва мазмун (рух) нүқтәи назардан илк марта нома жанрида, маснавий усулида, асосан ўзбек тилида яратилиши ҳамда инсоний мұхаббат ва садоқатнинг улуғланиши ва болшқаларда акс эттан. Шунингдек, Ойбек биринчилардан бўлиб бу асар таъсирида шоир Сайд Аҳмад «Таашшуқнома» достонини ҳам қайд этади.

Ойбекнинг Хоразм адабий мұхитига оид қарашларида XIX аср охири ва XX аср бошидаги адабилар ижоди етакчи ўрин эгаллайди. Назаримизда, бу ҳолни куйидаги омиллар билан изоҳлаш мүмкин. Биринчиси – бу даврда маърифатпарвар шоҳ Феруз (Мұхаммад Рахим II) ҳомийлигига адабиёт ва санъат янада ривож топған эди. Иккинчиси – бу қызғин адабий мұхит олим яхши билған XV асрдаги Хусайн Бойқаро ва Навоий номи билан боғлиқ адабий жараёнга қатор жиҳатлари билан үшаші ёхуд яқин бўлиб, Ойбекни бефарқ қолдира олмас эди. Бинобарин, Навоий тимсолида XV аср, Оғаҳий тимсолида XIX аср ўзбек адабий марказларининг етакчи сиймолари гаңдаланаар экан, бундай ижодий ворислик олим изланишларига рағбат бериши табиийдир. Бу ўринда Ойбекка хос яна бир зукколик күзга ташланади. Чунончы, у XIX аср Хоразм адабий мұхитидаги юқсакликнинг шаклланишини аввало Мунис номи билан боғлаб, Оғаҳийни бу ҳаракатнинг изчил давомчиси сифатида таърифлайди. Бу фикр тұғрилигини кейинги даврдаги күламдор тадқиқотчилар исботлади. Ойбек Мунис ҳаёти ҳақида мұхтасар тұхталиб, асосий диққатни унинг күп қирралы ижодининг адабий ҳаётидаги ўрнига қаратди. Уни шоир, мусиқашунос, хаттот, тарихчи олим ва Навоий

анъаналарининг давомчиси сифатида эътироф этиб, «Мунис ўз замонига қўра энциклопедик маълумотли, ажойиб қобилиятларга эса жуда ёрқин бир шахсиятдир» деган хulosага келади (286-бет). Ойбекнинг 30-йиллардаёқ Огаҳий ижодига юксак баҳо бериб, уни катта девон яратган, «бағоят ишчан шоир» ва кўплаб асарларни араб ва форс тилларидан ўзбек тилига ўтирган моҳир таржимон сифатидаги ўтирофлари огаҳийшуносликда ўз исботини топди.

Маълумки, шоҳ ва шоир Феруз (1844-1910) ҳақида турли фикрлар мавжуд бўлиб, 80-90 йилларгача у, асосан, қораланиб келинди. Ойбек эса, бу тарихий шахсни баҳолашга холис ёндашиб, маърифатпарварлик, санъатсеварлик ва ижодкорлик унинг асосий фазилатлари эканини таъкидлайди, лекин бутунлай идеаллаштирмайди. Чунончи, у мустамлака шароитида фақат «халқ учун бўлмаса-да, ўз саройи учун маданият тузи беришга мажбур бўлганини» қайд этади. Бу эса, Ойбек фикрича, «ўзини адабиёт ва санъат ҳомийси каби шуҳратлантиришга тиришган» Ферузнинг маънавиятта раҳнамолиги ижобий ҳодисадир.

Феруз даври адабий ҳаракатчилигида Ойбек диққатини янада кўпроқ тортган ижодкорлар – Комил ва Аваз Ўтар эди. Айниқса, Комилнинг синткretик (қоришиқ) санъат соҳиби эканига алоҳида ўтибор бериб, уни Мунис каби ажойиб қобилиятларга эга, «ёлғиз ингичка ишқий шоиргина эмас, гўзал хаттот, рассом ва композитор эди» дея таърифлайди ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги тадбиркорлиги ва фаолиятига ҳам юксак баҳо беради.

Ойбекка хос илмий теранлик Аваз Ўтар ижоди ҳақидаги қарашларида янада ёрқин акс этган. Бу ижодкор гоҳ анъана шоири, гоҳ революционер, гоҳ демократ сифатида талқин қилиб келинар эди. Ойбекнинг хизмати шундаки, у Аваз Ўтар ижодининг моҳиятини тўғри белгилади ва чинакам маърифатпарварлик фоялари устивор эканини исботлади. Шунинг учун ҳам олим «ијлмларнинг аҳамиятини англашда, халқни оқартириш ва ҳаётини аста-секин янгилаш кераклигини тушунтиришида илгари силжиган Аваз Ўтарни эпikuрик кайфиятли шоир, эскилиknинг ўғири танқидчиси, илм ва маорифнинг оташин агитатори» дея қандарлайди (288-бет). Шунингдек, қатор тадқиқотларда қўп такрорланганидек, Аваз айрим шеърларида фақат рус тилини эмас, балки кўплаб халқлар тилларини ўрганишга даъват этганини Ойбек 30-йиллардаёқ англаган эди.

Ойбекнинг Хоразмдаги адабий меросга даҳлдор фикрларининг бир қисми такризларида акс этган. Бу жиҳатдан олимнинг адаби-

ётшунос Юнус Юсуповнинг (1907-1983) «Адабий меросимиз тарихига доир» сарлавҳали асари ҳақидаги тақриз ибратлидир. Олимнинг 1964 йилда ёзган тақризидаги эътирофича, қўлёзма машина када минг саҳифадан иборат бўлиб, унга ёқиб қолган, шу сабабли уни мукаммал ўқиб чиққан. У Ю.Юсуповни «Классик адабиётни яхши биладиган, тарихни чукур ўргангандар адабиётшунос» деб, унинг асарини керакли деб топади, ва дастлаб қўлёзманинг адабий қиммати, бирламчи манбаларга асослангани, фактик материалларга бойлиги, унда ўн тўрт шоир ижоди батафсил ёритилгани ва бошقا фазилатлари ҳақида фикр юритиб, шундай холосага келади: «асарнинг қиммати жуда катта, ундаги бой материаллар ёш олимларнинг учун катта манбадир. Асарнинг албатта нашр этилишини тавсия қиласман» (407-бет).

Тақризда Ойбек қўлёзмани нихоятда синчковлик билан ўқигани ҳамда унинг айрим қусурларини қайд этиб, қимматли маслаҳатлар бергани акс этган. Жумладан, айрим бобларни қисқартириш, киришни қунт билан таҳrir этиш, қатор жумлаларни силлиқлаш, тақрорлардан тозалаш зарурлигини таъкидлайди ва билимдон муҳаррирга топширишни тавсия этади. Шундай муҳаррир проф.-Н.Маллаев бўлди. Қўлёзма Ойбек танқидий фикрлари ва тавсияси асосида 1967-йилда Тошкентда «Хоразм шоирлари» ва 1983-йилда эса «Ўт чақнаган сатрлар» сарлавҳали китоблари чоп этилди. Ойбек домла маслаҳатлари билан қайта сайқалланган ушбу асарларида ижодлари озчиликка маълум ёхуд умуман ўрганилмаган қағор шоирлар ҳақидаги маълумотлар жамоатчиликка илк бор тақдим этилади.

Умуман, Ойбекнинг Хоразм адабий муҳити вакиллари ижоди ҳақидаги теран фикрлари кейинги тадқиқотларга рафбат бағишлади ва изланишларнинг янада кенгайиши ва кучайишига тутрки бўлди.

ДИДАКТИК АДАБИЁТНИНГ НАМУНАЛАРИ

C. Казакбаев, филол.ф.и., КИХИ (НукусДПИ)

Дидактик адабиёт (юнонча didacticos-ибратли) китобхоннинг осон эслаб қолишини назарда тутиб, аҳлоқий ва илмий қоидаларни, педагогик фикр ва насиҳатларни адабий шаклда баён этган бадий асарлар мажмуи. Қадимги Шарқ дидактик адабиётининг намуналаридан

бўлган «Калила ва Димна» ва «Қобуснома» сингари асарлар бутун жаҳонга тарқалган.

Умуман, бевосита таълим-тарбивий масалаларга бартиланган барча бадиий асарлар дидактик адабиёт намуналари ҳисобланади. Чунки лилактик адабиётнинг ўзига хос, бошқа хил асарлардан ажратиб турадиган маҳсус бадиий шакли йўқ.

Ўрта Осиёning қадимгя аҳолисининг айрим оғзаки адабиёт ёдгорниклари тарихий китоблари, илмий асарлар ва бошқа манбалар орқали бизга қадар сақланиб қолган.

Масалан, XI асрнинг буюк тиљшунос олими Маҳмуд Кошгариининг «Девону луғотит турк» асари орқали қадимги туркий қабила ва млатларнинг қўшиқ ва лирик шеърларидан, мақол ва маталларидан намуналар, достонларидан парчалар етиб келган. Шоирнинг «Туркий сўзлар тўплами» асаридан:

*Дастлааб ота-онангни,
Қадрла сен сўзларин
Қуттириниб мақтана
Мол-мулкли бўлган пайтлари...¹*

деб шоир ёшларга мурожаат қилиб, уларни яхши хулқ-атворли, ота-онага нисбатан доимо иззат-эҳтиромда бўлишга чақиради.

Худди шундай тасвир XI асрда яшаган Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» достони ҳам ахлоқ ва одобга доир кўп қимматли панду насиҳатларни ўз ичига олади. Масалан:

*Ота пандига сен тугал қил амал,
Юрарсан бўлиб баҳтиёр ҳар маҳал.
Отангни, онангни севинтирир тамом,
Бу хизмат етургай тилакка тугал².*

«Кутадгу билиг» халқ оғзаки ижодининг самарали таъсирида вужудга келган достонлир. Икки асарда ҳам болалар тарбиясига оид масалалар акс этган.

Асарда оила ва бола тарбиясининг мураккаб эканлиги таъкидланаб, болани ёшлиқ чоғидан бошлаб яхши хулқли, одобли қилиб гарбиялап зарурлиги айтилади.

¹ К.Мәмбетов. Ерте дәүирдеги қарақалпақ әдебияты. – Нөкис, 1992. – Б. 96.

² Ўша асар. – Б. 96.

Юсуф Хос Ҳожибининг бу асари билан ўз даврининг илгор ахло-
кий-тарбиявий қарашларини илгари сурган атоқди маърифат ҳомийси
ва мураббийиси сифатида гавдаланади.

IX–XII асрларда жаҳон илм фани тараққиёти катта роль ўйна-
ган. Ўрга Осиё маданияти кўплаб алломаларни етиштирди, улар
дунё фани ривожига баракали ҳисса қўшдилар. XIV аср ўрталари-
дан XVII асргача бўлган давр ўзбек адабиёти тараққиётининг янги
ва жуда сермаҳсул бир босқичи бўлди. Бу даврда талай машхур
ижодкорлар қаторида улуғ мутафаккир-санъаткор Алишер Навоий
етишиди.

Ўзбек халқининг улуғ маърифатпарвари, мутафаккири ва буюк
шоири Алишер Навоий ёшларни тарбиялаш ишига алоҳида эътибор
берди. У болаларни илм-хунарни, меҳнатни севишга унлаб, ўрганил-
ган илм ва хунарни халқ, Ватан манфаатлари йўлида сарф қилиш
зарурлигини уқтириди. Шоирнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарининг бир
неча боблари одоб-ахлоқ ва таълим-тарбия масаласига бағишланган.
Навоий бу достонда одоб ва камтарликни улуғлаб, таълим-тарбияга
доир қимматли фикр-мулоҳазаларни баён қилиши билан бирга, та-
каббур ва одобсиз кишиларни қаттиқ қоралайди.

Шоир бола тарбияси, уни ўстириш, ўқитиш ва балогатта етка-
зиш тўғрисида ҳамда бу борада ота-оналарнинг вазифалари ҳақида
багафсил фикр юритади.

Масалан:

«Боини фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.
Тун-кунингни айлагали нурпош
Бирисин ой англа, бирисин қуёши!»¹.

деб шоир ёшларни ота-онанинг хизматини бажаришга, уларни
хурмат қилишга, уларга нисбатан ҳамиша меҳр-муҳаббатли бўлишга
чақиради, ота-онани ой ва қуёш деб таърифлайди.

Навоий асарлари сўз санъаткорларини, маърифатпарварларнинг
мутафаккир бўлиб етишувда етарли асос бўлиб хизмат қилган. XIX
асрда яшаган қорақалпоқ адабиётининг буюк шоири Бердақ Farға-
бай ўғлининг асарларида ҳам одоб-ахлоқ, рост ва тўғри, қисқа ва
мазмунли гапиришни мақтаб, маҳмадоналик ва лакъмаликни, хусу-
сан, ўринсиз ва ёлғон сўзлашни қаттиқ қоралайди.

Масалан, «Болам» шеърида:

¹ Жұмабаев М. Болалар адабиёти ва фольклор. – Тошкент, 2006. – Б. 73.

To ўлгунча тұғри сүйла,
Отанғни, онанғни ўйла,
Яхшига яхшилик айла,
Бу одамзод нақши болам¹.

Юқоридаги шеърларда берилған мағлумотлардан шундай холосалар чиқады, шубҳасиз. Бу туркүмларда Маҳмуд Кошгари, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Бердақларнинг шеърларининг ұзаро боғлиқ анъаналарининг излари аниқ күзға ташланиб туради.

Бола тарбиясига бир нұқтаи назардан қараган ва ҳар бир ишни ўйлаб, ақл-фаросат билан қилишни маслағат беради. Болалар адабиеттілдеги замонавийлік тарихийлікни инкор этмайды. Болалар адеби ҳақиқимиз ва Ватанимиз ұтмиши ҳақида ҳикоя қыла туриб, бугуннинг ҳақиқатини тасдиқлайды, шу фазилати билан замонавийлік тарихийлік замирида воқе бұлади. У болаларнинг қобилиягини наарда туғиб, ұтмишни ҳам кенг ва аниқ күрсатади, ифода этади.

Шайх Мұслихиддин Саъдий Шеърозий үзининг «Гулистан» ва «Бұстон» номлы панднома асарыда ота-онанинг болага мұносабати муаммосига ота-онанинг оиласа хүшмұомала бўлишига, шунингдек, фиарзандларнинг келажаги учун ғамхұрлик қилишлари, болани ҳаддан зиёд эркалатмаслик лозимлігини уқтиради.

У оиласа ота-оналарнинг болани эркалатишининг оқибати нималарга олиб келиши ҳақида шундай ёзади:

«Ота-онаси эркалатса нұқул
Жуда күп қийинчилікни күргай үгил
Ақл үргат-у, тұғришік, поклик,
Севіб эркалатма, қил идроклик»².

Адіб ота-она мұносабатида мұхим ақамиятта әга бұлған болаппинг шахсий ва ижтимоий норасолиги ва үзининг реал ёшига нисбатан кичик деб эркалатишига, ҳаддан зиёд ғамхұрликка, ачиниш, ҳаёттинг қийинчиліктеридан чегаралаш ва қатый назорат қилиш каби мұносабатларга танқидий қарайди. Чunksи бундай мұносабат болаппинг қизишлари, ҳаваслари, ўй-хаёли, туйғуларида бузилишга ва муваффақиятсиз муаммоларға дуч келишига сабаб бўлади.

Ота-оналар болаларига боладек эмас, балки үз мажбуриятларига ога, үз фаолияти натижасига күра ҳурматта сазовор бўлған шахс сифатида мұносабатда бўлишлари зарурлиги ҳақида фикр юритади.

¹ Бердах тантамалы шығармалар. — Некис, 1987. — Б. 10.

² Шайх Саъдий. Гулистан. — Тошкент. — Б. 247.

Мазкур қарашларда ота-оналарнинг масъулияти, уларнинг ваколатлилиги, муомала усули, ота-она функцияларининг бола шахсининг тұлақонли шаклланишига таъсири акс эттирилган. Катта ва кичикларга хурмат ҳалоллик, поклик, садоқат, камтарлык, фидойилек каби турли-туманғоявий йұналишлар ўзининг бадиий ифодасини топған. Юқорида келтирилған шеърлар жанр, мавзу,ғоявий йұналиши жиҳатидан дидактик поэзия. Дидактик поэзия илмий ва ахлоқий қоидаларни, педагогик фикр ва насиҳатларни фақат шеърий тарзда баён этувчи асарлар бұлғып ҳисобланади.

Дидактик адабиёт ўзининг таълимий-ахлоқий мазмунидан ташқари, үз даври учун катта бадиий адабиёт ҳам касб этади.

«ХАТИНГ АНДОҚ САБЗАКИМ...»

Г. Болтаева, филол.ф.н. (НДПИ)

Мұмтоз адабиётда сұзни гавҳарға қиёслаш аńъанага айланған. Алишер Навоий наздіда ҳам сұз-гавҳар, гавҳар тұла хазинадан ҳам устунроқ. Шоир таъбирича, неча-неча хазиналар тақдирини биргина сұз ҳал этиши мүмкін. Шу бир сұз давлатлар үргасида дүстлик сұлқи тузыб ёхуд уруш оловини ёқиб, мамлакатни вайрон, халқни сарсон қилиши мүмкін. Алишер Навоий «Тилга ихтиёрсиз-елга эъти-борсиз», — дегандა ҳам масаланинг ана ўша нозик жиҳатини ҳисебін олған.

«Хайрат ул-аброр» достонининг сұз таърифига бағишлиланған мақолатида ҳам жаҳон-баҳри кабир, сұз-униң тубида макон тутған дурдона сифатида улугланади. Бир дона дурни құлға киритиш не-чөгли маشاққат бұлғани каби сұзни үз ўрнида ва керакли сониядә құллай олиш ҳам санъатдир. Кейинги мисраларда маъно ришталары бадиий сұз томон силжиб, назмда сұзни құллай олмаган истеъдодсін кишиларни ниҳоятда гүзәл қилиб ясантирилған келинчакнинг ипак кийимларини талон-тарож этиб, уни йиғлагудек ахволға солиб, устига қора шол ёпиб, тағин уни шеър деб аташдан уялмаганликларыни бетакрор ташбәхлар орқали тасвирлайды. Дурлар унга тизилса гүзәллик баҳш этади. Шеърдаги сұзлар ҳам ўрнида құлланиб қофияю важ талабларига жавоб берсагина, назм дурлари сифатида қадрланаған, шоир номи эса мангуликка дахлдор бўлади.

Сұз құллаш борасида шоир маҳораги ҳадсиз сеҳрли оламдир. Алишер Навоий қайси бир мавзуга құл урмасин, уни ёритишда маҳорат

күрсатади, қайси бир қаҳрамонни гавдалангиришга азм қиласин, ути китобхон наздида бутун дунёси билан равшанлантириб беради. Алишер Навоий жамиятдаги зиддиятларни тасвирлашда кўпроқ табиат оламига мурожаат қилган. Шоир тасвирларида ранг-баранглик кишини ҳайратга солади, табиат тасвири инсонни чексиз туйғулар оламига етаклайди. Масалан, Баҳор бутун борлиққа турли-туман либослар кийдиради, дала-ю боғлар күшларнинг нағмасоз оҳангларига тўлади, қуёш кулиб, заррин нурлар сочади. Дашту биёбонлар турфа рангларга чулғанади. Нафақат табиатда, балки инсон зоҳир ва ботинида ҳам янгиланиш, мавжланиш, паришонлик, мафтунлик, шайдолик каби ҳолатлар кузатилади:

*Бодаю ишқу шабоб айёмию, фасли баҳор,
Панд нетсунким эрур ошуфталикларнинг чоги¹.*

Табиатдаги ҳодисаларнинг барчасидан Алишер Навоий ошиқнинг илдиятли руҳий кечинмаларини очиб берипцида маҳорат билан фойдаланган. Ошиқнинг руҳий ва жисмоний ҳолати фасллар, улардаги табиий ҳодисалар билан уйғун тарзда ўзгариб боради. Масалан, Баҳор айёмида ер юзини кўзларни қувонтирувчи қип-қизил лолалар қоплайди. Ошиқ наздида заминни яшнатган лолазор Баҳор шарофатдан эмас, балки маъшуқа юзи ҳажрида ошиқ кўзларидан тўкилган қон ёшлиридан вужудга келган:

*Ер юзин тутқан баҳор айёми эрмас лолазор
Ким, юзинг ҳижронидин гирён кўзим қон йиғламиши².*

Ёки Баҳор фаслининг ажойиботлари – гулу гунча, ям-яшил майсало сабзалар маъшуқанинг ғунчамонанд кичкина оғзию, устки лабига тироват бахши этган майнин тукчалар ила гўзалдир. Маъшуқа Баҳордин эмас, гўё Баҳор маъшуқадан нусха олган, унинг гўзалликларига қўмлади:

*Ғунчаю хандон била ҳуснунг гули хуррам баҳор
Ҳаттинг андоқ сабзаким, бўлғай анга ҳамдам баҳор³.*

Алишер Навоий шеъриятида ошиқ доимо Ҳақ, васлинни изловчи толиб, маъшуқа ҳажрида беҳисоб дардкаш қиёфасида намоён бўлали. Ҳазратнинг ўзлари «ишқ аҳлининг эрур ранги сариф» деб тарь-

¹ Навоий. МАТ. 4-том. – Т.: Фан, 1989. – Б. 422.

² Навоий. МАТ. 4-том. – Т.: Фан, 1989. – Б. 182.

³ Уша асар. – Б. 140.

кидлаганларидек, бу йүлдө ошиқнинг ахволи таңг, дилида ҳажр ва алам, оҳи жаҳонга тушган ўт, кўз ёшлари кўклам ёмғири, ранги эса «хазонлиг бўстон» кабидир. Маъшуқа – унинг акси. У ўзининг гулу гулгун чехраси, завқу шавққа тўла шўхликларини ҳариф тутиш ила ошиқ қалбини тирнайди. Ана шу ҳолатни шоир йилнинг икки фаслини бир мавсумда булиши каби турфа, янгилик, кишини ажаблантирадиган ва ажойиб ҳодиса сифатида тасвиirlайди:

*Оразим акси юзунг ойина тушган турфадур,
Ким кўрибтур ҳам хазон бир ойда бўлмоқ ҳам баҳор¹.*

Алишер Навоий девонларида Куз фасли тасвири берилган газаллар ҳам жуда кўп булиб, уларнинг ҳар бир байтида айрилиқ дарди, фироқ азоби ошкор булиб туради. Байтлар аламдийда ошиқ қалб нидоларидан, соғинч изтироби билан кечган ҳижрон кунларидан сўзладиди: Куз фасли дараҳтларнинг баргини заъфарон қилган. Салқин шабада хазон япроқларини учиради. Борлиқда юракни эзувчи бир сокинлик, дикқанафаслик ҳукмрон. Шоир қўлига қалам олади. Унинг хаёлида ана шу сарғайиб бораётган боғ – ўз умри – ғам ҳижрон билан кечастган ҳаёти манзаралари кечади. У бераҳм ёр сиймосида намоён бўлгувчи тақдирни азалга мурожаат қиласиди:

*Хазон фаслида ул ой жиссму рухсоримни кўрган чоғ,
Дегайким бир қуруғ шоҳ узра қолмииш бир сариф яфроғ².*

Шарқ шеърияти анъанасида ёр тимсоли инсон қалбининг гўзаликка бўлган ташналигини, табиат олдидаги ҳайратини ва бу ажойиботларидан вақти қелиб маҳрум булишга маҳкум этилган тақдирлар аламини ифодалаб келади. Шунинг учун ёр гўзаллик, бераҳмлик, бевафолик тимсолида гавдаланади. Ушбу занжирнини фалсафий ҳалқалари эса бамисоли дунё, тириклиқ, умр жон камидир... Шоир байтларида умр кузидаги хазон япроғи эса жудолик рамзиидир:

*Ҳар хазон барги эрур, зореки даҳр озоридин,
Сарғариб мендек тушар айру сихийкад ёридин³.*

Бизнингча, шеърият мулкининг сultonи Алишер Навоийдек сўзни ўз ўрнида жилвакор ва мафтункор қўллаш ҳар қандай ижодкорига

¹Ўша асар. – Б. 140.

²Навоий. МАТ. 4-том. – Т.: Фан, 1989. – Б. 215.

³Ўша асар. – Б. 354.

ҳам насиб қилмаса керак. Зоро, Яраттан ана шундай илоҳий истеълодни Алишер Навоийга иноят қилғанки, орадан 575 йил ўтса-да, унинг ҳар бир байти юзлаб талқинларга, беназир ижоди эса жуда кўп тадқиқотларга асос бўлмоқда.

МУМТОЗ ШЕЪРИЯТДА РАҚАМ СЕМАНТИКАСИ

С.Қ. Жумаева, филол.ф.н. (НавДПИ)

Шеъриятнинг мазмун ва шакл компонентлари ҳамда уларнинг ўюро алоқаси ҳақида мумтоз шоирларимиз жуда кўп мулоҳазаларни баён этиб кетишган. Бу мулоҳазаларнинг аксариятида шаклга нисбатан шеърда мазмун устун бўлиши зарурлигига қайта-қайта эътибор қаратилган. Масалан, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Ҳайдар Хоразмий, Лутфий, айниқса, Алишер Навоийнинг шеърда шакл мукаммаллиги ва мазмун гўзаллигининг бирлиги тўғрисидаги фикр ва хуносалари ҳануззача ўзининг аҳамиятини саклаб келмоқда.

Маълумки, анъанавий мавзуларда қалам тебратган классик шоирлар бадиий ижод жараёнида таассурот ва илҳомга суюнишдан аввали илмга таянганлар. Улар вазн, қофия назариясини қанчалик пухта ўзлаштирсалар, бадиий санъатлардан баҳс юритилган илм тармолигини ҳам ўшанча чуқур эгаллашган¹. Рақамларнинг ҳақиқатлари билан қизиқиши, уларнинг рамзий-мажозий маъноларини шеърда ифодалаш тажрибаси ҳам илмсиз амалга ошмаган, албатта. Мумтоз поэтика қонун-қоидлари ва талабларига риоя қилмасдан у ёки бу рақамга дахлдор мазмунни таъсирли шаклда тасвирлашнинг ҳам иложи ийқидир. Зоро, бадиий санъат асосида маънонинг умуман бир ифода ёки тасвири тўғрисида эмас, балки унинг қандай тасвиirlаниши хусусида қаноат ҳосил қилиш керак. Агар рақам татбиқи нуқтаи назаридан мумтоз шоирлар тажрибаларига дикқат қилинса, улар рақамлардан у ёки бу мавзу, маълум бир тушунча ва ҳақиқатга доир мазмунни таъкидлаш усули сифатида фойдаланганикларига ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Навоийнинг куйидаги байтларига эътибор қаратинг:

¹ Бу ҳақда қаранг: А.Хусайнин. Бадоеъ ус-саноеъ. – Тошкент, 1981; Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балуга // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. №1-6; Шайххода М. Асарлар. Олти жилдик. 4-жилц. – Тошкент, 1972; Раҳмонов В. Шеър сипатлари. – Т., 1972; Исҳоқов Ё. Классик адабиёт поэтикасидан маъдумотлар / / Ўзбек тили ва адабиёти. 1970-1973.

*Замон аҳлин вафосиз дебки, қилдим достонлар сабт,
Навоий бир кишида гар вафо топсанг, сүроқ ўртай¹.*

Ушбу байтда замона аҳлининг вафосизлиги, ҳеч кимда ваъдага вафо қилиш фазилатининг топилмаслиги айнан бир рақами орқали ифода этилади. Куйидаги байтда ҳам «бир фатири хом» биримаси орқали мол-дунёга ружу қўймаслик, нафсоний ҳою-ҳавасларга бе-рилмасликка даъват бор:

*Бўлма кун қурсин тилаб афлокдек саргаштаким,
Бир фатири хом билан осон ўтар ҳар кун маош².*

Аслида бундай усул дастлаб ҳалқ оғзаки шеъриятида жорий қилинган. Форс-тожик тилида яратилган мана бу тўртликка диққат этайлик:

*Се бор бигуфтам, ки себ ор ба ман,
Аз боғи латофатат ду себ ор ба ман.
Се бор бигуфтаму наёварди себ
Ин ваъда ҳилофи карда се бар ба ман³.*

Ишқий мазмундаги ушбу рубоий ҳаракатини гўё уч рақами бел-гилиб турганцай. Айни пайтда «се бор» — «уч маротаба» иборасининг қайта-қайта тилга олиниши ҳам ошиқ, ҳам маъшуқа кайфиятини ёритиб беради. Бундан тапқари, у тажнис санъатини ишлатишга ҳам йўл очган.

Рақамлар воситасида маънони таъкидлаш ёки унга урпу бериш усулидан ислом адабиётининг дастлабки давларидаёқ фойдаланилганлигини араб тилида ёзилган шеърлар ҳам тасдиқлайди. Эски давларда ўн рақамига уйғунлик, мукаммаллик тимсоли деб қаралган. Шу тушунчага таяниб айрим шоирлар комил инсон ҳақидаги фикрлар баённида ўн рақамига таянганлар. Бунга бир мисол сифатида Ҳазрати Алиниңг қуйидаги байтларини келтириш мумкин:

*Жаҳон бойликлари ичра киши хулқига зийнатдир:
Бири дини илоҳий ул, бири ақлу фаросатдир.
Учинчи давлатинг — илминг, кейин, тўртинчиси — ҳилминг,
Сахо бешинчиси, олтинчиси — эҳсони неъматдир.*

¹ Алишер Навоий. МАТ. 4-том. — Тошкент, 1989. — Б. 444.

² Ўша асар. — Б. 187.

³ Ҳабибов А. Рубоиёти ҳалқи ва китоби. — Душанбе, 1981. — Б. 138.

*Эрүр еттінчиси лутф, сакқизинчиси сабр ила бардош,
Шұқрдир тұққизинчи, сұңг ўнинчи меҳру ҳимматдир¹.*

Мана бу рубоидә эса юракни ойнадай покиза айлаш учун үн сімөн хулқдан қтулшиға дағыт этилған:

*Хоҳи, ки шавад дили ту чун оина,
Даҳ чиз бурун күн аз даруни сина.
Хирсу аламу газаб, дуругу ғайбат,
Бухлу ҳасаду риёву кибру кина².*

Айрим үрінларда рақамларни кетма-кет келтириш йүли билан фикр ривожлантирилади:

*Эй Навоий, сұз ила онча гүхар сочтингким,
Баҳру кон кирди қора ерга сенинг килкиндін.
Бирига, ё ўніға, ё юзіга, ё мингига,
Дегай эл наилагай ортуғ эса эллик мингдин.*

Давр ва замон бедодлігидан шикоят оқаңлари әшитилиб турған қүйидаги байтда ҳам рақамлар асосий рол ўйнайды:

*Навоий, құйма айб ағғону фарёдки, даврондин
Не бир фарёду үн ағғонким, юз фарёду минг ағғон.*

У ёки бу шоир шеъриятидан жой олған рақамларни шунчаки қайд қилиш билан мақсадта эришиб бўлмайди, албатта. Бунда поэтик образ ва образли маъно магзини ёритиш нуқтаи назаридан иш юритилса, кўзланган натижалар қўлга киритилади.

ЎҲШАТИШ АСОСИДАГИ САНЬАТЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

З.А. Мамажонов, КИХИ (АДУ)

Ўҳшатишнинг функционал хусусиятлари икки жиҳатдан: бадиий ижод ва ўқиши жараёнларини назарда туттган ҳолда ўрганилиши лозим. Агар бадиий ижод нуқтаи назаридан қарасак, ўҳшатиш (унинг асосида юзага чиқаётган санъатлар ҳам) шоир ўй-ҳисларини ифода тушишга, ўқиши жараёни нуқтаи назаридан қаралғанда эса ўша ўй-

¹ Ҳазрати Али ибн Абу Толиб. Қўрсатилган асар. — Б. 286-287.

² Ҳабибов А. Қўрсатилган асар. — Б. 10.

хисларни идрок этишга қандай хизмат қилаётгани дикқат марказига қўйилади. Масалани бу тарзда қўйишнинг асоси – бадий ижол ва ўқиш жараёнларининг мулоқот, бадий матннинг эса шу мулоқотни амалга ошириш воситаси эканлигидир. Модомики бу мулоқот нутқ ҳодисаси бўлмиш поэтик асар орқали амалга ошар экан, унинг моҳиятини идрок этиш учун тишлинослик ютуқларига таяниш мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра, биз санъатларнинг функционал хусусиятлари деганимизда, тишлинослик илмидаги кенг маънода қўлланувчи «функционал ёндашув»га асосланамиз. Тишлиносликдаги функционал ёндашув, бир томондан, конкрет лисоний бирликнинг йирикроқ бугун таркибидаги ўрни, роли ва вазифаларини ўрганишни; иккинчи томондан эса, формал ёндашувдан фарқли ўлароқ, унга мазмун жиҳатидан, яъни мазмунни юзага чиқаришдаги хизмати жиҳатидан қарашни назарда тутади. Шу билан бирга, санъатларга функционал ёндашув уларнинг бадий матн таркибидаги ўрни, бадий информатияни етказиш, умуман, бадий мулоқотнинг амалга ошишидаги роли ва вазифалари нуқтаи назаридан қараш демакдир. Зеро, фақат шундай ёндашув матнда қўлланган бадий санъатнинг моҳиятини англашга имкон беради, тадқиқотчини фақат уларнинг саноғини қайд этувчи бўлиб қолишидан сақлайди. Машхур рус олимни В.М.Жирмунский шоир қўллаган бадий приёмларни ўрганишда формализмга оғиб кетиш хавфидан огоҳлантириб, бу ҳолда тадқиқотчининг битта-битта тутгани капалакларни тўғнағичга санчиб тўплам қилиш билан машғул табиатшуносга ўхшаб қолишини айтади. Яъни бундай ёндашув ўша капалаклар – санъатларни жонсиз қилиб қўяди. Ҳолбуки, «жиддий таҳлил у ёки бу бадий санъатни қайд этиш билан чекланмасдан, ўша санъатнинг эстетик функцияси, унинг моҳияти, айни шу санъат нимани ифодалаётганини тушунишни назарда тутади»¹.

Ўхшатиш энг аввал фикрий амалдир. Фикрий амал сифатида ўхшатиш кишига аввалдан маълум (яъни англанган) нарса-ҳодиса орқали яхши маълум бўлмаган нарса-ҳодисани билиш, унинг моҳиятига яқинлашишга ёрдам беради. Шу жиҳатдан қаралса, унинг бадий тафаккурда ҳам ғоят муҳим восита эканлиги аён бўлади. Ўхшатишнинг ушбу функцияси ишқий мавзудаги ғазалларда у қадар очиқ кўзга ташланмаслиги мумкин. Ўхшатишнинг билиш функциясини

¹ Жирмунский В.М. Введение в литературоведение. Курс лекций. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – С. 425.

еркіншірек тасаввур қилиш учун, бизнингча, бошқа мавзуда битилган шеңберларга мурожаат этиш мақсадға мувофиқ.

Маълумки, ҳазрат Навоий ижодида инсон умри, феъл-атвори, жамият ҳәётидаги ўрни ва вазифалари, ўзга инсонлар билан муносабатлари каби қатор муаммоларга бағишиланған пурхикмат асарлар күпілаб тошилади. Улуғ мутафаккирнинг бу асарлари асрлар оша шиаб келаётганининг асосий сабаби сифатида энг аввал уларда фикрининг образы тарзда, гүзәл ва таъсирчан ифода этилгани күрсатылса, хато бўлмайди. Масалан, Навоий қитъаларидан бирида бунчай ёздади:

*Ҳикмат аҳли шоҳни дарёға ташбиҳ әттилар
Ким, ҳам андин кўп зиёнлар элга, ҳам кўп суд эрур.*

*Гаҳ топар гаввос бир соатда юз дурри самин,
Гаҳ наҳанг оғзида юз ҳасрат била нобуд эрур!*

Кўриб турганимиздек, шоир аввал кўллаган ташбиҳи ўзигача маъжуд бўлганини, яъни «ҳикмат аҳли шоҳни дарёға ташбиҳ әттиларини» қайд этади. Демак, Навоийнинг қитъани ёзишдан мақсади ушбу ташбиҳни такрорлаш эмас, балки уни шарҳлашдан иборат. Шеърнинг қурилиши шу мақсадга мувофиқ; биринчи мисрада зикр қилинган ташбиҳ кейинги мисраларда шарҳлаб берилади. Албатта, агар фақат шундангина келиб чиқсан, шеърнинг ҳам, унда қўлланган ташбиҳнинг ҳам қимматини пасайтирган бўламиз. Ҳолбуки, бу оддийгина шарҳ бўлмай, балки шоир ўз ҳаёти ва ғаолияти давомида келган фалсафий хулоса, бадиий умумлашмадир. Шу жиҳатдан қаралса, Навоий қўллаган маънода ушбу ташбиҳ ҳам чин маънода оригинал деб саналиши жоиз. Чунки «шоҳ — дарё» қиёсида ўхшатиш асоси турлича бўлиши мумкин, Навоий оса унга аниқ бир маънони юклайди. Яъни иккинчи байтда «дарё — гаввос» муносабатини тамсил қилиш орқали «шоҳ — фуқаро» муносабатини ойдинлаштиради. Шу боис унда шоирнинг бир инсон ва давлат арбоби сифатида англаган ҳақиқати ўзининг образли ифодасини топади, қитъа подшоҳ ва фуқаро муносабати ҳақидаги ихчам бир афоризмга айланади.

Яна бир қитъасига Навоий «Шоҳни аждаҳога нисбат қилибтурурким, ганж умиди ҳам андин бору ранж бийми ҳам» деган сарлавҳача қўяди:

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 4-том. — Т., 1989. — Б.505.

Жаҳон гаңжига шоҳ эрур аждаҳо
Ки, ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.

Анинг коми бирла тиришлак эрур,
Маош айламак аждаҳо комида¹.

Мазмунан юқорида келтирилган қытъалар бир-бирига якин. Шунга қарамай, бизнингча, уларда бир муҳим фарқни ҳам кўриши мумкин. Агар биринчи қитъада фикр устувор бўлса, иккинчисида кечинма еткачидир. Яъни биринчи қитъада шоир умуман шоҳ-фуқаро муносабати ҳақида сўз юритса, иккинчисида унинг конкрет ҳолатдаги руҳий кечинмалари тасвирланади. Зеро, шоир умринини кагта қисмини саройда ўтказган ва муайян бир лаҳзада ўзини «аждаҳо комида» ҳис этганки, қитъада айни шу дамдаги ҳол ўз аксини топган. Демак, агар бадиий образнинг «ҳис этилган фикр, англанган ҳис» эканлиги² ёдга олинса, биринчи қитъада «ҳис этилган фикр» (яъни кўнгилдан ўтказиб берилган фикр), иккинчисида «англанган ҳис» (яъни тафаккурдан ўтказилган ҳис)ни ифодалаш кўзда тутилгандир.

Булардан фарқли ўлароқ, «Такаллутуф аҳлининг дунёға шефталиғидаву дунёликка фирефталиғида» дёя сарлавҳа қўйилган куйидаги қитъасида мушоҳада обьектига муносабатни ифодалаш устуворлик қиласди:

*Тўнни зарбафт айлабон хиффатдин учқан ҳар тараф,
Йўқ ажаб гар бор эса дунё матои ком анга.*

*Ул чибинким кўзга олтун янглиғ эшинар хильъати,
Кўпраги, билким, најосат узрадур ором анга³.*

Дунёға муҳаббат қўйишни қоралар экан, шоир бундай одамларни нажас устида роҳат топувчи чивинга ўхшатади. Худди биринчи қитъадаги каби бунда ҳам тамсил санъати қўлланган. Иккинчи байдаги тамсил учун асос бўлган ташбиҳ обьектлари (дунё – најосат, дунёға ошуфта одам – чивин)да шоирнинг фоний дунё ва унга боғланиб қолган одамларга муносабати яққол акс этади.

Кўриб ўтилган қитъалар ўхшатишнинг бадиий тафаккур ва бадиий мулоқотдаги тутган ўрни ва вазифалари ҳақида етарли тасаввур бера олади. Аввало, унинг бадиий тафаккурдаги функциясини

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 4-том. – Т., 1989. – Б. 512.

² Борев Ю. Эстетика. – М., 1987.

³ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 3-том. – Т., 1988. – Б. 549.

олиб қарайлик. Ҳар учала қитъада ҳам үхшатиш билиш предметининг моҳиятини теран идрок этишга ёрдам бермоқда. Яхши маълумки, дастлабки икки қитъа шуро даврида Навоийнинг тузумга муносабатини ифодалайди дея талқин қилинганд. Албатта, нутқда шу нутқ субъекти (бу үринда шоир)нинг нутқ предметига муносабати акс этиши табиий ва бу жиҳатдан қаралса, юқоридагича талқинларни буткул асоссиз саналиши ҳам адолатдан бўлмайди. Айни чоқда, талқиннинг давр мағкурасига мослаштирилганидан кўз юмиш ҳам тўғри эмас. Диққат қилинса, учинчи қитъа билан қиёслаганда, шикалти иккисида бадиий билиш мақсади устуворроқ эканини кўриш қийин эмас. Бу фарқни юзага келтирувчи асосий омил эса, бизнингча, үхшатиш обьектининг табиати билан боғлиқdir. Қитъаларнинг биринчисида шоҳга үхшатиш обьекти қилиб «элга кўпчиён ва кўп фойда келтириши» мумкин бўлган дарё олинган. Дарё оса, фойда ё зиён келтиришидан қатби назар, ихтиёrimиздан ташқаридағи обьектив мавжудлик. Уни бор ё йўқ этиш инсон измида эмас: дарёдан зиён этиш эҳтимоли йўқ эмас, лекин усиз ҳам яшаб бўлмайди. Айни ҳол ҳазрат Навоий қитъада шунчаки замона ё тузумдан нолиган эмас, балки ўзини чинакам мутафаккир сифатида намоён этиб, уларнинг моҳиятини образли тарзда ифода этган дейшига имкон беради.

Иккинчи қитъада шоҳга үхшатиш обьекти қилиб аждаҳо олингани, бир қарашда, шоирнинг «салбий» муносабати ҳақида сўз юритингга изн берадигандек кўринади. Бироқ бу ҳам, бизнингча, янглиши тасаввурдир. Чунки бу үринда шунчаки аждаҳо эмас, балки «тажж устидаги аждаҳо» ҳақида гап бормоқда. Аввало, бу үхшатиш қўлим ривоятлардан илдиз олади: қайдаки хазина бор, албатта, унинг қўриқчиси — илон ёки аждаҳо ҳам бўлади. Агар қитъа шундан келиб чинқиб тушунилса, шунчаки «салбий» муносабат ҳақида ганириш жўнлаштириш бўлиб қолиши англашилади. Айтмоқчимизки, қитъа муайян лаҳзада шоир кўнглида кечган ҳиснинг англаниши натижаси улароқ яралган, бироқ энди ўша ҳис умумлашма образли фикрга тайланган. Шу боис у теран ҳаётий ҳақиқатни ифода этади: дунё ташкидан умидвор инсон «аждаҳо комида» яшашига маҳкум, дунёга тик силкиган кишигина чин маънода озодлир. Ҳазрат Навоий чин озодлик орзуси билан яшади: хукumat ташвишларини қўйиб неча бора ҳажга кетишга чоғланди, шайх Абдулла Аңсорий мақбарасида жорубкаш бўлишни тилади. Албатта, агар у зот истаса, қаршисида ўркин танлов имкони пайдо бўлиши мумкин эди. Яъни у астойдил қиракат қилганида, сulton Ҳусайн розилигини ҳам олиши мумкин

Эди. Бироқ унинг ўзи «дунё ганжи»дан – юртининг осойиши ва фаровонлиги йўлида ҳоли кудрат хизмат қилишдан кечолмасди: «аждаҳо комида маоп айламак»ни танлади. Аён бўладики, муайян лаҳзада шоир кўнглидан кечган ҳиснинг бадиий идроки унинг ҳаётий принципини ифода этувчи образга дўнадики, бунда ташбиҳ санъати (хусусан, ундаги ўҳшатиш обьекти) ҳал қилувчи аҳамиятта эгадир.

Мазкур фикрларимизнинг нечогли асосли экани иккингчи ва учинчи қитъаларни қиёслаганда янада равшанроқ кўринади. Бир қараганда уларнинг иккисида ҳам гап «дунё»га муносабат ҳақида боради. Бироқ биринчисида «жаҳон ганжи», иккинчисида эса «дунё матои» ўҳшатиш обьекти қилиб олинган. Ўҳшатиш обьектлари мазмунан бир-бираига яқин бўлса-да, улар услубий бўёқдорлиги жиҳатидан фарқлидир: биринчиси улуғвор тушунчага, иккинчиси эса тубан тушунчага мос келади. Яъни шоир ўзи ифодаламоқчи бўлган мазмунга мос ўҳшатини обьектларини танлаганки, бу ҳам қитъани юқоридагича мазмунда тушуниш асосли эканини кўрсагади.

Худди шу қитъаларга бадиий мuloқot нуқтаи назаридан қарасак, ўҳшатишнинг ижодкор ва ўқувчи орасидаги мuloқotнинг амалга ошишида қанчалик мұхим эканини қўришимиз мумкин. Аввало, қитъаларнинг бари ўқувчига муайян инфомацияни – қиёслаш асосида ҳосил қилингандан билимни етказмоқда, яъни репрезентатив функция бажармоқда. Мұхими шундаки, ўҳшатиш фикрий амали ўқиш жараёнида ўзга онгда – ўқувчи онгидаги қайтадан кечади. Шунинг ўзиёқ қитъанинг ижодий ўқилишини, унинг санъат асари сифатида қабул қилинишини таъмин этади. Зеро, ўқувчининг ўҳшатиш обьектларини бир-бираига қиёслаш орқали мазмунни қайтадан яратиши лозим бўлади. Бадиий мuloқot жараёнида етказилаётган инфомация қуруқ бўлмай, эмоционал-ҳиссий муносабатга йўғрилгандир. Демак, мuloқot субъектлари орасида фикрий алоқагина эмас, ҳиссий алоқа ҳам ўрнатиласди. Ўҳшатиш айни шу экспрессив функциянинг каттагина қисмини ўз зиммасига оладики, бунинг кўпроқ ўҳшатиш обьектлари табиати билан боғлиқ ҳолда юзага чиқиши юқоридаги фикрлардан маълум бўлди. Табиийки, етказилаётган инфомация ва унга эмоционал-ҳиссий муносабатнинг мавжудлиги ўқувчига муайян ғоявий-эстетик таъсир ўтказади. Чунки ўқувчи ижодкор тажрибаси билан ўртоқлашди, у англаган ҳақиқатга ошно бўлди.

Демак, юқоридаги мисоллар таҳлилидан маълум бўляптики, ўҳшатиш бадиий мuloқot жараёнида қўзланувчи инфомация етказилиши (репрезентатив), инфомацияга ҳиссий муносабатни ифодалаш (экспрессив) ҳамда тингловчи (ўқувчи)га муайян таъсир ўтказиши (аппе-

дитив) мақсадларининг ҳаммасига бирдек хизмат қилмоқда. Бунинг сабаби эса образнинг, образли ифоданинг ўхшатиш асосига қурила-стганидир.

«ДЕВОНУ ЛУГОТИТ ТУРК»ДА АДАБИЁТШУНОСЛИККА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

Ж.О. Ҳудойбердиев, катта ўқитувчи (ЎзМУ)

Адабий-эстетик тафаккурнинг шаклланиши ва тараққиётида фалсафий, илмий ҳамда тарихий асарларнинг ўрни катта. Бу жиҳатдан Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби қомусий олимларнинг асарларидағи адабиёт, санъат, шेър ва шоирлик хусусидаги фикрларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий сингари буюк адилларнинг исарларида ҳам адабиётшуносликка доир фикрлар акс этган. Бу боријуда Маҳмуд Кошгариининг «Девону луготит турк» асаридаги адабиётшуносликка доир фикрларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидланаш дозим.

«Девон»да кўплаб масалалар қаторида адабиёт ва адабиётшуносликка доир маълумотлар келтириб ўтилган. Лугатда берилган бош мақола сифатидаги сўзлар маъноларини изоҳлашда 300дан ортиқ икки на тўрт мисрали шеърий парчалар, 300га яқин мақол ва маталлар келтирилган. XI аср ва унгача бўлган туркий адабиётнинг нодир намуналари сифатида мутахассислар томонидан эътироф этилган ушбу ёнзорликларнинг мавзу-мундарижаси, тузилиши кўплаб олимлар томонидан маҳсус ўрганилган¹. Лугатда икки нафар шоирнинг номи қайд этилган: бири бош сўз сифатида «Чучу» деб берилган ва у турк шоирларидан бирининг номи² тарзида изоҳланган; иккинчиси эса «анд» сўзи изоҳида «Аъша деган шоирнинг қуйидаги шеърица»³, келтирилган. Бизнингча, Аъша, Аъшо бир кишининг исми бўлиб, матнидаги сўз Солиҳ Муталибов томонидан хато ўқилган бўлиши

¹ Абдураҳмонов А. Маҳмуд Кошгарий — улут фольклоршунос // Маҳмуд Кошгариининг «Девону лугатит турк» асари ва унинг туркий халқлар маданийти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материалы. 2002 йил 25–26 ноябрь — Самарқанд, 2002.

² Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.

³ Маҳмуд Кошгарий. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. — Тошкент, т. I, 1960. — Б. 150-151.

мумкин. Чунки асарни рус тилига таржима қилган З.-А. М. Авезова¹, турк тилига ўтирган Бесим Аталай², Аъша сўзини ҳар икки жойда ҳам бир хил ўқишигандар.

«Девон»да адабиётшуносликка оид айрим терминлардан намуналар ҳам берилган бўлиб, булар ўша давр адабиётининг, адабиётшунослигининг даражасини тўлалигича қамраб олмаса-да, давр фани тараққиётини белгилашда маълум бир фикрлар билдиришга асос бўла олади. Асарда келтирилган терминлар туркий тилда биринчи маротаба ифодалангани билан ҳам қимматлидир.

Ушбу терминлар ҳозиргача жуда кам сонли олимлар томонидан-гина ўрганилган. Р. Орзивеков³, А.Абдураҳмонов⁴ каби олимлар Самарқандда бўлган конференцияда ушбу масала бўйича маъруза қилишган. Ўзбек адабиётшунослиги тарихини ўрганганд Б.Валихўжаев «Девон»даги адабиётшуносликка оид маълумотларни йиғиб таҳлил этган⁵.

Б. Валихўжаевнинг фикрича, лугатда келтирилган адабиётшунослик билан боғлиқ атамаларни икки гурӯҳга ажратиш мумкин. Булар насрый асарларга (этук, откунч, сов) ва шеърий асарларга оид атамалардир (қошуғ, йир)⁶.

«Девон»нинг уч жилд шаклида чол этилган ўзбекча таржимаси кўздан кечирилганда⁷, юқорида номлари қайд этилган адабиётшу-

¹ Маҳмуд ал-Кашғари. Диван лугатат-турк. Перевод и предловие З.-А.М.Аузоловой, индексы Р.Эрмерса. – Алматы: Даик-Пресс, 2005. – Б.

² Kâşgarlı Mahmud. Dîvânü Lügât-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt I, – Ankara: 2006. – Б. 130-131. Kâşgarlı Mahmud. Dîvânü Lügât-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 208.

³ Орзивеков Р. «Девону лугатит турк»нинг адабий тур ва жанрлар тарихини ўрганишцаги аҳамиятига доир // Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугатит турк» асари ва унинг туркий ҳалқтар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида туттани ўрни. Ҳалқаро конференция материалы. 2002 йил 25-26 ноябрь – Самарқанд, 2002. – Б. 115-116.

⁴ Абдураҳмонов А. Маҳмуд Кошғарий – улуғ фольклоршунос // Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугатит турк» асари ва унинг туркий ҳалқтар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида туттани ўрни. Ҳалқаро конференция материалы. 2002 йил 25-26 ноябрь – Самарқанд, 2002. – Б. 132-133.

⁵ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993. – Б. 47-50.

⁶ Ўша асар. – Б. 48-49.

⁷ Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону лугатит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. I, 1960. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону лугатит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. II, 1961. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону лугатит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. III, 1963.

послар томонидан таҳдил этилмаган топишмок (табзуғ), бүғин, ҳижо (ўж к) ёки шеърнинг вазнига қараб товушларнинг қисқартирилиши киби айрим термин ва тушунчалар ҳам борлиги маълум бўлди. Шу боис, соҳа мутахассисларига қулайлик яратиш мақсадида Маҳмуд Кошгарий асарида берилган адабиётшуносликка оид термин ва тушунчаларнинг барчасини Солиҳ Муталлибов таржимасидаги ўзбекчи, нашрдаги кетма-кетлик асосида беришни лозим топдик. Шунингдек, ушбу атама ва тушунчаларнинг Б. Аталай (БА.) таржимасидаги турк¹ ва уйғур тили (УТ).² нашрларидағи бетлари, уларнинг ўзбек тилидаги таржимадан фарқли жиҳатлари қавс ичилди берилди. Нашр имкониятидан келиб чиқиб, араб алифбосидаги ҳарфларнинг усти ва остига белгилар кўйилмади.

Этүк – ҳикоя, эртак; бирор мақсадни шоҳга билдириш, ҳикоя қилиш учун ҳам бу сўз кўлланади. Асли бир нарсани ҳикоя қилишдан олинган³.

Ўжсўк – бўғин, ҳижо: бітік ўжўкләді – ҳарфларни ва китобни ҳижжалади (УТ. да «қитобни ҳижжалади» тарзида берилган). Ҳижо қирғларининг ҳар бирига ҳам ўжўк дейдилар. Бу нэ ўжўк ол? – бу қандай ҳарф? Бу сўз албатта билан ёзилади³.

Анда – у ерда. Ўгузлар «сўнг» маъносидаги сўз учуннiga алмаштирадилар. «У ерда» маъносида бошқалар билан бир хилда анда деб кўллайдилар. Алмаштириш араб тилида ҳам бордир. Чунки Куръон-

¹ Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt I, Ankara: 2006. Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt II, – Ankara: 2006. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006.

² Maҳmud Koшgariy. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. – Тошкент, т. I, 1960. Maҳmud Koшgariy. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. – Тошкент, т. II, 1961. Maҳmud Koшgariy. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 98. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt I, – Ankara: 2006. – Б. 68.

³ Maҳmud Koшgariy. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. – Тошкент, т. I, 1960. Maҳmud Koшgariy. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. – Тошкент, т. II, 1961. Maҳmud Koшgariy. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 101. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt I, – Ankara: 2006. – Б. 71-72.

да Мусо алайхисалом ҳикоясидаги иборасидаги сүзи маъносидадир. Яъни ўрнида алмашғандир. Чунки араб тилида нима? маъносидаги сўроқ олмоши жонлиларга, жонсизларга дир. Шунингдек, деган оятда ҳамга алмашғандир. Аъша деган шоирнинг қўйидаги шеърида:

Сўзининг аслидир. Яъни бу ерда ҳам ўрнига алмашади¹.

ötkünch – ҳикоя (УТ. да «ҳикоя. Ўтган-кечган ишлар» тарзида таржима қилингган). ötkünch ötkünch – ҳикоя айтди².

ötünđi – ҳикоя қилди. Ол ханقا ötkünch ötkünch – у хонга ўз воқеасини сўзлади. Бу сўзининг асли ötkünđi, яъни эшитганидай ҳикоя қилди, демакдир³.

қошуғ – шеър, қасида, қўшиқ (БА. да «шеър, қасида», УТ. да «қўшиқ, шеър, қасида» таргибида берилган).

Шеърда шундай келган:

*Tўrkäñ қатун қуттїн
Тэгур мэндін қошиғ,
Ајел сизні табуғчї,
Отиур яңї табуг.*

¹ Маҳмуд Кошгари. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. I, 1960. Маҳмуд Кешгари. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. II, 1961. Маҳмуд Кошгари. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 150-151. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt I, – Ankara: 2006. – Б. 130-131.

² Маҳмуд Кошгари. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. I, 1960. – Б. 175. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt I, – Ankara: 2006. – Б. 161.

³ Маҳмуд Кошгари. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. I, 1960. Маҳмуд Кошгари. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. II, 1961. Маҳмуд Кошгари. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 208. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt I, – Ankara: 2006. – Б. 199.

⁴ Маҳмуд Кошгари. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. I, 1960. Маҳмуд Кошгари. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. II, 1961. Маҳмуд Кошгари. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 357. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt I, – Ankara: 2006. – Б. 376.

Малика (шоҳ) хотинига мөндан мақтov, қасида (қўшиқ) еткур ва ходимингиз янги хизмат билан йўлланади, деб айт⁴.

табзуе — топишмоқ. Табзуғуқ табуздчм — мен ундан бир топишмоқни сўрадим¹.

тізішди — тизиши. ол мәні *bırla jinjü tizishdi* — у мен билан марварид тизишида, шеър тузишида ва бошқаларда баҳслашиши. Ёрдамланиш учун ҳам бу сўз кўлланади (БА. да «у мен билан марварид тизишида баҳслаши. Шеър тузиши ва бошқа нарсаларни тизишида ҳам шундай», УГ. да «у мен билан марварид тизиши».

Шеър, қўшиқ ва бошқа нарсаларни тузишга ҳам шундай дейилали, бирор нарсани тузишга ёрдамланишга ҳам шу сўз ишилатилади» деб таржима қилинганди².

тўзўлди — тизилди, тизиб териildi (УГ. да «тизилди» деб берилган). *jinjü tizildi* — марварид ва шеър тизилди (БА. да «марварид ва қўшиқ тизилди» деб таржима қилинганди). Нарса ўз-ўзидан тизилишига ҳам бу сўз кўлланади (УГ. да «шеър-қўшиқ тузила, шунингдек ҳар қандай бир нарса узилгандан тизилишига ҳам шундай дейилади» тарзида таржима қилинганди). Бу феъл ўтимли ҳам ўтимсиз функцияда ҳам келади³.

Қошулди — қўшилди, яқинлаши. *Bir neñ birlä qoşuldi* — бир нарса иккинчисига яқин келди, қўшилди. Уни бошқа нарса яқин-

¹ Маҳмуд Кошгариј. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. — Тошкент, т. I, 1960. Маҳмуд Кошгариј. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. — Тошкент, т. II, 1961. Маҳмуд Кошгариј. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. — Тошкент, т. III, 1963. — Б. 429. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanû Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt I, — Ankara: 2006. — Б. 462.

² Kâşgarlı Mahmud. Dîvanû Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt II, — Ankara: 2006. — Б. 108. Маҳмуд Кошгариј. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. — Тошкент, т. II, 1961. — Б. 100.

³ Kâşgarlı Mahmud. Dîvanû Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt II, — Ankara: 2006. — Б. 145. Маҳмуд Кошгариј. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. — Тошкент, т. II, 1961. — Б. 127.

³ Kâşgarlı Mahmud. Dîvanû Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt II, — Ankara: 2006. — Б. 155-156. Маҳмуд Кошгариј. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. — Тошкент, т. II, 1961. — Б. 135.

лаштирганда ҳам бу сүз құлланади. *јэр қошулді* – шеър айтىлди. Құншиқ тұқылди ибораси ҳам шундан олинган⁴.

сашлашді – масал айтишди. *ол мәні бірлә саглашді* – у мен билан масал айтишди, у менга масал айтди, мен унга масал айтдым. Шунингдек, хабарлар, сұзлар, ҳикоялар айтишга ҳам бу сүз құлланади¹.

јір – күй, мақом. *ол јір јірладі* – у бир мақомни куйлади. Құпинча бу сүз шеърга нисбатан құлланади. Бу сүзни *ір* тарзыда ҳам талаффуз қилинади. Ҳарф алмаштирилгандыр².

јалма – пахтали түн, форслар буни туркій халқлардан олиб *јалма* шаклида ҳам талаффуз қиласылар. Араблар форслардан олиб *јалмақ* шаклида құллайдылар. Араблар қ ни ҳ га айлантирганлар (БА. да «Араблар -х ни -қ га айлантирганлар» деб берилған). Чунончи: *кандани хандақ, жараша жарақ қилиб олғанлар*.

Хеч ким бу сүзни турклар форслардан олғанлар деб даъво қила олмайди. Чунки мен бу сүзни эңг қырғық чегараларда яшовчи оддий түрк халқларидан ҳам әшиеттанман. Булар бошқа халқлардан күра, бу хил ёмғир ёпінчигіға муҳтожроқылар. Чунки буларнинг юртларида қор, ёмғир құлпидир³.

Көг – (юмшоқ к билан) шеърнинг вазни, үлчови. *Бу јір нә көг ўзай ол* – бу шеър қайси вазнда⁴.

¹ Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt II, – Ankara: 2006. – Б. 250. Маҳмуд Кошгарий. Туркій сұзлар девони (Девону луготит түрк), таржимон ва нашрға тайёрловчы С.М. Муталлибов. – Тошкент, т. II, 1961. – Б. 215-216.

² Маҳмуд Кошгарий. Туркій сұзлар девони (Девону луготит түрк), таржимон ва нашрға тайёрловчы С.М. Муталлибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 9. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 3-4.

³ Маҳмуд Кошгарий. Туркій сұзлар девони (Девону луготит түрк), таржимон ва нашрға тайёрловчы С.М. Муталлибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 41-42. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 34-35.

⁴ Маҳмуд Кошгарий. Туркій сұзлар девони (Девону луготит түрк), таржимон ва нашрға тайёрловчы С.М. Муталлибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 144. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 131.

⁵ Маҳмуд Кошгарий. Туркій сұзлар девони (Девону луготит түрк), таржимон ва нашрға тайёрловчы С.М. Муталлибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 156. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 143.

Jip –eазал, мақом, куй (УТ.да «мақом, куй» тарзыда берилған)⁵.

Caw – оталар сүзи (УТ.да «мақол» шаклида таржима қилинған). Чунончи, *cawda мундаг кәlip* – оталар сүзидә шундоқ кела-ди (УТ. да «мақолда шундай келған» деб таржима қилинған)¹.

Caw – қисса. Қадимги воқеалардан хабар бериш, айтиш (УТ.да фақат «қисса» деб берилған)².

Caw – ҳикоя. Бирор воқеани айтиб бериш³.

Caw – рисола, хат, кичик китобча (БА.да «хат, рисола» деб бе-рилған)⁴.

Caw – сұз, нұтқ (БА.да ва УТ.да фақат «сұз» деб берилған)⁵.

Caw – илгариги хабарлар, янгиликларни етказувчи (УТ. да «хабарлар, ривоятлар» шаклида таржима қилинған). Шундан олиб, *näbi* – пайғамбарга *cawchi* дейилади. Чунки у бир қанча хабарлар жииттиради, ёзилған нарсаларни етказади⁶.

¹ *Махмұд Коштарий*. Түркій сұзлар девони (Девону луготиг турк), таржимон һәм нашрға тайёрловчы С.М. Мугалибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 168. Kāşgarlı Mahmud. Dīvānū Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 154.

² *Махмұд Коштарий*. Түркій сұзлар девони (Девону луготиг турк), таржимон һәм нашрға тайёрловчы С.М. Мугалибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 168. Kāşgarlı Mahmud. Dīvānū Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay. 5 Baskı?, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 154.

³ *Махмұд Коштарий*. Түркій сұзлар девони (Девону луготиг турк), таржимон һәм нашрға тайёрловчы С.М. Мугалибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 168. Kāşgarlı Mahmud. Dīvānū Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 154.

⁴ *Махмұд Коштарий*. Түркій сұзлар девони (Девону луготиг турк), таржимон һәм нашрға тайёрловчы С.М. Мугалибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 168. Kāşgarlı Mahmud. Dīvānū Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 154.

⁵ *Махмұд Коштарий*. Түркій сұзлар девони (Девону луготиг турк), таржимон һәм нашрға тайёрловчы С.М. Мугалибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 168. Kāşgarlı Mahmud. Dīvānū Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 154.

⁶ *Махмұд Коштарий*. Түркій сұзлар девони (Девону луготиг турк), таржимон һәм нашрға тайёрловчы С.М. Мугалибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 168. Kāşgarlı Mahmud. Dīvānū Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 154-155.

*Са сен маъносидаги сўзdir. *са ајурмән* – сенга айтаман. Бу сўз охиридаги алиф *сән* сўзидағи и ўрнига алмашгандир ёки э ё сўзидан *нга* туширилгандир.*

-и ўрнига алмашинипи арабчада ҳам бор. Чунончи, улуғ Тангрининг сўзидағи шоир *Аъшонинг* иборасидаги каби¹.

Чучу – турк шоирларидан бирининг номи².

յунчиді – *эр јунчиді* – камбағалликдан одамнинг аҳволи ёмон бўлди. Шеърда шундай келган:

*Билгә бўқў ѹунчиді
Ажун атї Ѵанчиді
Эрдам этї тїнчиді
Јэргат тэгїн суртумўр*

Замон аҳволини тушунтириб шундай дейди: билимдонлар аҳволи ёмонлашди, Замон уларни тишлаб азоб берди, ҳаттоқи, одоб, фазилат гўштлари бузилди, сасиди. Заифликдан ерга тегиб судралмоқда. *танчаді* сўзининг асли *танчегаді* эди. Сунг шеърий зарурат юзасидан – *и* ҳарфи туширилгандир. *и* ҳарфини тушириш ўғуз ва қипчоқлар тилида мумкиндири.

Улар исм ва феълларнинг ўртасида келган *и* ҳарфини туширадилар³.

алқтї – *ол таварїн алқтї* – у молини йўқ қилиб юборди. Бошқаси ҳам шундай. Билгилки, икки сукунли ҳарфи ёнма-ён келган сўзлар оздир. Чунки икки сукунли сўзларнинг ёнма-ён келиши фақатгина ҳарфлари дейилган уч ҳарфлар билан қўшилиб келгандагина мумкин. Бу ҳол исм ва феълларда кенг қўлланувчи қоидадир.

¹ *Махмуд Кошгарий*. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 225. *Kâşgarlı Mahmud. Dîvanî Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III*, – Ankara: 2006. – Б. 208.

² *Махмуд Кошгарий*. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 256. *Kâşgarlı Mahmud. Dîvanî Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III*, – Ankara: 2006. – Б. 238.

³ *Махмуд Кошгарий*. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 317-318. *Kâşgarlı Mahmud. Dîvanî Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III*, – Ankara: 2006. – Б. 303-304.

Икки сукунлиларнинг ёнма-ён келиши фақат ана шу ҳарфларга боғлиқдир. Бу ҳарфлар талаффузи оғир сўзларни енгиллатади. Икки ҳарф бир ҳарф ҳолига ўтади. Шунинг учун шоирлар буларни бир ҳарф ҳисоблаб, бир ҳарф қаторида қўллаплари мумкин (вазнга зарар келмайди)¹.

сашї – улуг Тангри юборган элчилар (пайғамбарлар)дан бири. Бу сўзнинг асли хабар, мақол ва сўз маъносидаги *caw* сўзидан олинган. Пайғамбар ана шуларни (сўзларни) одамларга етказади².

тўрклади – ол мәні *тўрклади* – у мени турклардан деб ҳисоблади, уларга нисбат берди. Бирорни ажам ҳисобласа ҳам шундай.

Бу бўлимнинг бўйруғи беш ҳарфлидир. Чунончи: *бәркәә нә ні* – нарсани маҳкам қил дегандаги *бәркәә* ва куръа ташла маъносидаги *сүріә* буйруклари каби. Лекин бу сўзлар галаффузда тўрт ҳарфлига ўхшашдир. Шунинг учун улар қаторида берилди. Чунки икки сукуннинг бири талаффузда аниқ, очик сезилмайди. Шунинг учун шоир буни бир ҳарф ҳисоблашиб мумкинди. Мен буни юқорида баён этганиман. Буларнинг бошқа хил вазифалари юқоридаги бобларда баён қилинган қоидага мувофиқ қиёс қилиб тузилади...³ Демак, «Девон»да адабиётшуносликка оид термин ва тушунчалар 27 та боли мақолада берилган бўлиб, шулардан 12 таси бош мақола, 15 таси бош мақола сифатида келтирилган сўзларнинг изоҳида қайд қилинган экан. Улар кўздан кечириладиган бўлса, адабий жанрларга (*отўк* – ҳикоя, эртак; *откӯни* – ҳикоя; *қошуғ* – шеър, қасида, қўшиқ; *табзуғ* – топишмоқ; *јўр* – фазал, мақом, куй; *јўр* – фазал, мақом, куй; *caw* – оталар сўзи; *caw* – қисса; *caw* – ҳикоя), шеър гузилишига ўжсўк – бўғин, ҳижо: *тизишиди* – тизишиди; *тўзўлди* – тизилди, тизиб терилиди; *кўғ* – (юмшоқ к билан) шеърнинг вазни, ўлчови), шунингдек, халқ оғзаки ижодига *табзуғ* – топишмоқ;

¹ *Махмуд Кошгари*. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон иш нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 425. *Kâşgarlı Mahmud*. *Dîvanû Lügat-it-Türk*. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 419-420.

² *Махмуд Кошгари*. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон иш нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 445. *Kâşgarlı Mahmud*. *Dîvanû Lügat-it-Türk*. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 441.

³ *Махмуд Кошгари*. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк), таржимон иш нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент, т. III, 1963. – Б. 448-449. *Kâşgarlı Mahmud*. *Dîvanû Lügat-it-Türk*. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006. – Б. 446.

cawlašdī – масал айтишди; *caw* – оталар сұзи), ёзма адабиётта оид эканлигини пайқаш мүмкін. XI асрнинг ноёб ёдгорлиги ҳисобланғыш Мәхмуд Кошгариининг «Девон»идаги бу каби далиллар адабиётшенослик тарихи, ёзма ва оғзаки адабиёт тараққиеті, давр тили товуш таркиби ҳамда унинг шеърий матндары хусусиятлары билан боғлиқ айрим масалаларни үрганишда жуда муҳим ажамиятта эга.

«ҲАР КИШИКИМ ТУЗЛУК ЭРУР ПЕШАСИ...»

Н. Шарипова, ўқитувчи (НавДПИ)

Навоий «Хамса»сининг илк достони «Ҳайрат ул-аброр»да инсонни ҳар жиҳатдан мукаммалдаштириб борувчи қатор инсоний фазилатлар ҳақида сұз боради.

Шулардан бири – тұғрилик, ростликтер. Инсоннинг жамиятда мұносиб ўрин әгаллаб, «комил инсон» номига сазовор бўлиши, шунингдек, камолотта эришиб, саодатли ҳаётга мушарраф бўлиши қўп жиҳатдан унинг шахсиятидаги тұғрилик, ростлик фазилатларига боғлиқdir.

Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги тұғрилик қарашларини үрганиш турли давр адабиётшенослигининг диққат марказида турган. Жумладан, Мақсуд Шайхзода, Ойбек, Азиз Қаюмов, Нажмиддин Комилов, Абдурашид Абдуғофуров, Иброҳим Ҳаққулов ва бошқа бир қатор олимлар ижодида «Ҳайрат ул-аброр» ва унда тұғрилик, ростлик қарашларининг инъикоси, бадиий тасвир воситалари, образлар тизими, муаллифнинг тимсол қўллашдаги маҳорати моҳирлик билан очиб берилган¹.

Ҳазрат Навоий ўз халқининг фидоиј, жонкуяр фарзанди сифатида жамиятдаги барча инсонлар ҳам сұзио ҳам ўзида тұғриликни намоён этишини ва шу орқали мамлакатнинг гуллаб-яшинашини орзу қиласы. Навоий тұғрилик дунёсининг вакили сайлаган инсонлар булар

¹ Қаранг: Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тұрттынчы том. Фазал мұлкунинг сұлтони. – Тошкент, 1972; Яна: Ойбек. МАТ. Ўн тұққиз томлик. Ўн учинчى том. – Тошкент, 1979; Яна: Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. – Тошкент, 1970; Яна: Комилов Н. Турфа талқынлар. Ажрим қылувчи күзгү ёхуд рост билан ёлғон можароси//Навоийга армугон. – Тошкент, 2006; Яна: Абдуғофуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент, 1995; Яна Абдуғофуров А. Навоий ижодида сатира. – Тошкент, 1972; Яна: Ҳаққулов И. Занжирибанд шер қошида. – Тошкент, 1989; Яна: И.Ҳаққул. Абадият фарзандтары. – Тошкент, 1990.

— туриш-турмуши, хатти-харакатида тұғриликка одатланған шахс-шар, шунингдек, сұзни тұғри сүзловчилар, вазиятни тұғри назар ила баҳоловчилар ва ҳ.к.

Тұғрилкінг қырралари орасыда *құл ростлиги*, *тұғрилиги* әнг ассоцийларидан. Шоир «құли рост» инсонлар сифатида хатни чирой-ли биттүвчилар ва үгрилик дүнёсидан йироқ юрувчи ҳамда бу иллатидан мутлоқ бехабар кимсаларни тушунади. Навоий талқинича, хатни тұғри ёзадиган кишилар ҳақиқий соғлом шахслардир: Ростқалам халқ әрурлар салим¹. Шоир хатни тұғри ёзадиган инсонларға «Тенгри насиб айлаб анга шөдлиқ» (202) дея муборак тилякларни изҳор этади. Шоир әгри құл соҳибини икки маңнода тушунади:

1) хатни әгри ёзувчилар, ёлғонни бүрттирувчи котиблар тимсолида;

Шоир эътирофича, әгри хат соҳибининг ўзини ҳам тұғриликка одатланған дейиши душвор: Эгри дурур хатки, әмас мустақим (177).

Шоир «Хайрат ул-аббор» достонининг үн иккінчи мақолатида жамиятдаги айрим номақбул котиблар тимсоли ҳақида фикр юритади. Бу хилдаги кимсаларнинг иши ифво, фисқу-фасод. Ўз ёлғонини исботлаш учун узундан-узун айномалар ёзицдан қайтмайди. Шоир номақбул котибларни ёлғон битиклари учун «ўз юзидек саҳфани айлаб қаро» (196) дейди. Шоир талқинича, «қаро күнгүл» әгалари — котиблар одамларни алдаш, улар устидан ҳукмронлик қилиш пайида, шунинг учун ҳам сарвдай тұғри, савсандай озод одамларни ўз йүриғига юргизади:

*Банда қилиб чун тузуб ифсадни,
Сарв ила савсани озодни (197).*

Калби ростлик нуридан мунаввар инсон ҳаммани ўзи сингари тұғри деб фикр қиласы, шубхага бориш, ишончсызлик хислатларидан бир қадар йироқ юради. Шунинг учун, күпинча айрим каззоб котибларнинг «қизб» амалита ишониб, оқибатда чорасизликдан үрганади. Мазкур байтдаги сарв ҳамда савсан тимсоллари тұғри, тик ҳолатда ўсган дараҳтлар бүлгани учун байтда тұғриликка одатланған, дүнекараши, юриш-туриши, характеристида тұғрилик чизгилари акс үтгандын шахс тимсоли сифатида келтирилген. Бу үшатиши — ташбиҳи киноя бўлиб, сарв, савсанни айтиш орқали тұғридан-тұғри инсонни тушуниш, ўхшатилаёттан нарса (мушабиҳ) — инсоннинг тушиб қоли-

¹ Алишер Навоий. Хайрат ул-аббор. ТАТ. Үн жишилк. Олтинчи жишилк. — Тошкент: Faafur Fulyom, 2013. — Б. 177 (Кейинги мисоллар ҳам шу китобдан олинниб, саҳифаси қавс ичидә күрсатилади).

ши китобхон учун сўз ўйинини юзага келтириб, шоир фикрини янада кучайтирган.

Шоир жамиятдаги номақбул котиблар сингари чиркин қалб эгаларига зид ҳолатда нафис ҳусниҳат эгалари – муницилар образини келтиради, улар кўчирган битикларни «дилкаш чаман»га менгзайди, «сатрлар анда гулу сарву суман» дея улуғлайди, Аллоҳдан ҳалқ ҳар доим уларга шодлик номаларини ёздиришини, саҳифаларидан хатлар чекинишини тилайди. Унинг гўзал ҳусниҳатидан яралган хатлари сингари мақсад йўли ҳам равон бўлишини сўрайди:

*Ҳар кишишиким, ҳат аро чекса ул.
Бўлсун анга манзили мақсадга йўл* (202).

Шу ўринда ҳассос шоир Қуръони шарифни кўчирища тенгсиз ҳисобланган Ёкут тимсолиги шарафлайди. Ўзининг «ростнавис» ва «покдаст»лиги билан шуҳрат қозонган, машҳур мутасаввуф шайх Суҳравардий ҳамда халифа Мустаъсим таҳсинига сазовор бўлган Ёкут «гузлук»ни шиор айлагани учун ўзига тегишли мукофотга эришади:

*Сурати ҳат лутфидин ул покдаст,
Бўлди қаламрав шаҳига ҳамнишаст* (204).

2) Ўғри-кazzоблар тимсолида. Достоннинг тўртинчи мақолатида Навоий замонасининг айрим риёкор шайхларини ўз «адолат мезони»да «имтиҳондан ўтказиб», уларни ҳалқ ишончининг ўғриси сифатида айблайди. Фикрини чиройли далиллаш, китобхонга бу масала ҳаёт билан узвий боғлиқлигини, конкрет ҳаёттий муаммо эканлигини исботлаш мақсадида шоир деярли ҳар бир мақолатида ҳалқ орасидан тимсол, анъана ёки урф-одатлардан мисоллар келтиради ҳамда талқин этилаётган масалага даҳлдорлик нуқталарини кўрсатиб ўтади. Шу ўринда риёкор шайх характерини кенгроқ очиб бериш мақсадида Навоий ҳалқ орасида подани бирлаштириб, тўғри йўлга бошловчи жонивор сифатида танилган эчки тимсолига мурожаат этади. «Қадим даврда ва шу жумладан, Навоий даврида Ҳиротда ҳар хил кўча найрангбозлари шаҳар ва бозорда баъзи бир жониворларни ва шу жумладан эчкиларни ўйнатиб юриб, томоша кўрсатар эдилар. Эчки зийрак ҳайвон бўлгани учун хўжайнинг хоҳишига қараб ёғочга чиқар ёки томошабинлар ичидан биронта «ўғри»ни ушлаб, ёпишиб оларди»¹.

¹ Шайхзода М. Асарлар. Олти томлиқ. Тўртинчи том. Фазал мулкининг сultonи. – Т., 1972. – Б. 130.

Навоий эчки ва шайх тимсолларини таққослаб, улар табиатидаги қарама-қаршиликка китобхон эътиборини қаратади ва бу муқояса шайхнинг мағлубияти билан ниҳоя топади: бу тип шайхларнинг қилмишида эчкининг ишича тўғрилик йўқ. Сабаби, эчки ўғри тутади, бу эса ўғрилик қиласи.

Эътиборга лойиқ жиҳати, байт биринчи мисрасидаги фикрга далил сифатида иккинчи мисрада эчкининг ўғри тутиш воқеаси мисол келтирилиб, тамсил (мисол келтириш) санъатининг чиройли намунаси яратилган:

*Ўчкуча ҳам йўқ ишида тўғрилик,
Ул тутиб ўғри, бу қилиб ўғрилик (116).*

Кадимдан халқимизда «қўли эгри» ибораси ўғри кишиларга нисбатан ишлатилиб, халқининг уларга нафрати бисёр бўлган. Шунингдек, «Ўғри қўли кесилмагунча, ўғрилигини кўймас»¹ мақолида халқда бирор шахс ўғрилик қилганида унга қулинни кесиб ташлаш орқали жазо берилганига ишора бор. Шу анъанани Навоий ҳам ўз достонида тилга олади:

*Бўлса илик эгрилик ичра самар,
Эл ани кесмакда туз этгай магар (177).*

Бир ўринда ўғрига «қўлини кесиш» орқали бериладиган жазони лойиқ кўрган шоир бир ўринда афв этиш, гуноҳларидан ўтиш орқали ҳам унинг зимистон қалбини маърифат ёғдуси ила равшан қилиш мумкинлигини уқтиради ва бундай юксак вазифани достоннинг ўн учинчи мақолатида марҳаматли Айоб зиммасига юклайди. Шоир ўтирофича, аслида ўғри ҳам жамиятнинг аъзоси. Узоқ йиллар давомида халққа маънавий мададкор бўлиб келган Навоий ўғрига ҳар доим қаттиқ, жазони лойиқ, кўриши мумкин эмас эди. Ўғрини кечира билиш ҳам ўғри шахсиятидаги мудраб ётган тўғрилик хислатларини уйғотилиши, уни ростлик водийсига мұяссар айлаши мумкин. Буни яхши англаган шоир мазкур қараашларининг ифодаси сифатида достонга «Марҳаматли Айобнинг безори ўғри эгрилигини тузатгани...» ҳақидаги ҳикоятни киритади. «Беҳад улуф юқ» билан «кичик тешук»ка сифмаган «кисабури нақбзан»га уйининг эшигини очиб йўл кўрсатган Айоб қилмиши қаро ўғрининг ҳолини забун, қаддиини нигун айлади (қаддини буқди). Ўғри қилмишидан минг пушаймонлар ила шайхнинг табаррук оёғига бошини қўйди. хижолат ўти

¹ Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 2005. -- Б. 50.

вужудини хас каби ўртади. Айюбнинг оқилона тадбири туфайли ўгри қалби нурағшонлик топди:

*Комил анга берди чу бу парвариши,
Айлади бир авф била мунча иши* (214).

Навоий тұғриликтің бетакор тимсоллар орқали чиройли далиллар экан, бундан асл мақсади китобхон шахсияттада шу эзгу фазилатни қарор топтириши орқали уни жамиятта муносиб ўрин эгаллай оладиган комил инсон қилиб тарбиялаш эди. Биз ушбу гояларни ўқиб-Ўрганиш баробарида, унга амал қилиб, ёшларимизни ҳам даъват этсак, бобомизга муносиб авлод бұлғанимиз ҳолда, юртимиз фаровонлиги ва тараққиётининг бундан-да юксалишига муносиб ҳисса күшгап бўлардик.

«САДДИ ИСКАНДАРИЙ»ДА НАБОТОТ, ҲАЙВОНОТ, ЖАМОДОТ ТАСВИРИ

O. Абдулҳакимова, магистрант (ЎзМУ)

Кишилик жамияти табиат билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли уни табиатдан айри тасаввур этиб бўлмайди. «Инсоншунослик» дея таърифланган адабиётда шу боисдан ҳам пейзаж тасвири алоҳида ўрин тутади. Чунки ёзувчи бадиий асар сюжетидан кўзланган мақсадни ёритишда пейзаждан фойдаланади. «Пейзаж» французча мамлакат, жой сўзларидан олинган бўлиб, бадиий асарда акс эттирилган жой, табиат тасвиридир¹.

«Адабиётшунослик лугати»да пейзаж қуйидагича илмий тасниф этилган: «Пейзаж статик ёки динамик бўлиши мумкин. Ёзувчи пейзажни воқеалар ривожини тұхтатиб қўйганча муфассал тасвирлаши статик пейзаж бўлса, воқеаларга таалуқли деталларни воқеалар давомида бериб бориши динамик пейзаж ҳисобланади»².

Хазрат Навоий «Ҳамса»нинг бошқа достонлари сингари «Садди Искандарий»да ҳам пейзаждан маҳорат билан фойдаланган. Достон сюжетининг барча ўринларида қаҳрамоннинг руҳий ҳолати пейзаж билан уйғун тасвирланган бунинг исботидир.

¹ Хоталов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳди лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 228.

² Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Т.: Академиаш, 2010. – Б. 221.

Жонсиз табиат, ўсимликлар олами, ҳайвонот дунёси қандай вужудига келди? Достонда бу саволга шундай жавоб берилади:

*Чу обога бу навъ бердинг сифот,
Алар таҳтида айладинг уммаҳот.
Аммо еттию тұрт қылдинг ано,
Натижса уч этдинг булаардин яно.*

Ушбу матндан «тұрт она» ва «уч фарзанд»нинг («уч натижә») ишохини Абу Райхон Беруний шундай таърифлаган: «Уч тұрт – осмону фалак икки пояс – экватор ва эклиптикага бўлинади. Бўлакларнинг ҳар бири яна учта тенг бўлакларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири буржни англатади».

Демак, аслиягдаги мазмунни қуйидагича талқин этиш мумкин: оталар, яъни етти қат осмон шундай хусусиятларга эга экан, сен улар тагида оналарни яратдинг. Отани етти ва онани тұртта қылдинг (тұрт унсур) ва улардан уч фарзанд – жонсиз жисмлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини пайдо этдинг.

Достондаги пейзаж тасвири уч кўринишда: наботот, ҳайвонот, жамодот тасвири орқали намоён бўлади

Наботот тасвири. Шоир табиат ҳодисаларини тасвирлар экан, уни жамият билан уйғунликда кўради. Жумладан, ёшлик ва қариллик таърифида сўз борар экан, ижодкор қарилликни умр фасллари ичра кузга нисбат беради. Ҳазон фасли ҳисобланган кузни шоир шунга монанд равишида «сариглик» сифатлаши орқали тасвирлайди:

*Бўлур юз нечукким ҳазон яфроги,
Сариглиққа лекин юз ургон чоги.*

«Ҳазон яфроги» жумласи ҳосил қилган истиора муаллиф фикршарининг таъсирчан ва бадиий мукаммал чиқишини таъминлаган. Умуман, ҳазрат Навоий ижодининг хос хусусиятларидан бири фикрни бир байтнинг ўзида бир неча бадиий санъатлар билан зийнатлай олиш маҳоратида кўринади. Қуйидаги байт ҳам бу фикрни тасдиқлайди:

*Чинор илгидек титрар эл панжаси,
Вале бўлса ул барг ел ранжаси.*

Кўллар худди ел текканда қалтирайдиган чинор шохларидек титрани – бу бетакор ташбех ҳам қариллик таърифига бағишиланган ва унинг хусусиятларини образли ифодалашга хизмат қилган.

*Агарчи илик титтар үл баргваш,
Томурлар қуурup, уйлаким обкаш.*

Модомики құлларинг бамисоли баргдай титтар экан, томирларинг худди дараҳт илдизларидек қурий бошлайды. Мазкур байтларда табиат ва инсон умрининг моҳияти ўзаро мутаносибликда тасвириланади.

Шоир ўз бадий ниятини пейзаж воситасида таъсирчан ва гүзәл бадий шаклда ифодалашға ершишган.

«Садди Искандарий»нинг ҳинд ҳукмдори Искандарни Нигор ўрмонини томоша қылдирғани тасвириланған бобида ўрмондаги дараҳтлар манзараси мана бу тарзда ифодаланади:

*Келиб бешадин атри анбар насим,
Қишиб тиіра туфроғни абхар шамим.
Муқорин келиб сандалу обнус,
Шабағ бирла үл нағыким сандарус.
Насемики сандал саридин етиб,
Димог уйини сандалолуд этиб.*

Ўрмондан анбар атрининг ҳиди эсар, қора тупрогидан эса, бүтакұз гулининг бүйи анқир эди. Сандал билан обнус дараҳтлари худди мунчоқ билан қаҳрабодек ёнма-ён турардилар. Сандал дараҳти томонидан әстгап шамол киши димогини сандал ҳидигта гарқ қиласа эди.

«Навоий асарлари луғати»да «сандал» ва «обнус» сүзлари маъноси қуидаги изохланған: «Сандал – арабчадан олинған бұлиб, ёғочи қора-сариг рангли, хуш исли дараҳт. Обнус – форсчадан олинған бұлиб, икки маънода құлланилади: 1) қора тусли қаттиқ ва хушбүй дараҳт; 2) қора тус, қора»¹.

*Шажар ҳар бири еткурууб күкка бош,
Бұлуб барглар ичра пинхон қүёш.*

Күриниб турибиди, достонда наботот олами тасвири асар образарининг ёрқин, таъсирчан чиқишига, муаллиф бадий-эстетик идеалининг ўзига хос ифодаланишига хизмат қылған.

Ҳайвонот олами тасвири. «Садди Искандарий»даги ҳайвонот дүнәси тасвири достонда ифодаланған эпик тафаккур құламини яққолроқ ҳис этиш имконини беради. Доро билан Искандар ўртасидағы

¹ Навоий асарлари луғати (Тузувчишар: П.Шамсиеv, С.Иброҳимов). – Ташкент: Адабиёт ва санъат, 1973, – Б. 545.

жангда Искандар Доронинг лашкари күплигидан хавотирланади, лашкарлари оз бўлгани учун мағлуб бўлиб қолмасмикинман деган ўй уни ташвишга солади, шунда икки какликнинг уришаётганини кўриб қолади:

*Бири жусса ичра забардастроқ,
Яна бир хақири эрдию пастроқ.
Анга неча қувват, мунга онча заъф,
Де олғонча қувват, де олғонча заъф.*

Искандар икки какликнинг жуссаси ва қуввати даражасида-ти фарқни кўриб, бу ҳолатни ўзи билан Дорога қиёс қиласди. Шунда бургут келиб, кучли какликни олиб кетади, кучсизи эса срла жавлон уриб қолади. Ҳазрат Навоий бу икки каклик воқееви тасвири орқали Искандарнинг Доро устидан галабасига ишора қиласди. Шоир асар қаҳрамонининг руҳий ҳолатига ҳатто ҳайвонот олами ҳам нечоғлик таъсир қилишига урғу беради. Бу орқали ўқувчини табиатдаги ҳар бир ҳодисадан ибрат олишга чиқиради.

Мана бу байт эса, ирсоли масал санъати орқали халқона ҳикматни ўзида мужассам этгани билан юксак бадиий қимматга эга:

*Ким истар қорин бирла арслонни тўқ,
Ёрар топса фурсат анинг қорниш – ўқ.*

Мазмуни: кимки арслоннинг қорнини тўйғазиш ташвишини қилса, фурсат топиб, арслон унинг ўз қорнини ёради. Яъни ёвузга шиншилик қилиш одамларга ёмонликни раво кўриш билан баробар. Қуидаги байтда айни шу мазмун илон мисолида бетакрор бадиий толқин этилган:

*Йилонни киши тутса сарқўфта,
Балодин қилур ўз ийлини рўфта.
Ва гар берса ўз жайби ичра маҳал,
Ўзи қатлигадур таноби ажал.*

Теран фалсафа, халқона ҳикмат, бадиий шакл ва мазмун мутаносиблиги, юксак поэтик маҳорат — достондаги ҳайвонот олами тасвирида ана шу хусусиятлар уйғуллиги юксак маҳорат билан ифода ишган.

Жамодот тасвири. «Жамод» сўзи Навоий асарлари лугатида «жончи табиат (тоғ, тош ва ҳакозолар)» деб таърифланган. Демак, жамо-

дот жонсиз табиат тасвирини ўз ичига олади. «Алишер Навоий жамодот ҳақида «Садди Искадарий» достонида бундай ёзади:

*Бирига ҳажар жисмидин тўшадур,
Анга нақд балким жигаргўшадир.*

Улуғ шоир бу ўринда жамодот асосида тошлар ётишини, уларнинг бағрида қимматбаҳо маъданлар борлигини лўнда ифодалаган¹.

Достонда Навоий ўз олдига жамодот тасвири орқали Искандар кечмишини бадиий тасвирлаш мақсадини қўяди. У бутун дунё бўйлаб саёҳат қиласар экан, жамодот дунёсига дуч келади. Яъни тоғу тошлар, ўрмонлар, дарёю денгизлар ва океанлар – буларнинг барчаси жамодотни ташкил этади.

«Искандар достон воқеалари давомида куруқлиқда ўз ҳокимигини ўрнатгач, энди денгиз сафарига чиқиши, океан марказига бориб, сув остига тушишни орзу қиласади. Шу муносабат билан унга Сукрот оламнинг тузилиши, дунёнинг сувли қисми, денгизлару ороллар тўғрисида маълумот беради.

Достонда Навоий Искандарнинг океан сафари ҳақида сўз очар экан, шу аснода қадам-бақадам океан ва унда сафар қўилувчилик ҳақидағи ҳикояга ўтади. Достондаги сувли мұхит қандайдир ваҳи-мали-сирили жой сифатида талқин этилади. Лекин Ниғор ўрмонзори тасвиридаги ғўзаллик, кўтариқилик ўрнига океан тасвирида бир қадар ваҳималилик ва қизиқишини ортирувчи мўжизаворлик биринчи ўринга чиқади².

Маълум бўладики, жамодот тасвири муаллиф гоясини ифодалаш ҳамда достон бадииятини таъминлашда мұхим ўрин тутади.

Бир кичик мақола доирасида «Садди Искандарий»дек йирик достонда наборот, ҳайвонот ва жамодот олами тасвирини тўлақонли илмий таҳдил этиш, табиийки, имконсиз. Қисқа хulosса шуки, бу учлик тасвири орқали ўқувчи, биринчидан, улуғ мутафаккир яшаган давр жамодот, наборот ва ҳайвонот олами билан танишса, иккинчидан, буюк шоирнинг тенгсиз бадиий маҳорати сирларини чукурроқ ўрганиш имконига эта бўлади.

¹ Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007.

² Эркинов А. Навоий – пейзаж устаси. – Тошкент: Фан, 1988.

УЧИНЧИ БҮЛИМ АДАБИЁТШУНОСЛИК МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ТАРИХИ

БАДИЙ МАТНГА АСОСЛАНГАН КОНЦЕПЦИЯЛарНИНГ АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИДАГИ ЎРНИ

Ҳ. Болтабоев, филол.ф.д., проф. (ЎзМУ)

Матнга асосланган назариялар (формал-структурал ёндашув, янги тапиқид, нарратология) учун бадий матн назарий фанинг бирламчи объекти бўлгани учун матн моҳияти (назарияси), таркиби (структураси), талқини (герменевтикаси), ифодавийлиги каби илмий муммолов бу йўналишдаги адабиёт назариясининг предметини ташкил қиласди.

Сўнгти даврда хорижий мамлакатларда, биринчи навбатда, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Туркия ва Эронда нашр этилган ва этилаётган айrim назарий қўлланмаларнинг йўналиш ва аспектларини ўрганган ҳолда муаммони матн – муаллиф – китобхон адабий жараён масалалари тартибида ёритишни мақсадга яқин деб билдик. Чунки адабиёт ва санъат спецификасидан гап бошлиши или матн ва унинг муаллифи (адресант) билан адабий мулоқотга киришиб улгурмаган ўкувчи (адресат) учун бир мунча ноқулайлик туғлириши, истаб-истамай анъанавий қўрсатмаларга осон кўнишиб олиб боришга мажбур бўлиши мумкин. Бироқ буни бадий адабиёт спецификасидан узоқлашиш деб тушунмаслик лозим. Бадий адабиётнинг эстетик мақсади ва ижтимоий вазифаларини тушуниш учун ҳам, биринчи навбатда, матн таниш, бадий асарнинг бетакрор санъат намунаси эканини ҳис қилиш лозим. Бадий матннинг ички конструкцияси сўз санъатида уни муайян асар қурилиши билан боғлиқликда ўрганади. Бу жиҳатдан матн ва асарга тенглик аломати қўйилмаса ҳам кўпроқ шакл ва мазмун бирлиги ҳамда унини бадий бутунликда тутиб турувчи компонентлар нисбатидан келиб чиқиши лозим. Чунки матнда ҳеч бир компонент, ҳагто кичик бир детал ҳам мазмун жиҳатдан мустақил тарзда яшамайди. Унار доимо бир тирик организмни ҳаракатга келтириб турувчи аъзоплардай бири иккинчисини тақозо қиласди. Матн конструкциясини ўрганганда мана шу тақозолик, яъни ички алокадорлик сакланиши

лозим. Мумтоз адабиётшунослик бадий матн таркибига муносабатда мана шу ички алоқалорликдан кўра, уларни шартли равишда узвларга тақсимилаш ва ҳар бир компонентнинг матндағи ўрни ва вазифасини имкон қадар аниқроқ кўрсатиш йўлидан борган. Шунинг учун ҳам XX аср бошларида юзага чиққан адабий мактабларда матнга дастлабки муносабат унинг компонентларини ўрганишга кириши билан бошланди. Бу жиҳатдан мазмунни устувор деб билувчи *вульгар социологик* қарашлар билан матннинг бадий санъат асарига айланишида «хизмат қилган» шакл компонентларини ўрганишга ҳаракат қилган формал оқим вакиллари ўргасида кескин курашлар кузатилди.

М. Бахтиннинг «Тилшунослик, филология ва бошқа гуманитар фанларда матн муаммоси» иши гарчи тугалланмаган тадқиқот ҳисобланса-да, матн билан иш кўрадиган гуманитар фанлар учун асосий йўналиш беради. Муаллиф ёзишича, матн филология фанларида дастлабки берилганилик (первычна данность) сифатида қабул қилинади. «Матн шундай борлиқ (фикр ва туйгулар борлиги)дирки, ундан барча гуманитар фанлар озиқланадилар. Қасрдаки матн бўлмаса, у ерда тафаккур ва тадқиқ этилувчи обьект ҳам бўлмайди¹. Аввал матннинг бирламчи эканига ишонч бўлиши керак, сўнгра унинг талқинига ўрин берилади. Шунинг учун ҳам тадқиқот мақсади қандай бўлишидан қатъий назар, бошлангич манзил (исходной пункт) матнdir. Адабиётшунос учун матннинг ифодавийлиги, яъни санъат асари сифатида муайян фикр ва туйгуларни ифодаловчи восита, ўз ўрнида тадқиқот обьекти бўлиши мумкин. Ифодавийлик муаллиф нияти ва унинг ижросида кўзга ташланади. Бу икки омилнинг ўзаро динамик муносабати матн тақдирини белгилайди. Муаллиф нияти қатъий равишда асарнинг сўнгигига қадар сақланмаслиги мумкин. Чунки ният ижро давомида бадийийлик қонуниятларидан келиб чиқиб ўзгаради. Бу жиҳатдан муаллиф тасвирдаги характер мантиғидан келиб чиқади. Масалан, Лев Толстойнинг ниятига кўра, асар ниҳоясида Анна Каренина княз Вронскийга турмушга чиқиши лозим эди. Бироқ қаҳрамон муаллиф ниятига «бўйсунмай» ўз жонига қасд қиласди. Ёки Абдулла Қодирий учун Кумушнинг Зайнаб томонидан заҳарланиши режадаги сюжет чизигида белгиланмаган эди, персонажнинг бу ножӯя ҳара-

¹ Бахтин М.М. Проблема текста в лингвистике, филологии и других гуманитарных науках / Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1986. – С. 297.

кати муаллифни ҳам ларзага солади ва муаллиф ҳам ўз қаҳрамони ўлимидан азият чекади.

Агар матн муаллифини бирламчи субъект деб белгиласак, матн таҳдилида иккинчи субъект китобхон ҳам қатнашади. Ҳудди шу ҳолнинг ўзи матнга нисбатан диалогик муносабатнинг илк шакли-дир. Бундан ташқари матннинг ташқи жиҳатлари унинг «ичкариси» билан ҳам диалогик муносабатта киришади. Шу ўринда тадқиқотчи бу диалогик муносабатнинг ҳар икки томонидан хабардор бўлиши лозимки, у матндағи ташқи лексикологик ва стилистик бирликлар билан иш кўрса, матн «ичкариси»даги эстетик моҳиятдан узоқлашиши мумкин.

Демак, бу билан матннинг лингвистик бўлмаган бошқа бир эстетик жиҳати юзага чиқадики, адабиётшунос кўпроқ мана шу жиҳат ва унинг атрофидаги масалалар билан машғул бўлиши лозим. Бу гадқиқотчи фақат эстетик билимлар доирасида иш кўриши керак дегани эмас, балки у матн ортида турган табиий (миллий) тил – нутқи фаолиятини ҳам чуқур ўзлантириши лозим. Чунки ҳар бир матн тил орқали реаллашади, бадиий асарда унинг реалланув жараёни эса одатдаги грамматик қонуниятлар асосида юз бермаслиги мумкин. Шу ўринда лисоний ва эстетик таҳдил шунчаки бирланшибина қолмай, балки тил материали ва ифода воситаларнинг диалектик муносабатига эътибор қаратилиди.

Бу вазифаларнинг жорийланиб, мақсад сари олиб борилиши билан бирга вазифаларнинг ўзгариши ҳам ҳар икки талқин чегараларининг ўзгаришига сабаб бўлади. Бу ўриндаги фарқ фонология билан фонетика ўртасидаги фарқ кабидир. Фердинанд де Соссюр тил на нутқни фарқлагани каби унинг давомчиси Н.С.Трубецкой ҳам фонетикани материал ҳолидаги нутқ товушларини ўрганиувчи, фонологияни эса тил тизимида алоҳида маънони (поэтик маъно бўлиши мумкин – Ҳ.Б.) фарқлаш вазифасига эга бўлган таълимот сифатида кўрсаттан эди¹.

М. Бахтин матн структурасида англанишиши лозим бўлган руҳ ғанимдаги таълимотни матн поэтиканни ўрганишга сафарбар этади. Чунки руҳ матнгача аввалдан белгилаб қўйилган қоидалар асосида эмас, балки матнни амалга ошириш жараённида белгилар орқали сочинир этилади. Матн назариясидаги бу жиҳат чуқур, бой ва нафис туннунилиши керак. Актёр ижросида унинг ҳаракати, имо-ишора белгилари муайян вазифани бажаргани каби матндағи белгиларнинг

¹ Карап: Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М., 1960.

ҳаракатини ҳам нозик кузатиш керак бўлади. Чунки матн ҳаёти ва тақдири доимо «икки онг ва икки субъект» (юқорида эслатилган муаллиф ва адресат – Ҳ.Б.) чегарасида ривожланади. Бу икки онг учрашуви тайёр (ҳаёт материали – Ҳ.Б.) ва матндан мураккаб алоқадорлик – қолипловчи контекстнинг яратилиши ҳамда идрок этилиши билан ниҳояланади. Ҳар икки қутбнинг иштироки яратувчи тилининг умумийлиги ва яратилаётган матннинг ягона бетакрорлиги шартилар. Ҳар қандай яратилган ижодий матн маълум маънода шахснинг эркин ва олдиндан белгилаб қўйилмаган ижроси заруратидир.

Бадиий матнда «юксаклик (возвышенность) ва гўзаллик» бу оддий маънодаги алоҳида лексик бирликлардан ташкил топган фразеологик бирикма эмас, чунки алоҳида олган «гўзал» ва «юксак» сўзлари икки овозлиликтан маҳрум. Бадиий матнда эса уларнинг ўзаро бирлиги – фразеологик бирикма тарзидаги умумий маънода эмас, балки ўзга (ўзига хос) хусусиятли (юксаклик + гўзаллик = бадиий янгилик) эстетик ҳодиса эканлигидадир.

Бадиий матнда муаллиф муаммоси, М.Бахтин фикрига кўра, матн давомида ечилиши лозим бўлган таянч истилоҳлардан бири. Олим ёзади: «Асарда муаллиф муаммоси ва унинг ифода шакли. Муаллиф образи ҳақида қайси меъёрда гапириш мумкин? Муаллиф образи деб аталган ҳодиса бошқа бадиий образлардан фарқлашувчи алоҳида образ типидирки, бу образ матнни яратган муаллифdir. «Мен» номидан ҳикоя қилувчи баёнчи образи, автобиографик асарлар қаҳрамони, лирик қаҳрамон ва бошқалар – буларнинг ҳаммаси муаллиф шахсига муносабат орқали ўлчанади ва алоҳида тасвир предмети сифатида белгиланади»¹. Кўринадики, муаллиф образи матн таркибидаги соф муаллиф эмас. У китобхон қалбининг тубида, марказида туради. Лекин бу марказ ҳеч қачон бадиий образлардан бири бўлолмайди. У асарда яхлит, юқори даражадаги образнинг таркибий қисми холос. Бу ўринда ўз-ўзини ифодалаш – бошқалар учун ўзини объектга айлантиришдир... Муаллифнинг тасвирга муносабати ҳар доим образ таркибига киради. Муаллиф муносабати – образнинг конститув моментидир. Бу муносабат ўта мураккаб бўлиб, уни тўғридан-тўғри баҳога менгзаб бўлмайди...

¹ Бахтин М.М. Проблема текста в лингвистике, филологии и других гуманитарных науках / Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1986. – С. 310.

Тилшунослик ҳам матн билан иш күради, асар билан эмас. Яъни у асар ҳақида нимани гапирса, унинг матнига тегишилдири. Соғ лисоний муносабат – бу белгининг белгига ва тил тизими доирасидаги белгиларга ёки матнга муносабатидир. Ифоданинг реал борлиққа ва бошқа реал ифодаларга муносабати ўша ифоданинг ҳақиқий, ёлғон ҳамда гўзал ва бошқалар эканини билдирадиган муносабат бўлиб, ҳеч қачон тилшунослик предмети бўла олмайди. Чунки тил бирликлари орасида тил тизимининг қайси даражасини олмайлик лиалогик муносабат бўлиши мумкин эмас (фонема, морфема, лексема, гаплар ва бошқалар). Ифода – бадиий матн нутқий бутунлик сифатида сўнгти, юқори босқичдаги тил тизимининг асоси сифатида қабул этилмаслиги мумкин – у бутунлай бошқа даражадаги муносабатлар тизимига киради. Матндағи ифодавийлик – бу энди тил тизими эмас, аммо маъно (қадриятга, ҳақиқат ва гўзалликка бўлган баҳони ўз ичига олган) яхлит моҳиятга эга бўлган нутқий мулоқот бирлигидир.

М. Бахтийнинг бундай қарашлари нафақат матн таркиби, балки уни (юқорида кўрилгани каби) ўрганувчи фанлар ва тизимлар, матн низарияси ва трансформацияси, бадиий матнда муаллиф образи ва унинг асардаги табиати каби қатор хусусиятлар билан боғлиқдирки, биз бу тизимли қарашларнинг ўзаро ички алоқадорлигини бузмаслик учун бир ўринда кетма-кет келтирдик. Иккинчидан, М.Бахтийн асари тугалланган ва шаклланган тадқиқот эмас, балки унинг ўзи айтганидек, «фалсафий таҳдил тажрибаси»дирки, биз тезис шаклини кўйилган масалаларни имкон қадар тугалланган жумлалар қабилия беришга ҳаракат қилинди.

Бадиий матн амалиётида бевосита матн таркибига алоқадор бўлган тушунчалар борки, улар: матности (подтекст), матннинг маъномайони (контекст) ва матнларораси ҳодисаси (интертекстуаллик) каби истилоҳлар орқали тушунтирилади.

Подтекст – (калкалаш орқали рус тилига олинган – инглизча: *subtext*; ўзбекча: матности) – жиддий ва чукур адабий асарларда ички «сувости оқими» бўлиб, асарнинг асосий концепциясини ташийди¹. Э.Хемингуэй бадиий асарда «айсберг» яоясини илгари сурʼани. Унингча, асар маъномонинг ўндан бир қисмини олиб кўрсатади, ўндан тўққизи эса матностида қолади. Матности нутқ бирликларида 1998-тан В.В.Виноградов бу ҳолатда «сўзнинг тўғри лексик маъноси

¹ Борев Ю.Б. Энциклопедический словарь эстетики и теории литературы. – М., 2008. Электронная версия. П-42.

ўз моҳиятини йўқотади ва нутқнинг ички мазмунини белгилайди» деб ёзди¹. Ж.Куддон пъесанинг матности хусусияти ҳақида гапириб, айрим персонажлар ўзлари қатнашаётган уруш моҳиятини англамасликлари мумкин. Матности яширин ситуацияларда, сюжет оғушида қўринади. Бу истилоҳ XX аср сўнгида «яширин дастур»га алмашинганини ёзди².

Контекст (лотинча: *contextus* – боғланиш, занжир) – матннинг маъно майдони бўлиб, унда бадиий матндан ҳар бир ички курилма маъно томонидан бошқарилади, асар талқинида мана шу майдондаги маъно назарда тутилади. Ҳ.Бенак бу истилоҳни маъно бирлиги сифатида қабул қилган ва ички алоқадорлик туфайли матннинг айрим қисмларининг ажратилиб кўрсатилишини назарда тутган³. Бу маъно майдони бир жумла таркибида, бир хатбоши (абзац) ёки шеърдаги бир банд (строфа) орасида ёки умуман, бутун матннинг ичидаги бўлиши мумкин. Матн майдонининг бузилиши матннинг бадиий бутунлигига ўз таъсирини ўтказади ва бадиий образ орқали ифода этилаётган муаллиф фикрини нотўри тушунишга олиб келади⁴.

Интертекстуаллик (французча: *intertextuality*; сўзма-сўз маъноси: матнларораси) – бадиий матннинг ички алоқадорлиги бўлиб, у ташқи ҳаёт воқеаларига эмас, балки матннинг ўзига ва бошқа матнларга муносабатидир. Интертекстуаллик ҳодисаси структурализм (Р.Барт)⁵ ва унинг асосидаги постструктурализм истилоҳи сифатида майдонга чиққан. Ю.Кристеванинг ёзишича, ҳар қандай матн кўчирилмалар (кенг маънодаги) мозаикасини эслатади ва қандайдир бошқа бир матннинг трансформацияси каби хотирада сақланади. Шунинг учун (М.Бахтиндаги – Ҳ.Б.) *интерсубъективлик* ўрнига интертекстуаллик тушунчасини киритиш лозим (Чунки «адабий сўз» – матн майдонларининг туташув жойи, турли хил ёзувлар диалогидир»⁶.

¹ Виноградов В.В. Пoэтика и ее отношение к лингвистике и теории литературы / Стилистика. Теория поэтической речи. Пoэтика. – М., 1963. – С.164-200.

² Guddon J.A. A Dictionary of Literary Terms. – N.-Y., 1972.

³ Benac H.V. Nouveau Vocabulaire de la Dissertation et des Etudes Litteraires. Paris, 1982.

⁴ Литературный энциклопедический словарь / Под ред. В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. – М.: СЭ, 1987. – С.165.

⁵ Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Пoэтика. – М., 1989. – С. 428.

⁶ Кристева Ю. Бахтин, слово, диалог, роман (1967) // Французская семиотика. От структурализма к постструктурализму. – М., 2000. – С. 429.

Сўнгти икки асар бўсағасида энг кўп мунозаралар объектига айланган ҳодиса *интертекстуаликни* «аноним формулаларда умумий майдонда» учрайдиган матн таркибида келган аввалги асарларнинг маълум қисми (аъзоси), улар «кўштироқсиз келтирилган, онгиз ёки автоматик тарзда ишлатилган матн» аъзолариридир, каби тушуниши кенгайишни асослаган Ж.Куддон «у матнлар орасидаги (адаптация, гардина, таклид, аллюзия, пластиат, пародия) турли хил кўплаб алоқалар» деб тушунтиради ва структурализм бўйича, матн — бу тизим, бунда тил реалликка эмас, балки ўша матн ичига ва унинг образлиги муносабатдир» деган фикрни ёқлади².

АДАБИЁТШУНОСЛИК МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Б. Каримов, ф.ф.д. (ЎзМУ)

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётшунослари жуда кўп адабий маңбаларга янгича мезонлар — мишлий қадриятлар, бунёдкор ғоялар, Ватан ва миллат манфаати, умуминсоний ҳамда жаҳон адабиётшунослиги мезони билан ёндаша бошланди. Бу давр ўзбек адабиётшунослигида илмий тадқиқот методларининг асосчилари баробирида талқин тамойилларига, намояндалари, майдонга чиқиши ва генетик асосларига эътибор берилди.

Шўро замонида ҳукмрон мағкуранинг методологик кўрсатмаси шабабиётшунослар ижодини чеклаб қўйган эди. Бугунги адабий матнлар талқинига ёндашувларда ўзига хос эркинлик мавжуд. Аслида бадиий асарни оддий китобхондан фарқли ўқийдиган адабиётшунослининг ўз билимлари амалиёти, яъни илмий-адабий таҳлил, тасниф ва талқин жараёни шуни тақазо қиласди.

Сир эмаски, XX асар ўзбек адабиётшунослигида социологик метод етакчи бўлган эди. Бу ёндашув инерцияси бугунги адабий ҳаётла ҳам бальсан сезилади. Бироқ адабиётни ижтимоий ҳаёт, инсонларнинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший муаммоларга боғлаб ўрганиш ҳар доим кун тартибида туради. Зоро, илмий тадқиқот учун

¹ Современное зарубежное литературоведение: Энциклопедический справочник. — М., 1979. — С. 281.

² Guddon J.A. A Dictionary of Literary Terms. — N.-Y., 1972.

тандынган ҳар қандай метод объект манба табиатига мувофиқ келиши лозим. Битта асар-объекни бир нечта методлар билан ўрганиши мүмкін. Бунда ҳеч ғалатлик йўқ. Қўлланган методлардан бироргаси кўпинча етакчи, бошқалари ёрдамчи бўлади. Бадиий асар табиатига мос келмайдиган методлар билан ёндашув адабий асар моҳиятини нотўғри талқин этишга ёки юзаки, соҳта, файритабии хуросалар чиқаришга олиб келади. Шунинг учун тадқиқотчи бадиий асарда илгари сурилган асосий гояси ва муаллиф дунёқаращини теран англаши лозим. Бу англаш ҳодисаси эса инсоннинг билими, тажрибаси, эстетик диди ва бошқа шу каби руҳий-психологик омилларга боғлиқ бўлади.

Дунё адабиётшунослиги илмида бадиий асарни тадқиқ қилишнинг турли методлари мавжуд. Илмий фикр баёнида жуда кўп ишлатиладиган «метод», «методология», «методика» атамаларининг аралашиб кетган ҳоллари кузатилади. Ҳолбуки, «метод» сўзи юонча бўлиб, лугавий маъноси «бирон нарсага бориш йўли», истилоҳий жиҳатдан эса «мақсадга эришиш усули, муайян тарзда тартибга солинган фаолият» деган маънони билдиради. Рус олими Ю.Б.Борев «метод»ни фикрлаш усули, «методология»ни метод назарияси, «методика»ни методнинг хусусий усуллари тизими тарзида тушунтиради. Унинг фикрича, қўлланилаётган назария билан кузатилаётган объект орасида симметрик ҳолат бўлиши керак. Метод шу ҳолат асосни ташкил этади. Бунда метод фан ва воқелик, таҳлил ва факт, назария ва амалиёт, концепция ва экспериментал маълумотлар ораганини эгаллайди¹.

Метод – билиш воситаси. Шу восита билан ўрганилаётган объекти тафаккурда қайта ҳосил қилинали. Метод муайян фан соҳасининг асослари, билиш назарияси, илмий билиш тамойилари билан чамбарчас боғлиқ.

Адабиётшунослик тарихида бадиий асарга филологик, эстетик, формал, биографик, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, социологик, тарихий-генетик, тарихий-типологик ва бошқа ёндашув усуллари кенг қўлланилади. Ҳозирги даврда дунё адабиётшунослигига методлар кўпчиликни ташкил этади; уларнинг салмоғи ортди, сони юзга яқин. Бу методларни нисбатан умумлаштириб муаллифга, адабий матнга, китобхонга тегишли методлар сифатида таснифлаш мумкин. Адабиётшунослик методлардан биронтасига ортиқча қиймат бериш ёки яқин ўтмишда

¹ Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. – М., 1981. – С. 47-66.

бўлганидек, «буржуа адабиётшуносларининг методлари» сифатида асоссиз танқид этиш тўғри эмас. Ҳар бир методнинг ўз назариётчиси, ўз тарихи, ўз тадқиқот усули, ўз мухлислари ва айниқса, барчага баравар бўлган обьекти борлигини эътиборда тутиш лозим. Бадий асар ҳақиқатини ойдинлаштириш учун ўша асар табиятига тўла-тўкис мос келадиган усулни танлаш яхши самара беради. Чунки ўринли танланган йўриқнома мақомидаги метод тадқиқотчининг ўз олдига қўйган мақсадига етказади; вазифалар ижросини таъминлайди.

Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлиллар тарихида уч ҳолат кузатилиди.

1. Фарб адабиётшунослигидан олинган методларга ўзбек адабиёти намуналарини жойлаштириш.

2. Ўзбекона адабий-назарий қарашлар билан дунё адабиётшунослигидаги талқин тамойилларини уйғунлаштириш.

3. Шарқ мумтоз поэтикаси мезонларига таяниш.

Гаф булардан қайси бири тўғри ёки нотўғри, қай бири маҳсулдор ёки каммаҳсуллиги ҳақида эмас. Хўш, қайси бир метод бадий асар мазмун-моҳиятини деярли тугал очиб бера олади? Нега «деярли»? Чунки ҳеч ким ҳақиқий санъат асарини юз фоиз тугал, мукаммал талқин қилиш қувватига эга эмас. Ҳатто бебаҳо санъат асарини буниёнд қилинган муаллиф ҳам ўз асарини ягона ҳақиқат сифатида тушунтира олмайди.

Тўгриси, гарчанд айрим тадқиқотлар «Кириш»ида етакчи методлар эслаб ўтилса-да, таҳлилда ўша усулларнинг самараси қўпинча сезилмайди. Бунинг сабаби нафақат анъанавий қолигиларда фикршаш, балки ялқовлик ортидаги хабарсизлик ҳамдир. Методлар моҳияти, таснифи, талқин тамойиллари, илмий-назарий асосларидан бехабарлик натижасида адабий мақолаларда, илмий тадқиқотларда бир хиллик, стилистик тарафдан жиндай таҳрирли, бир-бирлашибига ўхшаш ва эгизак ишлар майдонга келиши мумкин. Ҳолбуки, адабиётшунослик методларини маҳсус ўрганиш, шу соҳа янгиликларини билиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш ҳар қандай адабиётшунос учун жуда муҳим. Чунки бошқа барча фан соҳалари каби тез ривожланаётган дунё филология илми ҳам янгиликлардан холи эмас. Ҳозирда структурал анализ, психоаналитик усул, имманент анализ, контекстуал талқин, экзистенциал ёндашув, лингвопоэтика, фенемологик метод, «янги танқид», герменевтик метод, интертекстуаллик, интуитив метод, мифопоэтика, сацио-генитик метод ва бошқа назарий тушунчаларда дунё адабиётшунос-

лиги катта тажрибага эга. Албаттага, ўз мустақил дунёқарашига, ўз айтар сўзига эга адабиётшунос бундай анъанавий ва янги методларни пухта ўрганиши, миллий тафаккури чигирифидан ўтказиши, синтезлаб ўзлаштириши шарт.

Дунё илмий-фалсафий қарашлар тарихида адабий ҳақиқатларни билишнинг учта усулига эътибор берилади:

1. Ўргимчак йўли-усули: Фақат ақлий тафаккурга таянадиганлар ўргимчакка ўхшаб, «ўз ақдларидан фикр толаларини тўқиб чиқаради». Оқиллик етакчилик қиласидан бу усулда олимлар ўзлари учун ўзларига қоидалар ясад олишади.

2. Чумоли йўли-усули: Тажрибани хуш кўрадиган тафаккур эгалари чумолига ўхшаб фактлар жамлайди ва шу билан қаноатланади. Кўпинча ташқи омилларга эътибор беради; топганини аралаштириб «қозон»га ташланади.

3. Асалари йўли-усули: Гўё «бог ва дала гулларидан манбалар саралаб олинадиган», ўз қобилияти асосида ўша манбаларни тафаккурида қайтаб ишлаб ўзлаштириладиган асалари — усулидан фойдаланувчилар тажриба билан алқ-идрокни ўзаро мустаҳкам боғлади.

Шу эътибордан бугунги адабий-илмий ҳаётта назар солинса, «асалари»га зарурат кучли экани, «чумоли»нинг кўпроқ оммага хослиги ва «ўргимчак» йўли танқидга учраши ҳам мумкинлиги маълум бўлади.

Бугун ўзбек адабиётшунослигига дунё тажрибасидан ўрганилаётган бир нечта методлар ибтидоси кузатилади. Уларга нисбийлик хос; бирортасини ўзгармас ва ҳаққоний метод сифатида қараш ўринли эмас. Ҳар бирида ютуқ, бадиий асарнинг қайсилир қиррасини очиб берадиган калит бор. Айни дамда истаган киши ҳар бир методдан нуқсон топиши ҳам мумкин. Олим дунё адабиётшунослигига мавжуд барча методларни ўрганиши лозим. Заруратга кўра, янги методларнинг талқин тамойиллари тизимини ишлаб чиқиши ва уларга мос ном қўйиши керак. Жаҳон адабиётшунослигига кўрилмаган, шарқ адабиётшунослигига кўлланган, эҳтимол, гарб адабиётшуносларида зарурати бўлмаган бадиий асарга ўзига хос ёндашув усуllibарини ҳам дадил илмга олиб кириш ва саҳнага олиб чиқиши, ҳодисага мос илмий атама ҳамда тушунчаларни ўргатга ташлаш лозим.

Мустабид тузум замонидаги тадқиқотларда ўзбек адабиёти тарихи ўз моҳиятида тажассум топган фикр-қарашлар асосида ўрганилгани йўқ. Бу имконсиз ҳам эди. Ваҳоланки, ўзбек адабиёти, уму-

ман, шарқ алабиёти тарихида шундай адабий дурдоналар борки, тасаввуф фалсафасиз, айни дамда Куръони карим оягларини ва ҳадиси шариф ҳикматларини талқин жараёнига татбиқ қылмасдан улардаги поэтик образларнинг ҳам асил моҳиятини тугал очиб бериб бўлмайди. Дейлик:

*«Собиқан ҳам қисса ўтмии бу қабил,
Сидқига асҳоби қаҳф этти даши»*

байтининг тўтири талқини учун «Қаҳф» сурасига мурожаат зарурдир. Алишер Навоийнинг машхур «Қаро кўзум...» газалидаги:

«Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени,

Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил» байтини бир қанча талқинлари қаторида Расулуллоҳнинг «Мўминнинг жони тери ила, коғирники эса ҳайвоннинг жони каби оғиз ва бурунларидан чиқар...» мазмунли ҳадислари билан шарҳланган варианти ҳам бор¹. Мумтоз шеъриятдаги «ёр», «ошиқ», «май», «шароб», «соқий», «жом» каби ўнлаб образлар тасаввуфий истилоҳлар билан изоҳланди. Зотан, мумтоз адабиётга бундай ёндашувлар истиқдол йилларидағи адабий-назарий мақола, айрим рисола ва монографияларда янги адабий-тадқиқий ҳодиса, айнан адабиётшунослик методининг бир тури сифагида кузатилади. «Фойилар хайлидан ёнган чироқлар» (муаллифлар жамоаси), «Ҳазрат-и Навоийнинг маънавий олами» (А.Рустамий), «Тафаккур карвонлари» (Н.Комилов), «Тасаввуф ва шеърият» (И.Ҳаққул), «Мумтоз адабиётда диний-маърифий мавзулар» (Б.Жалилов), «Куръон бахшиштан илҳом» (Д.Қамбарова), «Куръони карим ва ўзбек адабиёти» (Ҳ.Кароматов), «Ишқ, ошиқ, маъшуқа» (С.Олим), «Жозиб изҳор излаб» (Т.Шермуродов), «Мажозий муҳаббат ҳақиқатлари» (Б.Эралиев) ва бошқа кўплаб асарлар майдонга келди. Мумтоз исарларга янгича ёндашувни, бундай ўзига хос адабий ҳодисага маҳсус ном бериш лозим. Дейлик, бундай ёндашув усулини «диний-тасаввуфий метод» истилоҳи билан аталиши ҳам мумкин. Чунки ушбу йўналишдаги тадқиқот мақола ва рисолаларда тасаввуф фалсафасига, тариқатлар, тасаввуфий рамзларга, оят ва ҳадислар мазмунига таянган ҳолда фиклар баён этиш етакчилик қиласи. Бундай ёндашувлар шуро даври адабиётшунослигига куттилмайди.

¹ Ҳаққул И. Навоийга қўйтиш. – Т.: Фан, 2007. – Б. 73-78

Дарвоқе, дунё адабиётшунослигида айни шундай ном бирорта методга нисбат берилган эмас. Бироқ Л. Толстой, М. Достоевский, В. Иванов каби ижодкорларнинг асарларини теологик нуқтаги на-зардан талқин этган Н. Бердяев, Л. Шестов, Вл. Соловьев, В. Розанов, И. Гарин каби олимларнинг асарлари мавжуд. Айрим манбаларда бу йўналиш «диний-идеалистик», «фалсафий-диний» номлар билан аталади.

Мумтоз шарқ адабиётшунослиги бадиий асарни шакл ва мазмунига қўра талқин этиши, ўзига хослигини кўрсатиш ҳамда таснифлашда ўз мезонларига ҳам эга, албатта. Бугунги ўзбек адабиётшунослиги шарқ адабиётшунослиги тарихидаги адабий мезонлар билан жаҳон илм-фанидаги усусларни уйғунлаштирган-синтез қўлган ҳолда илгарилаши лозим.

Адабиётшунослик методларини теран ўрганиб чиқиши, биринчидан, бадиий асарга ёндашувга тўғри йўлни курсатса, иккингиздан, адабиётшунослик тадқиқотларига тўғри ташхис қўйиш кўниумасини ҳосил қиласди. Аслида талқинчининг қайси усуслини қўллаши унинг дунё қарши ва назарий билимига боғлиқ. Бадиий асарни ўқиши ва уни талқин этишга киришган олим сафарга чиқсан йўловчига ўҳшайди. Йўловчи манзилини тахмин қиласди. Айни дамда, ўзи учун энг бехатар, ўзи биладиган ва оқибат манзилига эсон-омон етиб оладиган йўлдан юради. Йўловчининг нотаниш йўлидан юриши қийин кечади. Қор босган майдонда оёқ изи бўлмаса, одам тахминлаб, ченлаб, ўйлаб, ўлчаб, адашиб ўзи-ўзига йўл очади. Бирорнинг изидан эргашиб юриш анча осон. Эргашувчидан эргаштирувчи адабиётшунослар авлоди таваллуд топиши – истиқлол тақдим этган энг эзгу-бебаҳо орзу.

НАВОЙДА «АБРОР» ИСТИЛОХИ

У. Жўракулов, филол ф.и., КИХИ (ЎзМУ)

«Хамса» маърифий-бадиий концепцияси марказига қўйилган «аброр» истилоҳи навоийшуносликлда энг кам эътибор қаратилган муаммолардан. Бу ҳақда гап кетганда, асосан, «яхши киши», «пок киши» деган маъновий талқиндан нарига ўтилмайди. «Навоий лугати»да ҳам «аброр» сўзига «яхшилар», «яхшилик билан танилганлар», «пок кишилар» тарзида маъно берилган. «Насойим ул-муҳаббат»нинг изоҳлар қисмида «тариқи аброр» (аброр йўли) истилоҳига шундай изоҳ

берилади: «Тариқи аброр – яхши инсонлар йўли бўлиб, тариқи тас-фия ва мужоҳада деб юритилган. Бу йўл нафс ила курашиш, риёзат ила қалбни ёмонлик ва чиркинликдан поклаш, ахлоқий комилликка стишиш йўли ҳисобланади. Хоҳ Ҳақ билан бўлсин, хоҳ ҳалқ билан бўлсин муносабат ва алоқада ихлос ҳамда тўғриликдан чекин-маслик – ушбу йўлнинг бош сабабидир»¹. Ушбу умумий изоҳдан аброр истилоҳининг моҳияти, бадиий адабиёт билан муносабати, бундаги поэтик вазифаси ва бошқлар ҳақида тўлиқроқ тасаввур олиш қийин. Е.Э. Бертельснинг «Сўфизм ва сўфийлик адабиёти» китобидаги келтирилган «Миръот ул-улишоқ» лугатида ҳам «аброр» истилоҳига доир бирор маълумотни учратмадик².

Ж.С. Тримингэм «аброр» истилоҳига «муқаддас сўфийлик исрархиясидаги бир унвон» деган умумий таърифни беради³. Қавс ичидаги келтирилган изоҳида эса бу сўзнинг бирлик шаклдаги арабча «баррун» ўзагидан келиб чиқишини, бунинг сўзма-сўз маъноси юса «аҳдини бажарувчилар» эканини қайд этади. Аммо тадқиқотининг умумий мақсади, қолаверса, аксар европа шарқшуносларига хос тарзда, бу истилоҳи моҳиятига чуқурроқ назар ташлашдан узини «тияди».

Нажмиддин Кубронинг «Тасаввуфий ҳаёт» китобида келтирилган «Тасаввуф истилоҳлари шарҳи»да «аброр» истилоҳи шундай шарҳланган: «Аброр – ўзи, сўзи-ю амали тўғри бўлганлар, яхшилик ва поклик ила танилган кишилар. Тасаввуфда аброр икки тоифага ажратилган: 1. Аҳли фугувват бўлиб, булар ўзларини инсонийлик хизматига бағишлаганлар. 2. Махлуқотдан узоқлашиб бутунлай Аллоҳга бағишлаганлар, яъни файратта таслим зотлар»⁴. Бу шарҳни ҳам, кейинчалик тасаввуф таълимоти доирасида бир қадар хослаштирилгани, бир оз маъхумлиги боис, Навоийнинг «аброр»и моҳиятини айнан ифодадайди, деба олмаймиз.

Бизнингча, Навоийдаги «аброр» истилоҳини фақат тасаввуфга оид хос истилоҳлар тизимида тушуниш ёки тушунтириш, бизни «Ҳай-

¹ Алишер Навоий. МАТ. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан, 2001. – Б. 507.

² Қаранг: Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М.: Наука, 1965. – С. 126-180.

³ Қаранг: Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. Перевод с английского под редакцией с предисловием О.Ф.Акимушкина. – М.: Наука, 1989. – С. 177; 287.

⁴ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: Мовороуннаҳр, 2004. – Б. 208.

рат ул-аброр», ҳатто бир бутун «Хамса» асарини асл моҳиятга кура тадқиқ этишдан бир оз чалгитади. Чунки Навоий «Хамса»сида замонмакон ва инсон феномени кўлами бир қадар кенгроқ олинганки, у хосу авомни бирдек қамраб олади. Айнан шу жиҳати билан умумбашарий моҳият касб этади.

«Аброр» сўзининг лугавий «аҳдни бажарувчилар», «аҳдга содиқлар», «аҳдга вафо қилувчилар» сингари хос маънолари Навоийда теран маърифий-бадиий таҳлил доирасига тортилган, замонмакон нуқтаи назаридан максимал даражада универсаллаштирилган. Шу маънода, бундаги «аҳд» тушунчаси тӯғридан-тӯғри «ал-мисоқ» замонига, ундаги «Аласту бироббикум?» («Роббингиз эмасманми?») хитоб-саволига бориб боғланади. Ўшанда башариятнинг ибтидодан интиҳоғача яратиладиган вакиллари руҳи «Қолу бала», яъни «Айтишди: Ҳа, албатта» («Аъроф» сураси, 172-оят) дея аҳд берганлар. Навоийнинг «аброр-одам»и мана шу аҳдига кўра, муҳаққақ Роббиси томон «сафар»га чиқсан одамдир. Аброр йўли, моҳиятан, шу аҳдни бажариш, унга вафо изҳор этиш, ўз изҳорига амал қилиш йўлидир.

Навоий «Хамса»си ва бошқа асарларини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, аброр истилоҳини бир икки лугавий маъно ёки изоҳ билан тушунтириш мумкин эмас. «Ҳайрат ул-аброр»нинг мақолатлар ва ҳикоятлар қисмига қадар аброр-одамнинг «ҳайрат» бобида келтирилган икки олам — «малак олами», «малакут олами» ва бир мулкда — «бадан мулки» — этишган мақоми, «аввалги» ва «ўрта» хронотоплар доирасида, умумконцептуал усулда бадиий талқин қилинади. «Хожа» (инсон жони, руҳи)нинг «адам шоми»дан «бадан мулки»гача бўлган синов йўли босқичма-босқич кўрсатилади. Мақолатлар ва ҳикоятлар бўлими эса бадан мулкида ҳукмдорлик мақомини эгаллаган «хожа»нинг дунёвий (ижтимоий, горизонтал хронотоп) сатҳидаги маърифати, Яратганни таниш, «асл ватан»га интилиш, бир сўз билан айтганда, «ўрта олам» замонмакони доирасида туриб, «аввалги олам» билан боғланиш восита ва шартларини мажоз-ҳақиқат усули билан талқин этишга қаратилган. Демак, биз фақат мақолат ва ҳикоятлар бўлимини «ҳайрат» бобида келадиган аброр-одам талқинлари билан уйғун таҳлиллаш орқалигина аброр истилоҳи хусусида муайян тұхтамга келишимиз мумкин.

Мақолат ва ҳикоятлар бўлимининг кичик «дебоча»си бўлиб келган «хожа Баҳоуддин Нақшбанд» мадҳи Навоий маърифий идеали ва «Хамса»даги «аброр йўли» учун калит вазифасини үтайди. Шоир

нақшбандийлик тариқатининг вакили үлароқ пирнинг ҳаёт йўли, шахсиятига хос фазилат ва сифатларни тарихий-бадиий ҳақиқат негизида умумлаштиради. «Насойим ул муҳаббат»да Баҳоуддин Нақшбанд «йўли» (тариқати)га оид бекат ва мақомларнинг ақидавий асослари, тарихий далилларини кўрсатади: «...сўрдиларки, сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур? Дедиларки, анжуманда хилват, зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ субҳанаҳу таъала била... Улча Ҳақ субҳанаҳу таъала буюрибдурки — «уларни на тижорат ва на олди-сотди Оллоҳ зикридан чалғитолмайди»¹ — ишлот бу мақомғадур... Умиддурки, анга мулозамат ва мудовамат иймони ҳақиқийга мунтаҳи бўлғай ва дер эмишки, бизнинг тариқимиз «мустаҳкам тутқич»² дурур. Ул илик Пайғамбар (с.а.в.) мутобаатига урмоқдур ва саҳобай киром осорига иқтидо қилмоқ ва бу тариқда оз амал била кўп футуҳ етишур. Аммо суннат мутобаати риояти улуғ ишдурки, ҳар киши бу тариқимиздин юз уйрса, анга дин хатарибур...»³ «Насойим ул-муҳаббат»да шу ва шунга ўхшаш ўнлаб мисоллар келтириладики, буни «мақолат», «ҳикоятлар» да тасвир этилган «аброр йўли»нинг назарий тезислари, амалий далиллари дейиш мумкин.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг Баҳоуддин Нақшбандга бағипланган боғида унга нисбатан «нақш кони» ташибеҳи қўлланади. Мақоми «Фақрда юз муршид учун силсила» мисрасида акс эттирилади. Сайр йўли таърифи «ҳайрат» боғида кўриб ўтилган йўл билан изчил алоқадорликда тасвир этилади. Навоий талқинига кўра, Нақшбанд сайр йўли «жаннат», «жамият» ва «бадан мулки» аро кечади. Нақшбандийликнинг тўрт шарти ҳам (1. Хилват дар анжуман. 2. Сафар дар ватан. 3. Назар дар қадам. 4. Ҳуш дар дам) шу йўл кўламида амал

¹ Оятнинг «Куръони карим» таржимасидаги тўлиқ шакти шундай: «У (чироқ) бир уйларда (яъни масжидларда ёқилтурки), Оллоҳ ularни баланд кутариб (бино) қилинишига ва улирда Ўзининг номи зикр қилиншига изн берган (яъни амр қилған) эди. У (масжидларда) эртаю кеч У зотнинг поклигига иймон келтириладиган кишилар бордирки, ularни на тижорат ва на олди-сотди Аллоҳни зикр қилишдан, намозни тўқис адо этишдан ва закотни (ҳақдорларга) ато этишдан машғул қила олмас. Улар диллар ва кўзлар изтиробга тушиб қоладиган (қиёмат) кунидан кўркурлар»/Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 24:36-37.

² Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларидан олинган иқтибос. Бунда «мустаҳкам тутқич» мажозан «Куръони карим» ва ҳадисни билдиради (– У.Ж.).

³ Алишер Навоий. МАТ. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан, 2001. – Б. 262-264.

қилади. Навоийнинг бошқа бир шеърий асарида ушбу тўрт шарт, уларнинг аброр йўли бекатларидағи аҳамияти агрофлича очиб берилган¹.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» «дебоча»сида шундай ёзади: «Ва чун ул Ҳазрат (с.а.в.) анбиёниң хотами эрди ва андин сўнгра нубувват эшиги боғланди. Ҳар ойинаким, ноқислар такмилга умматнинг комилу олимларини номвор эттики, бурунга анбиё ўрнига уҳда қилғайлар ва йўлдин чиқғонларга йўл кўргузгайларки, «умматим уламоси бани Исройл олимлари кабидур ва яна — уламо пайғамбарлар ворисидир», аҳдиси андин хабар берур ва ул Ҳазратдин сўнгра бузургвор асҳоби ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаъин ҳалойиққа бу раҳнамойилигин бажо келтурдилар ва Ҳақ субҳонаҳу ва таолоға йўл кўргуздилар ва ул соҳиб давлатлардин сўнгра бу умматнинг машойихи ва авлиёуллоҳ қ.т.а. бу иршодға иштиғол кўргуздилар ва ваъда будурким, олам инқирозигачаким, миллат ва шариат сийрати мустақим бўлғусидур»². «Насойим ул-муҳаббат» «дебоча»сининг «Бу тоифа аъмолу аъфол ва муомилоту риёзотидин баъзини зикр қилмоқ» деб номланган кичик бобида авлуёуллоҳ Муҳаммад алайҳиссалом ва у зотнинг саҳобаларидан мерос ўлароқ ўз ҳаётларида кўллаган, ёзма ҳамда оғзаки кўрсатмаларида қайд этган амал, фазилат, одатлар тасниф этилади. Булар қуидагилардан иборат:

а) тавба: Аллоҳ уларга барча қайтарилган ишлардан сақланишини каромат қилган; б) луқма ҳиллияти: авлиёуллоҳлар ҳалол луқма ма-саласига ўта жиддий қараганлар. Щу боис уларнинг ҳар бирлари рўзгор тебратиш учун муайян касб (дейлик, этикдўзлик, пичноқчилик, темирчилик, қассоблик, ўтиччилик ва ҳ.к.) билан шуғулланганлар; в) шариаг риояси: тавҳид калимасини бирлаҳза ҳам тарқ этмаслик; намозни ўта мукаммал аддо қилиш; закот беришда саховат чегараларини тарқ этиш, яъни қўлда борини эҳсон қилиш; рўззада жами аъзоларга қатъий тарзда жилов солиш, ойда бир бор ифтор, кўнгил рўзасини маҳкам тутиш; ҳар ердаки ҳаж масъулиятида юриш; г) тариқат одоби: шариат доирасини бирлаҳза бўлсин тарқ этмаслик; ўзни барчадан кичик тутиш (факирлик); иззат талаб қилмаслик; сахо (ўғри-ю тўғри, яхши-ёмон учун бирдек саховатли бўлиш); ҳилм; ризо; сабр; азим риёзат.

¹ Қаранг: Алишер Навоий. МАТ. Еттингчи том. Ҳайрат ул-аброр. — Т.: Фан, 1991. — Б. 364.

² Алишер Навоий. МАТ. Ўн еттингчи том. Насойим ул-муҳаббат. — Т.: Фан, 2001. — Б. 14.

Навоий бу таснифни саҳиҳ манбалар, айни пайтда, ўз кўзи билан кўрган авлиёуллоҳ ҳаёт тарзи, ўзи гувоҳ бўлган воқеалар асосида тузган. Саналган сифатларни аброр маърифатининг асоси деб билган. «Ҳайрат ул-аброр»даги мақолатлар ва ҳикоятларда акс этган «аброр йўли» мана шу назарий таснифнинг комил шахслар ҳаёти мисолида бадиий далилланиши десак, хато бўлмайди. Бу фикрга асос бўладиган яна бир далил ҳикоятлардаги аксар сюжетлар «Насойим ул-муҳаббат»да зикр этилган шахслар ҳаёти билан айнан мос келипцидир.

Тўғри, аброр-одам ҳаёт йўли, унинг Аллоҳни таниш жараёнида босиб ўтадиган бекатлари, улуг фазилатлари «Ҳамса»даги концептуал умумлашмалар учун асос бўлган. Аммо ҳаётда барча ҳам бу мақомга эриша олмайди. Яратганинг қатъий қонуниятига биноан ориф билан жоҳил, комил билан фосиҳ, амин билан мунофиқ, сахий билан баҳил, собир билан бесабр, қониъ билан томиъ ёнма-ён юради. Аллоҳни англаш, аброрлик саодатига етишув йўли шу икки зидлик оралаб ўтади. Айни сабабдан Навоий ўз мақолатларида нишоннинг икки томонини ҳам кўрсатади. Уларни «Куръони карим» услубига хос ўткир драматик контрастда тасвирлайди. Бу ўринда ҳикоятлар мақолатларнинг бадиий далили вазифасини бажаради. Шу тариқа мақолатлар ва ҳикоятлар хронотопига универсал миқёсдаги бадиий вазифа юқлатилади. Натижада мақолат ва ҳикоятлар хронотопи «уч олам» хронотопи, хусусан, «Ҳамса»даги универсал хронотоп билан узвийлик касб этади. Ҳам бадиий-концептуал, ҳам структурал нуқтаи назардан тизимлилик ва жанр бугунлигини таъминлайди.

Умуман, Алишер Навоий «Ҳамса»сининг ўзак-моҳиятини ташкил этадиган бу маърифий-адабий истилоҳ маҳсус ўрганилиши, шарқ-ислом маънавияти, адабиётида бажарган вазифаси, шу тоифадаги истилоҳлар қаторида тутган мақоми аниқ-тиник белгиланини лошим. Акс ҳолда, Навоий бадиий даҳоси моҳиятини тушуниш, асарларини таҳлил этишда турли методологик хатоликлар келиб чиқиши табиий.

ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН ИМКОНИЯТЛАРИ

P. Зоҳидов, филол.ф.и. (ЎзМУ)

Дунёдаги ҳар бир ҳалқ ўзининг ёзма тарихига эга. Бу тарихни ўрганишда ҳеч бир манба ёзма ёдгорликлардек батафсиликка даъво қилолмайди. Аждодларимиз ҳаётини бутун тафсилотларигача бағри-

га жойлаган құләзма манбалар ўтмиш билан бугунни боғловчи күпrik. Инсоний тамаддун тарихида қадимий құләзмаларнинг аҳамияти шу даражада экан, бу бебаҳо маънавий меросга чина-кам ворис бўлиш учун уларни чуқур ўрганиш, ўрганилганда ҳосил бўлган билимни оммалаштириш талаб қилинади. Аждодлардан қолган маънавий мулкни ўзлаштириш, яъни «ўзиники қилиб олиш» айни жараёндан – билимнинг оммалашувидан бошланади.

Шу маънода, матбаа ихтироси нафақат тарихида, балки инсоний фикр, инсоний маданият тарихида ҳам янги асрни бошлаб берди. Матбаа соҳаси саноатлашгач, илгари битта ёки бир неча нусхадагина кўчириш мумкин бўлган китоб учун юзлаб, минглаб нусхада кўпайтириш имкони туғилди, кенг халқ орасида құләзма китоблар асрида бўлмаган фикрлар оммалашуви юзага келди. Табиийки, матбаачилик фаолияти билан боғлиқ, бу ҳолат құләзма манбаларни нашр қилиш қонун-қоидаларини ишлаб чиқишни кун тартибига кўйди.

Вазифанинг оғирлиги шунда эдикى, матншунослик иши даставал, ҳар хил ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра, дунё кутубхоналари бўйлаб тарқалиб кетган муайян құләзма нусхаларини аниқлаш, аниқлагандан сўнг кейинги тадқиқот учун уларни жамлашни тақозо қиласди. Матншунос ўзи ўрганаётган құләзма асарнинг турли нусхаларини қўлга киритар экан, энди унинг олдида «қайси нусха нашр қилинишга ҳақлироқ» деган принципиал савол туғида. ҚадимиЙРОГИМИ ё замонавийроғи? Бу саволларга жавоб топиш назарий жиҳатдан осон кўринса-да, уларнинг амалий татбиқи енгил кечмайди. Ҳар доим ҳам қадимиЙРОҚ нусха замонавийроғидан ёки тўлифи ноқисидан етакчи бўлолмайди, балки бунинг акси ҳам бўлиши мумкин.

Нашр учун мувофиқ нусха танланди ҳам дейлик, энг серзахмат жараён шундан сўнг бошланади, бу – матн таҳқиқи масаласидир. Таҳқиқ жараёни матндағи ҳар бир сўз, ҳар бир жумланинг муаллиф матнига мувофиқдигини илмий даиллар билан ҳар томонлама асослашдан иборат. Бу фаолият билан шуғулланувчи олим шарқда «муҳаққиқ» атамаси билан номланган.

Манбашунос олим Абдуссатор Абдулҳақ Ҳалужий ва Башшор Аввод Маъруфнинг хабар берипича, құләзма асарлар таҳқиқи бўйича соҳа олимларининг фикри хилма-хил. Баъзиларининг айтишича, құләzmани нашрга тайёрлаётган муҳаққиқ учун муҳими, бир нечта нусхани ўрганиш билан чегараланиш, улар ичидан битта нусха-

ни танлаб, ўргадаги фарқларни кўрсатиб нашр қилиш. Бонқала-рининг фикрича, муҳаққиқнинг вазифаси таҳқиқда муқобил нус-халар билан чегараланиб қолиш эмас, балки қайси нусха матни қайсисидан келиб чиққанини аниқлаш ва шу йўл билан аслиятни тиклашдир. Яна бир гурӯҳ олимлар таҳқиқ жараёнига имкон қадар кўпроқ нусхаларни жалб қилиш лозимлигини уқтиради-шар.

«Матн аниқлиги»ни шарт қилиб қўйган бу олимларнинг билдиришича, матннинг ғоят даражада аниқлигига эришиш учун, зарурат бўлса, матнни ислоҳ қилиш, изоҳловчи қўшимчалар билан мазмунни очиш, ҳар бир ҳолатта таъриф бериш керак.

Бу қараш жараёнда янги саволлар туғилишига сабаб бўлган. Тұзатишилар, қўшимчалар, изоҳлар каттариб, ҳажми китоб матнидан ҳам ошиб кетса, матнга алоқадор фикрлар ҳошияда (матн остида) зикр қилингани яхшими ёки асл матндан ажратилиб, алоҳида, мустақил қисм сифатида берилганими? Шунингдек, матннинг нуқсон ва хатоларини тузатиб тақдим этган яхшими ё матнни қандай бўлса, шундайлигича бериб, хато ёхуд тўғри варианtlарни ҳошияда кўрсатган афзалми?

Бу саволларга жавобни ўзбек матншунослиги тарихидан излаб кўрайлик. Матншунослигимизда олиб борилган ишларнинг аксар қисмида Навоий асарлари таъқиқот объектига айланган. Айтиш мумкинки, ўзбек матншунослиги Навоий асарларини нашрга тайёрлаш жараённанда плаклланди.

1947 йил Иzzat Султонов «Навоийнинг «Мезонул-авзони» ва унинг критик тексти»¹ мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Диссертация икки қисмдан иборат бўлиб, аввалги қисмда «Мезонул-авzon»нинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш принциплари ҳақида сўз борган. «Кўлёзманинг тасвири», «Фарқларнинг типлари», «Ишоралар, «Таянч кўлёзмага тузатиш киритиш принциплари» каби мавзулар тамойил сифатида саналиб, улар мисоллар ёрдамида далилланган. Иккинчи қисмда таянч нусханинг фотокопияси илмий-танқидий матн сифатида келтирилган. Нусхалар аро учровчи фарқли жиҳатлар таянч нусха матnidаги ўша сўз устига рақам кўйишиб, ҳаволада изоҳланган.

¹ Асосий кутубхона. РД/1, Алишер Навоий. Мезонул-авзон. Тайёрловчи И.Султонов. 1947 й.

1956 йил «Хамса»нинг тўртинчи достони «Сабъаи сайёр»нинг илмий-танқидий матни нашрдан чиққан. Китоб аввалида илмий-танқидий матнни тайёрлаш принциплари ҳақида Порсо Шамсиевнинг сўзбоши мақоласи берилган. Мақолада илмий-танқидий матн учун бигта таянч ва иккита ёрдамчи нусха танлангани, шулардан иккитаси Навоий ҳаёт чоғида кўчирилгани айтилган. Нашрга тайёрловчининг фикрича, мазкур учта нусхадан бошқа «турли асрларда хилма-хил ўзгаришларга учраган нусхаларга мурожаат қилиш ишни мураккаблаштириб юборади, фарқлар сони кўпайиб, текстдан фойдаланиш қийинлашади. Бунга эса эҳтиёж йўқ. Чунки критик текст тузишдан кўзда тутилган мақсад фақат маълум асарнинг ҳар қандай шубҳа ва нуқсонлардан холи бўлган мустаҳкам ва ишончли нусхасига эга бўлиш, бу билан шу асардан бемалол фойдаланишга йўл очишидир»¹. Мақолада ҳар учала кўлёзмадаги ёзув билан боғлиқ ҳолатлар, ўзаро фарқлар ва уларнинг илмий-танқидий матннаги шартли белгилари изоҳланган. Илмий-танқидий матн араб босма ёзувидаги терилган. Ҳар бир бўлим ўн байт-ўн байтдан ажратилиб, рақамлаб чиқилган. Нусхалардаги фарқлар матн остида бериб борилган, матн ичида уларга ишора килувчи белги мавжуд эмас.

1963 йил Порсо Шамсиев тайёрлаган илмий-танқидий матни асосида «Хамса»нинг яна бир достони «Фарҳод ва Ширин» чопи килинди. Бу китобда ҳам олдинги нашрдаги тартиб такрорланганини кузатиш мумкин. Фарқи, муқояса учун танланган нусхаларнинг сони ортган, натижада, уларнинг номланиши бироз ўзгаришга учраган: *асосий таянч нусха; асосий ёрдамчи нусхалар; ёрдамчи нусхалар*. Шунингдек, «иши жараёнида айрим сўзларнинг ўқилишини аниқлашда бошқа қўлёзмаларга, ҳатто тошбосма нусхаларга ҳам»² мурожаат қилинган. 1970 йилда чоп этилган «Ҳайратул-аброр» достонининг илмий-танқидий матнини тузишда асос нусхалар сони олтига етиб, шулардан учтаси тошбосма нусхалар экани айтилган³.

Ўтган асрнинг 60-йилларида «Хамса» матни тадқиқи билан параллел равиша, IV жилдан иборат «Ҳазойинул маоний» девонлари

¹ Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. Илмий критик текст (Тайёрловчи: Порсо Шамсиев). – Т.: ЎзССР ФА, 1956. – Б. 9.

² Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Танқидий текст (Тайёрловчи: Порсо Шамсиев). – Т.: ЎзССР ФА, 1963. – Б. 7.

³ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. Илмий танқидий матн (Тузувчи: Порсо Шамсиев). – Т.: ЎзССР Фан, 1970. – Б. 4.

ҳам илмий-танқидий матн асосида нашрға тайёрланган. Нашр ом-мавий бўлгани учун ҳеч бир жилдда девонларнинг аслият ёзуви-лаги илмий-танқидий матни берилмаган. Аммо «Фавоидул кибар» девонига илова қилинган тўртта рангли жадвалдаги маълумот ва умумлашмалар девонларнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш жараёни нақадар серзахмат бўлганидан хабар беради. «Навоий ўзбекча қўлёзма девонларининг редакцион классификацияси» деб номланган биринчи жадвалда «Хазойинул маъоний» девонлари, шунингдек, илк девон, «Бадоъеул бидоя», «Наводирун ниҳоя» ва терма девонлардан иборат 20 та мўътабар нусхаларнинг ҳар бирида 16 та жанр бўйича келган асарлар ҳажми тасниф қилинган. Иккинчи жадвалда «Хазойинул маъоний»даги фазал, рубоий ва муаммоларнинг алифбо бўйича келиш тартиби 9 та нусха мисоли-да кўрсатилган. Учинчи жадвалда «Хазойинул маъоний» девонла-рининг XV аср нодир қўлёзмалари асосида ҳақиқий хронологияси ишқланган. Тўртинччи жадвалда «Хазойинул маъоний»нинг тўрт девонга шартли тақсимланиши натижасида келиб чиқсан нисбий хронологияси акс этган.

Фатхиддин Исҳоқовнинг «Зарбулмасал» асари бўйича олиб бор-ган тадқиқоти ўзбек матншунослиги, хусусан, илмий-танқидий матн тайёрлап тарихида муҳим қадам бўлди, десак муболага бўлмайди. Мазкур тадқиқотда манбага комплекс ёндашув йўлидан борилиб, матншуносликнинг анъанавий текшириш усувлари янги тажрибалар билан бойитилган. Ф.Исҳоқов «Зарбулмасал»нинг турли қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганиш натижасида, аввало, асарнинг тарки-бини, унинг умумий сюжет йўлини аниқлаб олишни зарур билган. Шундан кейингина «ички тафовут»ларни текширган ва матн тузиш принципларини белгилаган. Текширишлар давомида нусхалар ора-сидаги ўзаро ўхшаш ва яқинликни кўрсатувчи белгиларга алоҳида итибор қаратилган. Нусхалар бир умумий манбадан кўчирилган эмас, искен ҳажми, таркибий қисмларнинг тартиби, ҳикоятларнинг бош-ланиши ва охири каби жиҳатларга қаралса, бу қўлёзмалар турли котиблар томонидан кўчирилган уч манбага алоқадор, деган холоса-га келинган. Ҳар бир ишончли манбадан тармоқланган қўлёзмалар шартли гуруҳга ажратилиб: «I группа қўлёзмалари», «II группа қўлёз-малари», «III группа қўлёзмалари» деб номланган.

«Зарбулмасал»нинг илмий-танқидий матнини тузишда «фаол тан-қидий танлаб олиш принципи»га¹ амал қилинган. Нусхаларнинг

¹ Қаранг: Исҳоқов Ф. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари. – Т.: Фан, 1976. Б. 36.

қиёсий манзараси ва илмий-мантиқий таҳлили танқидий танлаб олишнинг муайян асосини белгилаган. Ф.Исҳоқов илмий-танқидий матннинг тузилиши ҳақида гапириб, тадқиқотнинг характерли жиҳатини шундай баён қиласди: «Нусхалар орасидаги тафовутлар ҳаддан ташқари кўп ва хилма-хил. 2300 га яқин ўринда фақат маънога – сўз қўллашга, жумла тузилиши, айрим мақол ёки қисмларнинг қай тарзда ишлатилишига оид 3500 дан зиёд роқ фарқ бор. Илмий аппаратда уларнинг ҳаммасини қайд эта бориш, аниқки, текстнинг ўқилишини қийинлаштириб қўйиши мумкин. Бироқ биз бу фарқларни илмий аппаратта қисқартириб олиш йўлини тутмадик. Асарнинг қўллётмалари тарихини, демакки, «Зарбулмасал»нинг котиблар қўлидаги «эволюцияси»ни на-моён қилиш мақсадида ва асар устида ўтказиладиган келгуси тадқиқотларга нафи тегсин маъносида нусхалар орасидаги ҳамма ва ҳар қандай фарқларни илмий аппаратда тўлиқ кўрсатиб бориши лозим топдик ва бунда аппаратнинг ортиқча мураккаб тус олишидан чўчимадик»¹

Ўзбек матншунослигида кузатилган ушбу ҳолатлардан аён бўладики, илмий-танқидий матнга алоқадор тузатиш, қўшимчалиарнинг муҳтасар баёни матн остида, батафсил изоҳи мустақил қисм сифатида матннинг аввалида келтирилган. Бу ҳолни «Лисонут тайр» достони² ва «Насойимул муҳаббат»³ асарига тузилган илмий-танқидий матнларда ҳам кўриш мумкин.

«Матннинг нуқсон ва хатоларини тузатиб тақдим этган яхшими ё матнни қандай бўлса, шундайлигича бериб, хато ёхуд тўғри вариантларни ҳошияда кўрсатган афзалми», деган саволга келсак, юқорида билдирилган фикрларга кўра, илмий-танқидий матн таянч қўллётманинг измига имкон қадар бўйсундирилади. Ўрни келганда таянч нусхага ҳам танқидий назар билан ёндашилади. Бундай ҳолатда мазмун тақозо этган бошқа нусхалар таянч нусхадан афзал саналади. Соҳа мутахассислари учун мўлжалланган илмий нашрларда муаллиф ҳаётлигига кўчирилган қадимий нусханинг ишончлилиги асосланса, матнни қандай бўлса, шундайлигича бериб, хато ёхуд тўғрилиги таҳмин қилинаётган вариантларни ҳошияда кўрсатган афзал. Оммавий нашрларни эса тузатилган матн асосида, матнга турли илмий кўрсат-

¹ Исҳоқов Ф. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари. – Т.: Фан, 1976. – Б. 4.

² Алишер Навоий. Лисон ут тайр. Илмий-танқидий матн (Тайёрловчи Ш.Эшонхўжаев). – Т.: Фан, 1965. – Б. 283.

³ Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат. Илмий-танқидий матн (Тайёрловчи Х.Исломий). – Т.: Монадоннаг, 2011. – Б. 426.

кичларни қориштирумасдан, агар лугат ва изоҳларга ҳожат бўлса, уларни китоб охирига илова қилиш йўли билан чоп қилиш мақсадга мувофиқ.

Ишончли илмий-ганқидий матн оммавий нашр учун ҳам, филологик тадқиқотлар учун ҳам кенг имкониятлар ва бой маълумотлар берувчи бирламчи манба ҳисобланади. Мумтоз матнлар бўйича амалга оширилган ишлар хоҳ оммавий, хоҳ илмий йўналишда бўлсин, бирламчи манбани четлаб ўтар экан, эришилган натижалар мувакқатлик характеристига эга бўлади. Бунинг олдини олиш учун мумтоз адабий манбалар юзасидан олиб бориладиган тадқиқотлар қатъий фундамент – илмий-танқидий матнга асослашиши мақсадга мувофиқ¹.

ЗАМОНАВИЙ «НОМА» ЖАНРИГА ДОИР

Ў. Бегимов, ўқитувчи (УрДУ)

Маълумки, «нома» сўзи форсча сўз бўлиб, хат, мактуб маъноларини англатади. Ошиқнинг маъшуқага розлари баён қилинган асарлар айнан шу ном билан мумтоз адабиётимизда лиро-эпик турнинг энг салмоқли жанрларидан бири бўлиб келди. Кейинчалик мумтоз адабиётимизда «нома» компоненти қўшиб айтиладиган шу турдаги асарлар ҳам пайдо бўлди, бу уларни нома, яъни ошиқнинг маъшуқага йўллаган мактублари эмас, балки «тафсилот», «воқеалар баёни», «... ҳақидаги асар» тарзида тушуниш лозимлигини кўрсатади. Асосан, лирик асарларда нома ўз мавқенини сақлаб қолган бўлса, тарихий ва насрний (лиро-эпик ва эпик) асарларда нома кейинги маънода истифода этилади. Масалан, «Шайбонийнома», «Бобурнома» каби.

XX асрнинг йирик адабиётшунос ва мунаққиди Матёкуб Қўшжонов қаламига мансуб китоблардан бири «Дийдорнома» (2004 йил асар «Дийдор» номи билан мукаммал ҳолда нашр қилинди) деб аталади. «Дийдорнома» замонавий ўзбек адабиётида яратилган, муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, азиз сиймолар, улуғлар билан ўтган

¹ Қаранг: Сироғиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. Сироғиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳдиди. – Т.: Akademnashr, 2011. – Б. 326. Сироғиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Т.: Янти аср авлоди, 2011. – Б. 200.

онлари тұғрисида авлодларға қолдирған адабий құммати жиҳатидан салмоқлу номалар жамланмаси.

«Дийдорнома» кичкина солнома әмас. У XX аср адабиёти манзаралари, илм-фани фидойиларининг қиёфалари акс этган солнома Биламизки, XX аср күпгина воқеликларга бой. Жадидчилик, шуролар, мустақиллик даври ўзбек адабиёти шу давр билан боғлиқ. Урушлар, инқилоб, мустамлакачилик, шахсга сиғиниш, ғоявийлик... Мавзусынг. Эсдалик — мемуар жанрининг ўзига хос намунаси тарзидан яратылған асар жаңр талабига мувофиқ, албатта, эсдаликлар жамланмаси.

Атоқлы адабиётшунос Иззаг Султон мұнажқидің бағищлаб ёзған мақоласида Матёкуб Күшжоновни эсдалик жанрида трилогия ёзған ижодкор сифатида өзтироф этади. Ҳақиқаттан ҳам, «Дийдорнома» муаллифнинг «Дагиши», «Алам» асарларининг мантиқий давомидир. Үндаги воқеалар, асосан, ўтган асрнинг қирқинчи йилларидан (иккинчи жаҳон урушидан) то мустақиллик онларигача, мустақилликдан кейинги нурағышон манзилларгача. Асар композициясыга өзтибор қаратсанғиз, шуни ҳис қиласызки, сюжет мустақиллик билан бошланиб, мустақиллик билан яқун топади. Гарчанд «Дийдорнома» да фикр юритилған мавзулар фаннинг түрли қырралари билан боғлиқ бўлса-да, унинг бош мавзуси ҳаёт ва адабиёт, илм ва амалиёт.

Асарда баён қилингандык воқеа-ҳодисалар реаллігі билан ажралиб туради. Уни ҳаётнинг бадий талқини каби ўқыймиз ва алалоқибат қалбимизда покиза туйғулар тарбияланаётганини ҳис қиласыз; ҳар бир шахс бошидан кечган воқеликни шахсий тасаввур ва тафаккур ойнасадан ўтказамиз.

Китобнинг машҳур генетик олим Жўра Мусаев билан боғлиқ лавҳасида қалбимизда уруш қолдирған яра қаҳатчиликнинг ўткир, аёвсиз тиғида қайта очилғандек бўлади. 1947 йил. Бир хонада олти киши. Талабаларга талон билан кунига 600 грамм нон берилади. Жўра Мусаев эса улушидан 100 граммдан ҳафта давомида йигиб боради. Йиғилған 600 грамм нонни амакисидан қолган келинойисининг қарамоғидаги синглиси ва укасига олиб бормоқчи бўлади. Бир қисмини бозорга йўл пули қилиш мақсадида олиб чиққан aka «қароқчи»га ўйлиқади — нонни бир йигит олиб қочади... Бу кичик ҳаёттй лавҳада улкан бадий қувват мужассам. Ана шу ҳаёт гирдобидан омон қолган бундай инсонлар ҳақиқий ЖАСОРАТ кишиларицир. Бу лавҳалар уммоннинг қоқ ўргасида чўқаётган, ҳаёт билан видолашаётган, ўпкасидаги кислород тугаб,

имкони борича сув юзасига қалқиётган ва албатта, мұйжиза сабаб үлім устидан ғалаба қозонған жасур инсонлар қиёфасини яққол ғавдалантиради. Вақт үтиб, хонадаги олти кишидан иккі академик, иккі профессор чиққаны уларнинг замон синовларидан омон үтганидан далолатдир.

Шу үринде бир савол туғилади: китобдаги асосий қаҳрамонлар кимлар? Улар илм фидойилари – адабиётчи, мусиқашунос, тарихчи, биолог, физик, шоир, ёзувчи, рассом – эл ардоғидаги инсонлар. Аммо бу табаррук номга улар осонликча еришган әмас. Муаллифининг бош ургуси ва асар моҳияти шунда акс этади.

Китобда жами үтгиз биттә сиймо хусусида фикрлар баён қилинған бўлиб, улар ҳаётидаги энг муҳим нуқталарга назар ташланади. Ўша улуғ сиймолар муаллиф учун устоз ва тенгдош-замондош сифатида қадрли. Китоб якунида адабиётшунос олим ўзи учун муқаддас илм маскани Ўзбекистон Миллий университети ҳақида маҳсус тўхталади. Устоз домлалар билан бирга шогирдлари бора-сила фаҳр билан фикр юритади. Демак, асар қаҳрамонлари, ўз-үзидан маълумки, уч авлод вакиллари – муаллифининг устозлари, тенгдошлари, шогирдлари.

Китобдаги ҳар бир шахс ва ҳар бир лавҳа аниқликка асосланган. Орадан йиллар үтиб улар муаллифининг ўчмас хотирасида қайта жонланади. Бевосита ҳаёт мактабида ўзи олган сабоқлардан бизга маъруслар қиласи.

Китобни ўқиши жараёнида ўкувчи ҳеч вақт учинси шахс, яъни ўна даражасига тушмайди. М.Қўшжонов ва унинг суҳбатдошлари билан бўлган мулоқот жараёнида китобхон ҳам жуда фаол қатнашади ҳамда иккинчи шахс, тингловчи мақомидан жой эгаллайди.

Шу үринде М.Қўшжоновнинг бир фикрини келтириб үтишни позим топдим: «Ҳар бир ижодкорнинг яратган маҳсули қай даражада шахсий бўлса, шу даражада ижтимоий ҳамдир». Зоро, оммавийлик, ҳаққоният адабиётнинг энг асосий функцияларидан бири сана-тади. Олимнинг юқоридаги фикрлари эсдаликтан үрин олган суҳбатлар учун ҳам мезон бўла олади.

Эсдалик қаҳрамонларидан ҳар бирининг ўзига хос ибратли ҳаёт йули, ижодий-илмий мероси бор. Муаллиф баёнларида биографик ва психобиографик методлар синтезида унумли фойдаланади. Бу табиий ҳам. Чунки у эсдалик муаллифининг билганлари ҳақидаги умумий-фалсафий қарашларидир.

М.Қўшжоновнинг «Дийдорнома»сида оғир шароитда, адабиёт, умуман, адабий-илмий жараён шахсга сигиниш, партияйлик

ғояларига бўйсундирилган бир муҳитда ҳам танти, олийжаноб, жўмардликлари ҳамда қалбу қиёфасини сақлаб қолган чинакам шахслар кўзга ташланади... Шу ўринда адабиётшуноснинг шижоатига бир мисол келтираман: Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» достони «Муштум» журналида нашр қилина бошлагандан кейин асар устидан шикоят тушади. Шунда М.Қўшжонов даврнинг етук танқидчиси сифатида маҳсус чақиртирилиб, достонни ўрганиб ўтификрини айтиши, агар шикоятлар ўринли бўлса, қолган қисмни босиб чиқариш тұхтатилиши кераклиги айтилади. «Мунгли», «ийи лоқи» шоирнинг бу асари устидан муаллиф чиқарган ҳукм эса куй идагича: «Асарнинг ғоявий жиҳатдан ҳеч қандай зарари йўқ. Ши коятда кўрсатилган камчиликларни шоирнинг бу янги асарига нисбатан туҳмат деб ҳисоблайман. Уни охиригача чоп этиш керак». Сезамизки, «партия отда ўтирган бир пайтда институтни бошқариб, миллат манфаати йўлида кўзни олиб қочмаган» (Б.Назаров таъбири), «ҳамма Ойбекка тош отганда, Ойбек душманларига замбарак отган» (А.Абдуллаев таъбири), ёшларни «бузаётган» Абдулла Қаҳҳор маҳоратини чукур англаб докторлик диссертациясини яратган М.Қўшжоновнинг қанча-қанча таҳлилу талқинлари маънавий дурданаларимизнинг китоб жавонимиздан ўрин олишида юксак аҳамият касб этади.

Китобдаги ҳар бир қаҳрамонга доир хотираларни батафсил қайти баён қилишга зарурат йўқ. Аммо муаллиф қуйинчаклик билан айтган биргина жумлани эслаш ўринилдири: «ХХ аср инсульт, инфаркт сингари оғир касалликлар асри бўлди».

Босилиб чиққан ва яшаб қоладиган ҳар бир китобнинг ўз вазифаси бўлади: ўзгаларга маънавий озуқа улашиши. «Дийдорнома» шундай мўътабир «нома»лар сирасига киради. Нодар Думбадзенинг «Абдият қонуни» романи якунида шундай фикр бор: «... Инсоннинг юраги унинг танасидан юз баравар оғирроқ... Шу даражада оғирки, уни бир киши кўтаролмайди... Бинобарин, биз одамлар токи тирик эканмиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз, бир-биримизнинг юрагимизга мадад бўлишга ҳаракат қилишимиз керак». Шуниси аниқки, муаллиф қаламга олган воқеалар унинг бир ўзининг юрагига сифмасди.

Шунинг учун келинг, миллат дардини бирга кўтарайлик, адабиётнинг оғриқли нуқталарини хис қилиб, бизда ҳам соф, ҳар қандай инсонийликка бегона туйғуларга қарши иммунитет ҳозирлашган юрак борлигини исботлайлик. Ўйлайманки, «Дийдорнома» қаҳрамонлари ҳам адабиёт ва илм-фан эшигини қоқаётган, мустақиллик

шукронаси билан нафас олаётган ёш авлодга ана шу абадият қонунидан сабоқ бериши шубҳасиз. Зотан, китобнинг ҳар бир саҳифаси икадемик Матёкуб Кўшжоновнинг адабиёт муҳибларига қолдириган табаррук номалари сифатида ардоклидир.

НАВОЙИ НИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

3. Қувонов, катта ўқитувчи (НавДПИ)

Бадиий сўз санъатига оид адабий-танқидий қарашлари улуг муваффакир шоир Алишер Навоий ижодининг ажralмас бир қисмини ташкил этади. Илмда такрор-такрор таъкидланганидек, Алишер Навоийнинг сўз санъатига доир тушунчалари ўзигача маълум ва машҳур бўлган араб, юнон, форс-тожик, ўзбек, озарбайжон халқлари мааниниятидаги адабий-танқидий қарашлар доирасида шаклланди, камол топди ҳамда унинг ижодий ёндашуви билан янги сифат босқичига кўтарилиди.

Алишер Навоийнинг илмий қарашларига илк муносабат билдиришади ўзигача Абдураҳмон Саъдийдир. У ўзининг «Адабиёт олимни ва танқидчиси сифатида Мир Алишер Навоий» мақоласида Алишер Навоийнинг ўзигача бўлган танқидчиликдан юқори кўтарилигани, бу танқидчиликнинг илмий-назарий асослари, замондош шоирларга муносабати ҳамда «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат улуттуватайн», «Мезон ул-авzon» каби асарлари борасида муҳим мулоҳалиларни билдиради¹.

Е.Э.Бертельснинг «Навоий»², Ҳ.Олимжоннинг «Фарҳод ва Ширин»³, Ҳ.Ёкубовнинг «Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони»⁴, С.Айнининг «Алишер Навоий»⁵ каби асарларида Алишер Навоий адабий-танқидий қарашларининг айрим қирралари таҳлил этилганлигини кўрамиз.

¹ Сабдий А. Адабиёт олимни ва танқидчиси сифатида Мир Алишер Навоий// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1938. № 11-12.

² Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Тошкент, Фан, 1958. – Б. 10-11.

³ Ўша манба. – Б. 10.

⁴ Ўша манба. – Б. 10.

⁵ Ўша манба. – Б. 10.

Абдуқодир Ҳайитметов «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» номли монографиясида Алишер Навоийни жаҳон адабиётининг А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, В.Гёте, О.Бальзак сингари на мояндадаридек профессионал танқидчи сифатида эмас, санъаткор танқидчи, яъни илмий қарашларини амалда исботлайдиган танқидчи деба баҳолайди¹.

Олим Алишер Навоийгача бўлган адабий-танқидий қарашларни олти қисмга бўлиб ўрганади:

1. Адабий мажлислар, адабий мунозара ва сұхбатлар шаклида.
2. Филологик характердаги назарий асарлар шаклида ёки улар-нинг таркибида.
3. Тазкирачилик ва ёзма ҳамда оғзаки адабиётларни йиғиш шаклида.
4. Адабий-бадиий асарларнинг солишишторма матнларини тайёрланиш шаклида.
5. Адабий хотира ва мемуарлар ёзиши шаклида.
6. Адабий-бадиий шаклда.

Академик Б.Валихўжаев «Ўзбек адабиётшунослиги тарихи» асарида мумтоз адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг ифодаланиши «жанр»ларини уларнинг моҳиятига қараб икки гурӯҳга ажратди: 1) бевосита «жанр»лар, яъни адабиётшунослик ва адабий танқидга бағишлимаган асарлар: фахрия, шеърий парчалар каби; 2) бавосита «жанр»лар, яъни адабиётшунослик ва адабий танқиддан баҳс юритувчи асарлар гурӯҳи².

Гарчи Валихўжаев адабий-танқидий қарашлар ифодаланган асарларни икки гурӯҳга ажратган бўйса-да, ҳар иккала адабиётшуноснинг бу масаладаги таснифларида тафовутдан кўра умумий яқинлик кўпроқ кўзга ташланади.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Алишер Навоийнинг адабий-таниқидий қарашлари» монографияси ёзилган йиллар Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балога» асари ҳали фанга номаълум эли Агар маълум бўлганида, Навоийгача бўлган адабиёт назарияси нинг ютуқлари умумлаштирилган бу илк туркӣ қўлланма Абдуқодир Ҳайитметовнинг мазкур тадқиқотига бой материаллар берган бўларди.

Маълумки, тазкирачилик қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, ўзининг муайян жанрий хусусиятлари билан ажралиб туради. «Тазкира-

¹ Ўша манба. – Ь. 7.

² Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент, 1993. – Б. 9.

лар кўпинча ё географик, ё монографик, ё хронологик, ё сулолавий, ё ижодий принципда қурилади ёки шоир номларининг охиридаги ҳарфларига қараб алифбе тартибида берилади. Аммо бу принципларнинг икки-учтасини қўшиб, аралаштириб тазкира тизган муаллифлар ҳам бор»¹ деб ўринили кўрсатади олим.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари композицион тузилиш жиҳатидан ҳам юқоридаги тазкира таснифидаги кўринишларга ўхшамайди. Ундаги биринчи, иккинчи, учинчи мажлислар хронологик таргигда қурилган. Бешинчи ва олтинчи мажлислар эса жўғрофий ақидага амал қилиб тузилган – Хурсонда яшаганлар ва Хурсондан ташқарида яшаганларга ажратилган. Еттинчи мажлис сулолавий тазкира кўринишида тузилган бўлиб, унда тўплангандар темурийлар сулоласининг вакилларидир. Ниҳоят Султон Ҳусайн Бойқаро шеърияти таҳлил қилинган саккизинчи мажлис монографик тадқиқот тарзида тартиб берилган.

Абдуқодир Ҳайитметов ушбу асарни «сифат жиҳатидан янги тип-даги тазкира-антология»² дея баҳолар экан, эҳтиёткорлик юзасидан бўлса керак, темурий сулола шоирлари ҳамда Ҳусайн Бойқаро адабий маҳорати акс этган еттинчи ва саккизинчи мажлислар таҳлилига маҳсус ўрин ажратмайди.

Олим адабиётнинг ижтимоий вазифаси, унда мазмун ва шакл бирлиги, традиция, новаторлик, тил, адабий маҳорат, реализм, жанрий хусусиятлар, ижодкорнинг хулқ-ахлоқи каби масалалар Алишер Навоий адабий танқидчилигининг туб масалалари эканлигини унинг илмий ва бадиий баркамол асарлари таҳлили мисолида исботлайди.

Алишер Навоий адабий-танқидий қарашларининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, шоир адабиётшуносликнинг қай бир муҳиммосига тўхтальмасин, унда, албатта, ижодкорнинг ахлоқи масаласи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мисол учун «Бадоъе ул-бидоя» девони дебочасида Алишер Навоий газалнинг мазмун ва тузилиши жиҳатдан яхлит бўлиши лозимлиги, ошиқона кайфиятлар барени ичида ахлоққа, маърифатга доир фикрларнинг бўлиши зарурлигини уқтиради. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қараш-

¹ Шайхзода М. Навоийга армуғон. Тазкирачилик тарихидан. – Тошкент: Фан, 1968. – 49.

² Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Тошкент: Фан, 1958. – Б. 69.

лари шакланишида унинг ахлоқий дунёқараши ҳам муҳим роли йўнаган. Абдуқодир Ҳайитметов масаланинг бу жиҳатларига ҳим алоҳида эътибор қаратади. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» аса рида шоирнинг шеърий ижодига баҳо берилишидан олдин, аввало, унинг ахлоқи тўғрисида мулоҳаза юритганлигига бир қашшаш мисоллар келтиради.

Навоий шоирнинг ахлоқий қиёфаси ва ижоди ўртасидаги муносабатни текширишда уларнинг бир-бирлари билан маҳкам бои лиқлиқда эканлигини қўрсатиб, ҳам ахлоқий қиёфаси ва ҳам ижоди гўзал бўлган шоирларга самимий муносабатда бўлади. Алишер Навоийнинг бу масалани ёритишида унинг иккинчи томони кўзга ташланади: у ҳам бўлса, ахлоқий қиёфаси ёлронлик ва адаолат сизликдан иборат бўлган шоирлар гурӯҳига унинг салбий муносабати масаласидир. Масаланинг айни жиҳатларига эътибор қаратган Абдуқодир Ҳайитметов «Мажолис ун-нафоис»нинг халқчиллик анъанасида яратилганлига ўнлаб мисоллар келтиради ҳамда Навоий адабиётшунослиги ва танқидчилигининг муҳим хусусиятиларидан бири — қалам аҳллари ижодига нисбатан унинг бетараф, холис туришидир, деган хulosаларга келади. «Мажолис» факат адабий-танқидий аҳамиятга эга бўлмай, балки тарихий, этнографик аҳамиятга ҳам эгадир. Чунки унда ўша давр тарихи, урф одатлари, шоирлардан бошқа давлат арбоблари, илм, маданият, санъат аҳллари ҳаётини ўрганишга доир муҳим маълумотлар ҳам учрайди¹.

Алишер Навоий асарларида турли адабий жанрлар — ғазал, маснавий, туюқ, муаммо ҳақидаги мулоҳазалар, уларнинг назарий хусусиятлари тўғрисида қимматли фикрлар билдирилади. Бу фикрлар Алишер Навоийнинг адабий жараённи, қайд этилган жанрларни тараққиёти ва хусусиятларини чукур кузатиши, умумлаштириши натижасида майдонга келиб, замонасадаги адабий тажриба, бадиий маҳорат каби масалалар билан бевосита боғлиқ эканлигининг илмий исботланиши Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотининг жиддий ютуғидир.

Бироқ Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганиш давомида адабиётшунос айрим муҳим масалаларга эътиборсизроқ қаратади. «Навоий танқидчилигига биз яна бошқа нарсани, яъни адабиётнинг майдა-чуйда масалалари устида, баъзан бадиий асарнинг шак-

¹ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. — Тошкент: Фан, 1958. — Б. 76.

шуга оид кичик масалалар устида узоқ тұхталиш, баҳлашиш каби қолларни ҳам құрамиз, — деб ёзади А.Хайитметов ва бунга мисол қилиб «Хамсат үл-мутаҳайириң» асарида Ҳасан Декәлавий шеъридағы ұхшатиш устида кечгән баҳсни мисол келтиради:

«Зиҳи дарунам диро замон-замон бату майли...» то бу байтта етищиди:

*Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дур шуд,
Чүнин осор дікшад алxaқ туулун чун ту Сұхайли.*

Мажлис аҳли мутаййин ва хуштаб әл әрдилар ва пири мажлис ҳам хуштаб ва подшоҳ нишон. Мұғанипийға баъзи эътиroz юзидин па баъзи танбийя юзидин дедиларким: «Сиришким ман ҳама дур шуд» үрнига «ҳама хун шуд», — ўқики, «дур шуд»нинг маъноси йўқтур...»¹

Навоий бу баҳсга аралашиб, «дур шуд»нинг тұғрилигини таъкидлайди. Ниҳоят баҳсга Абдураҳмон Жомий аралашиб, «дур шуд»нинг мағтиқан тұғрилигини исботлайди. Мазкур шеърда сенинг Сұхайл юлдузидек чарақлад чиқишининг менинг ёмғир томчиларидек күз спиларимни дурға айлантируди маъноси ифодаланган. Мумтоз шеъриятда күзёшни қон томчиларига ұхшатишга күплаб мисоллар келтириш мумкин. Иккинчидан, мажлис аҳли, бизнингча, шу ұхшатишни ҳисобға олган бұлишлари ҳамда «дур шуд»ни «йироклашди», «күзёшларим битди» маъноларida тушунган күринадилар. Агар «хун шуд» бұлғанида ұхшатиш йўқса чиқарди, байт мазмуни бузиларди, поэтик ифода таровати йўқоларди.

Күриниб турибиди, бу байт устидаги баҳс — бадиий асарнинг шаклиға оид кичик масала эмас. Чунки ноўрин құлланилган бирги на сүз поэтик асарнинг мазмундорлигини, эстетик таъсирчанлигини сусайтириши мумкин.

МАТНИУНОСЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ВА НАВОИЙ ИЖОДИ

К. Бозоров, ўқитувчи (НавДПИ)

Шарқ халқлари қадим замонлардан бүён жағон маданиятининг үлкен хазинасига үзининг мумтоз асарлари билан ҳисса құштан құплада буюк ижодкорларни етиштириб берди. Уларнинг меросини кенг халқ

¹ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. — Тошкент: Фан, 1958. — Б. 57.

оммасига етказиб бериш маданиятизниң тұқислиги учун ниҳоятда зарурдир. Бу ишларни ўтмиш құләмаларни йиғиши, илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи манбашунослик ва матншунослик билимларисиз, арабий имло малакасисиз амалга ошириб бўлмайди¹.

Матншунослик – филологияниң адабий, тарихий, илмий асарлар ҳамда тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи соҳасидир. Матншунослик бобидаги илмий изланишларниң охир натижаси адабиёт тарихи ва назарияси учун манбавий асос яратиб бериш бўлганлигидан унга адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳаларидан бири сифатида қараб келинади.

Шунга қарамай, матншуносликни филологик фанларнинг алоҳида тармоғи, мустақил бир соҳаси сифатида тушуниш тўғрирок бўлади. Негаки, биринчидан, матншунослик фаолияти адабиётшунослик, тилшунослик ва тарих фанлари кесишган нуқтада кечади; иккинчидан, матншуносликнинг ўзи илмий изланишларида қатор ёрдамчи соҳаларни (палеография, услубшунослик, археография ва ҳ.к.) ўзига хизмат қилдиради².

Матншунослик адабиётшуносликнинг айрим муаммоларини ҳал қилишда муҳим ёрдамчи соҳа, талқиқот усули бўлиб ҳам хизмат қилади. Масалан, унинг талқиқ усусларидан, тажрибаларидан ёзувчи ижодий лабораториясини, муайян асарнинг ижодий тарихини ўрганиш йўлидаги изланишларда кенг фойдаланилади.

Матншунослик филология фанининг адабий, илмий, тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи соҳаси ҳисобланади. Тадқиқот обьектларини турли-туманлиги матнларни ўрганишнинг ва нашр эттиришининг турли хил методларини юзага келтирган. Жаҳон адабиётшунослигига бу борада яратилган кўплаб тадқиқотларни, жумладан, рус адабиёт шуноси Д.С.Лихачёвнинг бу борадаги илмий ишларини кўрсатиш ўринли³.

Шарқда адабий-маданий, илмий, тарихий асарларнинг нусха кўлпайтирилиб, кўчириб келинганлиги, мантшунослик тарихи нисбатан қадимиyllигидан далолат беради.

¹ Ҳабибулаев А. Адабий матншунослик ва манбашунослик. – Тошкент, 2000 – Б. 4.

² Қуровов Д. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент, 2005. – Б. 9.

³ Лихачёв Д.С. Текстология (На материале русской литературы X-XVII веков) – М., 1962.

Ўтган давр мобайнида, айниқса, XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб ўзбек матншунослигининг амалий йўналиши тез ривож топди.

Бу борада Абдурауф Фитрат («Эски ўзбек адабиёти намуналари»), Садриддин Айний (Алишер Навоийнинг «Хамса» асарининг қисқартирилган нашри), Иzzат Султон («Мезон ул-авzon»), Порсо Шамсиев («Хамса»), Суюма Фаниева («Мажолис ун-нафоис») каби олимларнинг хизмати катта бўлди. С.Мирзаев, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, F.Каримов, С.Мугаллибов, С.Долимов сингари ўзбек адабиётшунослари матншуносликдаги изланишлари мазкур соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Тадқиқотчи ёхуд матншунос муайян асар матни тарихи ва манбаларини ўрганиш ёзилиш даври ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш орқали муаллиф варианти ёки унга яқин энг ишончли вариантни танлаб, шу асосда матнини тиклайди. Илмий-танқидий матн котиблар ва ноширлар томонидан асар матнига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, асарнинг турли нусхаларини ўзаро таққослаш орқали яратилади. Охирги натижа эса ана шу матннинг нашри ҳисобланади.

«Навоий «Хамса»сининг қўлләзмаларини ўрганиш» номли мақоласида А.Ҳайитметов, кейинги асрларда қўчирилган қўлләзмаларнинг илмий-танқидий матнини тузишда баъзан эътиборсизлик ҳолатларининг учраётганлигини таъкидлайди. Матнлар нашрида йўл қўйиляётган имловий, тиниш белгиларининг қўлланиши билан боғлиқ, услугубий ёки бошқа турдаги нуқсонларни қўлләзмаларни қўчириган котиблардан кўрмаслик керак, дея масалага холисона ёндашади: «Зотан қўлләзмаларни қўчириган котибларни қотиб қолган, масалага ўзича қарааш қобилиятидан маҳрум кишилар деб бўлмайди. Чунки улар ҳам Навоий «Хамса»сini қўчириш билан ўзи яшаб турган жамиятнинг, бирор бир ижтимоий табақанинг ижтимоий толширигини баъжарган, уни ўз даври эстетик лидига мослаштиришга ёки яқинлаштиришга ҳаракат қилган»¹.

Хаттотлик тарихидан маълумки, қўлләзма охирида котиб бевосита ўқувчига мурожаат қилиб, «қўлләzmани қўчиришда хато қилни бўлсанм, узр қўзи билан қаранг» қабилидаги узроҳчилклари қоида тусини олган эди. Шу қоидага мувофиқ котиблар кўпинча Ҳуларига таниш бўлмаган ёки ўзларига ёқмаган айрим сўз, мисра ша бандларни ҳам ўзгартирганлар. Абдуқодир Ҳайитметов ана шу

¹ Қаранг: Ўша манба. – Б. 126.

жихатларга асосланиб, масаланинг моҳиятига кенгроқ қаралшы ундаиди.

Маълумки, Навоий достонлари матнини тиклашда Абдулжамил котиб ва Султон Али Машҳадий қўлёзмалари мұтабар манба ҳисобланади. Шу қўлёзмалар билан чекланиб қолмасдан, «Хамса»нинг хорижий давлатларнинг қўлёзма фонdlари, кутубхоналари ва шахсий фонdlарда сақланаётган қўлёзма нусхаларидан ҳам фойдаланиш¹ «Хамса»нинг мукаммалроқ вариантини яратилишга хизмат қиласди.

¹ Уша манба. — Б. 128.

ТҮРТИНЧИ БЎЛИМ ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК, ТАРЖИМАШУНОСЛИК ВА МЕТОДИКА

ШЕРОБОД ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ: АНЬНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

П.К. Очилов, ф.ф.и. (ҚарДУ)

Достон ва достончилик республикамизнинг бир қатор худудларида бўлгани каби Жанубий Ўзбекистон воҳасида ҳам қадимий анъаналарини саклаган ҳолда етиб келди. Бу худудда Шеробод, Чироқчи, Қамай, Бешкўтон, Бойсун каби поэтик мактаблар мавжуд бўлиб, баҳши-шоирлар достончилик анъаналари доирасида достонлар ижро этиб, жонли оғзаки анъаналарнинг ривожланишида катта ҳиссаларини қўшдилар. Шунингдек, воҳада фаолият олиб борган достончилик мактаблари ижрода ўзбек достончилик мактабларига хос ғоявий мақсад ва репертуар бирлиги жиҳатидан умумийликка эга бўлсаларда, ижро усуслари билан бир-биридан фарқланниб турадилар. Буни фольклоршунос X.Зарифов Шеробод достончилик мактаби мисолида кўрсатиб беради: «Шеробод баҳшилари доимий равишда оғзаки анъаналарни давом эттириб келгандар, улар ўзларининг репертуари ва ижро усуслари жиҳатидан бизга маълум достончилар билан умумий томонларга эга. Шу билан бирга уларнинг баъзи бир ўзларига хос хусусиятлари мавжуд, репертуарида бошқа вилоятларда бўлмаган айрим достонлар, жумладан, Гўрўглиниң ўлими ҳақида достон бор»¹. Ҳақиқатдан ҳам, Шеробод достончилик мактаби... бошқа жойларда номаълум бир қатор сюжетлари, айрим қадимий мотив ва тасаввурларини сақлаб қолганлиги билан аҳамиятлидир»². Гарчи Шеробод достончилик мактаби ижрода ўзига хос фарқли томонларга эга бўлса-да, ўзбек достончилигининг узвий, таркибий қисми сифатида фаолият олиб борди. Фольклоршунос А.Қаҳҳоров жанубий Ўзбекистон достончилик мактаблари репертуари, ижро усуслари, устоз-шо-

¹ Зарипов X. Ўзбек фольклористикаси тарихидан//Ўзбек фольклори масалалари. – Т.: Фан, 1970. – Б. 264.

² Мирзаев. Т. Эпос и сказитель. – Т.: Фан, 2008. – С. 120.

гирдлик анъаналарини узоқ йиллар мобайнида кузатар экан, Ше робод достончилик мактаби шажарасининг бошида Бобо шоир (XIX асрнинг биринчي ярми) туриб, у жуда қўплаб шогирдлар этиш тирганлигини, айниқса, Қосимкўр, Шерназар Бердиназар ўғли дек талантларни тарбиялаганлиги, достончилик мактабининг кен инги тараққиёти бевосита ана шу талантли бахшиларнинг шогир длари томонидан ривож топганлигини қайд этиб ўтади¹. М. Афзалов ҳам Шербод достончилик мактаби бахши-шоирларининг устон шогирдлик анъаналари ҳақида фикр юритганда Шерназар Берни назар ўғлининг достон ижро этиши маҳорати ҳамда Марданақул Авлиёкул ўғли, Аҳмад юзбоши, Саодат юзбоши, Нормурод Шерназар ўғли, Жўра Эшмурод ўғли каби талантли бахшиларни тарбиялаб этиштирганлигини алоҳида таъкидлайди.

Таҳлил ва кузатишлардан кўриниб турибдики, эпик ижро билан боғлиқ устоз-шогирдлик анъаналари ва уларга муносабат Ше робод достончилик мактаби бахши-шоирлари ўргасида анча яхши ўйлга қўйилган. Бахши-шоирлар устозларидан ўрганган достон уни ижро этиши анъаналарини ижрода мустаҳкамлаб, бадиҳагунлик маҳоратларини намойиш қилиб борганлар. Шу боисдан ҳам ушбу мактаб билан боғлиқ достончилик анъаналари Сурхондарё Қашқадарё ҳамда Жанубий Тожикистон худудларида кенг тарқалган. Поэтик мактаб бахшилари репертуарида «Оллоназар Олчин бек», «Зайдқул», «Олтин қовоқ» каби достонлар мавжуд бўлиб, бу достонлар бошқа мактаб бахшилари репертуарида мавжуд бўлма ган. Достончилик мактаби ижросига хос яна бир хусусият «Гўруғли» туркумига оид достонларниң Авазхон ва унинг ўғли Нуралига бағишлиланган намуналари кўпроқ ижро этилган. Бахши шоирлар достон ижро этиши анъаналарига доимо масъулият билан ёндошиб келганлар. Бахши шахси ва унинг достон ижро этиши маҳорати, соз ва сўзнинг бадиий таъсир кучига эътибор каби ма салалар бахшиларнинг эстетик қарашларида ўз аксини топган Шундан бўлса керакки, бахши-шоирлар доимий равища эпик анъаналар доирасида маҳоратларини ошириб, изланишида бўлганлар. Достончилик мактаблари доирасидаги ижодий учрашувлар, тортишувлар ва ўзаро ҳамкорлик ушбу мактаб бахшилари учун ҳам анъанага айланган. Бугунги достончиликнинг Жанубий Ўзбекистонда давом этиши, сақланишида ҳам Марданақул Авлиёкул ва Умир шоир Сафаров каби талантли бахшиларнинг Қодир Ра

¹ Каххоров А. Янги достонлар. – Т.: Фан, 1985. – Б. 13-20.

ұимов, Хушвақт Марданақулов, Қора ва Чори Умировлар, Чоршанби Раҳматуллаев каби шогирдларни тарбиялаб етиштирған-никлари бўлди, десак хато бўлмас. Анъанавий достон ижро этиш үсулларини устозларидан ўрганган ушбу баҳшилар ҳам устозлари анъанасига содиқ шогирд сифатида Шоберди Болтаев, Боборайим Маматмуродов, Абдуназар Поёнов, Рўзи Қулгўраев, Қаҳҳор Раҳимов, Жовли Тангиров, Абдусалом Эргашев, Абдуқаҳҳор Умиров на бошқа бир қатор баҳшиларни етиштирдиларки, улар бутунги жонли жараёнларни нисбатан сақланишига эришмоқдалар. Гарчи бу каби баҳшилар достон ижро этиш анъаналарини сақлашга ҳаракат қиласаларда, ижтимоий-маданий ҳаётимизда кечган ўзгаришлар достон ижро этиш үсулларини ўзгартириб, янгича талқинлар асосида ижро шаклларини юзага келтирди. Бу эса фольклордаги интивидуал ва жамоавий иход мутаносиблигинг бузилишига олиб келмоқда. Ўзига хос анъаналар замирида юзага келган Шеробод достончилик мактаби ижро үсуллари умумўзбек достончилик мактаблари ижро үсуллари билан умумлашиди. Бундай хусусиятлар бир мактабга хос достонларни иккинчи мактаб достончилигига ижро қилишига сабаб бўлди. Баҳшилар эпик анъаналар доирасида достонлар ижро қилишга ҳаракат қиласаларда, бутунги адабий-маданий муҳит туфайли ўзларида муаллифлик ҳисси, анъанавий эпости иходий ёндашув туйғуси кучайиб бормоқда. Бундай ҳол уларнинг ўзлари куйлаётган достонларга билиб-бilmай ўзгартиришлар киритишга олиб келди. Кўпчилик баҳшиларнинг мавжуд достонлар сюjetи асосида ўз варианtlарини ясаб ижро қилишга уринишлар ҳам шундай ҳолатлар билан изоҳланади. Бундай «достоншар» айрим баҳшиларнинг ёзувчилик, шоирликка интилиши, илтиари эпик анъанада бўлмаган достонларни тўқишига уриниш маҳсулидир. Баҳшилар томонидан анъанавий достончилик йўлида «Темур ва Боязид», «Аҳмад Яссавий», «Самарқанд таровати» каби достонлар яратилди. Уларда сунъийлик бўлғанлиги учун ҳам репертуарда ўзлашмади. Ёхуд «Алномиш» достонини парчалашга уриниш ҳоллари ҳам анъанавий достончилика юз берган ҳодисаларни биридир. «Алномиш» достонининг Умир шоир варианти Жапубий Ўзбекистон баҳшилари куйлаган достонларга нисбатан анъанавий мотивларнинг ишланиши, композицион изчиллиги, воқайларнинг қизиқарлилиги, бадиий-тасвирий воситаларнинг ўриниш қўлланиши билан алоҳида ажralиб туради. Бундай ҳолат Қашқидарё, Сурхондарёдаги достончиликнинг қадимий анъаналарига мосдир. Шу билан бир қаторда бошқа достончилик мактаблари-

дан ёзіб олинган «Алпомиш» достонининг варианatlари **Жанубий** Ўзбекистон варианtlаридан баъзи мотивларнинг ишланиши жиҳатидан ўзаро фарқланади. Масалан, Самарқанд достончилигига конфликтнинг келиб чиқиши ака-ука Бойбўри билан Бойсари ўртасидаги келишмовчилик закот мунозараси асосида юзага келади. Жанубий Ўзбекистон достончилиги, жумладан, Умир шоир вариантида ушбу ҳолат оиласвий-маиший муносабатларда тасвирланади. Умир шоир вариантининг бу ўринларини Чори ва Қора Умировлар, Қодир Раҳимов, Хушвақт Мардонақуловлар варианtlарига қиёслаганимизда улар варианtlарida Бойсарининг кўчини сабабларини иккилантирилганлиги, ҳатто учлантирилганлигини кўрамиз. Ушбу баҳшилар «Алпомиш» достонининг Шеробод достончилик мактабига хос хусусиятларини ўзида сақлай олмаганлар. Анъаналарни билиб-бilmай бирлаштириш натижасида улар варианtlарida бир-бирига зид тасвирлар мавжуд. Достон воқеаларига бугунги давр кишиси дунёқараши асосида баҳо бериш кўзига ташланади. Бу нарса соxта варианtlар ва талқинларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Фикримизни Чори баҳши Умиров репертуаридаги мавжуд бўлган «Алп Қўнғиротбек»¹ достони мисолида да вом эттиrsак. Достоннинг жонли оғзаки анъаналарида мавжулматни бўлмаганлиги учун ҳам у Чори Умиров репертуаридаги якки ҳодиса сифатида баҳоланади. Шу билан бир қаторда достонни тасвир этилган Бойсари бошлиқ қўнғиротларнинг қалмоқ юртим жойлануви, Сурхайил маstonнинг совчиликка бориши, Барчининг шартлари, Алпомиш билан Қоражон айтишувлари, туш мотивлари бузиб тасвирланадики, булар «Алпомиш» достони руҳига мос эмас. Айниқса, Қўнғиротбекнинг дунёга келиши, бешик тўйи никоҳ тўйи, Али ва Мақатил ўртасидаги жанг ва шунга ўхшаш воқеалар достон умумий сюжетига боғланмайди. Бири иккинчи сини такрорловчи, ҳатто бир-бирига зид келувчи тасвирлар борки, булар достон матнiga ёпишмайди. Баҳши шеърий мисраларни ҳам тўртлик, бешлик бандларда қатъийлаштира боради. Бундай банд тузилиши Шеробод достончилик мактабига ҳам, Умир баҳши услугига ҳам мос келмайди. Умир шоир репертуаридан ёзилган «Алпомиш» достонидаги шеърий қисмлар қофияга кўри асосан, тўртлик банд тузилишидан иборат бўлса-да, бунда изчилик ва давомийлик кўзга ташланмайди. Бандлар иккилиқ, учли тўртлик, бешлик, олтилик ва ҳоказо тарзда комбинациялаша бо-

¹ Алп Қўнғиротбек. Достон. Айтиувчи Чори Умиров. – Т.: Тафаккур, 2014

ради. Ҳатто бандлардан ажралган алоҳида мисралар ҳам мавжуд. Чори ва Қора Умировлар, Чоршанби Раҳматуллаев, Рӯзи Култӯраев, Қаҳҳор Раҳимов каби баҳшилар репертуаридаги достон матнларида ҳам бандлар тўртлик, бешлик тарзида қатъийлаштирилмоқдаки, бундай шеър тузилиши достончиликда сифат ўзғарувига эришилди дегани эмас, балки баҳшиларнинг саводхонлиги, шеър назариясини пухта ўзлаштирилганлари боис ижро жараёнида ёзма шеър тузилишига хос унсурларнинг кириб келиш оқибатидир. Бундай ҳол достончиликда китобийликнинг кучайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Шеробод достончилик мактаби баҳшилари асрлар оша достончилик анъаналарига қатъий амал қилиб, жонли оғзаки анъаналарнинг ривож топишига ҳаракат қилган бўлсалар-да, бугунги кунда замонавий талқинларда достон ижро этиб, достончиликнинг нисбатан сақланиб туришига имкон яратмоқда.

ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИ ВА ТЎЙ МАРОСИМИ ТАРКИБИДАГИ УДУМЛАР

H. Турсунова, катта ўқитувчи (НавДПИ)

Ўзбек халқи ўзининг бой бадиий анъаналар тизимиға эгалиги ҳамда кўп асрлик маънавий маданиятини изчил тараққий эттириб келаетганлиги учун ҳам жаҳон халқлари поэтик тафаккури хазинасига муносиб ҳисса күшиб келмоқда. Ўзбек драматургиясининг шакшаниши тарихини, унинг бадиий заминини бевосита халқимизнинг оғзаки анъанадаги миллый-бадиий қадриятлари, маросим ва ўйин фольклоридаги саҳнавий ҳолатлар, халқ сайилларидан изланаш керак бўлади.

Маросимни ўтказиш жараёнининг театрлаштирила бориши ва урфоатлар замирида ўз ифодасини топган рамзий-ритуал код ўрнига бадиий-эстетик код, яъни образлиликнинг тобора чуқурроқ сингиб бориши натижасида сўзнинг руҳий-ҳиссий таъсирига эътибор кутитирила бошлаган. Шу тарикә анъанавий маросимий қадриятлар тиинимда драмага хос экспрессивлик, томошавийлик, театрлазация, саҳнавий ҳаракатларда ифодавийликнинг ёрқин намоён бўлиши, кутили ва ишончли катарсис ва театр санъатига хос бошқа элементларнинг ilk эмбрионал кўринишлари вужудга келган. Интирокчи-

ларининг муайян бир қисми ўзига топширилган «ҳәётий рол»ларни ижро этиш орқали маросим моҳияти-мазмунини ифода этиб, на майиш этиб берса, қолган қисми ана шу кўрсатилган удумларни ҳиссий қабул қилиши керак бўлган. Шу тариқа таётр санъатига хос энг муҳим хусусиятлардан бири — актёр ва томошабин муносабати шаклланган.

Халқимизнинг тўй маросими таркибидаги удумларнинг аксарияти ўзига хос ҳәётий-анъанавий сценарий асосида ўтказилиши, муайян роль (вазифа)ларни бажарувчи ижрочилар таркибига эга лиги, маросим амаллари акс этган воқеликнинг муайян (табиии) саҳнада рўй бериши, иштирокчиларнинг маросим талабига москийиниши (либос танлаш), тўйхонанинг безатилиши (ҳәётий де корация) ва ижро этиладиган матннинг анъанавийлиги билан характерланади.

Ўзбекларнинг оиласи-маиший маросимлари орасида драматизмга фоятда бойлиги, саҳнавийлиги ва томошавийлиги билан алоҳида ажralиб турадиган маросимлардан бири «Бешик тўйи-ҳисобланади¹. Чақалоқни илк бор бешикка ётқизиш маросимидан бажариладиган ҳар бир удум, ирим-сирилар ҳамда ижро этилди диган матнлар фақатгина боланинг эсон-омон улғайиши, ёну кучлар хуружидан сақланиши ва узоқ умр куриши билан бошлиқ ҳалқ қарашларини ифодалабгина қолмасдан, маросим иштирокчиларига ҳиссий-руҳий таъсир кўрсатиши, томошабонлиги ва саҳнавий ҳаракатлар мажмуидан иборатлиги билан ажralиб турди.

Навоий вилояти туманларида ҳам анъанага кўра, чақалоқни биринчи марта бешикка ётқизиш маросимини ўзидан тиниб-тинчилини фарзандлари кўп, невара-чеварали, нуроний онахонлардан бири амалга оширади.

У «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!» — деб чақалоқни икки қўллаб кўтариб олиб, бешикка ётқизар экан, биринчи марта боланинг бoshини бешикнинг ўнг тарафига қаратиб эмас, балки бешикнинг оғомонига тўғрилаб ётқизмоқчи бўлади ва маросимда иштирок этасиган аёлларга қараб:

¹ Сафаров А. Жанровый состав и поэтика узбекского детского поэтического фольклора. АДД. — Ташкент, 1985; Курбонова Н. Ўзбек болалар маросим фольклори. Филол. фанлари номз. дисс. авторев. — Тошкент, 1994; Худоїндурова Л. Сурхон воҳасида бола туғилиши ва бешик даври маросимлари фольклори // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. — Тошкент, 2006. Б. 87-94.

— Бу тарафга қаратиб ётқизайми, ўнгми, чапми? — деб мурожаат қиласди. Бешик түйида қатнаштаётган аёллар эса баб-бараварига бунга эътиroz билдиришиб:

— Йўқ-йўқ, э, бийиси курмағур-сий, чақалоқни чагпа қилиб ётқизизми! — деб чувиллашади. Аёллардан эътиrozли жавоб эшигтан момо яна ҳазил қилиб чақалоқни бешикнинг энига қаратиб кўндаланг тутиб туриб:

— Ана бунақа қилиб ётқизайнми бўлмаса, ўнгми, чапми!? — деб сўрайди. Маросим қатнашчилари яна «Йўқ, йўқ!» — дейишиб рад жавоби берадилар. Момо учинчи маргасида чақалоқни тўғри қилиб, яъни боланинг бошини бешикнинг ўнг тарафига қилиб ётқизади. Маросимда иштирок этаётган аёллар ҳам буни маъқуллашиб «Ўнг-ўнг!» — деб қичқирадилар. Шутдан сўнг момо маросим иштирокчиларининг ҳар бирига қараб:

— Уйқунгизни сотдингизми? — деб сўрайди. Ҳар бир аёл «Ха, уйқумни сотдим», — деганидан кейин момо қўлидаги ипга битта тугун солаверади. Шу тариқа ҳамма аёлнинг уйқусини «сотиб олгач», бир неча тугун тугилган ипак ипни бешик қуббасига боғлаб қўяди-да:

— Бачагинам уйқучи бўлсин, онаси тандир-тандир нон ётгунча ухласин, бийиси ҳамсоясиникига бориб келгунча ухласин, илоҳи омин! — деб фотиҳа қиласди. Бу маросимнинг композицион курилиши ҳам саҳнавийлик асосига қурилган бўлиб, унинг ҳар бир элементида иштирокчи билан томошабин ўртасидаги эмоционал-ҳиссий муносабат сақланиб туради.

Анъянавий маросимларнинг ҳаётий саҳна асари сифатида ўтказилиши ва маросимий маданиятнинг поэтик моҳият касб этганлиги траматик санъатнинг келиб чиқиши учун бадиий замин вазифасини бўйжарган.

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ РИВОЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

И. Алламбергенова, ўқитувчи (КДУ)

Биз бу мақоламизда қорақалпоқ халқ ривоятларининг мавзу жигитдан тасниф қилиниши масаласи тадқиқ қилинди.

Ривоятлар тематикаси ҳақида фольклоршунослар орасида ҳар хил тұратылар мавжуд. Масалан, В.К.Соколова ривоятларнинг фактларга

асосланғанлигини инобатта олиб, уни тарихий ва маълум ўрин жой, объектларга даҳлдор ривоятларни топонимик деб катта иккى гуруҳга бўлиб ўрганади¹. Ўзбек тадқиқотчилари ҳам ривоятларни тарихий ва топонимик хилларга бўлган ҳолда, уларнинг мавзу хусусиятларини аниқлашга интилишган². У.Жуманазаров ривоятларни уч турга ажратади. Улар этнонимик, тарихий ва топонимик деб номланган³. Қозоқ халқ ривоятларининг миллӣй ва келиб чиқиш хусусиятларига диққат қаратган фольклоршуносалар топонимик ва тарихий ривоятларга қўшимча равишида «куй ривоятлари», «чечанлар сўзи», «шажара»ни ҳам киритиш мумкин, деган хулоса га келганлар⁴. Туркман фольклоршуносалири ривоятларни миллӣй талабларга мувофиқлаштириб, уч хилга бўлиб тадқиқ қилиниади. Уларнинг таснифи бўйича «тарихий ривоятлар», «топонимик ривоятлар», «этиологик ривоятлар» ўз мавзу хусусиятлари билан ажралиб турувчи хиллардир⁵. Қорақалпоқ ривоятларини тасниф қилиш бўйича профессор С.Баҳадирова ҳам фикр билдирган. У тарихий воқеалар ва тарихий шахслар билан боғлиқ ривоятларни бир бутун ҳолда олишини ва топонимик ривоятларни алоҳида ўрга ниш лозимлигини таъкидлайди. Ривоятларнинг учинчи хиллари шажара характеристидаги асарларни (уруг-қавмлар ҳақидаги) кирилади. У дин билан боғлиқ халқ ҳикояларини ривоят жанринга киритиб бўлмаслигини уқтиради⁶. Бизнингча, дин ҳам ижтимоий омил сифатида ўзининг келиб чиқиши, шаклланиши, ривожланиши сингари тарихий босқичларни ўз бошидан кечирган тарихий оқимдир. Шу туфайли дин тўғрисида халқ онгида шаклланиши тушунчалар характеристини очиб бериш зарур деб ҳисоблаймиз. Уларнинг халқ бадиий-эстетик қарашларида алоҳида ўрин тутишини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Қорақалпоқ халқи ўзининг нафо бўлиши ва шаклланиш босқичларининг барчасида ҳам муайян бир

¹ Соколова В.К. Русские исторические предания. – М: Наука, 1970. – 1273.

² Имомов К., Мирзаев Т., Саримсақов Б., Сафаров. О. Ўзбек халқ оғизи поэтик ижоди. – Т: Ўқигувчи, 1990. – Б. 179.

³ Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Т:Фан, 1993. – 179.

⁴ Каскабасов С.А. Казахская несказочная проза. – Алма-ата: Наука, 1990. – Б. 157-159

⁵ Баймырадов А. Тўркмен фольклор прозасының тарығы. Ашхабад: Ылпым, 1981. – Б.119

⁶ Баҳадырова С. Каракалпақ халқи прозасы: миф, өпсана, аныз// Оғизи АҚҚБ Ҳабаршысы. – Нөкис 2007, – 1–сон. –Б.107-108.

диний эътиқод билан яшаган ва ушбу ҳолат халқ тафаккури маҳсулүү бўлмиш ривоятларда ўз аксини топган.

Шундай қилиб, қорақалпоқ халқ ривоятларини этненимик, тоғоненимик, тарихий, халқ куйлари ҳақиқидаги ривоятлар ва диний ривоятлар деб катта беш турга ажратиб ўргандик.

«Этненимик ривоятлар» қорақалпоқ уруғ ва қавмлари атамаларининг келиб чиқиши ҳақиқидаги ривоят-ҳангомалар ўрганилади. Қорақалпоқ халқ ривоятлари ичида этненимик ривоятлар салмоқли ўрин эгаллайди. Қавм, уруғ атамаларининг ривоявий кўринишлари фақат оғзаки ижод доираси билан чекланмайди. Уларнинг шириллари ёзма манбаларда ҳам учрайди. «Қўнғирот» этненими¹ қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ халқлари орасида кенг тарқалган йирик үруғлардан бирининг номи. Мазкур туркий халқларнинг алоҳида шириқ сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнаган бу ном қавм жамоаси атамаси асосида юзага келган. Этненимик ривоятлар орасида «Қўнғирот» атамаси билан боғлиқ намуналар талайгина. Бу асрларни таҳлилга торғган олимлар тадқиқотларида хилма-хил тақиғи ва хуносаларга дуч келамиз. Мулоҳазалардаги асосий тафовут шундаки, баъзи олимлар «Қўнғирот» уруғини мӯғуллар билан боғлиқса, бошқалари туркий қавмлар шажарасининг чўнг томири сифатида қадим даврларда ёқ шаклланган ота уруғлардан бири сифатида қайд қилишади². Ушбу илмий мунозаралар тўла равища ўз чимини топмаса ҳам «Қўнғирот» этненими икки компонентли (қўнғирот+от) туркий сўз асосида ҳосил бўлганлиги важидан ва чоршичиллик, ҳарбий соҳаларга дохил мазмунга эгалигидан, қолаверса, туркий қавмларнинг мӯғулларга нисбатан VI-VII асрлардан аввал прихода из қолдирган йирик давлат тизими соҳиби эканлигидан келиб чиқиб, унинг туркий қавмлар орасида пайдо бўлган уруғ сифатида эътироф этилишининг тарафдоримиз. Дарҳақиқат, мӯғулларнинг ўзлари ҳам туркий қавмлар билан узоқ асрлар давомида

¹ Бул атама тоғоним сыйматында да белгиси. Көпшилик жағдайларда этнотоғонимлик мазмун пайда етеди.

² Қараңыз: Зарифов.Х.Т. Основные мотивы эпоса «Алпамиш». Сб: Об эпосе «Алпамиш». – Ташкент, 1959. – С. 8-9; Рашид-ад –Дин. Сборник летописей. Т-1. – М-Л: изд. Ак.СССР, 1952. – С. 68,126,163, 208; ?. Маргулан Шоқап жэне Манас. – Алматы:Жазыўшы, 1971. – Б. 81; Мамбетов.К. Тарыхи төркинлери. – Нөкис: Билим, 1999. – Б.19; Хошниязов Ж. Қарақалпоқ халқы дәстаны «Алпамыс». – Нөкис: Билим. 1992. – Б.115; Жуманазаров В. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 195-196.

бақамти яшаб, тарихий сағнага чиқишига қадар бальзи туркій қазмларни мұғуллаштириб олиш имкониятига эга эди, дейишиң түшінің қақпимиз¹. Шулардан бири Құнғирот уруги. Маҳаллий ривоятлар нинг аксариятида бу этномим от ва унинг ранг-тусига боғлиқ келиб чиққанлиги ҳам буни тасдиқлады, қолаверса, сұзлар маъноси фонетик жиҳатдан ҳам, лексик жиҳатдан ҳам туркизм хусусиятига эга Қоракалпок халқ ривоятлари орасыда қавмлар, уруғлар, уруғ тиірләри (шахобчалари), уруғ тамгалари, шиорларининг келиб чиққан қақидаги намуналар күплаб учрайды. Масалан, құлдовли, қорамүйин, қандакли (хандакли), қазоёқли (ғозоёқли), қиёт, нукус, құстамғали (құштамғали), кенагас сингари атамаларда уруғ ёки тиірләри чиқиши, муайян хусусиятларини аниклашта йұналтирилған ишоралар мавжуд². Булар ривоятларни тарихий нұқтаи назардан ва адабий-эстетик жиҳатдан үрганувчилар учун қымматли маълумоттар саналади.

«Топонимик ривоятлар» ривоятларда эл, ер, шаҳар, қалъя, овулдар, құл, тоғ, деңгиз атамаларининг нима сабабдан шундай аталини изохланиб, үша номлар халқимизнинг узоқ йиллар давомида болған кесирған ҳаёт йўли, маиший турмуш тарзи билан узвий алокидорликда үзига хос талқин этилади.

Топонимик ривоятлар маҳаллий, маълум маънода чекланған воқеи ҳодисалар ҳосиласи бўлиб, объектни яхлит ҳолда аниклашта йўналтирилған бўлади. Ушбу хил ривоятлар қаторига «Аёз қалъя», «Гулдурсин», «Тўқ қалъя», «Чимбой», «Құнғирот», «Шўманай» сингарни қатор шаҳар ва қўргон номларига дахлдор ривоятларни киритиш мумкин. Айрим топонимик объектларнинг дастлабки туб маъниси сақланмаган. Сўнити даврларда юзага келган ҳолатлари билан алокидор янги шартли топоним ҳосил бўлган («Тупроқ қалъя», «Кўй қириған қалъя», «Қозоқли ётган» каби). Баъзи топонимик ривоятларни тарихий давр ёки ҳодиса излари, аниқ географик ўринни ифодалашдиган воқеалар акс этади («Аёз қалъя», «Гулдурсин», «Чимбой» сингари). Топонимик ривоятларда муайян ўрин-жой атамасининг қандай ҳосил бўлганлигини далиллаш учун тўқима сюжетлардан фойдаланиш ҳоллари, уларга «сайёр сюжет»ларни сингдириси усуслари ҳим («Қўнғирот», «Тўқ қалъя», «Гулдурсин», «Боғдод» каби) фойдаланилар.

¹ Қараныз: Ҳасан Ато Абуший. Туркій қавмлар тарихи. – Тошкент: Чўлпон 1995. – Б. 175-177.

² Бул ҳаққында кенирек мағлұмдатты қаран: Мамбетов К. Қарақалпақтар шежиреси. – Некис: Билдім, 1993. – Б. 82-101; Оны?: Қарақалпақлар тарийхи. Некис: Қарақалпақстан, 1993. – Б. 49-74.

Топонимлар бәзі қолларда киши номининг ургатамалари билан алоқадорликда, муайян ижтимоий-тарихий воқеаға дахлдор мазмунга зәг бўлади. Топонимлар маълум бир объектнинг табиий ташки кўриниши (кагта-кичиклиги, ранг-туси, кўллардаги қушлар, сув ўсимликлари сингари) билан бօғлиқ равишда, гидронимик атамалар (гидронимлар) кўринишини олиши ҳам мумкин.

«*Тарихий ривоятлар*» ривоятлар кўпинча тарихий шароит фоят мураккаблашган даврларда, давлат ёки уруғлик жамоалар пайдо бўлган вақтларда ёхуд ушбу йирик жамоага ташқаридан хавф дўнган маҳалларда, ички зиддиятлар авж нуқтасига кўтарилигган пайтларда юзага келади. Чунки ушбу жамоада муайян қаҳрамонлик кўрсатган инсон ҳалқ эътиборига тушиб, рўй берган ҳодиса аҳамияти даражасида қадрланади, эъзоз топади.

Тарихий воқеалар қаҳрамони сифатидаги шахслар иштироқидаги ҳалқ, ривоятлари хиллари давлат ходимлари, ҳарбий саркардалар, ималий-бадиий санъат соҳиблари бўлмиш жировлар, баҳшилар, шоирлар, чечанлар тўғрисида, хон амалдорлари, сарой аъёнлари, уруғ сардорлари – бийлар ва турли сабаблар билан ном қозонган оддий фуқаролар, косибларнинг намунали ишлари борасида ҳангома-ҳикоя қилиниши билан дикқатга сазовордир. Тарихий ривоятлар дастлаб муайян воқеани бошидан кечирган, кўрган-бўлган ёки гувоҳи бўлган одамлар томонидан оғзаки ҳикоя кўринишида яратилиб, вақт ўтган сири ривоятта хос белги-сифатлар ола боради. Айрим тарихий ривоятларда тарихда бўлган реал шахслар образлари илгаридан мавжуд бўлган (анъанавий) мотивларга йўғрилган тарзда баён қилинади. Бундай ривоятларга Ўғузхон, Чингизхон ҳақидаги, Кўркут ота, Ҳаким ота (Сулаймон Бокирфоний), шунингдек, Асан қайғи, Жийренше чечан, Маман бий, Турим бий, Айдус бий, Эрназар олакуз, Тўра бий каби қорақалпоқ уругларининг бош бийлари ҳақидаги ривоятларни киритиш мумкин.

«Халқ куйлари ҳақидаги ривоятлар»га қорақалпоқ халқ ривояти мавзу доирасида қорақалпоқ куйлари, уларнинг келиб чиқиши тўғрисида ривоятлар алоҳида ўрин тутади. Куйлар ҳақидаги ривоят шумугуларига проф.Қ.Айимбетов, А.Алимов, Т.Адамбаева, А.Ережеповлар ўз илмий ишларида дикқат қаратишган¹. Бу хил ривоятлар

¹ Айимбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 214-19; Алымов Ә., Адамбаева Т. Улсы қарақалпақ бақссызы, миллтий композиторы Муғса Турым улы ҳем қарақалпақ музыкаси/Эмиўдәръя. – Нөкис, 2006. №5-6. – Б. 121-127; Ережепов А. Қарақалпақ халық қосық ҳем наамаларының тарийхи. Нөкис: ҚМУ баспаханасы, 2008.

құбиз ва дутор күйларининг юзага келиши борасида маълумотлар түлланған қисқа ва лўнда ҳикоялардан иборат бўлиб, баъзи куй атамаларининг келиб чиқиши сабабларини изоҳловчи характер касб этади. Мазкур туркумга кирадиган ривоятлар туркий халқлар фольклоршунослигиде «куй-ривоятлар»¹, «йир-рауаят»², «куйлар тариҳи»³, «саз сунгати»⁴ атамалари билан юритилади. Куй ривоятлари нинг бошқа ривоят кўринишларидан фарқли жиҳати шундаки, у синкетик хусусиятга эгадир, яъни баён қилинаётган куй ҳақида ги ахборотлар шу куйни ижро қилувчи созандан томонидан тушунирилган ва мусиқий асбоб жўрлигиде чалиниб берилган. Қўбизда ижро қилинадиган куй ривоятларидан «Шўл асқан» (Чўл ошган), «Нуғайли», «Ойга шап» (Ойга юзлан) деган куй номларинин аввалги иккиси реал тарихий воқеалар билан боғланган тарзда берилади, кейинги асар эса, халқ ҳаёлоти – бадиий тўқима сама раси саналади. Дутор куйлари билан боғлиқ ривоятларда тарихий шахслар ҳақида сўз боради. «Жети асирим» (Етти довон), «Қўшим полвон», «Беш парда», «Орухон», «Бўзатов», «Хушаддес» сингари асарлар шулар жумласидандир. Қорақалпоқ халқининг куй ривоятлари алоҳида миллий характер касб этиб, улар аждодларимиш нинг ижро санъатига бўлган муносабат-қарашларини ўзида тажасум этади.

Ўтмишда бахшилар орасида анъана тусини олган устоз-шогирдлик муносабатлари санъатнинг бу турининг тараққиётига ижобин таъсир қилиб, оғзаки ижод намуналарининг оғиздан-оғизга ўтиб, сайқал топишини таъминлаган. XVIII-XIXасрларда бахши ва жиронлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотларнинг аксарияти Хива хони саройидаги тантаналар билан боғлиқ тилга олининиши миллий санъат нинг ушбу тури юқори даражада ривожланганидан дарак беради. Куйлар номи билан боғлиқ халқ ичида тарқалган тушунчалар тарихий муҳит билан чукур алоқадорликда бўлади ва ўша ҳаётий воқеалар асосида юзага келади.

«Диний ривоятлар» деб номланди. Юртимизда халқимиз учун яшаш ўрни, кутлуг тупроқ макон бўлибгина қолмай, унинг ўтмиши, урф-одатлари, тарихий маданиятини аллалаган бешик, муқал

¹ Каскабасов С.А. Казахская несказочная проза. – Алматы: Наука. – С. 156. 157.

² Надришина Ф. Халық хатере. – Уфа, 1986. – Б. 26.

³ Жўмаев З. Ўзбек халқ тарихий ривоятлари. НДА. – Тошкент, 2005. – Б. 1.

⁴ Баймырадов А. Туркмен фольклор прозасының тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ылым, 1982. – Б. 143.

дас макон ҳамдир. Мана шу хил ота макон – Ватан билан боғлиқ үрин-жой атамалари мозорот-жилхоналар, зиёратгоҳлар, авлиёлар номи билан боғлиқ мачит-мақбаралар, халқ тарихининг узвий бир қисми сифатида ҳам қадрлидир.

Бу хил – муқаддас қадамжолар номларига даҳлдор ривоятларга фанда некроним ривоятлар дея нисбат беришади. Некроним ривоятлар мазмунан диний тушунчалар ташиши билан бошқа турлош асарлардан кескин фарқланади. Эпик ривоятда миллый урфодатлар, воқеалардаги конкретгелик, ўтмишда яшаб ўтган кишилар номи билан унинг ҳокитуроби ётган үриннинг номланиши, атаманинг муайян даражада маҳаллий (локал) хусусиятга эга бўлиши, ривоят яратувчиларнинг диний-эстетик қарашларининг қабариқ тарзда ифодаланиши некронимларнинг энг характерли белгилари ҳисобланади. Некронимларда ота-боболар рухларига сифишиш (анимизм) кўринишлари чукур из қолдиран. Зиёрат үринлари (қадамжолар) саналмиш Султон Ваис бобо, Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳаким ота, Шиблий ота, Мурат шайх, Суфи Оллоҳёр, Имом эшон, Салмен эшон каби азиз авлиёлар номлари билан боғлиқ ривоятлар киради.

К ПРОБЛЕМЕ ВОССОЗДАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ САМОБЫТНОСТИ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ

Ф.К. Хабибуллаева, старший преподаватель (АГУ)

Не секрет, что многих литературоведов интересует художественный перевод. Правильный перевод, на наш взгляд, заключается в передаче не только смысла всего содержания переведимого текста, но и в мастерстве передачи тех загаенных мыслей, переживаний, которые мы находим в оригинале. Переводить легко и доступно, не затемня и не осложня смысл оригинала – вот задача, которую необходимо решить. Переводчик должен выполнить свою работу так мастерски, чтобы вызвать у иноязычного читателя иллюзию национальной среды. Следует придерживаться рецептивной эстетики, т.е. не важно как создавалось произведение, важно как оно будет воспринято. Адекватность перевода, в первую очередь, зависит от переводчика. Ведь там, где стираются национальные черты, исчезает и существенная частица личного, неповторимого, творчески самобытного начала.

В этом можно убедиться, сопоставив оригинал романа «Минувшие дни» А.Кадыри с двумя переводами на русский язык, относящимися к разным временным эпохам.

Не умаляя достоинств первого перевода, осуществленного Л.Батыр и В.Смирновой еще в 1958 году, необходимо отметить, что в нем уделено недостаточное внимание на передачу национального колорита, чем отличается оригинал. Это объясняется тем, что в те годы проводилась политика, направленная на стирание национальных различий. В результате многие произведения, переведенные на русский язык, теряли свою национальную самобытность.

В то же время, вышеназванная политика и складывающееся на её основе отношение к переводческому делу, привели к снижению требований к переводам с национальных языков на русский. В результате переводчики не считали обязательным глубокое знание национальных особенностей, а порой и языка переводимого произведения. Однако на практике переводчики довольствуются передачей того, что непосредственно отражено в тексте, а все что за текстом остается вне поля его зрения. Следовательно, полностью адекватного перевода не может быть в принципе, однако, каждый переводчик должен стремиться к этому.

Основными профессиональными упущениями переводчиков, на наш взгляд, являются следующие:

- 1) недостаточное знание национальной культуры и быта;
- 2) недопонимание тонкостей национального характера;
- 3) незнание сути обычаев, традиций.

Все это мы рассмотрим на материале первого перевода романа А.Кадыри. В частности, наблюдается неверный перевод реалий («тапчага ўтиргизмок» — «сели у сандала»; «хужра» — «помещение»); национальных обычаяев (сцены бракосочетания Атабека); внутреннего состояния персонажей (поведение Мирзакарима-кутидара при встрече Атабека в день свадьбы); сути сказанного в диалоге («Овора бўлмоқ нинг нима зарурати бор?» — «Нужно ли было так утруждать себя?») и т.д.

Во втором переводе, осуществленном М.Сафаровым в 2008 году, многие упущения первого перевода были исправлены. Однако и в нем мы находим еще много несоответствий оригиналу, именно с точки зрения национального колорита. Возможно, этому препятствовало то, что прекрасно владея двумя языками, все же М.Сафаров, как нам кажется, ближе к русскоязычному менталитету, нежели к узбекскому.

Рассмотрим это на примере двух переводов одного эпизода из романа.

«Ошларини еб бұлсалар ҳам жүрттага куяв күриш учун үлтурған маҳалла кишилари бир-бирларини тутишиб: «Гузук-тузук, куявникка арзигундек, чакки чаккига тушмапти, олмаю-анор» дейишидилар... Кутидор эшик остида құл қовишириб мәжмөнларни күтигінде, ер остидан куязига күз қирини ташлаб, кишига сездирмай үзича кулимсираб құядыр»¹.

В первом переводе (ПП) данный эпизод представлен в следующем виде: «Хорош, хороший! — шептали собравшиеся со всего квартала гости. — Достойный жених. Она красивая, но и он красавец!»

Многие уже давно откупали плов, но задержались, чтобы посмотреть на зятя кутидора...

У калитки, встречая гостей, стоял кутидор со сложенными на груди руками: украдкой оглядев зятя, довольно улыбнулся»².

Следующим образом переводит данный эпизод Мухаммаднодир Сафаров:

«Многие гости, пришедшие из махалли, хотя уже давно отведали плов, но специально засиделись, чтобы поглядеть на жениха: «Хорош, хороший! — шептали они. — Достойный жених. Она красива, да и он красавец!»...

У калитки, встречая гостей, стоит кутидор со сложенными на груди руками; исподлобья, краем глаза, поглядывая на своего зятя, он незаметно для окружающих улыбается»³.

Сразу надо сказать, что в ПП наблюдается ряд упущений в плане передачи национального своеобразия, которых М.Сафаров во ВП старается избежать.

1. Первое предложение оригинала — сложное предложение, в ПП разбито на два, одно из которых оформлено как прямая речь, включающая авторскую ремарку, а второе — как сложноподчиненное предложение. Этим нарушена динамика повествования и очертность подачи информации, что, существенно влияет на восприятие данного эпизода.

2. В оригинале говорится о «махаллинских гостях», что неверно переведено как «собравшиеся со всего квартала гости». Здесь имеется ввиду категория гостей: махаллинских гостей приглашают на оп-

¹ Қодирий А. Үттан кунлар. — Т: Шарқ, 2014. — Б. 57.

² Қадыры А. Минувшие дни. — Т.: Изд-во лит. и искусства, 1984. — С. 71

³ Қадыры Абдулла. Минувшие дни. — Т.: Шарқ, 2009. — С. 64.

ределенное время, угощают согласно общепринятым меню, после чего они одновременно покидают свадьбу. Значит, перевод в виде «многие уже давно откушали плов» противоречит национальным обычаям. То же и во ВП: «многие гости, пришедшие из махалли, хотя уже давно отведали плов».

3. Кугидор — отец невесты держится чуть поодаль, что вполне соответствует национальным обычаям, предписывающим тестю до поры до времени избегать встречи с зятем. Поэтому он смотрит на зятя только «краем глаза и незаметно для других». Переводы этой важной детали существенно разнятся. В ПП: «украдкой оглядев зятя, довольно улыбнулся» — «незаметность» исчезает вообще; во ВП хотя и подчеркнута незаметность («исподлобья, краем глаза, поглядывая на своего зятя, он незаметно для окружающих улыбается»), использование неуместных в контексте слова «исподлобья» и словоформы «поглядывать» сводят старания переводчика на нет. Так как наречие «исподлобья», означающее «глядеть недоверчиво, недружелюбно», и глагол «поглядывать», означающий повторяющееся действие абсолютно противоречат смыслу оригинала.

Рассмотрим еще один эпизод. Глубокое уважение к гостю является важной национальной особенностью узбеков. Так, в романе Рахмат наносит визит вежливости приехавшему по торговым делам в Маргилан сыну ташкентского друга своего отца. Он, как принято в узбекском народе, всячески старается угодить гостю, причем считает это своим долгом. В ходе беседы Рахмат настаивает на визите Атабека: «сиз аниғлаб бир кунни тайин қилингиз, биз бу ерга сизни таклиф қылгани келганимиз», что дословно означает: «вы назначьте определенный день, мы затем и пожаловали сюда». На что Атабек отвечает: «Овора бўлмоқнинг нима зарурати бор?» («Стоит ли беспокоиться?»). Состояние Атабека противоречиво: с одной стороны, он не очень-то желает идти в гости, потому что не хочет кого бы то ни было беспокоить, утруждать ради своего блага; но, с другой стороны, этикет требует нанести визит давнему другу своего отца. Отвечая так уклончиво на приглашение, он, как и его собеседники, понимает, что это лишь отговорка, акт вежливости. На наш взгляд, во ВП переводе реплика Атабека «Нужно ли было так утруждать себя?» звучит не как дань вежливости, а как самый настоящий вопрос с укоризной. Здесь реплика приобретает личную форму: «К чему утруждать вас?», в результате чего теряется национальный колорит.

Далее, отказавшись переселиться к ним, он тот час выражает готовность в любое время исполнить акт вежливости «приглашение-отказ»: «Бу саройдан сизларникита күчишим оғир, аммо отангизнинг зиёратларига боришга ҳар қачон ҳозирман». Т.е., здесь «приглашение – отказ» ни что иное как представление, разыгранное сторонами со строгим соблюдением неписанных правил этикета и, конечно же, при оценке адекватности перевода необходимо учитывать данное обстоятельство.

Рассмотрим переводы этой реплики:

«Я не смогу переехать к вам из караван-сарай. А представиться вашему отцу готов когда угодно» (ПП).

«Мне не хотелось бы переехать из этого караван-сарай, – ответил Атабек, – а вот посетить вашего отца я готов в любое время» (ВП).

В обоих переводах мотивировка отказа теряет оттенок вежливости. Если в оригинале Атабек говорит о «трудности переселения» с интонацией сожаления (хотел бы, но...), то в ПП сухо сообщает, что не может; а во ВП прямо заявляет, что ему «не хотелось бы...» В оригинале в добавок ко всему вторая часть служит также смягчению отказа, что в принципе воссоздано и в переводах. Однако в переводах вторая часть выполняет эту миссию лишь на половину, и то благодаря скорее структуре (... не смогу, но... ; ...не хочу, но...), чем содержанию. Причиной этого является неверный перевод словосочетания «зиёратига бормоқ» словом «представиться» (ПП) и «посетить» (ВП). Слова «зиёрат қилмоқ» означают посещение кого-либо с целью отдать должную дань уважения, т.е. их значение можно передать словосочетанием «идти на поклон». Так, слово «представиться» не передает во всей полноте выразительное Атабеком уважение к другу своего отца, что в контексте диалога является ещё и выражением уважения к Рахмату. А вот во ВП, где вместо «я в любое время готов явиться на поклон к вашему отцу» читаем «представиться вашему отцу готов когда угодно», глубокое уважение Атабека совсем не чувствуется, наоборот, создается ощущение, будто он делает одолжение своим представлениям.

Отвечая на настойчивую просьбу Рахмата о назначении времени, Атабек сообщает: «Маълумингиз, кечалари бўш бўламан, шунинг билан бирга отангиз кайси вақтни ихтиёр килсалар ижобат этишдан ўзга чорам бўлмас». Эту реплику дословно можно передать в таком виде: «Вам известно, по вечерам я свободен, вместе с тем, какое бы

время ни выбрал ваш отец, мне остается только подчиниться». Т.с., если Рахмат, выказывая должное уважение гостю, просит Атабека назначить время, то он из-за еще большего уважения уступает это право его отцу. В обоих переводах эта тонкость не находит своею отражения. Так, в ПП читаем: «... но если отцу нашему удобно другое время, я всегда приму его приглашение с радостью», а во ВП: «но если вам удобнее другое время, у меня не будет иной возможности, как согласиться». Как видим, в обоих переводах дается акцент на «удобность», тем самым теряется смысл оригинала, опирающийся на «волю» отца Рахмата. В результате же во ВП возникает то, чего не было и не могло быть в оригинале: Атабек будто «вынужден» согласиться на удобное хозяевам время, что полностью противоречит оригиналу. Ведь не зря же узбекская пословица гласит: «Келиш ихтиёри меҳмонда...» («Когда прийти – воли гостя...»).

Погрешности, подобные рассмотренным выше, приводят к тому, что неудачно описываются, а порой и вообще исчезают национальные особенности. В результате русскоязычный читатель лишён возможностей адекватно воспринять национальное своеобразие оригинала. Причиной этому является недостаточное знание узбекского языка, особенностей культуры и быта его носителей. Для того, чтобы передать национальное своеобразие текста-оригинала, переводчику необходимо глубоко изучить нравы, обычаи, характеры, одежду, религию, этикет, семейные отношения, особенности национальной психологии и многое другое. Только тогда он сумеет донести до иноязычной аудитории ту действительность, которую он видит в оригинале, что и должен понять читатель, пытающийся постичь узбекскую самобытность.

ТАРЖИМАДА РАДИФНИ АКС ЭТТИРИШДА БАЪЗИ МУАММОЛАР

Ф. Д. Сапаева, ўқитувчи (НукусДПИ)

Маълумки, шеърий такрорнинг бир кўриниши бўлган радиф зим- масига кўплаб катта-кичик вазифалар юкланган: у байт ва бандларни ўзаро боғлаб, шеърий яхлитликни вужудга келтиради; маънони кучайтиришга хизмат қиласи; оҳангни рӯёбга чиқаришда фаол иштирок этади. «Радиф кўп ҳолларда шоирнинг асосий муддаосини

билдириб, такрорланиб келиши натижасида (нақоратдай) фикрни таъкидлаб, кучайтириб беради... Шоирлар радиф танлашдан олдин бу сўзнинг ўз мақсадларига қанчалик мувофиқ келишига эътибор берганлар. Радиф-сўзнинг чиройли жаранглаши, вазнга тушадиган бўлиши ҳам ҳисобга олинганд»¹. Шунинг учун шеърнинг таъсирчанлиги ва жарангдорлигини оширишда, маънони кучайтиришда радифнинг роли бекиёс. «Кўпинча байтдаги фикрнинг асосий юки шу поэтик элемент зиммасига тушади, шоирлар фикрда нимага кўпроқ ургу бермоқчи бўлсалар, ўша сўзни радифга оладилар»². Лекин уни таржимада акс эттиришнинг ҳамиша ҳам иложи бўлавермайди. Натижада кўпинча унинг мазмуни мисралар қатига сингдириб юборилади. Сақлаб қолингандა эса ҳамиша ҳам муваффақиятли чиқавермайди: ё ўкувчига тушунарсиз, ё аслиятга номуносиб сўзлар қўлланади. Бу эса шеър мазмунини хирадаштиради, жарангдорлигини гушириб, таъсирчанлигини йўққа чиқариши мумкин. «Радифни бериш таржимон учун жиддий қийинчилик, қолаверса, баъзан ҳал қилиб бўлмайдиган чигалликлар туғлиради. Шу сабабли айрим таржимонлар уни акс эттирмайдилар. Ҳолбуки, радиф шеърда фақат шаклий bezak эмас, балки у кагта маъно ташийди, асарнинг таъсир кучини, шеърнинг жарангдорлигини оширишга хизмат қиласади»³.

Н. Комилов, С. Олимов, Э. Очилов каби таржимашуносларнинг шеърий асарлар таржимасида радифни акс эттириш билан боғлиқ тадқиқотларидан маълум бўлишича, таржима амалиётида радиф таржимасининг қўйидаиги усуслари мавжуд:

1. Радифни таржима қўлмай, айнан кўчириш. Бунинг учун радиф бўлиб келган сўз таржима тилида ҳам мавжуд бўлиши ва аслият тилидаги маънони ифодалаши лозим бўлади – фақат шундагина уни «таржимасиз» таржима қилиш мумкин. Айни жиҳатдан, бу усулининг

¹ Саломов F., Комилов Н. Дўстлик кўприклиари (Поэзия ва таржима). – Т.: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 211.

² Олимов С. Маснавий таржимасида радиф // Таржима санъати (Маколалар тўплами). 5-к. – Т.: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 133.

³ Шомуҳамедов Ш. «Шоҳнома» таржимаси ҳақида сўз // Таржима санъати (Маколалар тўплами). 4-к. – Т.: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1978. – Б. 193.

⁴ Комилов Н. Фазал таржимаси ҳақида баҳс // Дўстлик кўприклиари. – Т.: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 144-220; Олимов С. Маснавий таржимасида радиф // Таржима санъати (Маколалар тўплами). 5-китоб. – Т.: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъати, 1980. – Б. 132-153; Очилов Э. Таржимашунослик терминларининг изоҳчи лугати. – Т.: Шарқшунослик институти, 2014. – Б. 64-67.

күлланиш доираси бирмунча чекланган¹. Яқын тиллардан ва лексик умумийлиги күп бўлган² тиллардан таржимада бу усул қўл келади.

2. Радиф бўлиб келган сўз ёки сўз бирикмасини таржима орқали бериш. Бу усул барча тиллар, хусусан, узоқ тиллардан таржимада кўп қўлланади.

3. Асар ичидаган бошқа бир сўзни радифга чиқариш йўли билан таржима қилиш. Чунки радиф сифатида қўлланган сўз ёки сўз бирикмаси барча байту бандларга ҳам бирдай мувофиқ тушмаслиги мумкин. Бу ҳолда шеърнинг умумий руҳига мувофиқ келадиган ва унинг яхлитлигини таъминлашга хизмат қиласидаган бошқа сўз (ёки сўзлар) радифга чиқарилади.

4. Радифли шеърни радифсиз таржима қилиш. Чунки бошқа тилни радифни акс эттиришнинг ҳамиша ҳам имкони топилмайди. Бундан ҳолда таржимонлар радиф ифодалаган маънони асар ичига синглириб юборадилар.

5. Радифсиз шеърни радифли қилиб таржима қилиш. Шеърни таржима амалиётида оз бўлса-да, айни усул ҳам учраб туради. Ўзидан, бу таржиманинг муваффакиятига хизмат қиласиди.

6. Радиф бўлиб келган сўзларнинг бир қисмини айнан қолдириб, бир қисмини таржима қилиб олиш. Бунда радифни ташкил этган сўзларнинг бир қисми таржима ўкувчисига ҳам тушунарли бўлганлиги учун айнан кўчирилиб, тушунарсиз қисми таржима қиласиди.

7. Таржима ўкувчисига тушунарли-тушунарсиз эканлигидан қўшилтириб, радифни айнан қолдириш.

Махтумқули шеърлари таржимасида радиф таржимаси билан бўлиқ ушбу усулларнинг барчасини учратиш мумкин. Яқин тиллардан таржимада радиф кўпинча муаммо туғдирмайди, чунки радиф бўлиб келган сўз ёки ибора таржима тилида ҳам мавжуд бўлади. Шунга қарамай, баъзан муайян тилнинг ўзигагина хос сўзлар радифга оши надики, уларни таржима тилига айнан ўтказиш матнининг тушунарсиз бўлишига олиб келади. Ўз-ўзидан, ўзбек ва туркман тилларин ягона оиласига мансублиги ва ўзаро яқинлигидан радифлар асосан айнан кўчган, лекин таржимонлар бу имкониятни баъзида суистесиб мол қилиб, соф туркманча, ўзбек ўкувчисига нотаниш сўзларни ўзганади.

¹ Олимов С. Маснавий таржимасида радиф. – Б. 141.

² Исомиддинов З. «Алдоқчи сўзлар» билан баҳс // Таржима санъати. 5-китоб – Б. 154.

таржимасиз қолдирадилар. Шоир шеърда ўзи ургу берган сўзни радифга чиқаришини ҳисобга олсак, радифки тушунарсиз бўлгач, шеърнинг моҳияти ва асосий гояси ҳам ўқувчига етарли даражада очилмай қолади. Масалан, Махтумкули ижодида «дўнди» (айланди), «белли» (белгили, маълум) сўзлари радиф бўлиб келган бир қатор шеърлар борки, улар таржимасида бу туркманча сўзларнинг радиф ҳолида айнан қолдирилиши ўзини оқдамаган. Жумладан, Ж.Шарипов «дўнди» радифли иккита шеър таржимасида мазкур сўзни айнан қолдирган. Таржимоннинг бу иши F.Саломов томонидан ҳам танқид қилинган эди:

«Дўнди» шеърининг номиданоқ изоҳ бошланган: бу айланди, ўтди, бўлди дегани экан. Демак, уни – ўзбекчалашириш керак, вассалом. Эҳтимол, бу шеърга «айланди», «ўтди», «бўлди» сўзлари мос келмас. Бундай тақдирда изланишни яна давом эттириш, муқобил ва мувоғиқ сўз топмагунча қўймаслик керак. Бутун бошлиқ ўзбек тилидан туркманча битта «дўнмоқ» сўзининг маъносини қоптайдиган калима топилиб қолар...

Махтумкули:

*Тилла таҳтда гапылар,
Дөв р айланып япылар,
Ишан, молла, пир, сопулар,
Илат азара дўнди.*

Ж. Шарипов:

*Тилла таҳтида қопилар,
Давр айланаб ёпилар,
Эшон, мулла, пир, сўфилар
Элатга озора дўнди.*

Қопилар сўзи «эшик» эканлиги айтилиб, тўргинчи мисрага бус-буғун – «Элга озор бергувчига айланди» деб изоҳ берилади¹.

Э. Очилов мазкур шеър таржимасида «дўнди» сўзини «бўлди» деб шади ва соғ ўзбекча таржима яратади:

*Тилла таҳт сари эшиклар,
Замонлар ўтиб бекилар,
Эшон, муллаю сўфилар
Элат учун озор бўлди.*

¹ Саломов F. Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – Б. 73-74.

Шунга үхшаш мисолларни яна күплаб келтиришимиз мумкин...

Маълум бўладики, радифни тўғри акс эттириш шеърий таржими муваффақиятини таъминлайдиган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Таржимада топиб қўлланилган радиф шеърнинг ҳуснини очиб, жарангдорлигини таъминласа, ўрнига тушмаган, нотўғри танланган радиф шеърни бадиий жозибадан маҳрум қилибгина колмай, унинг мазмунини ҳам хиралаштиради, баъзида ҳатто шоир кўзда тутган маънонинг хато ёки тескари талқин қилинишига ҳам сабаб бўлади.

Бу эса радиф таржимасига масъулият билан ёндашиш керак лигини тақозо қиласди. Бугина эмас. «Радиф – Шарқ шеърияти нинг услубий унсурларидан биридир. Таржимада бу поэтик приёмни қайта акс эттириш муаммоларини тадқиқ қилиш муаллиф услубини сақлаб қолиш масаласини ўрганишнинг ажралмас қисми ҳисобланади... Муаллиф услуби акс этмаган таржимани тўлақонли таржима ҳисоблаш мумкин бўлмаганидек, радифи умуман қайта яратилмаган таржима асарида муаллиф услуби сақланган, дейин ҳам қийин»¹.

«ҚИЁМАТ» РОМАНИ ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА АЙРИМ ҚАЙДЛАР

Н. Каримова, (Л/У)

Сўз танлаш бадиий таржимада бирламчи аҳамиятга эга экан таржимон ҳар бир сўз, ҳар бир ибора ва жумланинг маъно нозимликлари, матнда касб этиши мумкин бўлган мазмунини чукур ан глаган ҳолда иш олиб бориши лозим. Акс ҳолда, таржимада мазмуний-мантиқий фализликларузага келиши, асл матнда назарда тутилган мазмун-моҳият қисман ёки бутунлай ўзгариб кетиши ҳам мумкин. Фикримиз далиллаш учун Ч.Айтматовнинг И.Фафурин томонидан таржима қилинган «Плаха»(Қиёмат) романига мурожалил қиласмиз.

Асар қаҳрамони Бўстоннинг кичкинтой ўғилчаси Кенжабекинин ташки қиёфасини чизаркан, Чингиз Айтматов болакайнинг кўширини тасвирлаш учун қуидагича ташбеҳ қиласди: «только глаза, *все*»

¹ Олимов С. Маснавий таржимасида радиф. – Б. 135; 152.

но блестящие, как черные смородины, материнские». Таржимада ушбу деталь мана бу тарзда берилган: «фақат қора олхўридан порлаган кўзларигина онасини эслатиб туриши билан беҳад қувонч бағишларди.»

Рус тилида тим қора кўзлар ўрмон меваси қорагат (смородина)га ўхшатилса, ўзбекларда чаросга, кичкинтойлар кўзлари эса мунчоққа қиёсланадики, бунда миллийлик хусусиятлари акс этади. Маялумки, ташбеҳ нарса-ҳодисалар орасидаги ўхшашликка асосланади. Масалан, чарос ёки мунчоқнинг ҳажми ҳам, ранги ва шакли ҳам кўз қорачигига ўхшайди. Лекин олхўри ҳақида бундай деся олмаймиз: олхўри мевасининг ҳажм ва шаклига ўхшашиб кўзни тасаввур қилиш қийин, айниқса, тетапоя гўдак кўзлари олхўридан бўлса. Олхўри, шунда ҳам қора олхўри, фақат ранг жиҳатидан ўхшатиш объекти бўла олади. Ундан кейин, билсангиз, олхўри порламайди. Демак, таржимадаги ўхшатиш аслиятга ҳам, мантиққа ҳам зид дейиш мумкин. Ҳолбуки, «блестящие глаза» ибораси тилимизга «пориллаган кўзлар» тарзида ўгирилиши мумкин. Шундай экан, бадиий анъанамизда мавжуд ва гўдак кўзини ўхшатишга ҳар жиҳатдан мос «мунчоқ» сўзини ишлатиш ва жумлани «пориллаган мунчоқдек кўзларигина онасини эслатиб туриши билан...» шаклида ўтириш, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Йирик таржимашунос F. Саломов уқтиришича, фразеологизмлар таржимасида уч принцип ҳукм суради: 1) асл нусхадаги фразеологизмга таржима тилидан тенг қийматли эквивалент қидириб топиш; 2) асар ўтирилаётган тилдан монанд мұқобил вариант топиб қўйиш; 3) фразеологизмни айнан, сўзма-сўз таржима қилиш. Мазкур учала усул ҳам қаноатлантиргмаган тақдирда таржимон умумий маънони акс эттириш билан кифояланишга мажбур булади¹. Тўгри, оригиналдаги мақол-маталларни ўтириш таржиманинг қийин ванифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, фразеологизмларда миллий реалиялар, тарихий фактлар ҳамда жуғрофий номлар тилга олинин бўлса. Бундай ҳолларда тўгридан-тўгри таржима қилиш мазманий ғализликни келтириб чиқариши мумкин². Бунинг ёрқин шилини «Қиёмат» романида қўлланган бир матал таржимаси миғолида кўришимиз мумкинки, бу ҳақда тўлароқ тасаввур бериш ўчун матални матнадаги яқин ўрамида келтирамиз: «Кого-то Утюг

¹ Саломов Г.Т. Основы теории перевода. – Т.: Учитувчи, 1983. – С.121

² Федоров А.В. Основы общей теории перевода (лингвистические проблемы). М.: Высшая школа, 1983. – С. 165.

погружал, поспешно перенося с тележки в вагон чемоданы и коробки, бойко перебрасывая на ходу шутками с проводниками и повторял расхожее привокзальное присловье: «Деньги есть — Казан поеду, деньги нет — Чешма пойду». Парча ўзбекчага маннундай ўтирилган: «Утюг аллакимнинг юклари — жомадонлари им кутгиларини аравадан вагонга жадал ортиб берар, дам-бадам проводниклар билан ҳазил-мазаҳ қилас, ўзига жуда ёқса керак, вожзалларда кенг тарқалиб кетган битта майнавозчиликни ҳадеб так рорларди: «Пулим бор — Қозонга бораман, пулим йўқ — Чашмага бораман». Жуғрофий номлар билан боғлиқ ушбу матал рус реалияларига тегишли бўлиб, русийзабон китобхон учун тушунарлий, албатта. Биламизки, Қозон Татаристоннинг пойтахти, пойтахти эса пули бор одам ҳар қанча қўнгилхушлик қилиши мумкин. Маталда пулсиз одамнинг Чешмага бориши айтилашти. Хўш, Ченим ўзи қандай жой, пулсизлар у ерда нима қиласиди? Ченим — Бонни, ирдистондаги чекка бир қишлоқ жой номи бўлиб, у ерда одам ўйин-кулгу эмас, балки пул топиш учун меҳнат қилишига тўғри келади. Сўзма-сўз ўтирилган маталдаги Чашма сўзи ўзбек китобхони учун жой номини эмас, табиий сув манбасини англатади. Бизда, маълумки, «чашма» дейилганда хаёлда кўпроқ атрофи сонсалқин, одамлар ҳордиқ чиқарадиган жой жонланади, яъни бу аслиятдаги «пулиз қолганлар борадиган жой» маъносига мутлако зид. Албатта, таркибида жой номлари иштирок этаётган матал реалия, демак, унинг сўзма-сўз ўтирилгани мақсадга мувофиқ. Бироқ бунда сўзма-сўз таржима матал мазмунини англаш учун етарли бўлиши керакки, бунга доим ҳам эришиш қийин. Шуниназарда тутиб А.В.Федоров жой номлари билан боғлиқ ибораларни мазмунига путур етказмаган ҳолда қисман янгилаш мумикини лигини кўрсатиб ўтган¹.

Дарвоқе, романнинг қирғиз тилига таржимасида шу усун кўлланган: «Акчам бар — Казан жўр-мўн, акчам жок — Чешмага қўнг-кўй-мўн»². Қуриб турганимизки, бунда маталнинг изохи ҳам бор, яъни бунда Чешма дам олиш жойи эмаслиги, у ерда қўёшни куйиб ишлаш кераклигига ишора бор. Бундан ташқари, «жўр-мўн кўй-мўн» сўзлари ўзаро қофиялангани маталга хос хусусиятни саклаб қоладигина эмас, балки унинг маталлигини таъкидлаб ҳам туради.

¹ Шу манба. — Б. 165.

² Айтматов Чынғыз. Чыгармаларының жыйнагы: 5-том. — Б.: Бийиктик, 2010 — Б. 62.

Шунга ўшаш ҳолат бошқа бир матал таржимасида ҳам юзага келган. Жиноятчилар гурухи вакили Утюг турли маталларни күп күллайди. Бу билан у ўзини гүё сўзамол, улдабурон, «учар» эканини кўрсатмоқчи булади. Жиноятчилар билан алоқа боғлаш учун келган Авдий ўзини дадил кўрсатиш учун «Привет, Утюг, как дела?» деган саволига у матал билан жавоб беради: «Дела как в Польше: у кого телега, тот и пан». Таржимада ушбу матал «Ишларимиз худди Польша. От-арава кимники – панники» шаклида берилган. Аввало, аслиятдаги битта жумланинг иккига ажратилгани мазмун бутунлитига пугур етказган, «ишларимиз худди Польша» дегани мантиқан фализ, чунки мантиқ бу ўринда «Польшадагидек» ёки «Польшадаги каби» шаклларини талаб қиласди, аслиятда ҳам шундай. Таржимада бу ўзгартириш нима учун юзага келгани, бундан бирон бир мақсад қўзланган-кўзланмагани қоронфу бўлиб қолган. Икинчидан, Утюг ота арава кимники бўлса ўша хўжайин эканини назарда тутади, таржимада эса араванинг эгасини таъкидлаш билан чекланиляпти. Бизнингча, бу ўринда «Ишлар худди Польшадагидек: арава кимники бўлса – ўша пан» шаклида ўтириш тўғрироқ бўлар эди. Биз бу ўринда «пан» сўзи хўжайин маъносида ишлатилиши ўқувчиларга маълум деган қарашдан келиб чиқмоқдамиз. Қирғиз таржимони бундай ўйламаган бўлса керак, муаммони ҳал қилищнинг ўзига хос йўлини топган: «Ишим Польшанықындай: прабасы бар адам – мырза, тора жана пан, – деди Утук.» Кўриб турганимиздек, қирғизча таржимада «пан» сўзининг изоҳи матал матнига сингдириб юборилган.

Утюгнинг яна бир гапида қўлланган матал таржимаси бошқа усулда – таржима тилидан эквивалент топиш йўли билан амалга оширилган: «Говорил я ему, чавыча, ещё в прошлый раз говорил, не дури, Моржок, не лезь на хухок.» – «Унга айтганман, чавафим, ўтган гал айтганман, тенгаклик қилма, деганман. Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ.» Утюг Авдийдан Моржнинг «ичак яраси қийнаб юборганини» эшитгач, куйингандек бўлиб ва ўзининг билимдон кўрсатишни унутмаган ҳолда «не дури, Моржок, не лезь на хухок» демоқда. Бу иборани «ортиқча чиранма» ёки «қўлингдан келган ишни қил» маъноларида тушуниш керак. Демак, бу ёрда «Аввал ўзингта боқ, кейин ногора қоқ» мақоли ноўрин: у ўзининг камчилик ва нуқсонларини кўрмай, ўзгаларни айбситувчи инсонларга нисбатан ишлагилади. Аслиятдаги ибора эса кўпроқ биздаги «Кўрпангга қараб оёқ узат» ёки «Бўйингга қараб тўн бич» мақолларига эквивалент булади. Таржима мақол гүё Морж аввал

«экстра» (наша)ни кўп истеъмол қилиб азоб тортган одамнинг устидан кулган-у, энди ўзи унинг ҳолига тушиб қолган дегани маънога ҳам ишора қиласиди, аслиятда бу маъно асло назарда тутилмаган.

Худди фразеологизмларнинг чалкаш қўлланиши натижасида жумла мазмуни ўзгариб кетгани каби сўзнинг янгилиш таржимаси ҳам номақбул ҳолатларни келтириб чиқаради. Аслиятда эркак бўри нинг овини хомталаш қилиши мана бундай тасвиrlанган: «Таш чайнар не отставал от неё. Свирепо урча, он сокрушал мощными челюстями сочленения суставов, раздирая тушу на бесформенные части, как варвар мясник». Ушбу парча қўйидагича ўтирилган: «Таш чайнар ундан қолишмасди. У ваҳшиёна ириллаб, гўштни бурда бурда қилар, бамисоли ёввойи қассобнинг ўзгинаси эди». Аввало аслиятдаги тафсилотлар қисқариб, анча сўзлар таржимада акс маган. Иккинчидан, «варвар» сўзининг «ёввойи» деб ўтирилиши уччалик тўғри эмас. Маълумки, «варвар» сўзининг бир неча луҳий маънолари бўлиб, улардан бири «маданийлашмаган, ёввойи» бўлса, яна бири «ваҳший» маъносидир. Матн мазмунидан келиш чиқилса, аслиятда Тошчайнарнинг қўтос гўштини ваҳшийларча бурдалаб еяётгани тасвиrlанган. Яъни бўрининг ҳолати гўштни батартиб нимталовчи «маданий қассоб» эмас, балки тўғри келган ерига болта урадиган «ваҳший қассоб»га ўхшатмоқда. Бопка томони, «тарвар мясник» бирикмасининг «ёввойи қассоб» тарзида ўтирилиши бироз мантиққа хилоф ҳам. Чунки маданийлашмаган ёввойиларни қассоб (касб) бўлмайди, кейин, ёввойи халқларнинг ҳаммаси ҳам ваҳший эмас. Яшаш тарзи тинч, осуда бўлган ёввойи элатлар ҳам бор. Хуллас, «ёввойи» сўзи ушбу контекстда «варвар»га эквивалент бўла олмайди.

Юқорида кўриб ўтилган мисоллардан холоса қилиб айтиш мумкинки, таржимон тилни билиш билангина қаноатланиб қолиши мумкин эмас экан. У ўз ўрнида лингвист, этнограф, тарихчи бўлиши керак. Таржимон оригинал тилдаги сўзларнинг, айниқса, ибораларнинг мазмуни, пайдо бўлиш тарихини билмоғи лозим. Агар у таржимада йўл қўйилган хатоларни оригинал асар тилини билмайдиган кишилар ҳақига хиёнат деб билиб, ҳар бир сўз устида астойдил ишласагина аслият мазмун-моҳиятини бера олади. Йўқса, биргина ҳатто сўз адид даҳосининг меҳнатларини зое қилиши мумкин. Ибораларнинг чалкаш таржимаси ва аслиятга янгилиш муқобил деб топилиши эквиваленти бу эҳтимолни янада оширади. Демак, жаҳон адабисти дурданаларидан саналувчи «Қиёмат» романининг мазмун-моҳияти

ни аслига монанд етказиш вазифаси ҳамон таржимонларимиз зимасида турибди.

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА САВОЛ-ТОПШИРИҚЛАР УСТИДА ИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Х. Суюнов, п.ф.и. (НавДПИ)

Адабиёт ўқитиши методикасида дидактик тамойилларга кенг муружаат қилинади. Бунинг асосий сабаби адабий таълимнинг маънавий-ахлоқий, адабий-естетик тарбия билан чамбарчас боғлиқлигидир. Зоро, энг қадимги афсона ва ривоятлар, Ўрхун-Енасой ёдгорликларидан тортиб то ҳозирги кунгача яратилган мавжуд бадиий адабиёт намуналари инсонни олам жумбоқларию кўнгил кенгликларини теран англаш орқали маънавий-ахлоқий камолот сари етаклайди.

Иккинчидан, бадиий асарларни адабиёт предмети доирасида ўрганиб, берилган матнларни адабиёт назарияси асосида таҳлил этиш ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини ўстиришга, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга, нутқини бойитишга ёрдам беради.

Учинчидан, адабий таълим жараёнида уюштириладиган мустақил ишларни бажариш орқали ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар ўқувчиларнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутади.

Кўринадики, адабиёт ўқитиши методикаси дидактика билан узвий алоқадорликда яшайди. Дидактик адабиётларда берилган тиимлилик, изланувчаник, муаммоли таълим каби методлардан ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, дарснинг мақсади, ўрганишадиган материалнинг мазмунига кўра танланади.

Мактабда ўқитиладиган барча ўкув предметлари учун умумий бўлган дидактик тамойиллар ўқитишида назарий билимлар билан амалийтнинг узвий алоқада бўлишини, мавзулар, боблар ва ҳатто ўкув предметлари орасида ўзаро боғлиқликни таъминлайди. Мазкур тамойилларнинг бир қисми ўқувчи фаолиятига тегишли бўлса, иккинчи қисми ўқитувчи фаолиятига даҳлдор. Масалан, ўқувчилар ширса фаоллик, изчиллик, онглилик тамойилларига амал қилишса, илмийлик, дарсни ташкил этишдаги кургазмалилик, ўтиладиган мавзу мазмунига мос метод танлаш, илғор педагогик ва ахборот техноло-

гияларидан, дастурлаштырылган таълим (компьютерлар дастури)дан, шунингдек, құшимча үқув адабиётлари ва маҳаллий, тарихий ман балардан фойдаланиш каби масалалар бевосита ўқытувчининг касбий педагогик фаолиятида Ўз аксини топади.

Илмийлик тамойили. Мазкур тамойилни құллаш орқали үқычиларға ҳозирғи адабиётшунослиқда үз тасдигини топған, илмий жиҳатдан исботланған маълумотлар берилади. Үқитувчи фаннин эңг сұнгти ютуқлари асосида дарслиқдаги барча мавзуларни үзаро боғлиқликда изохлады. Масалан, дарсда әртаклар үрганилса, үқувчилар әртакларнинг үзига хос хусусиятлари тұғрисидаги назарий маълумотлар билан ҳам танишадылар. Дарсликнинг шу бобида сұнг берилған савол-топшириқтар асосида үрганилған материалдар умумлаштирилиб, тұлдирилса, янги дидактикалық манбалар үқувчилар үзлаштырылған билимларни бойитиши мустақамлашып көрсетіледі.

5-сinf «Адабиёт» дарслык-мажмуасидаги «Ертаклар ҳақида», «Рубой ҳақида», «Хикоя ҳақида», «Афсоналар ҳақида», «Бадий асарнинг миллийлiği ҳақида», «Қасида ҳақида», «Характер ҳақида» каби назарий материалларни илмийлик тамоили асосида ўрганилган бадий асарларнинг жанрий хусу сиятлари билан уйғунлаштирилган ҳолатда олиб борилади. Шу тариқа ўқувчиларга адабиётшуносликдан дастлабки назарий мағлумотлар берилади. Бу эса шу ёшдаги ўқувчиларнинг илмий лүх нёқарашини, адабий-эстетик тафаккурини, мантиқий фикрларини малакасини шакллантиришга ёрдам беради. Таниқли психолог Э.Фозиевнинг фикрича, айни шу ёшдаги «... ўқувчилар учун мустақил билим олиш, ижодий фикр юритиш, үзини ўзи бошқарини, англаш, баҳолашга көнг имконият яратилади. Ўсмирлик ёшида қатталик ҳолатига етиш жараёни содир бўлади. Булар, аввало, таълим жараёнида рўй беради: янги ахборотларни, маълумотларни баён қилиш шакли, услуби ва усуллари ўсмирларни қониқтирманай кўяди. Ўсмир энди зарур ўринларни мантиқий хотира ва тафаккургага суянган ҳолда ўзлаштиришга ҳаракат қиласади»¹.

¹ Фазиев Э. Психология. — Т.: Учитувчи, 1994. — Б. 133-34.

ҳақида», «Рабғузий ва унинг асари ҳақида», «Шеърий нутқ ҳақида», «Латифа ва асқия ҳақида», «Қисса жанри ҳақида» каби қатор материаллар орқали муайян адабий-назарий тушунчалар билан қуроллантириш кўзда тутилган.

Маълумки, назарий маълумотлар ўқувчиларнинг «Адабиёт назарияси» бўйича эгаллаши керак бўлган билимлар силсиласини ташкил этади.

Умумдидақтик тамойилларнинг ядросини ташкил этувчи илмий-лик тамойили ўқувчиларга фақат адабиёт дарсларидағина адабиёт-шунослиқка доир назарий маълумотларни ўрганиш тарзида амалга оширилмасдан, балки бадиий асарлар мазмунидаги илмий ҳақиқатларни аниқлаш, уларда акс этган тарихий саналар ва бошқа манбаларни қиёслаб ўрганишда ҳам кўл келади. Бадиий асарларда халқ ҳаётининг турли қирралари: удумлари, анъаналари, турмуш тарзи бадиий сўз ва образлар воситасида ифодаланар экан, уларнинг маъно хусусиятлари, образлилиги ҳар қандай асарга илмий жиҳатдан ёндашишни тақозо қиласди.

Адабиёт ўқитишида тизимлилек тамойили адабиёт предмети ва унинг барча бўлимларини муайян тартибда изчил ўрганишга, ўқувчиларнинг билим олиш ва мантиқий фикрларни фоалиятини яхшилашга хизмат қиласди, ўзлаштириш жараёнини енгиллаштиради.

Савол-тотшириқларнинг катта қисми асар матни устида ишлаш орқали жавоб беришни тақозо қиласди. Ҳар қандай асар мөҳиятини ўзлаштириш матн билан танишишдан бошланиши назарда тутилса, дарслик-мажмуада берилган савол-тотшириқларнинг айнан шу нуқтага назардан тузилганини сезиш қийин эмас.

Савол-тотшириқларнинг кўп берилиши, шубҳасиз, танлаш имконини туғдиради. Аммо у ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат оғаси бўлишни ҳам талаб этади. Масаланинг мушкуллиги шундаки, кўпчилик ўқитувчилар дарсликлардаги барча савол-тотшириқлар бажарилиши шарт деб тушупишади. У ўқувчилар томонидан амалга оширилмаганидан сўнг эса ҳафсалалари пир бўлади.

Мумтоз адабиёт намуналари билан халқ оғзаки ижодига мансуб асарлар сюжетида, характерлар талқини-ю қаҳрамонларнинг лирик кечинмаларида ҳам ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар бўлиши табиий. Чунки бошқа соҳаларда бўлгани каби бадиий адабиётда ҳам мотив ва мотивация фаол иштирок этувчи жараёнлар ҳисобланади. Ўқувчиларга дарслик-мажмуадаги боблар ва боблараро мутанюсибликни таъминловчи савол-тотшириқлар берилиши ба-

дий асарлар таҳлилида, албатта, марказий ўринлардан бириниң эгаллаши зарур.

Савол-төпшириқларда қайтариқ жумлалар бўлишига йўл қўймаслик керак.

Дарсликка таҳлилий бадиий материаллар билан назарий маълумотлар орасидаги боғлиқликни аниқлаш ҳамда адабий жанрларниң қиёсий таҳлилини амалга оширишига қаратилган савол-төпшириқлар киритиш ҳам мақсадгага мувофиқдир.

Ўқитувчи дарслик мажмуадаги савол-тоншириқлар асосида бадиий асар таҳлилига доир савол-тоншириқлар тузишда қуйидаги масалаларни диққат марказида тутиши зарур деб ўйлаймиз:

1. Адабий-бадиий (назарий) матннинг мураккаблиги даражаси.
2. Ўрганилаётган матннинг ҳажми.

3. Ўкувчиларниң ёш хусусиятлари, билим савияси, турмуш тажрибаси.

4. Ўрганиладиган мавзуга дастур бўйича ажратилган ўқув соати.

Адабиёт дарсларида ўқитувчилар томонидан тузилган қўшимча саволтөпшириқлар устида ишлаш муҳим дидактик вазифани ўтайли. Таълим тизимида у ёки бу ўқув предметини чукур ўрганиш, ўтилган мавзуларни атрофлича ўзлаштиришда савол-төпшириқлар фоят муҳим дидактик вазифани бажаради.

Ўкувчиларнинг бадиий адабиётнинг сўз санъати сифатидаги ўзини хос хусусиятларини теран идрок этишларига эрилиш савол-төпшириқларниң илмийлик, мантиқий изчилиллик, узвийлик, тизимлилик тамойиллари асосида яратилишига, ўқитувчи ва ўкувчиларнинг тайёргарлиги даражасига, ҳамкорлик алоқаларининг тўғри йўлга қўйишига боғлиқ.

Савол-төпшириқларнинг ўтилган мавзуни шунчаки қайд қилиниш такрорлаш даражасида бўлиши ўкувчиларнинг адабий-назарий билимлар юзасидан мустақил фикрлашга, бинобарин, фан асосларини пишиқ, пухта ўзлаштиришларига ғов бўлади. Савол-төпшириқлар устида ишлаш натижасида мустақил ўзлаштирилган билимлар қўнижма ва малакалар узоқ вақтлар хотирадан ўчмайди.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИНИ ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР АСОСИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ

И. Ражабова, н.ф.и., доцент (ҚарДУ)

Хозирги қунда инсоният ўз тараққиёти тарихидаги кескин бурилиш босқичларидан бирига кирди. Бугунги одам коммуникация инқилоби, тұхтөвсиз ёпирилиб келаёттан ахборотлар тұфлони туфайли турмуш ва тафаккур тарзи ҳам бошқа ўзанларга солиб юборилиши мүмкін бўлган даврни бошидан кечирмоқда.

Бугун инсонга хос ҳаёт кечириш учун қағондир этажлаб олинган билим, кўникма ва малакалар энди етарли бўлмайди. Одам мутгасил равинцида такомиллашиб, ақлий ва маънавий жиҳатдан камолот касб этиб борсагина ҳаёт билан бирга қадам ташлай олади. Бунинг учун у ўз устида ишлайдиган, тинимсиз равишда мустақил ўқиб, изланадиган бўлиши керак. Шу сабабли болаларни мактаб давридаёқ мустақил фикрлайдиган, муаммоларга ечим топадиган қилиб тарбиялаш лозим. Шунинг учун ҳам XX асрнинде олтмишинчи йилларидан эътиборан дунё миқёсида ўқитиш жараёнини тамомила янгича тамойиллар асосида ташкил этиш зарурияти пайдо бўлди.

Таълим жараёнинда интерфаол усуларни қўллаш қандайлир шахсларниң шунчаки ташаббускорлиги, тажриба қилиб кўришга интилиши натижаси эмас, балки инсоният педагогик тафаккури тараққиётининг қонуний натижаси, ўқувчи билиш фаолиятини йўлга кўйишнинг юқори босқичидир. Интерфаол методлар фалсафа, педагогика, психология каби илмлар тараққиётининг қонуний натижаси сифатида юзага келди. Шу боис интерфаол методларни қўллашда таяниладиган асосий илмий тамойилларни аниқлаш адабиёт ўқитиш методикаси фани учун ҳам, таълим амалиёти учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Бу усуларни қўллашда а) ўқувчиларда тизимли тафаккур ва илмий тадқиқотчилик фаолиятини шакллантириши; б) қизиқарли ўқув муаммосини қўя билиш; в) таълимнинг биргалик (ҳамкорлик)даги амалга ошишига эришиш каби муҳим илмий-педагогик тамойиллар мавжуд.

Интерфаол усуларнинг юзага келишига асос бўлган илмий-педагогик тамойилларнинг биринчиси *ўқувчиларда тизимли тафаккур ва илмий тадқиқотчилик* фаолиятига доир кўникмаларни шакллан-

тиришдан иборатдир. Ушбу тамойил атрофимиздаги оламни билин да объектив равищда таяниладиган энг муҳим қонуниятни англатади. Ҳар қандай одам оламни қисмларга бўлиб, навбатма-навбат эмас, балки бутунича идрок этади ва ўрганади. Зеро, объектив оламниң ўзи улкан бир яхлит тизимдир. Ундаги ҳар бир жиҳат бошқаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бирини билиб олмай туриб, иккинчи сини тушуниш мумкин эмас. Бу боғлиқлик чексизлик қадар давом этади, шу сабабли ҳам инсоннинг дунёни билиши ҳеч қачон тўхташи, ниҳоясига етиши мумкин эмас.

Бунга кўра таълим жараёнида ечилиши керак бўлган муаммолар га муайян система сифатида мунсобатда бўлиш орқали ўқувчиларни тизимли таффаккур қилишга ўргатиш кўзда тутиларди. Бунинг учун ўқувчилар ўзларини ўраб турган чексиз-чегарасиз оламнинг улкан бир тизим экани, ундаги ҳар бир нарса-ҳодиса турли мураккаб тизмлардан иборатлигини, улар нимадандир келиб чиққани ва ўз на вбатида, ниманидир келтириб чиқаришини ҳисобга олишга одатла нишлари керак бўлади.

Шу маънода, таълим жараёнида ўтиладиган ҳар қандай ўқун предмети ҳам муайян дидактик тизим шаклида мавжудлигини, демак, оламни тизимли йўсинда ўрганишгина самара келтиришни тушуниб етилиши зарур. Жумладан, адабиёт бўйича ўрганилишни кўзда тутилган мавзулар ҳам шунчаки, бетартиб ва тасодифан машуд бўлмай, бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган ва бир бирини тақозо этадиган илмий-эстетик тизим экани ҳисобга олиниши керак.

Оламдаги илмий, моддий, биологик, бадиий-эстетик, ижтимоий, техник ва ҳ.к. ҳар қандай тизим муайян қисмлардан ташкил топган бутунлик ҳисобланади. Тизим ҳамиша муайян ўзиғи хос белгиларга эга бўлади ва маълум вазифаларни бажаради. Тизим даврлар ўзгариши билан муайян ўзгаришларга учрайди. Ҳар қандай тизим ўзидан каттароқ усттизимнинг бир қисми саналади, ўз навбатида, ўзидан кичикроқ осттизимлар унинг қисмлари ҳисобланади. Шу тариқа, ҳар қандай тизим усттизим учун қисм, осттизим учун қисмларни бирлаштирувчи яхлитлик мақомиши бўлади.

Таълим жараёни учун ўта муҳим ҳисобланган тизимли таффаккур ўрганилаётган тизимнинг моҳиятига унинг ҳар бир унсурини бошқа кўплаб объект ва ҳодисалар билан биргаликда текширгандагина етим мумкинлигини кўзда тутади. Дунёдаги ҳеч бир нарса атроф-олам билан алоқасиз мавжуд бўла олмайди. Лекин бу саноқсиз алоқалар

нинг ҳаммасини тұла ҳисобға олишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам бундай саноқсиз алоқалар орасыдан тизимнинг белгилари ва вазифаларига таъсир күрсата оладиган даражадаги муҳимларини ажратса билиш лозим.

Ўқувчилар ҳам тизим таркибидеги алоқаларнинг муҳимишни номуҳимидан ажратса билмаса, таълим жараёнида кутилган самарага эриша олмайдилар. Ўқувчилар ўрганилаётган тизимнинг энг муҳим қисмларини иккинчи даражали қисмлардан, энг муҳим вазифаларини номуҳимроқ вазифалардан, энг кераклы алоқаларини унчалик зарур бўлмаган алоқалардан бехато ажратса олсаларгина ижобий ўкув натижасига эришишлари мумкин. Бунинг учун ўқувчилар тизим тушунчасининг жуда ҳам сертармоқ эканини, исталган бир тизим саноқсиз кичик тизимларга бўлиниши ёхуд туганмас катта тизимларнинг қисми бўлиб келиши мумкинлигини билиб олишлари лозим. Мисол учун, «**мумтоз адабиёт**» тизим, «**адабиёт**» унга нисбатан усттизим, «**мумтоз адабий жанрлар**» «**мумтоз адабиёт**»га нисбатан остизим ва ҳ.к. Буни қуйидаги жадвал орқали визуал ифодалаш мумкин:

ТИЗИМ	ОСТИЗИМ	ОСТОСТИЗИМ	ОСТОСТОСТИЗИМ
Адабиёт	Мумтоз адабиёт	Мумтоз лирика	Фазал

ёки

ТИЗИМ	УСТИЗИМ	УСТУСТИЗИМ	УСТУСТУСТИЗИМ
Фазал	Мумтоз лирика	Мумтоз адабиёт	Адабиёт

Ҳар қандай одам табиатида бўлгани сингари ўқувчиларида ҳам мавжуд бўлган қизиқувчанлик улардаги тадқиқотчилик ва ихтирочилик хусусиятининг биринчи белгисидир. Ўқувчиларнинг яхши кузатувчилар бўлгани ҳолда нўноқ тадқиқотчилар эканини таъкидлаш керак. Улар барча ўспириналар каби атрофдаги нарса-ҳодисаларни ўткир ҳис этадилар, яхши эсда сақлаб қоладилар, лекин ҳамиша ҳам улардан асосли илмий хулоса чиқара билмайдилар. Мана шу қарама-қаршиликни йўқотиш учун ҳам адабий таълими жараёнига тадқиқотчилик хусусиятини жорий қилиш лозим бўлади.

Адабий таълимда қарор топган тайёр билимларни бериб, уларни эслаб қолиш ва сўралганда қайтариб айтишнигина талаб этиш таби ий равишда ўқувчиларда конформизмни, яъни муайян миқдордаги билимларни пассив эслаб қолиб, қайтариб айтиб берадиган дидак тик истеъмолчиликни юзага келтиради. Шунинг натижасида бўлса керак, ўқувчиларда ўтилган мавзуларни қайтариб айтиб бериш жи ҳатидан у қадар оқсамасалар ҳам, билимларни амалга татбиқ этиш, айниқса, нотаниш вазиятларда қўллаш борасида тамомила нўнок эканликларини кўрсатди. Шу ўринда улуг олмон педагоги А.Дис тервегнинг: «*Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни отказиб беради, яхши ўқитувчи эса ҳақиқатни ўқувчилар билан бирга кашф этади*»¹, — деган гани нақадар ҳақ экани маълум бўлади. Чиндан ҳам ўқувчиларига илмин ҳақиқатларни кашф этиш имконини берган ўқитувчининг фаолиятигина самаралидир.

ИНТЕРФАОЛ УСУЛ НЕГА КИРИБ КЕЛДИ?

М.Қ. Исмоилова, филол.ф.н., доц. (ЎзМУ)

Яқингача ўқитувчи ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлгани билимларнинг ягона манбаси ҳисобланарди, бугунга келиб ахборот воситаларининг кўпайғанлиги, ахборотларни эслаб қолиш ва қўлланинг ғоят қулай техник воситалари юксак даражада ривожланганлиги натижасида улар дунёни билишнинг ягона воситаси бўлмай қолди. Ҳозир билимлар шу қадар серқирра, ахборотлар шунчалар кўпки, бир кишининг уни тўла ўзлаштириш тутул, кичик бўлагини эгаллашиб олиши ҳам мушкул бўлиб қолди.

Бундан ташқари деярли ҳар бир оиласда билим олиш имконияти пайдо бўлди. Кайси маънодаки, компьютер, телевизор, радио, мобил ва уй телефонлари маълум маънода ахборот ташувчилик вазифасини ўтайди.

Шу боис миянинг чап ярим шарини фаоллаштириш, яъни хотирани кучайтириш ўзини оқламай қўйди. Биз ҳар куни тўқнана ётган ахборотларни эслаб қолишнинг жисмоний имконияти йўқ. Ўқувчилардан ўқитувчи айтганларини эслаб қолишнигина талаб қилиш етарли бўлмай қолгани учун ҳам интерфаол усуллар кириб

¹ Сафин Д., Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Модуль 2. – Т., 2007. – С. 56.

келди. Бу усул ўқишининг асосий оғирлигини ўқувчининг зиммасига юклайди.

Интерфаол атамаси «*интер акт*» сўз биримасидан олинган бўлиб, лотинча «*штер*» — аро, ўзаро, биргаликда ва «*акт*» — хатти-ҳаракат, фаолият, тадбир маъноларини англатади. Яъни *таълим мазмунини тўлиқ ўзлаштириши учун ўқувчиларнинг ўзаро бир-бирлари ва ўқитувчилари билан биргаликда фаолият кўрсатишларини ташкил этиш* интерфаол усул ҳисобланади.

Интерфаол таълим методларининг асосий белгилари қуйидаги лардан иборат:

таълим жараёни қатнашчилари бемалол баҳслашиш имконига эга;
материал эркин йўсинда ўзлаштирилади;
семинарлар маъruzалардан кўпроқ бўлади;

ўқувчилар ташаббускор бўлади;

бергаликдаги фаолиятни таъминлаш учун ўқув топшириқлари алоҳида ўқувчига эмас, балки гуруҳларга берилади;

ёзма ишилардан кенг фойдаланилади.

Интерфаол методларнинг асосий белгиси қизиқарли эканида деган фикр янгилилар. Бу усуллардан мақсад катта таълимий натижага камроқ куч ва ресурс сарфлаб, қизиқарли йўсинда эришишлан иборат. Интерфаол методларда *бирор натижага эришишдан ҳам кўра ўқувчиларнинг унга етиб келиш жараёни, олиб борган изланишлари ва кўрсатган ташаббуслари* муҳимроқдир.

Интерфаол методлар асосида **конструктивизм** фалсафаси ётади. Конструктивизм педагогика илмига 1960-йилларда ҳам назарий, ҳам амалий йўналиш сифатида кириб келган. Бу фалсафа ўқиш ва билимни ўқувчилар ўз ақлий фаолиятлари натижасида куриб олади ёки ташкил этади, яъни конструкция қиласи деб тушунади. Чиндан ҳам, узоқ йиллик педагогик тажриба ҳеч қандай ўқитувчи бирорни ўқитолмаслигини кўрсатмоқда. Ўқувчининг ўзигина ўқишига интилади ва шу интилиш даражаси уни аълочи ёки иккичилигини белгилайди.

Конструктив фалсафасини швецариялик файласуф ва машхур педагог Жан Пиеже (1896 йил 9 август-1980 йил 16 сентябр), рус психологи Л. С. Виготский (1896 йил 5 ноябр- 1934 йил 11 июн), америкалик педагог Джон Дьюи (1859 йил 20 октябр-1952 йил 1 июн), америкалик психолог Бенжамин Блум (1913 йил 21 феврал) каби алломалар амалиётта тадбиқ этишган.

Конструктивистик ёндашув ўзагини Жан Пиаженинг: «...бола ўз интеллектининг меъморидир», — деган қараши ташкил этади.

Яъни ҳар бир киши янги билимларни ўз шахсий тажрибаси асосида ўзигина эгаллади; янги тушунчаларни мавжуд тажрибалари устига «қуради». Чиндан ҳам ҳаётда ҳеч бир одам тайёр фояни олмайди, балки ҳамиша ўз фояси, ёндашувини яратади. Шунинг учун ҳам дунёдаги одамлар айни бир нарса ҳақида турлича фикр билдирадилар.

АДАБИЙ ТАЪЛИМ ВА МАҶНАВИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА

Д.Э. Абидова, ўқитувчи (АДУ)

Миллатимиз тарихига, аждодларимизнинг адабий-илмий меросига назар ташласак, барча замонларда ҳам кишиларнинг ахлоқ одобини, маънавий дунёсини шакллантириш етакчи масалалардан бири бўлганлигини куриш мумкин. Айниқса, истиқдолга эришилгандан кейин мазкур масала яна ҳам теранроқ англаб етилмоқда юксак маънавиятли шахс тарбияси барча жабхаларда лиққат марка зимиизда турибди. Маънавий тарбия масаласида, айниқса, адабиёти нинг ўрни ва роли бекёс эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Аллақачон шиорга айланиб ултурган «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» деган жумлада ҳам маъни вият сўзининг аввал келаётгани бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, ада биётга ошно кишиларнинг маънавияти бой булади, маънавияти бош кишилар эса, албатта, ўз келажагини ўзи истаганидек, умумбалий қадриятлар асосида, инсоний фазилатларга бой кўриниш шакллантиш салоҳиятига эга бўла олади. Бу каби маънан етук ақлан баркамол шахс тарбияси бугунги кунда юртимизда амалда бўлган таълимнинг барча босқичларида етакчи мақсадлардан бирин хисобланади.

Бевосита касбимдан келиб чиқиб, академик лицейлардаги адабий таълимда бадиий асар, айниқса, мумтоз адабиёт намуналарини таҳлил қилиш жараёнида ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантириш масаласига қай даражада эътибор қаратиш лозимлиги хусусида фикрларимни баён қилмоқчиман. Академик лицейлардаги адабий таълимнинг асосий қисмида (яъни 1—2-босқичлар) адабиётимиз тарихининг мумтоз адабиёт деб аталган даври ҳақида гап кетади. «Мумтоз» сўзининг сараланган, ноёб, дурдона маъноларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳақиқатан ҳам, мумтоз адабиёт вакилларини

адабий мерослари сараланган, ноёб, дурдона деган «унвон»ларга муносибdir. Мазкур асарлар ўқувчига эстетик завқ бериши, руҳий-хиссий таъсир ўтказишидан ташқари уларнинг маънавий оламини бойитади, ахлоқ-одобига ижобий таъсир ўтказади, ўз-ўзини ва атро-фидагиларни англаш, воқеа-ҳодисалардан тўғри холоса чиқара олиш кўникумаларини шакллантиради, ўқувчи қалбига йўл топишда яхшигина калит вазифасини ўтгай олади. Бунинг учун эса, аввало, ўқитувчининг ўзи мазкур асарларнинг моҳиятини тўғри англаши, санъат ҳодисаси сифатидаги жозибасини ҳис қила олиши, англаган ва ҳис қўлганларини ўқувчи онгига ҳам маҳорат билан сингдира олиши лозим бўлади.

Биламизки, мумтоз адабиётда асосан шеърий асарлар етакчи ма-вкеъни эгаллади. Бундан ташқари, мумтоз шеъриятни таҳчилил қилиш жараёни анчагина меҳнат талаб қиласидиган, етарлича назарий билимларга эга бўлишни тақазо қиласидиган жараёнцир. Мумтоз шоирлар мисраларининг «магзини чақиш»да биргина зоҳирий маъно билан чекланиш бирёқламаликни келтириб чиқаради ва бу шоирнинг бадиий маҳоратига баҳо беришда ҳам янглиш холосаларга олиб келади. Шеър таҳлилида шоирнинг эътиқоди, у яшаган муҳит, мафкура каби жиҳатларни инобатта олиш жуда муҳим. Биргина шеър ёки унинг бирор парчаси ҳақида ўнлаб ўқувчи ўнлаб фикрлар билдириши мумкин ва уларнинг ҳеч бирини қатъий инкор қилиб бўлмайди. Лекин мазкур фикрлар орасида, барибир, юқоридаги саналган омиллар: шоирнинг эътиқоди, у яшаган муҳит кабиларни ҳисобга олган ҳолда айтилган фикр энг ҳақиқатга яқини бўлиб қолаверади.

Академик лицейларнинг иккинчи босқич ўқувчилари учун «Адабиёт» мажмуасидан Алишер Навоийнинг қуйидаги машҳур рубоийси ҳам жой олган:

*Зоҳид, санга ҳур, манга жанона керак,
Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.
Майхона аро соқи-ю паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак¹.*

Ўқувчиларга рубоий ўқиб берилгач, биринчи бўлиб унда ишлатиляётган бутунги кун ўқувчиси учун изоҳталаб бўлган сўзларнинг маъноси тушунтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Биламизки, маз-

¹ Адабиёт. Мажмуа. Академик лицейларнинг иккинчи босқич ўқувчилари учун. Тузувчилар: Тўхслиев Б. ва б. – Т.: Чўлпон, 2012. – Б. 38.

кур рубоидда тилга олинаётган зоҳид, жанона, соқий, паймона каби сўзларни фақат зоҳирий маънода тушуниш бутунлай тескари хulosалар чиқаришга олиб келади. «Зоҳид» сўзининг лугатда «зухду тақво қилувчи» маъноларини англатишидан келиб чиқиб, зоҳидларни гуноҳ ишлардан ўзини асрайдиган, парҳезкор кишилар сифатида тушуниш тӯри бўлади. Модомики, зоҳидлар тақводор, гуноҳлардан ўзини эҳтиёт қиласидаган кишилар экан, нима учун лирик қаҳрамон унга «чап кўзи билан» қарайпти, деган савол туғилади. Мумтоз шеъриятда лирик қаҳрамоннинг зоҳидларга муносабати масаласига бирёқлама, зоҳирий маънода ёндашиш ўкувчини адаштиради. Тасаввуфий нуқтаи назардан сўфийларнинг мақсади ишқ воситасида нафсни енгиш ва нафсни енгиш орқали Ҳақнинг висолига, ризолигига эришишдир. Унинг учун жаннатроҳати-ю дўзаҳ азоби эътибор қилишга арзимайдиган нарса. Зоҳидлар эса қилаётган ибодатлари учун Худодан жаннат талаб қиласиди, дўзаҳ азобидан паноҳ тилайди. Чин ошиқлар эса бу нарсани таъма деб ҳисоблайдилар. Сўфий – ошиқларнинг қалбидаги ишқ тушунчаси эса ўкувчиларнинг кўпчилиги зоҳирий маънода тушнадиган икки жинс вакили орасидаги муносабатдангина иборат эмас. Сўфий – ошиқ ишқ воситасида Ҳақнинг висолига эришиши учун унинг (Ҳақнинг) талабларига муносиб бўлиши зарур. Бу талаблар эса Ҳақнинг буйруқларини адо этиши, маън қилган амалларини қилмасликдан иборат. Демак, сўфий Ҳақнинг висолига эришмок учун ахлоқ-одобда тенгсиз бўлиши, маънавияти юксак бўлиши, бир сўз билан айтганда, Ёрга муносиб ошиқ бўлиши лозим бўлади. Бу каби маргабага эришган ошиқнинг кўнглида эса жаннат таъмаси бўлмайди, дўзаҳ оловидан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам, жаннат таъмаси билан ибодат қилувчи зоҳидга қаратса «санга хур, манга жанона керак» ёки «жаннат санга бўлсин, манга майхона керак» дей хитоб қилмоқда. Бу ўринда жаннат умидида бўлган зоҳид учун жаннатдаги ҳурлар асосий мақсад бўлса, ошиқнинг «жанона»сидан мурод Аллоҳдир. Қисқа қилиб айтганда, лирик қаҳрамон ҳар кимнинг эҳтиёжи ўз хоҳишидан келиб чиқиб қондирилишини айтмоқда. Мумтоз шеъриятда «май» тушунчаси англатадиган маънолардан бири ва асосийси илоҳий ишқ экан, май ичмоқ илоҳий ишқи мубтало бўлмоқдир. Демак, майдан сархуш бўлиш илоҳий ишқ туфайли ақлидан мосуво бўлмоқдир. Зоҳиран май ичадиган жой майхона бўлса, тасаввуфда бу сўз Ҳақнинг зикри қилинадиган жойни, пирнинг ҳузурини англатади. Бундан кўринадики, «жаннат санга бўлсин, манга майхона керак» дейётган ошиқ аслида майхонада

муршиднинг ҳузурида илоҳий ишқдан сархуши бўлишни, Ҳақнинг висолига эришишни истамоқда. Бу истак тагида ҳеч қандай таъма йўқ. «Майхона аро керак» бўлған соқийнинг вазифаси атрофида-гиларнинг кўнғлига – паймонасига май қўйиш, яъни илоҳий ишқдан баҳраманд қилишдан иборат. «Аё соқий, суниб жоминг, қил эҳсон яшнасин диллар», дейилганидек, соқийнинг «жом суниши» – илоҳий ишдан баҳраманд этиши туфайли ошиқларнинг дили яшнайди, илоҳий ишқдан маст бўлади. Ошиқ майга – илоҳий ишққа шу қадар ташнаки, паймонаси – кўнгли ишқ билан қанча тўла бўлса, «паймона неча тўла бўлса, ёна керак» дея ишқни яна ва яна талаб қиласеради. Охирги мисрадаги «ёна» сўзи бир ўриннинг ўзида икки маънони ифодаламоқда, биринчиси, «яна» маъносида, иккинчиси, ишқ йўлида «ёниш», жондан кечиши маъносида. Адабиётшуносликда бу каби бир сўзни бир ўриннинг ўзида икки маънода қўллаш санъати ийҳом деб аталади. Атоуллоҳ Ҳусайнининг «Бадое ус-саноий» асарида ийҳом «каломда бир лафз келтирурларким, андин икки маъно англашилур»,¹ дея таърифланган ва сўзниңг луфавий маъноси «гумонга қўймоқ» эканлиги айтилган. Демак, рубоийдаги «ёна» сўзининг кўриниб турган зоҳирий маъноси «яна» эканлигидан келиб чиқиб охирги мисрани «кўнгилда ишқ қанча тўла бўлса, шу ишқдан яна керак» тарзида тушунилса, «сўзниңг яна бошқа маъноси ҳам бормикин» дея «гумонга борган» ўқувчи «ёниш» маъносини назарда тутган ҳолда мисрани «кўнгилда ишқ қанча тўла бўлса, шу ишқ йўлида ёниш керак» тарзида ҳам тушуниши мумкин бўлади.

Кўринадики, рубоийнинг асл моҳиятини англаган ўқувчи, аввало, ишқнинг асл моҳиятини тушуниб етади, яъни ишқ тушунчалиги ҳақидаги тасаввурлари кенгаяди, иккинчидан, мумтоз шоирларимиз назарда тутган ишқ ва мана шу ишққа мубтало бўлган ошиқнинг кечинмаларини ҳис қила оладиган даражага томон бир қадам кўяди, учинчидан, таъма билан бўладиган ҳар қандай амал, шу жумладан, зоҳидлар зуҳди ҳам, чин маънодаги ошиқнинг бетаъма муҳаббати олдида арзимас эканлигини англаб етади. Мумтоз шоирлар шеърларини шу тарзда таҳдил қилиб бериш ўқувчи қалбидаги сўз санъатига муҳаббатни яна бир погона кўтариш билан бирга уларнинг маънавиятли, ахлок-одобда мақтоврга сазовор бўлишларини таъминлайди.

¹ Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ ус саноийъ. Форс тилидан. А.Рустамов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 123.

20–30-ЙИЛЛАР ТАРЖИМАЛАРИ: ЎХШАПЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

C. Файзиева, магистрант (ЎзМУ)

Жон Голсуорси ўзининг «Адабиёт ва ҳаёт» мақоласида: «Адабиёт замин устида из қолдирилмайди, балки Вакътнинг қумлоқлари устида из қолдиради ва қочоқни шу изларга қараб топмоғи керак бўлган изқувварга раҳмларим келади», – деб таъкидлаган эди¹. Бу гапда жон бор, боиси адабиёт тарихини тафтиш қилишни мақсал қилган ҳар қандай шахс бу вазифанинг машаққатини гарданни олмаса, айтарлик натижага эришиши гумон остида қолади. XX асрнинг 20-йилларида содир бўлган ўзгаришлар силсиласини белгилаш мана шундай «изларга қараб топиш»га ўхшаб кетадиган муракаб жараёндир.

1920–1930 йиллар оралигидаги адабий муҳитда бадиий таржиманинг алоҳида ўрни мавжуд. Жаҳон адабиётидан таржима қилинган асарлар ўқиғувчиларга китоб ҳолида ёки вакъти матбуот саҳифалирида тақдим этилган. Илм-у урфонни халққа ёйишнинг «жадидча услуби» бўлган газета ва журналлар бу давр таржимачилигининг асосий манбаларидан ҳисобланади.

«Маориф ва ўқитгучи» журналининг 1925–1929 йилларда чон этилган сонларида жами йигирма еттита жаҳон адабиёти намуналари бўлган шеър ва ҳикояларнинг таржималари босилган. «Ер юзи» журналининг 1925–1927 йиллардаги нашрларида эса ўн бешта асар таржимаси учрайди.

Бу асарлар, балки бир-бири билан савияси ёки ҳажми билан фарқ қилас, лекин уларнинг ҳар бири миллий адабиётимиз шакллашишига, миллий асарларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгаришига озмикўпми таъсир ўтказди.

Бу асарларни кўздан кечирар эканмиз, айрим нуқталарда тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Чунки баъзи асарлар адабиётими тарихи учун бутунлай янги, баъзилари ўзбек адабиётида ўша даврда яратилган асарларга ўхшаб кетади, яна айримларининг эса бир неча муаллифлар томонидан қилинган алоҳида-алоҳида таржималари мавжуд. Шу боис 20-йиллардаги бадиий таржималарнинг хусусиятларини белгилаш учун, аввало, уларни таҳлил қилишимиз керак.

¹ Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. – Т.: Маънавият, 2010. – Б. 70.

Абдурауф Фитрат қаламига мансуб «Оқ мозор» ҳикояси «Худосизлар» журналининг 1928 йил 3-сонида босилган эди. Бу ҳикоянинг сюжети «ўзининг айтганига кўра етти маротаба ҳажга бориб қайтган» Ҳожи бобонинг «куф-суфлар» ёрдамида ўлими муқаррар касалларни ҳам даволай олиши, нафаси ўткирлиги билан боғланади. Воқеалар ривожида бу Ҳожига етишмаётган ягона нарса мачитининг ёнида «бир мозорнинг йўқлиги»да! Аллоҳнинг меҳрибонлигини қарангки, шу масалада афсус-у надомат чекиб юрган Ҳожига касалманд эшаги ёрдам бера қолади. Ўлиб қолган эшакнинг мозорига туғ тикиб, уни «Оқ мозор» аташ ва қозига «карматли эшакнинг васиятига биноан» ўттиз сўм бериш барча муаммони ҳал этади. Бу ҳикоя ўз даврида ҳам, ҳозирда ҳам атрофида баҳсталаб фикрларни йига олган. Лекин биз унга бошқа томондан ёндашмоқчимиз.

«Маориф ва ўқитгучи» журналининг 1925 йилдаги 2-сонида муаллифи қайд этилмаган, таржимони эса Маҳмуд Субай деб кўрсатилган «Омонат» ҳикояси чоп этилган¹. Бу ҳикоянинг қизиқ томони шундаки, унинг воқеалар ривожида Али исмлик қаҳрамоннин дарвеш бўлиш мақсадидан бир пирга қўл бериши, қайтаётганда пири «карматлиқ» деб берган эшакнинг жазирамада ўлиб қолиши, уни кўмган жойини зиёратгоҳга айлантириши каби манзарапларга дуч келамиз. Ҳикоя якунида эса Алиниң пири эгалик қиласидан зиёратгоҳдаги мозор Алига берилган эшакнинг онасининг қабри бўлиб чиқади(!)

«Омонат» ва «Оқмозор» ҳикоялари орасидаги бу ўхшашлик тасодифийми ёки бу сужет халқ оғзаки ижодида учрайдими, буниси энди мунозарали. Чунки «Омонат» Фитрат ҳикоясидан нақ уч йил олдин нашр этилган. Сўз ишлатиш маҳоратидаги «оқсоқлик» демаса, ҳатто номаълум муаллифнинг ҳикояси «Оқ мозор»га нисбатан қизиқроқ ҳам туюлади. Бу худди математикадаги параллел чизиқлар қоидасига мос келади. Икки бир хил чизиқ текисликда жойлашадио, ҳеч қаҷон ўзаро кесишимайди, бироқ доим ёнма-ён туради. Бу фикримиз билан Фитрат даҳосига даҳл қўлмоқчи эмасмиз, албатта. Шунчаки, «сайёр сюжет» ва «сюжетдан ижодий фойдаланиш» деган тушунчалар 20-йилларда ҳатто энг яхши саналган адиллар ижодида ҳам қузатиладиган ҳодисалардан ҳисобланган экан.

Рус адабиёти вакилларининг асарлари ҳамиша адабиётимизнинг ўрганилиш обьектларидан бўлиб келган. Чехов ҳикояларини таржи-

¹ Омонат//Маориф ва ўқитгучи. 1925. №2. – Б. 9.

ма қилиш анъанасини Абдулла Қодирий бошлаб берди, деб ҳисоблаймиз. Чунки 1936 йилда «Совет адабиёти» журналининг 3-сонида Қодирий таржимасидаги ҳикоя «Буқаламун» номи остида босилади¹. Шундан кейин Чеховни үзига устоз санаган Абдулла Қаҳхор ҳам бу асарни «Хамелеон» номи билан таржима киласди.

«Ер юзи» журналининг 1926 йилдаги 12-сонида С. Валиев мутаржимлигига Антон Павловичнинг «Буқаламун»и босилган. Демак, Чеховнинг илк таржимони Қодирий эмас, балки С. Валиев экан! Бу уч таржимани ёнма-ён қўйиб, таҳдил қилсан, улар орасидаги фарқ деярли йўқлигини кузатамиз. Бошқа айтарлик тафовутнинг мавжуд эмаслигини адиб асарлари тилининг гуҳталигига деб белгилаш мумкин.

2016 йилги «Тафаккур» журналининг 1-сонида Зухриддин Исимиддинов таржимонлигига Максим Горкийнинг «Она қасидаси» асари чоп этилди. Рус адабиётида Амир Темур сиймоси акс этган илк намуна бўлмиш бу ҳикоя «Италия ҳақида эртаклар» туркумiga киритилган. «Она қасидаси» ҳақида фикр билдирар экан, таржимон муаллифнинг муайян ғояни илгари суриш учун Темур образидан фойдаланганлигини таъкидлаб ўтади. Чиндан ҳам, онанинг буюклигини исботлаш учун келтирилган воқеада Амир Темур сиймосининг фақат ўғли учун дунёдан ўч олишга қасд қилган инсон сифатида жўнлаштирилишини бундан бошқа фикр билан изоҳдай олмаймиз. Таржима үзининг жозибадорлиги билан ўқувчини үзига тортиши бор гап. Лекин унинг янги эмаслиги ҳам ҳақиқат.

1928 йил «Маориф ва ўқитгучи» журналининг 4-сонида «Максим Горкийдан» сарлавҳаси остида ушбу асар нашр этилган. Мутаржим сифатида Қайсар Ҳикмат номи қайд этилади². Бизнингча, 3. Исимиддинов бу таржима намунаси билан таниш бўлмаган, чунки ҳикоя ҳақидаги изоҳларда бу ҳақда тўхталмайди. XX аср ва XXI аср тилининг қанчалик фарқ қилиши асарнинг икки таржимасидаги тафовуларга ишора қиласди, албатта. Аммо бу нарса мазмуннинг ўзгаришига таъсир ўтказмаган.

1926 йил инглиз ёзувчisi П. Гиббоннинг «Йўқолган виж-дон»³, америкалик адиб О. Генрининг «Қоқ нон»⁴, Р. Тагорнинг «Хайрли қарааш»⁵ ҳикоялари; 1927 йилда эса Чеховнинг «Му-

¹ Қаранг: Чехов. Буқаламун//Совет адабиёти, 1936. №3. – Б. 63-64.

² Қаранг: Максим Горкийдан//Маориф ва ўқитгучи, 1928. №4. – Б. 33-36.

³ Қаранг: Ер юзи журнали, 1926. №5. – Б. 5.

⁴ Қаранг: Ер юзи журнали, 1926. №6. – Б. 13-14.

⁵ Қаранг: Ер юзи журнали, 1926. №17. – Б. 8-9.

шуклар»¹, Ги де Мопассаннинг «Арқон»², Жек Лондоннинг «Франсис Аспайт»³, Умар Сайфиддиннинг «Туркча рецепт»⁴ каби асарлари «Ер юзи» журнали саҳифаларини тўлдириш билан бирга ўзбек адабиётида ҳам қаҳрамонлар психологиясини ёритишга кенгроқ ўрин ажратиши, пейзаж ва персонаж ҳолатининг алоқадорликда тасвирлашини сингари воситаларнинг такомил топишшида алоҳида хизмат қилди.

80-йилларда Тўхтасин Жалолов томонидан «Назари баҳайр»⁵ деб таржима қилинган Тагорнинг бир ҳикояси 1926 йилда «Хайрли қарашиб номи остида ўзбекчага ўтирилган (аммо муаллиф номи қайд этилмайди). Бу ҳикоя миллий адабиётимиз учун қаҳрамон портретини яратишида яхши мағба бўла олди. «Қоқ нон», «Мушуклар» ва «Туркча рецепт» ҳикояларида тасвирланган кинояли ва ачиқ кулги эса сатирик ва юмористик руҳдаги асарлар яратишнинг амалий тажрибаси сифатида из қолдирди. Жек Лондоннинг «Франсис Аспайт» ҳикоясида бугунлай бошқа ҳолат қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан, бошқа қаҳрамонлар билан конфликтга киришиши жуда теран «чизилади».

Юқоридаги қайдлардан келиб чиқиб, 20-йилларда жаҳон адабиётидан таржима қилинган асарлардаги асосий ҳусусият қилиб қуидагиларни белгилаш мумкин:

1. Бу даврда таржима қилинган асарларда воқеалар ҳаракати бирламчи ўринда туради.
2. Таржима асарлар кўп жиҳатдан миллий турмушимизга яқин бўлган воқеаларни акс эттиради.
3. Ҳар бир асарга яратилган ҳудудининг миллий характеристерини кўрсатиб турувчи қаҳрамонлар бош образ қилиб танланган.

¹ Қаранг: Ер юзи журнали, 1927. №18. – Б. 8-9.

² Қаранг: Ер юзи журнали, 1927. №20. – Б. 12-13.

³ Қаранг: Ер юзи журнали, 1927. №22. – Б. 11-12.

⁴ Қаранг: Ер юзи журнали, 1927. №24. – Б. 8-9.

⁵ Tagor R. Ҳикоялар. – Т.:Шарқ, 2006. – Б. 134.

МУНДАРИЖА

Бирипчи бўлими.

ХОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН

<i>Норматов У.</i> Адиллар талқинида адабий жараён.....	7
<i>Шарипова Л.Ф.</i> Шеъриятда дарё образи.....	13
<i>Ҳамдамов А.</i> Бадиий тил жозибаси.....	19
<i>Ҳамроқулов А.Ш.</i> Бадиий ҳақиқат ва эътиқод масаласи.....	22
<i>Усмонов О.</i> Мизлий қадриятнинг гўзал тажассуми.....	25
<i>Расулова У.</i> Замонавий қиссаларда шахс фожеаси талқини.....	28
<i>Кенжава П.У., Шамсиматова М.Б.</i> Луқмон бўрихон ижодига бир назар.....	31
<i>Мўминова С.А.</i> Маънавий бедорлик талқини.....	35
<i>Карамова Ш.Л.</i> Шеъриятда «рамз тили».....	42
<i>Холдаров Д.Э.</i> Ихтимоий муаммолар талқини.....	46
<i>Шералиева М.</i> Киноя ва интэртекстуалик масаласи.....	48
<i>Яқубов М.</i> Жастин Мароццининг «темур: ислом шамшири, дунё фотихи» тарихий романни ҳақида мулоҳазалар.....	52
<i>Ражабова Ф.</i> Қиссада услубий синкретизм.....	54
<i>Расулова С.</i> Тоҳир Малик қиссаларида «сиёсий маҳбуслар» қисматинининг ёритилиши.....	58
<i>Ҳамраев К.</i> Ҳикоя жанрида бадиий параллелизм.....	60
<i>Дабилов П.А. И.Юсупов</i> шеъриятида лирик қаҳрамон ва конфликт.....	66
<i>Мухиддинова Д.З.</i> «Бетоналашув» муаммосининг балий талқини.....	67
<i>Анданиязова Д.Р.</i> Бадиий матнда алпозив номларнинг ўрни.....	71
<i>Акбарова М.М.</i> Тарихий ҳикояда образ талқини.....	75
<i>Куронов С.</i> Лирик мушоҳада обьектининг воқеаликка кўчиши визуаллашувнинг бош омили сифатида.....	80
<i>Сайдова Б.</i> Чорраҳадаги икки адаб.....	84
<i>Суванов З.Н.</i> «Отамдан қолган далалар»: роман ва кинотарзин.....	87
<i>Шомуродова С.</i> Мехр ҳақида китоб.....	92
<i>Азизов Н.Н.</i> Игнабарг шеърнинг мазмун қатлами.....	95

Иккинчи бўлими

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ

<i>Жабборов Н.</i> Ўзбек матншунослигининг долзарб муаммолари.....	99
<i>Жўрақулов У.</i> «Ҳайрат ул-аброр» ва «Кутадгу билиг».....	105
<i>Олтинбек О.</i> Рауф Парфининг «Кишим хаёллари» туркуми.....	110
<i>И момова Г.М.</i> Адабий-бадиий сингез ва унинг ўзига хослиги.....	120
<i>Пардаев К.</i> Муқимийнинг икки ҳажвияси матни тарихидан.....	126
<i>Амонов Ш.</i> Қайта нашр эҳтиёжи.....	130
<i>Маткаримова С.</i> Ўзбек мумтоз адабиётида анъанавийлик.....	137
<i>Раҳимова Б.Б.</i> Холислик намунаси.....	140
<i>Казакбаев С.</i> Дидағтик адабиётнинг намуналари.....	144
<i>Болтаева Г.</i> «Хатинг андоқ сабзаким...».....	148

Жумаева С.Қ. Семантика ва тасвир мутаносибилиги.....	151
Мамажонов З.А. Ўхшатиши асосидаги санъатларнинг функционал ҳусусиятлари.....	153
Худойбердиев Ж.О. XI асрдаги адабиётшуносликка оид маълумотлар («Девону луготиг турк» асари асосида).....	159
Шарипова Н. «Ҳар кишиким тузлук эрур пешаси...».....	168
Абдулҳакимова О. «Сади Искандарий»да наботот, ҳайвонот, жамодот тасвири.....	172

Учинчи бўлим

АДАБИЁТШУНОСЛИК МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ТАРИХИ

Ҳ.Болтабоев. Бадиий матнга асосланган концепцияларнинг адабиёт назариясидаги ўрни.....	177
Каримов Б. Адабиётшунослик методлари ҳақида айрим мулоҳазалар.....	183
Жўракулов У. Навоийда «аброр» истилоҳи.....	188
Зоҳидов Р. Илмий-танқидий матн имкониятлари.....	193
Бегимов Ў. Замонавий «нома» жанрига доир.....	199
Қувонов З. Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари ва унинг ўрганилиши	203
Бозоров Қ. Матнишунослик тараққиёти ва Навоий ижоди.....	207

Тўртигчи бўлим

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК, ТАРЖИМАШУНОСЛИК ВА МЕТОДИКА

Очилов Н.К. Шеробод достончилик мактаби: анъанавийлик ва замонавийлик.....	211
Турсунова Н. Ўзбек драматургияси ва тўй маросими таркибидаги улумлар.....	215
Алғамбергенова И. Қорақалпоқ ҳалқ ривоятларини ўрганишнинг назарий тамойиллари	217
Хабибуллаева Ф.К. К проблеме воссоздания национальной самобытности в художественном переводе.....	223
Сапаева Ф.Д. Таржимада радифни акс эттиришида баъзи муаммолар.....	228
Каримова Н. «Қиёмат» романни таржимаси ҳақида айрим қайдлар...	232
Сунонӣ Ҳ. Адабий таълимда савол-топшириқлар устида иҷлаш тамойиллари.....	237
Ражабова И. Адабиёт дарсларини интерфаол усуллар асосида фойдаланишнинг илмий-педагогик тамойиллари.....	241
Исмоилова М. Интерфаол усул нега кириб келди?.....	244
Абидова Д.Э. Адабий таълим ва маънавий тарбия масаласи ҳақида...	246
Файзиева С. 20–30-йиллар таржималари: ўхшашлик ва ўзига хослик.....	250

**«Замонавий ўзбек
адабиётшунослиигининг янгиланиш
тамойиллари» мавзуидаги
Республика илмий-назарий
анжумани материаллари**

Лицензия рақами AI № 239. Босишга 2016 йил 21 апрелда рухсат этилди.
Бичими $60 \times 84 \frac{1}{16}$. Офсет қофози. Times TAD гарнигураси. Шартли босма
табоги 14,88. Нашр табоги 14,82. Адади 100 нусха. Буюртма № 71.

Оригинал макет тайёрланди «Adabiyot uchqunlari» нациёти. 100129,
Тошкент, Ўқчи кўчаси, 109.

«ADAD PLUS» масъулияти чекланган жамияти босмахонасида чоп этилди.
100097, Тошкент, Бунёдкор кўчаси, 28.
Телефон: 276-89-09

A-58 «Замонавий ўзбек адабиётшунослиигининг янгиланиш тамойиллари» мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари, – Т.: – «Adabiyot uchqunlari», 2016. – 256 б.
ISBN 978-9943-992-08-5

УУК 812.311(076.7)
КБК 817

ISBN 978-9943-992-01-5

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-992-01-5.

9 789943 992085